

Жаҳон бестселлери

**МИРЗАКАРИМ
НОРБЕКОВ**

**ТЕНТАКНИНГ
ТАЖРИБАСИ 2**

Ўзликни англатувчи иўлнинг калитлари



Жуда баҳти бўлиш ва ўз жуфти ҳалолингизни топиш ҳакида

УЎК: 821.512.133-7

КБК: 88.53

Н79

Норбеков, Мирзакарим

Тентакнинг тажрибаси 2. Ўзликини англатувчи йўлнинг калитлари
[Матн]: М. Норбеков. – Тошкент: Spectrum Media Group, 2016. – 400 б.

ISBN: 978-9943-4598-8-5

УЎК: 821.512.133-7

КБК: 88.53

Бу китобда муаллиф китобхонни ҳаракатга келтириш, бу ҳаётга нима учун келганини элашга мажбурлаш, ўзидаги ижодкорни, орзуларга бери-лувчи инсонни ва шоиртабиатлиликни уйготиш учун нафакат бор кучини, шу билан бирга ўттиз йиллик сабоқ бериш тажрибасини ҳам ишга солади.

Аник мўлжалга олинган ва катъий йўналтирилган тепкилар ёрдами-да Мирзакарим Норбеков танангизнинг чангини қоқиб туширас экан, ўта муваффакиятли, ўта бетакрор ва жуда баҳтли бўлиши учун китобхонни яхшилаб силкитиб олади.

Рус тилидан
Мехри БОНУ таржимаси

Масъул мухаррир:
Муҳиддин Омон

Такризчилар:
Ф.К. Анзиратов, тиббиёт фанлари доктори
Х.Н. Бобобеков, Турон фанлар академияси
ва Лейбниц номидаги Европа
табиий фанлар академияси академиги,
тарих фанлари доктори

ISBN: 978-9943-4598-8-5

© М.С. Норбеков, 2016.
© «Spectrum Media Group», 2016.

Қандай қилиб жуда баҳтли
бўлиш ва бунинг устига жуфтни
ҳалолингизни ҳам топиш ҳақида.

C

алом, менинг қадрли ўқувчим! Мен қайси жинс вакили эканингизни, ёшингизни ҳам билмайман-у, лекин Сиз ҳақингизда баъзи бир нарсаларни аниқ айта оламан. Сиз тентаксиз. Эсингиз ҳам жойида эмас. Рисоладагидек одам рисоладагидек яшайди. Сиз эса... Мен Сиздакаларни ўттиз йилдан ортиқроқ вактдан бери ўрганиб келмоқдаман.

Рисоладагидек одам бу китобни сотиб олмаган бўларди. Кўнгил очиб, хордиқ чиқариш учун ана телевизор бор, дам олиш кунлари эса табиат қўйнида кабобхўрлик деганларидек, ёки бар, дискотека ва кўплаб бошқа усувлар мавжуд. Нима қиласиз чираниб? Ҳозирги пайтда кўпчиликнинг уйида кутубхона ҳам йўқ. Фикримга кўшиласизми?

Мабодо Сиз шу даражада ўқимишли, аҳли дониш, яъни нафакат кутубхонага эгасиз, бунинг устига-устак у ердаги китобларни ўқиб чиқсан бўлсангиз ҳам, бу сизни ихтиёрингизда бўлған китоблардаги билимлардан ўзингиз учун фойдали нимадир ундирганингизни англатмайди, акс ҳолда биз ҳозир бу ерда учрашиб ўтирумagan бўлардик.

Мирзакарим Норбеков

Шуни билингки, азиз ва муҳтарам қадрдоним, мен Сизни ҳаракатга келтириш учун, бу дунёга нима учун келганингизни эслатиш, Сиздаги беназир яратувчанликни ва шоиртабиатлийкни уйғотиши учун нафақат бор кучимни, ўттисиз йилдан буён ийғиб келган жамики билимимни, салоҳиятимни ҳам ишга соламан.

Аниқ мўлжалга олинган ва қатъий йўналтирилган теп-килар ёрдамида гавдангизнинг чангини яхшилаб қоқишириб-куқуштириб, сизни шундай уйғотиб юборайки, токи сиз бу китобдан нима олиш мумкин бўлса ҳаммасини олишга эришинг, яъни сиз ниҳоятда муваффақиятли, ниҳоятда бетакрор ва тўла-тўкис баҳтли шахсга айланинг.

БИРИНЧИ ТЕПКИ **Кириш**

Бу бўлимда китобхон ўзининг 33 баҳтсизлигининг ҳақиқий муаллифини таниб олади, қовургаси остига бир жуфт туртки ва мушиҳада учун бир коса маълумотга ҳам эга бўлади. Яна шу билан бирга муаллифнинг баъзи бир калтафаҳмларга ҳам муваффақият билан етказиши учун қандай услугни қўллашини билиб оласиз.

卷之三

— и погорячился, что-то сказал, что не то, что
они хотят, — и я сидел в кресле, как в тюрьме.

Recent research has shown that the use of a single dose of antiviral drugs can reduce the incidence of hepatitis C virus (HCV) transmission from infected mothers to their infants.

After a year of negotiations, the two sides have agreed to a deal that will allow the U.S. to keep its military presence in Japan.

үпчилик одамларда «үқимишли», «зиёли», «одий мөд дүнгөтүшү» сыйалары зарикашын көйфүйттүүнүн үйгөтүб

«Колиң маълумотли» сүзлари зерикиш қайфиятини уйғотып, энсасини котиради. «Маънавиятли» сўзи сизга нисбатан

муруватли бўлиш, ачиниб қараш туйғуларини пайдо қи-

лади. Улар сизга қараб: «аттанг, шўринг қурғурнинг ахволи чатоқ ку бутунлай томи кетиб, копибди» деб ўйлашади.

Сизни нима сабабдан ва нима учун китоб ўқиётганин-

гизни улар зинхор англаб етолмайдилар. Сизда, қадрли ки-

тобхон, Худо берган қобилият бор эканини эса улар мутлақо түшүнүүшүмдөйли.

Бу ўзгаларнинг тажрибасини ўзига сингдириб, мазкур

илмларни ўзининг шууридан ўтказган ҳолда, уларни ҳаётда

құллай билиш қобилятидир. Бу қобиляят, агар аниқ айтадыған бүлсак таҳминан үн минг оламдан етти-саққизастасы.

диган булсак, тахминан ун миннэ сёдамдан эгтий-саккыртасын гагина насиб этади.

Англашга, билишга, мушоҳада юритишга бўлган бу ин-

тилиш, күпчилликнинг жинсий етилиш босқичида яхши ри-
вожданмай тұхтаб қолады.

Болламан, у хаса колади.

Миғзакабим Норбеков

Тахминан йигирма тўрт ёшларга келиб, одам вужуд деб аталадиган ўз қалъасининг гафлат кўчаларига сингиб кетади. Шунчаки қорини кўтариб юрган нафс бандаси, ўз қиёфасига эга бўлмаган биологик робот сифатида ўзгаларнинг тутириксиз, беъмани ҳақиқатларини тақрорлашниги на эплайдиган ва айни пайтда ушбу ҳақиқатларни ўз фикри деб ишонадиганлар тўдасига коришиб кетади.

Сизда эса маърифат учкуни ҳали сўнмаган. Демак, фақат қорин ғамида юргани учун нуқул ҳожатга қатнайдиган улкан тўда орасида сиз ўзингизни, ўзлигинизни сақлаб қолишингиз, камол топишингиз, севишингиз, ўз тақдирингизни ўзингиз яратишингиз керак.

Биз Сиз билан ушбу китоб саҳифалари орқали мулокот қиласиз. Сиз менинг маълумотларимни ўз дунёкарашингиз, онгингиз, «Бу нима?», «Бу шундаймикин ёки шундай эмасми кан?», «Бу менга тўғри келади, бу эса тўғри келмайди!» сингари шахсий ўлчовингиз, мезонларингиз элагидан ўтказасиз! Охир-оқибат қарабисизки, Мен Сизга уқтираётганларимнинг бари аллақачон Сизда мавжуд эканлиги ойдинлашади.

Мен Сизни ўзингиз шундок ҳам биладиган нарсаларни бажаришга мажбурлашим учун, бу китобга пешона тери билан топган пулларингизни сарфладингиз! Айтинг-чи, бу даҳшат ёхуд бемаъниликнинг ўзи эмасми?



Инсон онги ўзи учун тушунарсиз маълумотга, ўз хотирасида мавжуд бўлмаган маълумотга нисбатан ўзтиборсиз бўлиб, гўё уни пайқамайди.

Сиз ҳақингизда қисқача гапириб ўтдим. Энди ўзим ҳақимда ҳам бироз айтиб ўтмоқчиман. Қандай қилиб

Пентакни таъсифибаси 2

шу ахволга тушиб қолдим экан-а, мана, сизларга ўзингиз шундок ҳам биладиган нарсаларни ўргатяпман? Аслида, мен ҳам сизларга ўхшаган одамман. Шунчаки биз Сиз билан касб-коримиз жиҳатидан фарқ қиласиз, холос. Мен – мураббий бўлиб туғилганман.

Педагоглар (агар улар ҳақиқий педагог бўлишса) ўзларининг танлаган йўллари – савдо-сотик эмас, дастурловчилик эмас, қурувчилик ёки бошқа касбу кор эмас, балки айнан бошқаларга сабоқ бериш эканини яхши билишади. Инсон шундай бўлиб туғилади.

Бирор капалаклар коллекциясини тўплашдан завқ олса, бошқаси марка йиғишдан, учинчиси эса қирқ даражага соvuқда балиқ овлашдан роҳатланади. Жип машинасига ўтиради-да, юзлаб километр йўлни босиб ўтади, чодир ўрнатади, қалинлиги бир метрга яқин музни тешиб, куни бўйи ўтиради, кун охирида қоронғу тушгач эса катталиги атиги бармоқдек келадиган бир ҳовуч олабуға балифини овлай олганидан хурсанд бўлиб ортга қайтади.

Бинобарин, ҳар бир киши ўзгалар учун мутлақо тушунарсиз бўлган ўзининг севимли машғулотидан, эрмагидан роҳатланади. Масалан, мен бошқалар муваффақиятга эриша роса лаззатланаман. Ахир бу кимсага муваффақиятга эришиш сирларини тушунтириш учун қанча тер тўкишга тўғри келганини, баъзан шу мақсадда унинг ортидан тепки туширишга мажбур бўлганларимни бир мураббий сифатида яхши биламан-да.

Лекин энг муҳими шундаки, бу кимса мақсад сари астойдил интилди ва унга эришди. Энди у қандайдир марта-баю даражаларга эришиб, сен ҳақингда, сенинг борлигинг тўғрисида мутлақо унутиб юборган тақдирда ҳам, кунлардан бир кун телевизорми, газетами ёки Интернет орқалими сен унинг ҚАНДАЙ юксакликларни забт этганини эшитиб қоласан – ана ўшанда шунақангি роҳатланиб кетасанки, сабаби унинг муваффақиятларида сенинг ҳам ҳиссанг бор-да.



Мирзакарим Норбеков

Мана шу боисдан ҳам, бугун мен қора терга ботиб, елкаларингизни силталаб сизларга ҳаракат қилиш кераклигини жон күйдириб, тушунтиряпман. Хўш, бу қандай ҳаракат, деб сўрарсиз?

Масалан, дейлик, сиз бўйдоқсиз! Қачон оила қуришни режалаشتиряпсиз? Мавридини кутяпсизми? Қадрдон ўқувчим, иссиқкина уйда, оромкурсида ялпайиб ўтирганча кутяпсизми? Айтинг-чи, қайси бири қулайроқ – сизнинг оромкурсингизми ёки автобус бекатидаги ёмғирдан ҳўл бўлган ўринидки? Дейлик, сизнинг яккаю ягона бетакрор инсонингиз, бутун ҳаётингиз муҳаббати ҳозир автобусда келаётган бўлса-чи? Балки у айни дамда сизнинг оромкурсингиз ёнидан, яъни хонанинг у бурчагидан бу бурчагига қараб ўтиб қолиши мумкин, деб ҳисобларсиз?! Ҳеч қачон! Тушингизни сувга айтинг!

Демак, ҳаракат қилиш керак! Чунки Сиз замонавий дунёда яшаяпсиз! Туяга янтоқ керак бўлса бўйин чўзишга мажбур бўлганидек, Сиз ўзингизни оила қуришга мажбурашингиз керак.

Бошқа мисол. Сиз ёлланма ишда ишлайсиз. Ўз молиявий ахволингиз ўзингизни сираям қониқтирумайди. Демак, ўзингизни мудаффакиятга пешвоз чиқиш учун мажбурашингиз керак.

Худди бир латифадаги каби, икки синфдош учрашиб колишибди – бири бой, иккинчиси камбағал экан. Бойвачча камбағалга ўз тижорати қандай гуллаётганини, қанака давлатларга боргани, қандай ҳашаматли уй қургани ҳақида гапира бошлабди. Кейин эса «Сенинг ишларинг қалай?», – деб сўрабди. «Ёмон, беш қундан бери овқат еганим йўқ!» – дебди камбағал. «Сени қара-ю! – дебди бойвачча, – ўзингни мажбуrlаб бўлсаям емайсанми, ахир!»

Худди шундай, агар Сизда шу каби чала ишлар ва муаммолар бўлса, уларни бартараф этиш учун ўзингизни мажбуrlанг, уйланишга, турмушга чиқишга, фарзандли

Пентакини тажрибаси 2

бўлишга. Агар фарзандли бўлишга ўзингизни муттасил мажбуrlаб борсангиз, бир қуни қўққисдан лаззатланиш ҳолатини ҳис қила бошлайсиз!

Шу ўринда бир сиёsatчи аёлнинг гапи эсимга тушди. Бу ёлғиз хоним доим мухолифатда туради. Унинг машхур эътирози шундан иборат эди: «Жинсий яқинлик, яъни секс – зерикарли машғулот, мен бу ҳақда ўқиганман!»



Бахт – бу зерикарли иш, мудаффакият ҳам – агар бу ҳақда чиндан ҳам фақат китобларда ўқиган бўлсангиз – улар сиз учун зерикарли иш бўлиб қолаверади.

Ҳаракат қилиш керак, ўзингизни мажбурашингиз керак!

Ўзингизни доимий равиша мажбуrlайверсангиз бунга ҳам кўнишиб қоласиз.

Бир гуруҳ сайёҳлар йогаларнинг ибодатхонасида айланниб юришибди. Уларга сайёҳларни бошлаб юрган етакчи: – Мана, хурматли меҳмонлар, бизлар сизларга йогаларнинг қандай қилиб роҳатланиш, лаззатланиш ҳолатини ҳосил қилишларини кўрсатмоқчимиз, – дебди. Бу ерда кимdir гавдасини турли хил ҳолатга солғанча ўтирар, кимdir медитация билан машғул, яна кимdir эса бамайлихотир чой ичмоқда экан. Йогалардан бири эса пойгакчасида ўтирганча, катта болға билан ахён-ахёнда жинсий аъзосига уриб қолар эмиш. Сайёҳлар ундан «Ҳой жаноб, бу ишингизда қандай лаззат бўлиши мумкин?», – деб сўрашибди. «Агар мўлжалга тегсам ҳеч қандай лаззати йўқ, лекин мўлжалдан адашсам бу шундай роҳатижон лаззат бўладики!» – деб жавоб қилибди у.

Хурматли аёллар, сиз буни тушуна олмайсиз! Болға кўнғироқчага тегмай мўлжалдан адашгани қандай лаззат,

Мирзакарим Норбеков

қандай роҳат эканини фақат эркакларгина билади! Айтгандай, азиз китобхон, юқорида келтирилган йога сизга ҳеч кимни эслатмаяптими?...

Хулоса: ўзингизни мажбурлашингиз керак! Инсон ҳар қандай кийинчиликка ҳам кўнисиди. Кийинчилик билан топган миллиардларингиздан ҳам лаззатлана оласиз. Ўзингизнинг ёлғизлигинги ва зерикарли ҳаётингиздан ҳам лаззат топаяпсизку! Йў-ўқми?! Нима, мени эҳтимол аллақандай бизнес ҳақида гапиряпти, деб ўйлаётгандирсиз. Қандайдир миллиардлар ҳақида гапиряпманми? Аслида қандай қилиб оила қуриш мумкинлиги ҳақида гапиришга ваъда берган эди, бироқ энди чўпчак айтиб беряпти, деб ўйлаётгандирсиз.

Сўфийлик таълимотида инсон ҳаётининг 495 томони, кирраси бор деб ҳисобланади. Айлана стол атрофида 495 рицар ўтирар экан, уларнинг биронтаси ҳам бошқасининг ўрнини боса олмайди.

Улардан бири ақл-идрок, бошқаси – тана, учинчиси – эр-хотинлик ҳаёти, тўртингиси – овқатланиш, бешинчиси – жинсий муносабат, олтинчиси – ота-оналик туйғулари, еттингиси – саломатлик, саккизингиси – уй-жой ва ҳоказолар учун масъул.

Рицарлардан бири жуда қизиқ номга эга. Унинг замонавий номланиши «бизнес». Агар рицарлардан бири йўқ бўлса, у ё касал, ёки етарлича чиниқмай қолган... У ҳолда инсонга ҳар доим ва ҳар ерда баҳтдан, муҳаббатдан бебахралик ҳисси ҳамроҳ бўлади.

Бизнес – бу ҳаёт.

Мен учун инсонларнинг одатий ҳаёти, худди эгнига балиқ овлайдиган тўрни ёпиниб олганча, февраль күёшидан исиниш учун ҳовлига чиқиб турган одамни эслатади. Тўрнинг ҳамма тешикларидан эса унинг барча ҳаётий қувватлари тўкилиб кетяпти. Нима учун шундай?

Чунки инсоннинг чуқур онг остида ҳали улғаймаган, ота ва онага муҳтоҷ гўдак жойлашиб олган. Яхшигина ўрна-

Пентакнини тажрибаси 2

шиб олган мана шу иллат, мана шу нотўқисликлар мажмуи, турли хил қўркувлар исканжасида қолган гўдак каби ўзига четдан амаки, ота-она топиб, уларнинг қаноти остига кириш истаги тарзида намоён бўлади.

Лекин бу гўдак билан бир вақтнинг ўзида ҳар биримизнинг ички дунёмизда сардор, ҳар биримизда етакчи ҳам бор-ку, зоро, менинг вазифам – сиздаги мана шу етакчини уйғотиш! Сизни бетакрор қилиш, жинсий қуввати баланд инсон қилиш... Қачонки одамнинг жинсий қуввати юқори бўлса, бу одам ҳаётда муваффакият қозонади. Карьера ва юқори жинсий қувватга эга бўлиш – моҳиятан битта нарса.



Мен жинсий қувват ҳақида гапирад эканман, Яратганинг ҳар биримизга наслимизни давом эттириш учун баҳш этган туб ҳаётий қувватни назарда тутяпман.

Жинсий қувватдан ташкари яна нимага тўхталамиз? Хотирани яхшилашга! Лекин аввал сизларни, азиз китобхон, бизнинг фахрийларимиз деворий тахтасидан ўрин олган кишилар билан таништирмоқчиман.

У ерда менинг ёрдамим билан ҳаётда муваффакиятга эришган шахсларнинг рўйхати қайд этиб қўйилган.

Мана менинг йигирма йиллик қадрдон дўстим... Биз у билан Екатеринбургда учрашиб қолганимиз. У машгулотларни бошлади ва бугунги кунда якка кураш турларидан бири бўйича биринчи ракамли спортчи. Саккизинчи дан соҳиби. Мен тўққизинчи дан соҳиби бўлган одам билан ҳам учрашганман, лекин у тўйларни олиб борувчи ўртакаш эди.

Ёки бўлмаса профессионал бокс бўйича, супероғир вазнда жаҳон чемпиони ҳам – бизнинг одам.

Тўғри, мен у билан тўғридан-тўғри ишлаганим йўқ, лекин кимлардир орқали бўлса-да унинг ғалабаларини таъминлашда иштирок этдим. Бу йигит бизнинг Тошкентдаги мураббийимизнинг кўл остида шуғулланарди. Мураббийимиз эса собиқ жаҳон чемпиони, ушбу соҳа бўйича ўша пайтларда Ўзбекистондан чиққан ягона жаҳон чемпиони.

Ўқитувчимиз у йигитнинг зарбалари устида ишлаш билан бирга унинг руҳиятини ҳам чиниктиради. У устоз бир неча марта менга шогирди ҳақида гапириб берганди. Ҳар гал Тошкентга келганимда у менга: «Шогирдимни машқ килдирипман, у кўп босқичли Октава машқини бажаряпти, мен уни нафас олиш машқларига ўргатяпман», – дерди. Мен эса ўшандада бу гапларга эътибор ҳам бермагандим. Нима учун? Чунки боксчиларнинг машғулоти мени қизиктирмасди. Лекин ўша шогирднинг супероғир вазнда жаҳон чемпиони бўлганини эшитганимда, менинг хаёлимдаги фикрлар ҳам дарров жой-жойига тушди.

Бошқа бир шогирдим мерганлик бўйича чемпион.

Спортнинг кўплаб йўналишлари бўйича бизда Олимпиада чемпионлари бор. Мана, масалан, машҳур гимнастикачи қиз. Менинг умуман хаёлимга ҳам келмаган эди. Токи телевизорда «Ким миллионер бўлишни хоҳлайди» кўрсатуви орқали қизнинг онасини кўриб қолмагунимча уни билмагандим. Фақат кўрсатувдан кейингина билиб қолдим. Биз унинг онаси билан яхши танишмиз. У бизнинг институтимида кўп йиллардан бўён ўқитувчи бўлиб ишлайди.

Россиянинг ўнта миллиардери орасидан учтаси бизнинг битиувчилар. Тўрт йил аввал Путин Россиянинг ўнта энг яхши бизнесменларини қабул қилганида, улардан олтитаси бизнинг битиувчилар эди. Бунгача эса улар машғулотларимда менинг рўпарамда ўтиришарди, мен уларнинг ҳар бирига тихирлик қилганча: «Сен нимани хоҳлайсан? Аввал ўзинг нима хоҳлаётганинг аниклаб ол, ана ундан кейин бир-бirimizning бoshimizni қотиришни бошлаймиз», – дердим.

Пентакнини тажфибаси 2



Азизларим! Ўзингиз нимани хоҳлаётганингизни аниклаб олинг!

Агар нима хоҳлаётганингизни ўзингиз билмасангиз, менинг сизга қандай фойдам тегиши мумкин? Мана, мен Сизнинг олдингизда бир кутубхоначи мисол турибман. Мендаги бор маълумот кўз очиб-юмгунча сизга ўтади-қолади, устига-устак бу илмлар янада яхшироқ шаклда сизники бўлиб қолади.

Қандай қилиб соғлом бўлиш, қандай қилиб бой бўлиш, қандай қилиб баҳтли бўлиш, барча орзулари амалга ошган инсон бўлиш, қандай қилиб ўзининг ожиз томонларини англаб етиш ва уларни енгиш, қандай қилиб ўзининг кучли томонини ривожлантириш... Мана шулар учун биз Сиз билан бу ерга йифилдик. Шунчаки Сизга иккинчи ярмингизни топиб бериш учун эмас, шу билан бирга Сиздан ажойиб, бетакрор, муваффақиятли шахсни яратиш учун ҳам дийдорлашиб турибмиз.



Қанақа ишга киришишингиздан қатъи назар, бизга фақат биринчи ўрин керак!

Бизнинг муваффақиятларимиз сири нимада? Сиз нима деб ўйлайсиз? Бунга бироз изоҳ бериб ўтишга ижозат берсангиз. Минг-минглаб турли хил мактаблар мавжуд. Москвада ҳар иккى ойда бир марта илғор, етакчи марказлар раҳбарларининг ассоциацияси йиғилиб туради. Йигирма беш раҳбар. Машҳур мураббийлар, замонавий тил билан айтсак – коучерлар.

Мирзакарим Норбеков

Хуллас, мен ҳам уларнинг орасида борман. Уларнинг сўзларига кўра, якуний натижа, унумдорлик ва сермаҳсуллик бўйича менинг тизимим биринчи ўринда турар экан. Мен муваффақиятли инсонларни чархлаб, пешлайман, шу кунгача бутун бошли бир клубни чархлаб бўлдим.

Ўзим етиштирган миллионерлардан ташкил топган клубимда бир кизик ҳолатга тўқнаш келдим. Улардан ўнтадан тўққизтаси ўзларининг дастлабки миллион долларини албатта йўқотади. Бир миллионча ишлаб топишади – бойликтан ажралганча шалоп этиб чалқанчасига кўлмакка қулаг тушади. Кейин эса ҳаммаси бошидан бошланади.

Ўз вақтида деярли ҳаммада шундай бўлган. Нима учун? Чунки уларнинг онгида катта бойлика тайёр эмаслик хисси ўрнашиб колган. Қачонки қўркувлар ўтиб кетиб, тайёр бўлиш ҳолати шакллангач, уларда кейинги босқич бошланади.

Айтгандай, Сизни эса ҳали ўз хусусий ишингизни бошлашга кўндиришим керак. Узоқ эзмаланиб, минг бир азобда Сизни бой ва бахтли бўлишга рози қилишим керак! Сиз эса бунга димоғдорлик билан қаршилик қиласиз, чунки маразм дегани – яъни маънавий тушкунлик сизнинг миянгизнинг туб-тубига сингиб кетган-да. Бу ёлланма ишда ишлайдиганларнинг орасида жуда кенг тарқалган касаллик. Бундайлар қулоғигача ботқоқقا ботиб ўтирад экан, ўзича ҳолвани ҳолвадан яхши фарқлай оляпман-ку, деб ўйлади!

Қадрли китобхон, бу Сизга қаттиқ тегиб кетдими? Демак, гап аниқ сиз ҳақингизда! Агар кулаётган бўлсангиз-чи? У ҳолда ҳам гап сиз ҳақингизда экан. Биз қачон куламиз, қачонки шу вазиятда ўзимизни таниб қолсак. Бундан олдин нима ҳақда гапираётган эдик? Ёдингиздан кўтарилдими?

Демак, сизга эслатиб ўтаман, менинг фаромушхотирларим, Сизга таълим бериш технологияси ҳақида гапираётган эдим.

Тенгакниң тажрибаси 2



Шу лаҳзадан бошлаб мен Сиз билан максимал даражада ишлай бошлайман.

Нима ҳақида гапиришимиздан, қайси мавзуни танлашимиздан қатъи назар,

менинг биринчи галдаги асосий вазифам бу – маълумотларнинг Сизнинг хотирангизда муҳрланиб қолишига эришиш!

Тезкор таълим бериш тизими нима учун керак? Сизнинг маълумотларни эслаб қолиши ҳудудингиздаги могор босган интеллектингизни четлаб ўтиш учун. Ҳаммамиз ҳам қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотирага эгамиз.

Узоқ муддатли хотира инсонда жинсий ривожланиш ёшига қадар устунлик қилиб туради. Жинсий етилиш пайтидан бошлаб эса жуда кўплаб янги таассуротлар, залворли маълумотлар ўтадиган дарвозанинг ёпилиши бошланади – уларнинг барчasi интеллект иши учун пойdevor бўлиб хизмат қилган.

Жинсий етилиш давридан кейин инсоннинг яна таълим олишни давом эттириши табиат томонидан кўзда тутилган эмас. Шу даврдан кейинги таълим олишни давом эттиришнинг ҳаммаси – бу охирги 300 йил ичida одамлар томонидан ўйлаб топилган. Демак, биз энди табиат қонунини четлаб ўтишимиз керак бўлади.



Тезкор таълим бериш усули ушбу ҳолатни инобатга олади, яъни бунда узоқ муддатли хотира дарвозаси қандайдир лаҳзага очилади ва шу заҳоти шартта ёпилади.

Сиз ушбу дарвозани пешонангизни қашқа қилиш ҳисобига очишингиз керак. Бутун китоб мобайнида ҳар тўртбеш дақиқада мен сизнинг кайфиятингизни сунъий равишда ўзгартириб тураман. Бунинг натижасида Сизнинг бир қатор аслаҳаларингиз пайдо бўлди ва сиз улардан автоматик тарзда фойдалана оласиз. Дарвозаларни очик қолдириш учун ҳамма нарсадан: шу пайтгача эшитмаган бемаъни ҳазиллардан ҳам, ҳижолатга туширувчи сўзлардан ҳам фойдаланамиз. Хоҳ бизнес бўлсин, бошқа жинс вакили билан танишувми, соғликни тиклашми ва бошқа яхши ишларми, хоҳлаганингизни танлашингиз мумкин.

Биринчи. Балоғат ёшидан ўтганингизга анча бўлганини хисобга оладиган бўлсан, бу пайтда одатда маълумотлар қисқа муддатли хотира ҳудудига келиб тушади. Дейлик, бу китобни тўрт-беш дақиқадан бери ўқияпсиз, сизнинг онгингиз хотиржам бўла бошлади. Уч кундан бўён кийиб юрган пайпоғингизнинг хиди ҳам асабингизга тегмай қўйди...

Мен бу ёкимли ҳиддан қандай фойдаланганимни сездингизми? Сиз уни эсладингиз ва онгингизнинг қабул қилиш дарвозаси қисқа муддатга очилди! Мабодо Сиз қўланса пайпоқларни коллекция қилувчи ахлоқсиз бўлсангиз, мен кутилмаганда бошқа бир жирканч жумла ёки беъмани латифани айтиб беришим ҳам мумкин. Айтгандай, азиз китобхон, маданиятли одам ҳеч қачон «бор, йўқол ўша... жойга» демайди, у «кўяръяман, сиз ҳали узоқларга борасиз!» дейди.

Лекин, мен албатта, сизларга бунақа демайман. Нима учун? Чунки сиз шундок ҳам аллақаҷон ўша ердасиз. Қандай бўлмасин у ердан чиқиб олиш керак! Нега менга ўқрайиб турибсиз? Кўлга тушдингизми? Менинг илмий услубим шунақа.

Айни дамда мен беодоблик шаклини қўлладим. Бу ҳам таълим усуllibаридан бири. Одатда ўқувчилар ўқитувчининг маърузасини қачон тинглашни бошлайди, қачонки ўқитувчи адашиб кетса, хато қилса. Бошқа пайт улар ўзларининг ишлари билан банд бўлишади.

Пентакнини тажрибаси 2

Мен китобда атайлаб баязи нарсаларни бир неча бор таърорлашим мумкин. Гоҳ у томондан ёндашаман, гоҳ бу томондан. Токи бу нарса сизнинг онгингизга икки карра икки тўрт сингари ўрнашиб қолмагунча. Ҳатто бунинг учун мендан жаҳлингиз чиқса ҳам.

Мабодо китоб ўқишни бошлагандан бери кулаётган бўлсангиз-чи? Узоқ хурсандчилик қилиш ҳам ярамайди. Агар хурсандчилик аломатлари юзингизда беш дақиқадан кўпроқ вақт ушланиб қолган бўлса, мен сизнинг кайфиятингизни ўзгартираман. Буни қандай қилиш мумкинлигини жуда яхши биламан. Сиз албатта қармоқقا илинасиз. Токи устига мағзава ағдарилгандек дарғазаб бўлиб, Норбеков деганинг уриб оёғини синдириш керак, жуда бўлмаса бошини ёриш керак, деб тургунингизча, бу пайтда мен тўғри кийиниш ёки соғлом овқатланиш ҳақидаги маълумотни ми янгизга жойлаб кўяман. Тушуняпсизми? Яъни билимларни ҳиссиётлар билан бирга боғлаб узатиш натижасида улар узоқ хотирага келиб тушади.



Хозироқ келишиб олайлик, менга тезкор таълим бериш услубларидан максимал даражада фойдаланишим учун рухсат берасизлар! Бу албатта, ўзингизнинг фойдангиз учун!

Иккинчи. Мен битта мавзуни бошлаганимда, уни тугашибга ҳаққим йўқ, бошқа мавзуга сакраб ўтаман, у ердан учинчи, тўртинчи, бешинчи мавзуга. Энг самаралиси – бу битта машғулотда йигирма бешта мавзуни баравар олиб бориш.

Лекин бу нарса мен учун охирги пайтларда жуда оғирлик қиляпти. Бирваракай йигирма беш мавзуни олиб бориш

учун бўлган охирги уринишумда, эгнимда ҳўл бўлмаган кийимнинг ўзи қолмади. Шунчалик терлаб кетганимдан, сиз ўйлаган нарсадан эмас! Яъни мен бирданига кўплаб мавзуни бошлайман ва Сизда, менинг муҳтарам биороботим, қисқа туташув ҳолати юз беради, чунки бошланган биронта мавзу ҳам мантиқан тугалланмайди-да!

Жинсий етилиш давридан кейин мантиқан бошланган, мантиқан давом эттирилган ва мантиқан тугалланган маълумотлар қисқа муддатли хотирага тушадиган тайёр маҳсулот сифатида қабул қилинади. Ишлов берилишида онгингиз иштирок этмаган, мия бурмаларининг зўриқишига сабаб бўлмаган ҳар қандай маълумот эса аста-секин изсиз йўқолиб кетади.

Биз ўз вактида лаборатория шароитида инсоннинг ўзлаштира олиш қобилиятини тадқиқ қилгандик. Бизда иккита гуруҳ бор эди – тажриба остидаги гуруҳ ва назоратдаги гуруҳ. Назоратдаги гуруҳда ўзлаштириш оддий усулда амалга оширилган эди.

Тажриба остидаги гуруҳ учун лаборатория бошдан-оёқ аппаратура билан жиҳозланганди. Ҳаттоқи ўтирадиган стулларга ҳам ўн-ўн бешга яқин турли-туман огоҳлантириш курилмалари – датчиклар ўрнатилган. Биз тажрибага жалб этилганларнинг ташқи асаббузарликларга нисбатан ҳар бир реакциясини турли таҳлиллардан ўтказардик. Шундай экан, бу тизимнинг асосида инсон психикаси билан боғлик кўп йиллик тадқиқотлар ётиби.

Кайфиятингиз қандай? Меъёрга келиб қолдими? Беш дақика тугай деб қолди, демак мен яна нимадир ўйлаб топишм керак. Хўш, сиз бугун жинсий мулоқот билан шуғулландингизми?

Кўярпизми, сиз зерикиш, паришонхотирлик ҳолатидан бир зумда чиқиб олдингиз. Энди йўл-йўлакай ҳаёлий фантазияларингизга яхши муомала борасидаги маълумотларни ҳам кўшиб юбориш мумкин. Ва кейинги гал жинсий алоқа

Пентакнини тажрибаси 2

билан машғул бўлган пайтингизда, санчкини қайси қўлда ушлаш керак эди, деб эслашга уриниб кўринг. Менинг азиз сўққабошгинам...

Чалғиб кетманг, давом этамиз.



Йиллар ўтган сайин ёши улуг одамларнинг ҳатти-ҳаракатидаги бир хиллиқда қолиб кетиш хавфи ривожланиб боради, қабул қилишларида эса ич қотиш ҳолати юз берган бўлади. Улар шунингдек, теварак-атрофдагиларнинг қандай ўтириб, қандай юриши кераклиги борасида ҳам аниқ ва қатъий нуқтаи назарга эга бўлишади.

Мана масалан, агар мен қўлимда торт билан, оёқяланг, иштончан ҳолатда сизнига кириб келсан, сиз менга “бу эсини еб қўйганми” – деган хаёл билан анқайиб қоласиз. Жинсий етуклик давридан кейин ҳар биримизнинг онгимизда дунёнинг тузилиши ва ундаги одамларнинг қандай ҳаракат қилиши борасида метиндек мустаҳкам нуқтаи назар ўрнашиб қолади. Агар бу ҳатти-ҳаракатлар қолипига бирор одам тўғри келмай қолса, бизда шу заҳотиёқ унга нисбатан хаёлан уни йўқ қилиб ташлаш истагига ўтиб борадиган жирканиш ҳисси юзага келади. Бу одам айнан “мен қандай кўришни хоҳласам шундай эмаслиги” борасидаги фикрларнинг пайдо бўлиш даври – мижғов чол ёки интеллектуал маразм даври – деб аталади.

Ва шу заҳоти калима қайтариб, «Астағфуруллоҳ! Астағфуруллоҳ! Астағфуруллоҳ!» деб қўйиш керак.

Табассум қилинг, азизим, қоматингизни ростланг! Ҳаёт жуда ажойиб нарса-да! Кўзингизда ғилайлик борми? Йўқми? Унда нега менга китоб устидан олайиб қўйяпсиз?

Учинчи. Мана мен оддий ҳаётда сўкиниш сўзларини умуман ишлатмайман. Уларни ёқтирумайман. Лекин ишда бу курдатли ва муҳим қурол. Биз «Омад устахонаси» курсларининг биринчи кунги машғулотларида беъмани латифаларни айтиб берамиз. Нима учун: Бу сизлар билан менинг ўртамиздаги масофани яқинлаштиради. Бизларнинг ўртамиздаги субординация девор бўлиб туради. Мен ўзимни академик қилиб кўрсатаман. Сиз ўзингизни берилиб ўқиётган қилиб кўрсатасиз. Мен ўзимни бу худди Сизга керакдек тутаман. Сиз эса бу худди Сизга қизиқдек кўрсатасиз. Бу сохталикни бартараф этиш, мулоқотимизнинг максимал фойдали бўлиши учун ҳам мен мана шу хилдаги бироз қўпол, бироз бачкана ибораларни кўллайман.

Бир денгизчи уч йиллик денгиз сайёҳатидан кейин жуда эҳтироси тошиб қайтиби. Уларнинг кемаси портга сузуб кириб келар экан, денгизчи ўзича ўйлабди: «Хозир қирғоққа тушаманда, биринчи дуч келган билан айшу ишрат қиласман!»

Ва шу пайт унинг рўпарасидан бўғирсоқ чиқиб қолибди. Денгизчи қувонганча дебди: «хозир сени...!». Бўғирсоқ унга: «Менда бунинг имкони йўқ», дебди. Денгизчи эса ҳовлиқсанча бўғирсоқнинг у ёғини, бу ёғини гир-гир айлантирас экан, шоша-пиша бакира бошлабди: «Бу овоз қаердан чиқди? Бу овоз қаердан чиқди!»



Менинг вазифам доимий равишда
Сизни мувозанат ҳолатидан чиқариб
туриш!



Пентакини тажфибаси 2

Сизни, қадрли ва муҳтарам ялқовгинам, хафа қилиш ёки ҳақорат қилиш менинг хаёлимда ҳам йўқ. Мени худди ўзингизнинг калбош эгизагингиз сифатида қабул қилинг. Мен атайлаб Сизнинг жигингизга тегишга ҳаракат қиласман. Сиз эса «Хах сеними, ярамас! Мен ҳозир сенинг таъзирингни бераман!» деб қоласиз.

Сизни кўлингизда ғишт кўтарган ҳолда ортимдан югураёттанингизни кўрган заҳотим, Сиз учун керакли бўлган йўналишда қочиб қоламан. Қайси тарафга? Сизнинг таҳтиравонингиз турган тарафга-да. Таҳтнинг ортига бекиниб оламан-да бундай дейман: «Мана сенинг таҳтинг. Мавр ўз вазифасини адо этди!»

Қадрли китобхон, эҳтимол Сиз, бу яна қанақа таҳт бўлди, дерсиз? Сиз буни эплолмайсиз, уни билмайсиз... умуман бошдан-оёқ омадсиз рўдапонинг ўзисиз-да? Шундайми?

Микро ва макродунё қонунлари бир хил. Худо томондан улар битта зуваладан ясалган. Қайсиdir соҳада Сиз ўзингизни яхшироқ хис қиласиз, тушунасиз ва ижобий натижаларга эришасиз. Ўзингизга нисбатан ишончингиз бўлмаган ишда, бу борада менинг тажрибамнинг сариқ чақалик қиммати йўқ, деб ўйлайсиз. Аслида эса Сиз бор-йўғи ўз-ўзингизни яхши билмайсиз, холос.

Йўқ жойдан ўзингизга муаммо яратасиз, кейин унга ўзингиз ҳам ишона бошлайсиз. Мутлак даражада хамма нарсани билиш шарт эмас, хамма нарсани бу дунёда ҳеч ким билмайди. Ҳаётнинг бир нечта жабҳаларида ўзингизни бошқалардан кўра яхширок уддалаёттанингизни кўришнинг ўзи кифоя.



Демак, бу бўлимда Сиз устозга эгасиз.

Худди шу бўлимдаги ўзингизнинг нуқтаи назарингизни ва тажрибангизни бошқа бўлимга кўчиришингиз ва у ерда ҳам ажойиб натижаларга эга бўлишингиз мумкин!



Илтимос, жимжилогингизни қулоғингизга тиқинг. Уялманг, тиқаверинг. Қулоғингизнинг ичини роҳатланиб қашиб кўйинг-чи. Қашладингизми? Қаерда лаззатни ҳис килдингиз? Бармоғингиздами ёки қулоғингиздами? Мана ҳозир биз «Эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатдаги тафовут ва ҳаётда кўпроқ кимнинг омади келди» мавзуидаги сексология фанига экспресс-курс уюштиридик.

Бахтиёрлик ҳолатининг, қониқканлик ҳолатининг ижтимоий мақомга ҳам, моддий бойликка ҳам, маълумотлилика ва бошқасига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ. Демак, бахтни четдан қидиришга ҳам ҳожат йўқ.

Агар Сиз қўни-қўшнилар ёки ўзингиз билан битта шаҳарда яшовчи ҳамشاҳарларингиз билан ким ўзарга му-собақалашаётган бўлсангиз, у ҳолда ҳаётингизнинг бебаҳо вақтини шамолга совурган бўласиз. Биз атрофимиздаги одамлардан нима яхшию нима ёмон, нима энг бебаҳою нимадан киши ўзини олиб қочиши кераклиги ва бошқа-бошқа маълумотларни оламиз.

Ва биз бу маълумотларни босма қоғоз сингари ўзимизга шимиб олар эканмиз, шу муҳитда, шу маълумотлар гирдо-бидиа ҳаётнинг мазмунини топишга, камолотга эришишга уринамиз. Ўз вақтида сон-саноксиз одамлар миллатчиликнинг ғояларига ишонган ва «Ҳайл, Гитлер!» деб турган бир пайтда бошқа оломондагилар «Сталин учун!» дея бақираётган эдилар.

Бугун бу ҳайқириқларни эшитсак, у бизга қандай таъсир қилган бўларди? Улар эса кўр-кўrona ишонган эдилар. Четдан тиқиширилган бу маълумот учун одамлар ўлимга ҳам тайёр эдилар. Сиз нималар учун ўлимга ҳам тайёrsиз? Ниманинг эвазига ҳатто ўлдиришга ҳам тайёrsиз? Қандайдир эркак учун, қандайдир аёл учун, қандайдир мансаб учун, қандайдир пуллар учунми?

Марҳамат қилиб ўйлаб кўринг-чи, ўзингизда бошқалар томонидан тиқиширилган қандай қадриятлар бор. Газе-

Шентақнини тажрибаси 2

та орқали, телевизор орқали, бевосита шахсий мулокотлар орқали одамлар доимий равища зомбилаштирилади.

Сўнгра эса ўзингиздаги ҳақиқий, асл қадриятларни топишга урининг. Ўз қалбиниз билан чин дилдан гаплашиб кўринг. Бу ҳаётда пул учун эмас, шуҳрат учун эмас, қўни-қўшниларнинг эътирофи учун эмас, ўзингиз ҳақиқатан, росманасига нимани истаган, нималар килишни хоҳлаган бўлардингиз? Нима сизни том маънода бахтиёр қилган бўларди?

Машғулотларда мен доимо берадиган анъанавий савол: Нима учун бутун бошли бир пода кичкина бир болага бўйсунади? Ҳолбуки, ундаги ҳар бир буқа боладан юз баравар бакувватрок. Оёқ-қўллари қилтириқ болакайни истаган буқанинг шохи тилка-пора қилиб юбориши мумкин.

Нима учун бутун бошли пода бу болани худди кучли сардор ёки хўжайнинг қабул қиласи. Чунки болада интеллект бор! Атрофимизда эса фикр юритишни, ўйлашни, ҳис килишни, сезишни истамайдиганлар тўлиб ётиди.

Чунки роҳат келтирувчи кулай, енгил йўл бор – ҳамма нима қилаётган бўлса, сен ҳам шуни бажар, ҳамма тақрорлаганин сен ҳам тақрорла. Ушбу танлов тўда қонуни бўйича. Ва инсоннинг ҳаёти ҳам тўданини сингари бўлиб бора-веради. Мана сизга бир мисол, қадрли китобхон.

Бир миллатнинг ҳазилга мойиллик томони бошқа миллатникидан фарқ қиласи. Америкаликларнинг ҳазилини яхши тушунасизми? Мана, масалан, қайсиadir фильмда биттаси бошқасига шундай латифа айтиб беради: Оксуяклар хонадонидаги қоратанли хизматкор, бой кишининг кичкинагина боласини болалар аравачасида сайрга олиб чиқаётганди. Хонадон бекаси унга: – Жек, ташқарида кучли шамол эсяпти, боланинг қалпоғини бостириб қўй! – дебди.

Жек эса: – Хоним бунга ҳожат йўқ – дермиш.

– Айтганимни қил, дедим Жек.

– Хавотир олманг, болангизнинг қалпоғини бошига михлаб қўйганман, у шамолда учеб кетмайди! – дебди Жек.

Бунинг нимаси кулгили? Боланинг бошига мих қоқиш. Бу қайғули-ку. Лекин америкаликлар кулишади, хурсанд бўлиб кетишади. Нима учун? Чунки улар шунчалик зомбилашганки, иккита тутуриқсиз маълумотни қўшган пайтда улар албатта кулишлари керак.

 **Машғулотларимиз давомида биз сиз билан ҳаётнинг учта асосий таянчини ўрганамиз. Бу танамизнинг худуди, ақл-идрок худуди, қалбнинг худуди. Юқоридаги қадр-қимматлар бирлашиб «Рухият» деб номланувчи кучни яратади.**

Демак, танага алоқаси бўлган нима бўлса ҳаммасини – дам олишми, ҳаракат, соғлик, озиқланишми, нимаики инсонни мустаҳкам қиласа, куч берса, фаоллаштиrsa – шуларни биз сиз билан белгилаб оламиз. Бу сизнинг мустақил ишлайдиган худудингиз.

Яъни сиз ҳар бир қисмни ўзингизни кучайтириш учун, ўзингизни фаоллаштириш, максимал даражада ҳаётга мослашган бўлишингиз учун ўзлаштириб оласиз. Биз тана устида қандай ишлаш кераклигини, қандай қилиб қўшимча вақт ишлаб чиқаришни ўрганиб оламиз.

Бир нарсага эътиборингизни қаратинг. Ҳаммамиз ҳам бир суткада 24 соатга эгамиз. Лекин баъзи бир ўзига хос инсонлар борки, уларнинг бир суткаси ўзининг маҳсулдорлиги бўйича бир неча ҳафтага teng келади. Баъзи бир одамлар борки, уларнинг 24 соати маҳсулдорлиги бўйича бор-йўғи бир неча дақиқадан иборат, холос.

Демак, суткадан қўшимча вақт ҳосил қилишни ўрганимиз ва Сиз бу вақтларни ўзингизга, оилангизга, ўз устин-

Пентакниги тажрибаси 2

гизда ишлашга, бизнесга ҳамда бошқа нарсаларга бағишлай оласиз. Демак, биз Сиз билан дам олиш шаклини, овқатлашиш шаклини, уйқу шаклини, фаоллик шаклини ўрганишимиз керак. Зеро, буларнинг ҳаммаси тананинг худуди.

Ақл-идрок худуди. Ўзингизнинг ҳақиқатингиз ва ёлғонингиз учун, ўзингизча гўзаллик тимсоли деб ҳисоблаган нарсангиз учун, қайси хид ёқимли, қайси бири ёқимсизлиги борасидаги билимингиз учун, қалбингиздаги хотиржамликни сақлаб қолиш учун истаган одамни тилка-пора қилиб ташлашга ёки шоҳсупага кўтариб қўйишга тайёrsиз.

Аслида эса теварак-атрофдагиларнинг ишини кўр-кўрона такрорлаётган, уларга тақлид қилаётган инсон, ўйламаса, фикр юритмаса жуда камдан-кам ҳоллардагина муваффақиятга эриша олиши ва баҳтили бўлиши мумкин.

Мурвати бураб ишлатиладиган қўғирчоқнинг шаҳарнинг бир қисмидан бошқа қисмига етиб бориш имконияти қай даражада бўлиши мумкин, айниқса у бирор мўлжалдаги манзилга етиб бориши зарур ва шарт бўлса. Мурватли қўғирчоқ дуч келган томонга қадам ташлайди – унинг бошида бирор тумангача, уйгача ёки аниқ бир одамнинг олдингача етиб олиш ҳақида ҳеч қандай фикр йўқ.

Қачонки, биз сиз билан фикр юритиб ўтирасдан, одамларга тақлид қиласа эканмиз, чунки бу жуда кулай, Сизнинг кимдир бўлиш ҳақидаги орзуингизнинг амалга ошиш имконияти мурватли қўғирчоқнинг шаҳарнинг бир бурчагидан бошқа қисмига етиб олиш имконияти даражасида бўлиб қолаверади. Яна шу саволга қайтамиз: Нима учун бутун бошли подани кичкина бир бола бошқара олади?

Интеллект! Интеллект фикр-мушоҳада юритиш орқали, онгимизнинг қўзғалмас бўлиб туюлган қисмларини кўриб чиқиши орқали бошқаларнидан кўра кучлироқ бўлиб боради.

Масалан, кўпинча мен эркаклар назари билан баъзи аёлларга қараганда шуни биламанки, бу аёлнинг феъл-атвори

шундай бўладиган бўлса, эркак сифатида у билан бир кун ҳам яшай олмаган бўлардим. Чунки менинг олдимда яrim эркак, яrim аёл турибди. Мен эса тўлақонли табиий одамман, ҳеч нарсанинг ярмига рози бўлмайман.

Кучли аёллар билан мулоқот чоғи «Нима учун турмушга чиқмагансиз?» деб сўраб қолсангиз, улар «Эркаклар йўқку!» деб жавоб беришади. Бекорларни айтибсиз, бу гирт ёлғон! Шунчаки уларга тушунтириш керак – «Эркаклар йўқ эмас, уларга ўхшаган аёлга уйланишга рози бўладиган аҳмоқсизлар йўқ, холос». Улар феъл-автори бўйича ногирон. Улардаги бу ногиронлик ҳатти-ҳаракати аслида ўрнак тариқасида атрофдаги одамлардан олинган. Онг остида чуқур ўрнашиб олган бу хил маълумот эса ҳатти-ҳаракатимизнинг автоматиклигини таъминлайди, сиз ҳатто фикр юритишга уриниб ҳам кўрмайсиз. Шунга биноан биз гоҳ кувонамиз, гоҳ қайғурамиз, гоҳ ғазабланамиз. Ва бу дастурларни амалга оширишга бутун ҳәётимизни ҳам сарфлашимиз мумкин.

Айни мана шу ерда биз сиз билан тартиб ўрнатишимиш керак. Мана шу мақсадда биз сиз билан мазкур мавзуда сухбатлашяпмиз. Зоро, инсон тақдирига асос бўлиб турган муқаддас ва табаррук пойdevордир.

Мана сиз спортчиларга хос чиройли қадди-қомат эгаси бўлишни хоҳлайсиз-ку, тўғрими? Демак, Сиз ўзингизнинг қадди-қоматимиздан норозисиз.

Спортзалга боришингиз учун сизга нима ҳалақит беряпти? Ёки уйда шуғулланишни бошлишингиз учун қандай тўсиқ бор? Сиз албатта, ҳозир у ҳалақит беради, бу ҳалақит беради, у йўқ, бу йўқ деб жавоб берасиз. Умуман, агар менда у бўлса, бу бўлса, яна мана бу бўлса эди, ана ўшанда мен, эҳ-е-е!

Лекин ҳозир қорин мешдек, оёқлар фиддирак мисол. Аслида эса Сиз ўз истагингизга қандай эришиш мумкин эканлигини яхши биласиз. Биласиз, лекин англаб етмайсиз. Чунки шундай яшаш сиз учун қулайрок,



Онг ости пойdevорида ҳатти-ҳаракатларимизнинг асоси, феъл-авторимизнинг асоси, бутун ҳәётимизнинг асоси жойлашган! Токи биз у ерга кириб бормас эканмиз, токи биз у ерда тартиб ўрнатмас эканмиз, Сизнинг ҳәётингизни яхшилаш учун четдан бўлган ҳар қандай уринишнинг имкониятлари жуда чекланган бўлиб қолаверади.

Мисол тариқасида мен сизга кичкина бир воқеани ганириб бермокчиман. Бир неча йил аввал биз Москва олий ўкув даргоҳларидан бирига ташриф буюриб, талабалар олдида чиқишлилар қилдик. Учрашув охирида эса биз ўкув муассасасига молиявий грант таклиф қилдик. Айниқса, яхши ўқийдиган талабаларга. Ҳар бирига йилига 50 000 евро таклиф қилдик. Грант бу «текин» дегани. Яхши ўқиши учун биз уларга совға беришга тайёр эдик. Шу тариқа биз энг яхши талабаларни саралаб олмокчи эдик. Энг ташаббускорларини, энг довюракларини, энг зеҳни ўтқирларини. Сизга кимдир 50 000 евро таклиф қиласа, сиз йўқ деган бўлармидингиз? Шубҳасиз, Сиз иккала қўлингизни ҳам чўзиб: «Албатта, бер!» – дердингиз. Биз уларга: «Яхши, биз берамиз. Бир ойдан кейин сиз билан учрашамиз ва пулни сизга топширамиз», – дедик. Ва ҳар гал қайта учрашувга биринчи учрашувга келганларнинг бор-йўғи 10 фоизи келарди. Колганлари қаёққа гойиб бўлди? Ҳолбуки, уларга ҳеч нима қилишнинг ҳам кераги йўқ эди, шунчаки 30 кундан кейин пулни олиш учун келишлари керак эди, холос. Нима деб ўйлайсиз, азиз китобхон?

Бир ой мобайнида биз бу талабгордаги кучли ва ожиз томонларининг ўзаро курашишига қўйиб бердик. Инсон доим фаолиятсизликка, сустликка интилади! Тўғрими? Ҳа деяпсизми? Эҳ-хе, ана холос, биз ҳозир талабалар ҳақида эмас, Сиз ҳақингизда гапирияпмиз!

Инсон доим ҳеч нима қилмасликка,
мутлақ фаолиятсизликка, абадий
хотиржамликка интилади. Бу
ялқовликнинг ички ишонч шаклига
кирган кўринишларидан бири.

Ким: «Мен ялқовман, мен ҳеч нима қилишни хоҳламайман!» – деб айта олади. Бу ўта ҳаққонийлик бўларди. Фикримга қўшиласизми? Ҳаққонийлик – бу кучли инсонларнинг худуди, ялқовлик – бу ожизлик. Ожизлик эса ҳар доим ёлғончилик, ўз-ўзини алдаш хисобига мувозанатланади. Сиз ўзингизни ўзингиз алдайсизми?

Алдаш ҳам, ёлғон ҳам, ожизлик ҳам куч шаклига эга бўлади. Кучнинг ташки кўриниши: «Мен бунга ишонаман, маълумотнинг бошқа кўринишлари мени қизиқтирумайди!» «Менинг фикрим шундай ва бошқасининг менга кераги йўқ!», «Мен ҳақман, қолган бошқалар – ноҳак!»

Аслида эса бу нима учун юз беради, чунки ожиз инсонларда доим бир хил ҳолат – одам жисмонан тирик, лекин ижодкор сифатида ўлган бўлади. Ҳаёт дарёси каёқка қараб оқса шу оқим бўйлаб сузиб кетяпти-ю, бошқа нарсаларни эса сезмайди ҳам. Русларнинг мақолида «Ахлат чўкмайди» дейилган-ку.

Инсон узоқ вақт оқим бўйлаб сузиб кетаверса, у энди ҳаёт дарёсига шўнғимай қўяди. Бекорга «Сувнинг юзида фақат кўпик ва ахлат қолади, холос» дейилмайди-да ахир. Чунки улар жуда енгил.



Шентакнинги тажрибаси 2

Нима учун сизларнинг пўстагингизни қоқаётганимни тушунмаётганингиздан хабарим бор. Шунчаки мен буни амалиётдан биламан – аввал бошданоқ кучли бўлган, даҳо бўлган инсон мавжуд эмас. Омад ҳақида гапларни аслида илқов одамлар ўйлаб топишган. Зоро, ҳар бир одам даҳо, ҳар бир одам кучли!

Шунчаки энг осони – бу фикр юритиб ўтирмаслик, энг сингил йўл – бошқалар нима қилса, шуни такрорлаш ва такрорловчиларнинг ичидаги энг яхшиси бўлишга интилиш. Энг машақватли йўл – бу мутафаккирлик йўли, фикр юритувчининг йўлидир. Айнан мутафаккир инсонлар бу дунёдаги барча нарсани яратишади!

Битта одам мобил телефонини яратди, ундан эса ҳамма фойдаланяпти. Бошқаси, кичкина дискетага сигадиган бўлиши учун, бор-йўғи 720 килобайт ҳажмли кичкина дастур яратди. Бугунги кундаги гигабайtlар, терабайtlар билан солишитирганда у микроскопик ҳажмга эга.

Ва уни «Дераза», яъни инглизча «Windows» деб номлади. У ўзигача қилинган ишларни такрорлашни хоҳламади. Үзгалар ҳаётини такрорловчиларнинг ичидаги энг яхшиси бўлишни истамади. У ўзининг йўлидан борди.

Йигирма йилча аввал мен бир инсон билан шахсан мулоқотда бўлганман. У ишидан бўш вақтларида янги ускунларни ихтиро қилиш билан шуғулланган учта олимдан бири эди. Уларни эса лабораториядан чиқариб юбориб, институтдан ҳайдашган, ишлашга қўйишмаган.

Илмий кенгаш бир неча марта маҳсус йигилиш ўтказиб, «Агар сиз бу тарзда сеҳгарлик билан, соҳта илм билан шуғулланадиган бўлсангиз, сизларни нафақат ишдан бўшатамиз, балки давлатга тегишли техникани шахсий манфаатингиз йўлида ишлатганингиз учун жиноий жавобгарликка ҳам тортиласизлар!», деб бу учаласини огоҳлантиришган эди.

Мирзакарим Нофеков

Лекин улар барибир, ўзларининг асбобларини яратишган. Улар яратган асбобнинг номи «лазер» деб аталади. Кеиничалик уларга: «Табиатда лазер мавжуд эмас, бутун илм ахли табиатда нурларнинг сочилиб кетишини билади. Сочилиб кетмайдиган нур манбасини ихтиро қилишга сизларни нима илҳомлантириди?» деб савол бериши.

Буни қарангки, уларни бу ишга Алексей Толстойнинг «Инженер Гариннинг гиперболоиди» китоби илҳомлантириган экан. Фантастик роман!

Эътибор беринг – шунчаки оддий адабиётчи нималарнидир ўйлаб топиб, фантастик китоб ёзган, учта тентак эса буни амалга оширган. Бутун илм ахли эса ўз вақтида уларни телбага чиқаришганди.

На сизнинг катта одам бўлиб қолганингизнинг, ва на бизларнинг илмий даражамиз борлигининг ҳар биримизда мутафаккир мавжуд бўлишига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мутафаккир, фикр юритувчи бу шундай инсонки – у теварак-атрофдаги ҳар бир ноёбликда ўзига устозни кўради, атрофда содир бўлаётган ҳодисалар ҳар лаҳза унда муайян савол пайдо қиласди.



Теварак-атрофдаги ҳамма нарса куч беради, теварак-атрофдаги ҳамма нарса ёқимли ожизликни, кучсизликни таклиф қиласди. Танлаш ихтиёри эса ўз қўлингизда!

Мана нима учун мен курсларда тингловчиларга ўз устозларига мурожаат қилишларини, улардан сабоқ олишларини қайта-қайта такрорлайман. Қайси устозларга дейсизми? Мен ҳозир Сизларга устозларингизнинг манзилини, исмларини, фамилияларини бирма-бир айтиб ўтаман.

Пентакнини тажрибаси 2

Биринчи устоз. Сиз таълим олишингиз, ипидан игнаси-гача ўрганишингиз шарт бўлган биринчи устозингиз – миллийлик, миллий анъаналар деб номланади. Сизнинг миллатингиз шундай улкан куч, шундай асосга эгаки, уни амалда қўллаш орқали Сиз жуда кўп куч ва вақтингизни тежашга эришасиз.

Сиз нималарга қаршилик қилишингиз ва уларнинг уйингизга кириб келишига йўл қўймаслигингиз керак? Шаҳарликларнинг маданияти, уларнинг нуқтаи назари, қадриятларини. Шаҳар – миллийлик танасидаги бедаво яра. Ер юзидағи бирорта шаҳар ҳали ўзини ўзи яратган эмас.

Шаҳар зинҳор-базинҳор ўзини ўзи тўлдирмайди, унга мунтазам равишда янги қон қуйиб туриш керак бўлади. Бу инсониятнинг миллий-маданий кушхонаси. Шаҳар цивилизациясининг мавжудлиги реанимация хонасида жон берётган тана ҳолати билан мутлақо бир хил.

Баъзида кимларнингдир «Мен шаҳарликман!» деб мағрурланганини эшитсанг: «Ё тавба, латифада ифодаланган мағрурланишга топган нарсасини қаранг!» деб ўйланиб коласан. Бу худди қуйидаги ҳолатга ўхшайди: «Яхши қиз, яхши қиз, бир дақиқага мумкинми?» «Мен яхши эмасман, қиз ҳам эмасман!» «Вой аҳмоғ-ей! Мағрурланишга топган нарсасини қаранг!»

Агар Сиз шаҳарлик бўлсангиз, демак, бу касаллик нафақат Сизни балки, айни пайтда Сиз билан бирга Сизнинг оила аъзоларингизнинг ҳам, ботиний дунёсидаги ҳаёт кувончини ҳам ичдан емиряпти.

Ҳаётдан кувониш ҳиссини туйиш учун ўзингизнинг миллийлигингизга мурожаат қилинг, ўз миллий анъаналарингизни ўрганинг. Чунки бу устозларнинг ёши бир неча минг йилларга бориб туташади ва улар миллионлаб инсонларнинг тажрибаларини ўзларида мужассам қилган.

Сизнинг иккинчи устозингизнинг исми – бу Сизнинг динингиз. Эътиборингизни шу нарсага қаратмоқчиман-

ки, турли динларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари кўп. Муқаддас бурч, ривоятлар, инсон амалларининг асослари.

Агар муқаддас китобларда ёзилганларини ҳақиқатан чуқур эътиод билан кабул қилинса ва улар ҳақиқатан амал қилинса, Сизнинг ҳаётингиз доимо илоҳий нурга ва Коинотнинг муҳаббатига йўғрилган бўлади.

Масалан, Сизга оиласиздаги нимадир ёқмайди, ёки нимадандир норозисиз, айтайлик, умр йўлдошингиз ёки фарзандларингизнинг ўзини тутишидан норози бўляпсиз. Ўзингизни тузатиш, ўзгартиришдан кўра, айбни бошқа бирордан излаб: «Сен яхшироқ бўл, сен мендан яхшироқ бўлишинг керак, менга мослашишинг керак», дейиш осонроқ кечади. Фикримга қўшиласизми?

Бу телбаликнинг энг кенг тарқалган шаклларидан биридир. «Мен сени факат шундай бўлишингни истайман!». «Менинг фикримча яхши хотин мана бундай бўлиши ва мана бундай иш тутиши керак!». Аввал бошданоқ бу мутлақо фойдасиз машғулот. Чунки инсонни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Инсон қандай бўлса шундайлигича туғилди.

Инсон ҳамма нарсани ўзидан бошлиши кераклиги борасида ва яқинларини ҳам худди ўзини севгандек севиши кераклиги ҳақида барча динларда айтилган. Шундай эмасми? Фикр ва амал соф ва ҳалол бўлиши кераклиги ҳақида ҳам жамики, муқаддас китобларда юз марталаб ёзилган! Ким буни амалда қўллашга ҳаракат қиласди?

Гап факат диний маросимларни адo этишдагина эмас. Муқаддас амрларни чуқур тушуниб етиш ва уларга сидқидилдан амал қилишда.

Демак, ўз динингизда айтилган барча эзгуликларни ўрганинг ва уларни бажаришни бошланг. Энди эса ўзимизнинг шубҳали талабаларимизга қайтамиз. Талабаларнинг обрўли олий ўқув юртларига ўқишига кириб олгани ҳам уларнинг муваффақиятли инсонлар бўлиб етишишини англатмайди. Биз уларга 30 кун муҳлатни қайси томонни

танлашларини аниқлаб олишлари учун бердик, яъни куч томонними ёки ожизлик томониними. Бу пайт оралиғида улар ўзларича нималарни ўйлаб топмадилар. «Олиш керак эмас, бу ерда қандайдир хавф-хатар бор!» «Текин пишлок фақат қопқонда бўлади!» Ва шу каби турли хилдаги ваҳималар. Бизнинг иштирокимизсиз ҳам улар ўзларини енгib бўлишиди ва натижада уларнинг ўнтадан тўққизтаси чиқиб кетди.

Ҳар биримизнинг ҳам ожиз томонимиз бўлади, ҳар биримиз ҳам кучли томонга эгамиз. Бизнинг вазифамиз уларнинг моҳиятини англаш, илдизигача етиб бориш.

Ҳозир биз Сиз билан юзлаб фойдали китоблари бўлган кутубхонага кирамиз: булар – «Бахтли рафиқа бўлиш», «Дўст орттириш», «Бахтли эр бўлиш», «Севимли бўлиш ва бахтли ҳаёт кечириш» ҳақидаги китоблар. Китоб жавони бу мавзудаги китобларга лиқ тўла.

Келинг, қадрли китобхон, биз бу китобларнинг асл моҳиятига кўз ташлаймиз. Уларнинг туб илдизида нима жойлашган? Икки жинс вакилларининг муносабати – эркак ва аёл. Жинсий майл. Фикримга қўшиласизми?

Эркак ва аёл ўргасидаги тўғри муносабатнинг асосида шу нарса ётадики... Бир-биримизни мақташ орқали биз нима қиласми? Мана, юзта эркак келади-да, бундай дейди: «Сенинг қоматинг қинғир, бурнинг бир томонга кийшайиб қолган, оёқларинг ҳам алламбало, менимча ер юзидағи энг бадбашара сен бўлсанг керак!». Бошқа бири келиб эса бундай дейди: «Сен шундай гўзалсанки, умуман олганда Сен ҳақиқий маликанинг ўзисан! Мен Сенга мафтун бўлдим ва мен сени энг ажойиб, энг ақлли деб ҳисоблайман!» Албатта у ёлғон гапирияпти! Лекин ҳамма эркакларнинг орасида бу эркак ўша аёл учун кимга айланади?

У бошқача, ўзига хос бўлиб кўринади, тўғрими? Эркакларда ҳам худди шундай. Уларнинг ҳам барчаси мактov эшитса эриб кетади.

Мирзакарим Норбеков



Фақат самимий мактovлар, таҳсину тасаннолар орқалигина ўзаро яқинликка эришиш мумкин.

Мабодо, аёл эркакнинг худудига бостириб кирса ва у билан шохлаша бошласа нима бўлади? Бу нима ҳам берарди? Ҳар қандай буқа, барибир, ҳар қандай сигирни bemalol сузib ташлай олади. Аёл киши эркакнинг устидан ҳукмронлик қилишга уриниши мумкин, фақат жуда кисқа муддатга.

Албатта, бошқа варианtlари ҳам бўлади. Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин мен 99 фоиз ҳақида гапирипман, шундай бўлса-да, теварак оламнинг шаклларга бойлиги юзасидан доим чегирма қиласман.

Барибир эркаклик негизи ўзини кўрсатади. Агар сизнинг олдингизда кўрсатмаса ҳам, ҳурматли хоним, у ҳолда бошқа ерда албатта ўзини кўрсатади.

Ҳақиқий аёлга ожиз эркаклар ёқмайди. Ҳақиқий эркакка кучли аёллар ёқмайди. Нима учун? Чунки бу табиийликка зид бўлган, табиат томонидан ҳисобга олинмаган ҳатти-харакат. Сиз бесоқолларнинг бир-бирига фарзанд туғиб берганини эшитганимисиз? Эшитмагансиз.

Ҳар бир миллатда ҳам қайсиdir микдордаги одамларда ўз жинсидан бошқа жинс тарафига оғиш ҳолати юз бериб туради. Агар бундай оғишлар меъёрий бўлиб қолса, бу миллат ер юзидан йўқ бўлиб кетади. Биз жуфт бўлиб яратилганимиз – эркак ва аёл.

Мен қанчалик аёл бўлишга уринмай, жуда ғалати бўлиб кўринаман, ишларим ҳам, ҳатти-ҳаракатим ҳам. Аёл қанчалик эркак бўлишга уринмасин, у барибир нотабиий бўлиб кўринади.

Тенгакнини тажрибаси 2

Демак, бу дунёга ким бўлиб келган бўлсангиз, ўзлигин-гизча қолишга ҳаракат қилинг, ўз жинсингизнинг энг яхши фазилатларини олинг, ана шунда қарши жинс вакиллари-нинг энг яхшилари сизга қараб интилади.

Табассум қилинг, қадрдоним! Қоматингизни ростлант!



Миллий қадриятлар, жинсий мансублик, дин – мана Сиз учун учта манба, учта устоз. Агар сизда бирор муаммо туғилиб қолса, уларга мурожаат қилинг, улар сизга маслаҳат бера олади!

Лекин булар ташки устозлар. Яна ички устоз ҳам бор, у доим Сизларнинг энг сара натижаларни қўлга киритишингиз, қўйилган мақсадга энг маъқул йўл билан эриша олишингиз учун нимани ва қандай қилиш кераклигини доимо аниқ билдириб туради. Бу устознинг номи – интиуиция.

Мен ҳатто интиуицияни ривожлантириш мавзусида «Миллион текин маслаҳат топиш йўли ёхуд жўжалар қаерда қишлияди» номли маҳсус китоб ҳам ёзганман. Олинг, ўкинг, шуғулланинг ва сиз учун тезкор мувваффақият таъминланади. Охир-окибат китобдан тушунмаганларингизни бизларнинг дунё бўйлаб уюштирадиган курсларимиз орқали ҳам билиб олишингиз мумкин. Хуллас, қидирган одам имкон топади.

Интиуицияни машқ қилдириш нима учун керак? Қайси мақсадлар учун? Аввало, тўғри қарор қабул қилиш учун. Ҳаётингизнинг вақтини тежаш учун. Биринчидан – ҳаммаси тез амалга ошади. Иккинчидан – максимал даражада самарали. Учинчидан – Сиз ўзингизнинг йўлингиз билан борасиз – ўзингизнинг ҳаёт йўлингиздан.

Инсон учун энг асосийси – бу эркинликка эриша олиш. Ҳаётнинг иккита шакли бор. Биринчиси – бу но-чорлик, куллик. Иккинчиси эса – эркинлик ва озодлик йўли.

Биринчи йўл – бу ожизларнинг йўли. Бу йўлда сен МУХТОЖСАН! Озиқ-овқатга, долларга. Фарқи йўқ – ўн мингми, миллион долларми. Бу мухтоҗликни қондириш йўли.

Қачонки, биз моддий мухтоҷликда эканмиз – биз қулмиз. Қачонки биз ўзгаларнинг тажрибасига мухтоҷ эканмиз, биз яна қулмиз. Қачонки, ўз қалбимиз учун нима кадр-қимматга эга эканини бизга кимлардир айтиб беришига мухтоҷ эканмиз, бу яна бизнинг қул эканимиздан далолат. К’чонки, кимдир бизни қўллаш истагида бўлса – тўхтатиб қолищ, ҳимоя қилиш, кўрсатиб беришни хоҳласа – бу маънавий қуллигимиз ифодасидир.

Оилавий ҳаётни инкор этиш, тўкин-сочин фарон ҳаётни, муваффақиятни инкор этиш – бу роҳиблиқ йўли. Мен неча мартараб роҳиблардан сўраганман: «Инжилнинг, Қуръони каримнинг ёки Тавротнинг қаерида, қайси бир қисмida сўққабошлиқ қасами бериш керак, деб айтилган, қаерида «уйланма, турмушга чиқма!» деб ёзилган?»

Бундай сўзлар йўқ! Тушуняпсизми? Демак, инсон меҳнат қилиши, ўсиши, барча неъматлардан баҳраманд бўлиши учун насл қондириши, кўпайиши керак. Бунинг нопок эканини қаердан билишинг мумкин, агар бу нопокликни ўзингда ҳис қилиб кўрмасанг? Қандай қилиб покликка интиласиз? Мураккабни инкор қилишдан осони йўқ. Хуржунингни елкангга ташлайсан-да, саёклика бел боғлайсан.

Иккинчи йўл – кучлилар учун. Ҳалкнинг ичида бўлганда ҳам хилватда қола билиш.

Эркинликнинг тўрт поғонаси – мутлақ эркинликка олиб келади.

Ўтхўр ҳайвонлар эрталабдан кечгача ўтларни чимдишади ва уларда ҳеч қандай маънавийлик негизи йўқ. Фикримга кўшиласизми? Улар бор-йўғи ўзларининг моддий эҳтиёжларини қондириш билан банд, холос. Ҳар биримиз ҳам ҳайвоний негизга эгамиз. Бу тананинг эҳтиёжлари. Овқатланишга, ҳордик чиқаришга, кўпайишга, ҳимояга бўлган эҳтиёжлар.

Келинг, биз сизлар билан ҳайвонот дунёсидан қанчалик узокка кета олганимизни кўрайлик-чи. Бунга юқори интеллектга эга эканлигимиз сабабми? Фикримга кўшиласизми? Образли қилиб айтадиган бўлсак, маънавий институтлар мавжудлиги биланми? Демак, инсонийлик негизи – бу интеллект институтларининг, қалб институтларининг, маънавият институтларининг мавжудлиги.

Кўпчилик одамлар бир умр қондирилмаган ҳайвоний негизининг ботқогига ботиб қолади. Бу одам нигоҳини ердан узмайди, юлдузларни кўрмайди. Озодликнинг қолган учта поғонаси учун унда вақт ҳам қолмайди. Чунки бу одам тирикчилик қонунига биноан яшамоқда.

Агар биз иқтисодий эркинликка эга бўлсак нима юз беради? Молиявий имкониятларимиз нафақат ошқозонимизни тўлдиришга, яъни ҳамёнимизни тўлдиришдан ташқари, захирага ҳам бир умрга етадиган пичан, донларни ғамлаб қўйдик, дейлик. Нима юз беради?

Илгари доим банд бўлган ерда улкан бўм-бўш макон ҳосил бўлди. Бугуннинг, эртанинг, яқин йиллар оралигидаги тирикчиликнинг талабини қандай қилиб қондириш ва яхшилаш мумкинлигини ҳал қилиш билан банд бўлиб келган интиҳосиз бўшлиқ. Энди ҳамма сингари яшашга ҳожат йўқ. Бу ҳудуд ёпилди.

Бир қарашда ҳатто одамни чўчитадиган даражадаги, кўз қамаштиргудек бўм-бўшлиқ, яъни эркин вақт пайдо бўлади. Ва бу пайтда инсонда депрессия ҳолати юзага келади. Нима учун? Чунки ер шарининг 98 фоиз аҳолиси учун ҳаётининг

Mirzakafim Norbekov

мақсади бўлган маррага эришилди ва Сиз учун энди тақлид килиш, билим олишга интилиш учун сабаб бўладиган ҳеч нима қолмади.

Ҳаётнинг мазмуни йўқолди. Нима учун? Чунки иқтисодий эркинлик ҳудудида ақл-идрокингизга тақлидни тайёр ҳолда таклиф қиласиган жойлар ҳам, одамлар ҳам жуда кам. Жуда кам. Чунки сиз камсонлилар сафига кириб қолдингиз.

Сиз кўпчиликдан ажralиб чикдингиз, камсонлилар сафига қўшилдингиз, у ерда эса бир қарашдаёқ яшаш мазмунини топиб бўлмайди. Сиз ўзгалар томонидан татбиқ қилинадиган ғоялар ҳудудидан чиқиб кетдингиз. Зоро, агар инсон ушбу чегарага тайёр бўлмаган ҳолда етиб келса, улкан муаммолар билан тўқнаш келади.

Унда ўз-ўзини емириш бошланади, оиласида ҳам зиддиятлар юзага келади. Бундай инсон ўзини қўярга жой топомайди, дунё унинг қўзига тор бўлиб, бўғилиб, ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Ва у ҳаммага бирдек ташлана бошлайди, чунки ўзини ёмон ҳис қиляпти, депрессивлик ҳудудида у.

Мен бу ҳақда ахолисининг иқтисодий ҳаёти бошқа давлатлар билан солиштирганда анча юқори бўлгани ҳолда ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичи ҳам юқори бўлган давлатларда доим гапириб келганман. Нима учун?

Чунки ахолининг моддий фаравонлиги шу даражага кўтарилидки, деярли юз фоиз ахоли моддий эркинликка эришди. Лекин бу одамларнинг орасида кейинги босқич – маънавий, қалб, ахборот эркинлигига эришишга қизиқиши ўқ. Нега?

Чунки на оиладаги тарбияда, на миллий анъаналарда бу мавзудаги қизиқиши назарда тутилмаган. Ва биз оммавий психозни, оммавий ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини кўряпмиз. Демак, биз Сиз билан биринчи босқич эркинлинини тезроқ босиб ўтишимиз керак. Қанча тез бўлса, шунча яхши.

Пентакнини тажрибаси 2

Икки ликопча макаронни ейиш жуда қийин. Айниқса, Сиз доимий равища шундай қилиб юрган бўлсангиз. Мен ҳозир макарон ҳақида гапирмаяпман. Сизнинг макарон сингари таъмсиз ҳаётингиз ҳақида гапиряпман.

Қадрли китобхон, эҳтимол, сиз нега бу Норбеков дегани бизнес ва ўз-ўзини ривожлантиришнинг ҳар хил йўллари тўғрисидаги гаплари билан тихирлик қиляпти экан, деб ўйлаётгандирсиз? Қанийди, яхши бир одам билан танишсам... Дўстлашиб олиб, қадрдон бўлсак, борди-келди деганлари-лек, сендан угина, мендан бугина қилиб ишларни беш қилиб олсам...

Бундай уйлардан ҳемири ҳам чиқмайди! Ишингиз беш ҳам бўлмайди, бундай одам ҳам бўлмайди!



Шу бугунгача ҳаётда нимагаки эришган бўлсангиз – бу Сизнинг кучли ва ожиз томонларингизнинг моддийлашуви.

Шу сабабли ҳам, токи Сиз қинғир-қийшиқ экансиз, ёлғиз ва баҳтсиз одам бўлиб қолаверасиз. Тақдир – бу Сизнинг феъл-атворингиз. Феъл-атворингиз – бу Сизнинг тақдирингиз. Шу сабабли ҳам мен Сиздан ҳамма соҳалар бўйича тўлақонли, муваффакиятли Бэтмен ёки Бэтменхонимни ясаётган эканман, мен нима қилаётганимни биламан.

Акс ҳолда – Сиз ўзингизнинг жуфтингизни, иккинчи ярмингизни учратасиз, қандайдир муддат у билан бирга яшайсиз, одатингизга кўра минғир-минғир қилишга тушиласиз. Бу одам бир чидайди, икки чидайди, охири кетиб қолади. Ва Сиз ҳаммани ва ҳамма нарсани сўкканингизча ва ҳаётдан нолиганингизча ҳаёт йўлида судралишда давом этасиз.

Мирзакарим Нофеков

Шу сабабли ҳам «Буратино»даги Пьеродан Терминаторга ўзгарасиз. Келажагингизни гўзал қилиш учун эса мақсадларингиз аниқ бўлиши керак.

Агар тест ўтказадиган бўлсак, машғулотга келганларнинг 99 фоизи бу ҳаётдан нима хоҳлаётганини ўзлари билишмайди. Агар Сиз ўзингиз нима хоҳлаётганингизни билмасангиз, худди шунга эга бўласиз.

Кани, айтинг-чи, маънавий бойлик моддий бойликтан муҳимрок-ку, тўғрими? Ана қўлга тушдингиз! Мен ҳозиргина бош бармоғингиз муҳимроқми ёки жимжилогингизми, деб савол бердим. Инсон ҳаётининг 495 томонининг ҳаммаси бир хилда муҳим!

Ҳаётда нима истагингиз бор? Илтимос, юрак ютиб, мўлжални баландрок олинг. Агар Сиз ўзингизга конфет сотиб олмокчи бўлсангиз имкониятингиз мўлжали даражасидан бир доллар қимматроқ нархга сотиб олинг. Сизнинг имкониятларингиз ҳар доим Сиз эга бўлмокчи бўлган нарсанинг мўлжалига бироз етмай туриши керак.

Мен Омад Академиясининг биринчи машғулотларида шундай дейман: «Агар Сиз ёлланма ишчи бўлсангиз, эртага Сизнинг олдингизда, ўзимнинг қандай ишимни очсан экан, деган вазифа турмас экан, унда Сизни машғулотларимга қўймаслигим учун рухсат этгайсиз!» Нима учун?

Чунки мен мураббий сифатида Сиз билан бирга қўли кишинланган, бўйнида кўтарма тош, оёклари полга бетонлаб ташланган аҳволда бўламан. Ва бизнинг ҳамкорликдаги «Чўққиларни забт этамиз» мавзусидаги ҳар қандай жўрлигимиз оғизда қолиб кетаверади. Нима учун?

Чунки эркинликнинг тўрт манбаси мавжуд. Токи биз Сиз билан буларнинг ҳеч бўлмаганда биронтасида эркин эмас эканмиз, таъмирталаб бўлиб қолган «Ҳаётий муаммолар» деб аталувчи ҳаётнинг истаган қисми на Сизга, на Менга боғлиқ эмаслигича қолаверади.

Тенгакнини таҳтибаси 2

Агар Сиз ёлланма ишда ишлайдиган бўлсангиз, бу пунктда бизнинг имкониятларимиз чекланган ва бошқа барча эркинликлар ҳам шунга боғлиқ бўлиб қолади. Бир беъмани карикатурада чўлу саҳрода ташналиктан ҳалок бўлаётган одам газсув автоматига дуч келади. Унинг ёнида бир жомадон йирик қофоз пуллар бор экан, унга эса автоматга ташлаш учун танга керак. Ёлланма ишчи бу шундай одамки – унинг онг остида нотўқислик комплекси жойлашиб қолган. Иложи борича тезроқ ўз орзунгиз томон, ўз ишингиз томон ўтиб олишингиз керак.

Бизнес – иқтисодий эркинликка
элтувчи энг яқин йўл!



Қачонки инсон моддий бойлиқдан қониқишга эришганида унда – менга шу керакми – деган биринчи савол пайдо бўлади. Мана шу унинг ҳалос бўлганлигини англатади.

Орзулар худудини, дунёга қизиқиш худудини, онг худудини у моддий бойлиқка қуллик кишанларидан, шақилдоклардан ҳалос эта бошлайди. Уларга эришиш учун йилларни сарфлаган, ҳаётини сарфлаган, натижада эса бошқа нарсага унинг вақти ҳам қолмаган.

Ва бу худудга бўрондан олдинги сокинлик, онгни кучли силташдан олдинги сокинлик чўқади.

Бундай кучли силташлар билан бирга «Мен кимман?», «Мен нимага керакман?», «Мен нима учун яралганман?», «Нима учун айнан мен?», «Нима учун мен аёлман?» (ёки эркакман?), «Нима учун мен шу миллатга мансубман?», «Нима учун мен шу замонда туғилдим?», «Бу ҳаёт менга нима учун берилган?», «Қандай қилиб уни тўлақонли яшашим мумкин?» деган саволлар келиб чиқа бошлайди.

Мирзакарим Норбеков

Қандай қилиб инсон, вакт-соати етганида орқага ўғирилганча, охирги нафасида «Бор кучимни бериб яшадим! Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги фарқни англаб етдим. Яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги танловни тўғри ҳал қилдим» деб айта оладиган тарзда яшайди?

Иктиносидий эркинликни қўлга киритганингиздан кейин юз карра кучлироқ онгли танлов пайдо бўлади. Инсон эркин танлов: ёзулик ва эзгулик ўртасидаги танлов, яратувчилик ва бузгунчилик ўртасидаги, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги танлов ҳудудига ўта бошлайди.

Инсон аста-секинлик билан ўзининг ҳаётий қадриятларидан мосуво бўла бошлайди. Уларнинг хар бири бир бўлакдан ҳаётингизнинг қимматли вақтини банд қилган. Агар уларни бирга жамласак, улар сизни эрталабдан кечгача бўлган бутун вақtingизни олган. Бу куллик кўринишлари орасида уйқу деб аталмиш гафлат ҳам бор. Бу гафлат тушда ҳам танлаш эркинлиги бўлади – мудроқ ҳолатда қолиш ёки уйғониш.



Интуиция нима учун керак? Тезроқ иктиносидий эркинликни қўлга киритиш учун. Тезроқ ҳайвоний истаклардан интеллектнинг ҳудудига ўтиб олиш учун, шу билан бирга маънавийлик, қалб ҳақида ҳам эслатиш жоиз.

Бу тана, ақл-идрок, қалб, рухиятнинг ўзаро муносабати – улар битта одам. Мана шу битта одам ўзининг иккинчи жуфтини, иккинчи одамни излайди, қидиради. Ва ўзаро муносабат ўрнатишга уринади ёки ўрнатиб бўлган. Лекин бу оламда ўзаро муносабат қонунияти ҳам мавжуд.

Пентакниң тажрибаси 2

Қандай миллатга мансуб эканингиздан, терингизнинг, кулоғингизнинг шаклидан, кўзингизнинг шакли қанақа бўлишидан қатъи назар эркак ва аёлликнинг моҳияти ўзгармайди. Демак, эркак ва аёлнинг энг асосий хулқ-атвори қоидасини ушбу китобда сиз билан синчилаб, илдизигача чукур ўрганишимиз керак.

Кисматингизни енгиллаштириш учун мен сизга энг жўн нарсалар ҳақида оддий сўзлар билан гапириб бераман. Аёл на эркакнинг моҳияти, миллатидан қатъи назар ўзгармайди. Маданиятидан ва динидан қатъи назар ўзгармайди.



Шу сабабли агар Сизнинг шаҳрингизда, Сизнинг давлатингизда қандайдир хулқатвор тақлид учун намуна сифатида урфнинг юксак чўққисида бўлса, лекин бу эркак ёки аёлнинг қизиқишилари базаси билан мос тушмаса, бу маҳаллий аҳоли вакиллари учун жуда аянчли якун топади.

Кўр-кўрона тақлид килишга уринманг, ҳамма нарсани англаб, асл моҳиятига етишга ҳаракат қилинг! Фикр-мушоҳада юритувчи инсон ўз ҳаётининг чўпонига айланади. Теварак-атроф оламга тақлид килувчи инсон эса бу улкан подадаги одатдаги корамолга айланади.

Табиатда бундай тушунча мавжуд эмас: иккى одам жуфт бўлишга қарор қилди, кейин умрлари давомида биттагина тухум кўйишиди. Бундай ҳолда Ер юзида тирик жонзот қолмаган бўларди. Бирор-бир миллат йўқ бўлиб кетмаслиги учун бир оиласда камида учта фарзанд дунёга келиши керак.

Мирзакарим Норбеков

Россияликлар бугунги кунда йўқ бўлиб кетаётган миллатлар рўйхатида турибди. Шундай экан, энг хавфли маданият – бу йўқ бўлиб кетаётган миллатларнинг маданиятидир. Шу сабабли ҳам Сизга қанчалик дўстона муносабатда бўлмай, мен сизни аяб ўтиromoқчи эмасман. Агар Сиз сўкка бош бўлсангиз, биз сизни зудлик билан уйлантирамиз ёки турмушга узатамиз.

Шундан кейин Сиз зудлик билан генофонднинг сонини тўлдиришга киришасиз. Агар фарзандингиз битта бўлса, шу китобни ўқиш билан бирга иккинчи, учинчи фарзандни дунёга келтиришга киришсангиз, жуда соз бўларди: келишдикми?

Бир аёл сексопатологнинг олдига келиб бундай дебди: «Мен бола туғишини хоҳлайман, эрим эса хоҳламаяпти. Доктор, нима қилай!?» Доктор эса унга жавобан: «Майли, сиз туғаверинг, эрингиз эса туғмасин!» – дея жавоб бериди.



Бизнинг Сиз билан биринчи
даражали душманимиз – бу тайёр
тавсияларга муҳтожлик, талаб-
истакларимизнинг ҳар қандай вазиятлар
учун тайёр йўрикномаларга эга бўлиш
истаги!

$2 \times 2 = 4$ – бу йўрикнома, муайян бир масалада, муайян ерда қандай йўл тутиш кераклиги ҳақидаги ишончи комиллик ҳам, қатъий ишонч ҳам – йўрикнома. Ўзгаларнинг йўрикномасига кўр-кўруна амал қилишнинг хавфлилиги нимада? Агар аёл кишига эркаклик қувватини ошириш бўйича йўрикнома берилса, унинг мўйлови ва

Ментакни тажрибаси 2

соқоли ўсиб чиқади. Сиз учун ҳар қандай кўринишдаги қатъий йўрикнома беришдан ўзимни олиб қочишга ҳаракат киламан.

Қадрли китобхон, муваффақиятнинг тавсиялари мавжуд эмас. Вазифани кимдир тайёрлади, сен бу вазифани кўр-кўруна бажардинг ва охир-оқибат шип-шийдам бўлиб касодга учраган энг баҳтсиз инсонга айландинг.

Мушоҳада юритиш санъати – бу уч юз жилдлик тавсиядан кўра ҳаётда анча ишончлироқ таянч. Қандайдир мураккаб вазиятга тушиб қолсангиз-у, бу пайтда қўл остингизда тайёр тавсия маълумотлар бўлмаса, шу лаҳзадаёқ доимий тайёр жавоби мавжуд устангизни тайёрланг.

Ушбу устозингизнинг имкониятлари орқали ўз муаммолингизни баҳоланг ва Сиз энг ажойиб ечимга эга бўласиз! Хўш, – Ким бу устоз ва усталар? Узоқ замонлардан бери яшаб келаётган, миллиард йиллар мобайнида ўт, сув балосидан ҳам, олтин васвасасидан ҳам эсон-омон ўта олган усталар. Ўзларининг ҳаёт тарзлари билан ҳақиқатга яқин эканликларини исботлай олган усталар. Бу усталар – замонлар синовидан ўта олган ва яшаб келаётган усталардир.

Бу Коинотнинг қонун ва қоидалари. Бу макро ва микроламнинг қонунлари. Ўхшашликни топишни ўрганинг, билимларни бир соҳадан олиб бошқасида кўллашни ўрганинг. Энди эса

УИ ВАЗИФАСИ

Қадрли китобхон, ўз мақсадларингизга эришишни истасангиз, барча орзу-мақсадлари рўёбга чиқсан ва баҳтли инсон бўлишни истасангиз, китобни енгил-елпи, кўнгилочар комиксни томоша қилгандай ва рақламасдан, уй вазифаларини мунтазам равиша бажариб боринг.

Кундалик тутинг (Сиз учун кулай бўлса электрон кундалик тутишингиз ҳам мумкин). Унда Сиз ўзингиздаги рўй



Мирзакарим Норбеков

бераётган ўзгаришларни белгилаб, уй вазифаларини бажарид борасиз.

Ўз дилингиздаги энг муҳим орзуларингизни эсланг, уларни ўн баравар оширинг ва энди буни қандай қилиб рўёбга чиқариш мумкинлиги ҳақида ўйланг.

Ўзингизнинг учта ташқи устозингизни ва энг асосий ички устозингизни аниқлаб, уларни ҳар кунги ҳаётда кўллай бошланг.

ИККИНЧИ ТЕПКИ

**Кўрдингми ош,
кўтарма бош!**

*Муаллиф китобхонни
калориянинг чиниқмаган ақлга,
осилиб қолган думбага таъсири
 билан таништиради. Китобхонга
турли мамлакатларнинг
оиҳонаси ҳақида гапириб,
тўғри овқатланиш ҳақида
маслаҳатларни беради.
Шу билан бирга китобхон
микроэлементларни ўзининг
енгил бўлмаган тақдирига
кўрсатадиган таъсири ҳақида
билиб олади.*

*Шу бўлимнинг охирида эса
ёқимли вазифага эга бўлади –
дастурхонини нарсалар билан
бойитиш ва уч ой мобайнида
севимли бўлган Ўзидагандай
ўзгаришлар юз берини кузатиш.*

K

адрли китобхон, келинг, Сиз билан таомлар ҳакида сұхбатлашамиз. Марҳамат қилиб айтинг-чи, нима деб ўйлайсиз, рус миллий ошхонаси жинсий қувват даражасига қандай таъсир күрсатади? Сиз яхши таъсир күрсатади, деб ўйлайсизми? Мен эса унча яхши эмас, деб ўйлайман. Нима учун? Чунки Россия ахолиси 140 млн. нафар кишидан иборат. Яна уларнинг ҳаммаси ҳам руслар эмас, россияликлар. Устига-устак, улар яна йилдан-йилга камайиб бормоқда. Хитойликларнинг сони эса бугунги кунда деярли бир ярим миллиардга етди! Ва улар буни қандай тұхтатишни билиш-маяпти. Демак, Хитой ошхонаси насл давом эттириш воситаси сифатида яхши. Бу мавзуга оид бир латифа эсимга тушди: Япон әркак ишдан кейин уйга қайтиб келса мекмонхонада дастурхон безатылған, столнинг икки четида шам ёқиб қўйилған, ётоқхона томондан эса майин ва ўта ёқимли сокин куй тараляпти. У столдаги диктофонни олиб, тутгачасини босибди, у ердан рафиқасининг мулойим овози янграбди:

— Хайрли тун, суюклигим, Такеши-сан. Кечки овқатта Сизнинг севимли креветкаларингиздан тайёрланган шўрва ва олти

хил суши. Олхўрили чой эса дengiz маҳсулотларидан бўлган таомга янада ўзгача таъм бағишлайди. Бир кадаҳ саке эса меҳнатдан кейинги танангизни бўшаптиришга ёрдам беради. Фаройиб кувонч ва лаззат неъматларидан бирга баҳам кўриш учун мен сизни сабрсизлик билан ёткҳонада кутиб қоламан.

Рус эркак ишдан кейин уйга қайтиб келибди. Ошхонада чироқни ёқибди. Столда ётган хатни олиб ўқияпти: «Толик, пиво музхонада, чучвара газ плитада, менда ишинг бўлса уйкумни ҳаром қилмай, бажар...»

Озиқ-овқатлар жинсий қувватга тўғридан-тўғри таъсир этади!

Қадрли китобхон, ҳойнаҳой, бу Норбеков дегани нимага қовшганлар ҳақидаги мавзу билан бизга тихирлик қилиб қолди, деб ўйлаётгандирисиз? Адашмасам, таомлар ҳақида гап бошланган эди, энди эса бошқа ёққа ўтлаб кетди, – деб ўйлаётгандирисиз. Гап Сизларнинг ҳаммангизни эҳтироси жўш урган манякка айлантиришда эмас. Гап шундаки, эркак қаерда ишламасин, нима билан шуғулланмасин, олдига қандай мақсад кўймасин, унинг бутун хатти-харакатининг мазмунни асосида, пойдеворида – бутун оламга таъсир кучини кенгайтириш, аёл зотининг барчасини, уларнинг ҳаммасини уруғлантириш, мева солдириш ётади. Биз ҳозир асосларнинг асоси ҳақида гапиряпмиз!

Бизнинг мавзу нимага тегишли бўлмасин, карьерами, бизнесми, хоббими – уларнинг ҳаммасида жинсий қувват, ҳаётга юкори қизиқишнинг синоними сифатида туради.

Пентакниң тажрибаси 2

Эҳтирос сўна бошлаши билан эркакда кулайликка, шинамлик ва сокин фикрлашга, барча нарсанинг бехудалиги ҳақидаги сокин хаёлларга берилишта мойиллик кучайиб боради.

Эски бир латифадаги ҳолатга ўхшаш: Бир оролга 20 ёшли, 40 ёшли ва 60 ёшли эркаклар тушиб қолишибди. Бошқа оролда эса фақат аёллар экан. 20 ёшли йигитлар орадаги масоғага қарамасдан аёлларнинг ёнига сузib боришни таклиф қилишибди. 40 ёшдан ошган эркаклар балки аёллар бизни кўрса ўзлари ёнимизга келишар, дейишибди, 60 ёшли эркаклар эса, улар шу ердан ҳам яхши кўринишяпти-ку дейишибди.

Шундай ҳалқлар борки, улар бизнинг ошхонамиздаги сингари маҳсулотларни ишлатишади. Лекин уларда таом тайёрлаш жараёни бошқача. Бошқа ҳароратда, бошқа зира-вролар билан. Ва бу таомни истеммол қилиш натижасида олинган самара ҳам бошқача бўлади. Мен бир гал ўзимнинг шогирдларимни Москвадаги корейс ресторанига таклиф қилдим. Улар амалий тажрибада таомнинг инсонга қандай таъсир этишини синаб кўришлари учун маҳсус таомларни буюртма қилдим.

Буюртма келгунча уларнинг баъзилари билан у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтиридик, биринчи таомни олиб келишибди. Карасам мен бошлаб келган “ёввойилар” ҳар қайси ўз ёнига ярим бўлқадан нон олиб, таомни нон билан еяпти. Каранг-а, улар нонсиз овқат ейишга ўрганишмаган эмиш! Зир юргургилаганча, омбур билан тиш суғургандек, уришиб-талашиб, уларнинг нонларини тортиб олишга тўғри келди. Бу таомлар ўз ватанида қандай танавул қилинса, шундай танавул қилиш кераклигини базур тушунтирдим. Бироз вактдан кейин қизиқ нарсалар юз бера бошлади. Дастурхон атрофидагиларнинг кайфияти чоғ бўлиб қолди. Одамлар иштиёқ билан сұхбатга берилиб кетишибди. Юзлари қизарган, кўзлар чакнаган. Қараб турсам, баъзи бирлари ўзлари-

Мирзакарим Норбеков

га қарама-қарши жинс вакилларига ҳазил қила бошлашди. Сабаби бу таом сифатли енгил алкогол ичимлиги сингари – кишини бироз сархуш қилиб, әхтирос кучайтиргандек, теварак-атрофдагилар билан дўстона муносабатга иштиёқни кучайтиргандек таъсири кучига эга эди. Мана шундай кувноқ ҳолат. Биз кейин ишга, институтга қайтдик, улар ўз ишларини давом эттиришлари, машғулот олиб боришлари керак эди, уларни эса куннинг қолган қисми мобайнида кувноқ шўх кайфият тарк этмади.

Ҳар бир таом кишига ўзига хос тарзда таъсири этади. Бир таомнинг таъсирида жинсий кувват кучайса, бошқасидан одамнинг тажовузкорлиги ошади, учинчисидан ишчанлиги, тўртинчисидан эса ҳамма нарса шалвираб тушади ва сиз протоплазмага айланасиз-қоласиз.

Шу ўринда сизга жанубий Италияниң сиестаси ҳақида гапириб бермоқчиман. Жанубий Италияниң ресторонига кирганингизда у ердагилардан Сизга ўзлари нима тановул қиласа ўша таомлардан келтиришларини сўранг. Татиб кўринг. Ва Сиз шу заҳотиёқ сиеста нима эканини англашиб оласиз. Биз бир гал ҳақиқий италянча овқатни тановул қилиб кўришга қарор қилдик. Шаҳарда айни туш пайти, сиеста, ҳамма ухлаб ётибди. Биз ресторанга кирдик, у ернинг хўжайини уйқудан кўзларини ишқалаганча бизга пешвоз чиқди. Ундан бизга бизларга уй таомини келтиришни сўрадик. Ва у бизнинг буюртмамизни муҳайё қилди. Ҳар бир таомда гўшт, қайнаган гўшт, димланган гўшт, дудланган гўшт бор эди. У ҳатто бизларга супер деликатес – қуритилган гўшт ҳам олиб келди. Ўттиз йиллик! Бу гўшт аллақандай қопчаларда маҳсус усуlda, қандайдир тарзда сақланар экан. Биз татиб қилиб кўрдик. Ҳа, жуда мазали! Сўнгра яrim соатлардан кейин, биз тоғли, киялик йўлдан кетиб бораётганимизда, юра олмаётганимни, уйқу тортиб кетаётганини сезиб колдим. Ўгирилиб қарасам машина тумшуғи Бахнинг «Фуга» куйини чаляпти. Мен тўхтадим, оптимиз-

Тенгакнинг тажрибаси 2

даги иккинчи машина ҳам етиб келди. Иккинчи ҳайдовчи машинадан тушар экан, уйқудан юмилиб кетай деб турган кўзларини менга лўқ қилганча, машина ҳайдашга ҳоли йўқлигини, уйқу босиб кетаётганини айтди. Қарасам, унинг машинасидагиларнинг ҳаммаси хуррак тортяпти. Оқибатда бизлар икки соатча йўл четида мизгиб олдик.

Энди эса энг қизиги! Жанубий италияликлар тушлик килиб бўлишгач, ухлаш учун ётишади. Лекин улар кийимсиз ухлашади. Чунки уйғонаётганларида уларнинг эхтироси шундай жунбушга келадики, қайта ечиниб ўтиришга вактларини кизганишади.

Айтгандай, хоҳлайсизларми, мен ҳозир Сизларга бу борада энг керакли рецептларни айтиб бераман? Оддий таомлар, уларни истеъмол қилиш натижасида Сизнинг кайфиятингиз ажойиб бўлади, тетиклик ва эхтирослилик Сизни кун давомида ва яна кечаси ҳам тарк этмайди. Бир нечта кучли, фойдали рецептлар? Хоҳлайсизми? У ҳолда ёзиб олинг. З кг. темирни оласиз. Қирғичдан ўтказасиз. Буларнинг ҳаммаси Сизга, қадрли китобхон.

Ҳаммага бир хилда ёрдам берадиган универсал рецепт табиатда мавжуд эмас! Нима учун? Чунки бирорвга яхши таъсири этган нарса бошқа бирорвда тамоман тескари натижани бериши мумкин. Масалан, мушаклар тузилишининг тўрт хил асосий таркиби мавжуд. Улардан бири форсаж режимидан фойдаланади, бошқалари эса – анча узоқ давом этувчи режимга эга. Табиатан қисқа масофага тез югуриш қобилиятига эга бўлган киши спринтда яхши натижани кўрсатиши мумкин. Бошқаси эса ўзини марафон масофада яхши ҳис этади, секин югуради, лекин маррага етиб кела олади. Ва бир типни бошқасига ўзгартирининг деярли иложи йўқ, мумкин эмас. Худди шу тарика инсон руҳиятининг 4 хил типдаги темперамент гуруҳи мавжуд. Уларнинг ҳеч бири бошқасидан яхшироқ эмас. Уларнинг ҳар бирида манфий ва мусбат томонлар бор.

Худди қон гурухи, мушак гурухи, сингари ҳар бир темперамент ўзига хосликка эга.

Бири совуқ мизожга, бошқаси – нам мизожга, учинчиси – иссиқ, тўртингчиси – қуруқ мизожга эга. Қачонки Сизга ўзаро уйғунлик билан таъсир қилувчи таом истеъмол қилсангиз, организмингизда қўшимча куч ва фаоллик пайдо бўлади. Ишчанлигингиз ошиб, ўзингизни яхши ҳис қиласиз.

Мана шу сабабли ҳам дунёда ҳамма учун умумий бўлган рецепт мавжуд эмас. Тушуняпсизми? Мол гўшти, масалан, бир одамга ёрдам беради, бошқасига халақит беради, бундан учинчи одамнинг – жаҳли чиқади, тўртингчиси эса – мудрайди. Мол гўшти – совуқ мизож. Кўй гўшти эса иссиқ мизож ҳисобланади. Бу таомларни ўрни билан алмаштириб туринг. Кеча мол гўштидан бўлган қовурдоқдан кейин мудраб қолган кимса, бугун ҳаммага тетик нигоҳ югуртираётган бўлади, кеча қувноқкина бўлиб ўтирган киши эса хозир ким биландир ёвлашиб пайида. Шундай экан, кузатинг, агар Сиз ўзингизнинг ҳолатингизда доимий ланжлик сезсангиз, соғлигингизда муаммо бўлса, жинсий қувват борасида қониқиши бўлмаса – демак, сиз рационнингизни алмаштиришингиз кераклиги эҳтимолдан холи эмас. Ўз таомингизга эътибор беринг, таҳлил қилинг, ўзингизни қандай ҳис қилишингизга нима ва қандай таъсир қилади. Айникса доимий таомлар. Эксперимент қилинг, маҳсулотларни алмаштиринг, рецептларни алмаштиринг; янгиларни ишлатиб кўринг. Бир гал африка қабилалари ҳақидаги кўрсатувни томоша қилган эдим. Бир неча йиллар олдин душман қабилалари уларни ўзларининг доимий яшаш жойларидан сикиб чиқарган. Ва улар атрофи фақат тошлоқ тўсиндан иборат жойга кўчиб ўтиб, ўсимликлар ҳам деярли бўлмаган, ов қилиш учун тимсоҳдан бошқа жонзот бўлмаган кўл атрофида яшай бошлашган. Ва бу қабила ҳар куни фақат тимсоҳ гўшти истеъмол қилишга мажбур бўлган. Не-

Пентакни тажрибаси 2

гаки, бу ерда бошқа ҳеч нима бўлмаган. Мана шунаقا монодиета. Натижада 50 минг сонли қабила аъзоларидан ўртacha 900 оила қолган. 600 жуфт эр-хотиндан фақат биттасида ўғил фарзанд дунёга келган, холос. Қолганларида эса фақат қиз бола туғилган. Нимага шама қилаётганимни тушунгандирсиз, ҳурматли китобхон? Шундай миллатлар борки, улар бир неча минг йиллардан бери мавжуд, лекин аҳолисининг сони бор-йўғи 5-10 миллион. Масалан: грузинлар, арманлар, болгарлар. Уларнинг ошхонаси ҳам бир-бирига ўхшаб кетади, яъни истеъмол маҳсулотларининг тури деярли яқин. Таъмларда бироз фарқ қилади, лекин бирикмаси ўхшашиб. Ҳиндларнинг, хитойликларнинг аҳолиси сони деярли бир ярим миллиардан ошиб кетган.



Ўз миллий ошхонангизни севиш ва қадрлашни қатъий тавсия қиласман, лекин ҳафтасига 2 марта аҳолисининг сони кўп миллионли халқлар ошхонасининг таомларини тановул қилиш керак. Хитой ёки ҳинд ресторонларига ташриф буюринг.

Аҳолисининг сони бир неча юз миллиондан ошиб кетган халқларнинг ошхоналарини ўрганиб чиқинг.

Орзуга айб йўқ деяётгандирсиз! Ойига ўн кун ресторанда овқатланиш! Бунча пулни қаердан оламан? Норбеков дегани менинг амакимни нефт конининг шайхи деб ўйлајитими?

Мана шунаقا минғир-минғир қилиб вайсашга тушиб кетишлари билан, дарров битта латифа ёдимга келади. Бир

Мирзакарим Норбеков

эркак, Норбеков машғулотларига қатнашишни бошлаган экан, дарсдан кейин уйига қайтиби ва хотинига дебди:

— Зинаида, бўлди, энди мен ўқимишлиман, бугундан сен билан тўғри жинсий ҳаётни бошлаймиз, бундан ўттиз йил олдингидек эмас.

— Ваняжон, азизим, мен сенга ҳеч қачон эътиroz билди-маганман-ку! Лекин мен ўқимаган кампир бўлсан, сен менга тушунтир, нима қилай? Керак бўлса мен албатта ҳаракат қиласман-да!

— Биринчи навбатда, сен, хотин, тўшакда оҳ-воҳ қилиши үрганиб олишинг керак. Нуқул тўнкага ўхшаб жим ётасан. Нима гаплигини билмайман ҳам. Худо билади, жонинг борми-йўқми, сезмайман ҳам.

— Э-э, Ваняжон, оҳ-воҳ қилиши мен боплайман, бунинг қийин жойи йўқ. Фақат менга қачон бошлашни айтсанг бўлди.

Улар бир-биридан бўса ола бошлашибди.

— Ваняжон, бошлайми?

— Шошмай тур, ҳали эмас.

Чол кампирини эркалата бошлабди.

— Ваняжон, бошлайми?

— Бирпас шошмай турсанг-чи!

Энди асосий босқич бошланганда.

— Ваняжон, бошлайми?

— Бошла!

— Оҳ, пул йў-қ! Воҳ шўрим, пул йўқ-ку!!

Албатта, мен қаёқдан ҳам билишим мумкин сен шўринг курғур сўққабошларнинг аҳволини? Мен сиздақаларни 30 йилдан ортиқ вактдан буён кўриб келяпман. Сизларнинг ҳамма муаммоларингизни биламан. Тўғрироғи, ҳаммангизнинг муаммонгиз битта – бу муаммо икки қулогингиз орасида жойлашган. Колган ҳаммаси баҳона. Ойлик камми? Ишонаман!

Шундоғам кам ойликка кўниб ишлаётганингиздан кейин, нима учун Сизга катта ойлик тўлашлари керак экан?

Ченгакини тажрибаси 2

Ходим ўзини ишлаётган қилиб кўрсатади, иш берувчи эса уига маош тўлаётгандек. Ҳамма хурсанд! Йўқ, ҳамма эмас, дейсизим?

Юмшоқ дивандан куймучингизни кўтаринг-да, ўзингизнинг хусусий ишингизни очинг ва ўзингизга маошни ўзингиз тайинланг. Токи пулингиз яхши уй-жойга ҳам, қулади машинага ҳам, ресторонларга ҳам, яхши ҳаётга ҳам етсин.

«Вой, мен билмайман-ку... Вой, мен эплай олмайман-ку... Вой, солиқлар, Вой, у,вой, бу». Хоҳлайсизми, ўргатаман? Иш бериши мумкин бўлган факат битта рецепт мавжуд.

Ўйланг ва ҳаракат қилинг! Ҳаракат қилинг ва ўйланг!



Сиз ўзингизни қашф қилишингизга тўғри келади.

Фикр-мушоҳада юритиш санъати одамга нима беради? Қадрли китобхон, Сизга бир муваффақиятнинг тарихини гапириб бераман. Ойда бир-икки марта бизлар ўнга яқин йигит тор доирада йиғилиб турамиз. Ёшларимиз орасида-ги тафовут 5-6 йил. Ҳаммамиз ҳамюртмиз, лекин Москвада яшаймиз.

Мана шундай йиғинларнинг бирида, орамиздагилардан бири ўзининг дастлабки бизнесини қандай ташкил қилганини гапириб берди. У Москвага Ўзбекистондан 80-йилларнинг охирларида келган. Эски, нурай деб турган меҳмонхонага келиб тушган. Меҳмонхона бир юлдузли. Битта юлдуз, у ҳам шифт тешигидан кўринаётган осмонда.

Қарзга олган пуллари тугай деб қолган, у эса нима билан шуғулланишни билмай гарант. Ҳаво айнигандан куни меҳмонхонага чарчаган аҳволда қайтиб келади-да, ўзини каравотга ташлайди. Шу пайт унинг кўзи кимдир унутиб қолдирган китобга тушиб қолади.

Мирзакарим Норбеков

Бу ўта ақлли тил билан ёзилған қандайдыр илмий-оммабоп рисола экан. «Термопластика технологияси» деб номлауучи китоб. У эса умрида бундай китобни күлига олмаган. Лекин қыладиган бошқа иши бўлмагандан кейин – ётган жойида варактлай бошлаган.

Ўқиш давомида бир килограмм пластмассадан аллақанча маҳсулот, яна аллақанча ўйинчоқларни, деталларни, плёнкаларни ясаш мумкин эканлигини тушуниб олган. Столда кимдир нимадир ўраб олиб келган текин рекламали газета турибди. Баъзи бир бетлари йиртилган, «доғ босган».

Ўқиш мумкин бўлган бетларига кўз югуртириб чиқа бошлаган ва бирдан гранулаланган пластмасса сотилади деган эълонга кўзи тушиб қолган. Яъни турли пластмасса ўйинчоқлар, буюмлар, плёнкалар ишлаб чиқариш учун хомашё таклиф қилишяпти. У бир тонна гранулаланган пластмасса қанча туришини ва бир тонна пакет қанча туришини ҳисоблаб кўрган.

Қараса, фарқи тахминан ўн баравар. Бир тонна плёнканан юз мингта цеплофан пакет тайёрлаш мумкин бўлса, нима қиласи плёнкаларни сотиб. Ҳисоблаб кўрган. Энди фарқи 300 баробар.

У меҳмонхона номерида ўтирганча пакет ишлаб чиқарадиган автомат сотувчиларга кўнғироқ қила бошлаган. Ва у лизингта битта пленка ишлаб чиқарадиган автомат, битта цеплофан ишлаб чиқарадиган автоматни олишга келишган. Сўнгра заводдан чикиндига чиқсан 200 кг пластмассани олган.

Завод ишчиларига ароқ берган – бошқа нарсага пули йўқ. Улар бу материалларни заводдан қоп-қоп олиб чиқиб беришган. Ўзи қопларни электричкада Москвага олиб келган. Дастраси пакетларни у ўз кўллари билан тайёрлаган.

Бир йилдан кейин унинг сармояси 150 миллион доллар атрофида бўлган. Бугунги кунда унинг сармояси бир неча ўн миллиард доллар атрофида. У сайёрамизнинг энг бой 30 талигидан жой олган. У бунга қандай қилиб эришди? Омади келгандир? Шунчаки у фикр юритишни билган!

Шентакни тажрибаси 2



Агар инсон кўраётган, эшигаётган, биладиган бўлса, бу уни фикр юритаётганини англатмайди. Фикр юритишини ўрганинг! Ҳаракат килишни ўрганинг!

Одамларнинг кўпчилиги бир умр ўзларини алдаб юришини маъқул кўришади. «Мана агар менинг имконим бўлса эди, мана шу ақлим бундан 20 йил олдин бўлганда эди. Мен мана бунака қилган бўлардим. Мен ана ундақа қилган бўлардим. Агар менда ҳозир (у ёғига миқдори кетади – бир сўм, миллион долл., трилл. евро) бўлса эди! Агар, эрталаб ҳовлига чиксаму пул тўла контейнер осмондан тап этиб тушса-ю, ҳамма ишларимни ўнглаб олардим! Агар менинг амаким Россия, Германия, АҚШнинг президенти бўлса эди, мен таниш-билишлар орқали шунақа ишларни боплаган бўлардим...» Таниш ҳолатми? Аслида эса кулагайлик деб атальмиш ҳазрати олийлари шу йўл билан мунтазам равишда Сизни аҳмок қиласи ва ҳаётингизни, ҳамма муваффакиятларингизни, барча баҳт-саодатингизни, бари-бари эзгу орзуларингизни кейинги сафарга, кейинги галга суриб келади...

Модомики, бу ҳаётда менга у-бу нарса етмаётган бўлса, учинчи, бешинчи нарса етмаётган бўлса, демак, менинг имкониятларим бунга йўл қўймаяпти. Ва мен оқибатда ширин хаёлларга берилишда давом этаман.



Сиз билан бизнинг вазифамиз – Сизни соғлом, муваффакиятли, чиройли ва баҳтли қилиш!

Мирзакарим Норбеков

Айтишади-ку, ақлли одам ўз хатоларидан сабоқ чиқарди, донишманд эса ўзгаларнинг хатоларидан, деб. Демак, менинг муҳтарам донишманд дўстим, лабораториянгиз столига икки гурух талабаларни қўймоқчиман, Сиз уларни пробирка орқали кузатишингиз, қандай қилиб муваффақиятга эришганини қўришингиз мумкин.

Ёдингизда бўлса, биз Москва институтларидан танлаб олган талабаларимизга 50 минг евро грант таклиф қилгандик. Сиз ўшанда ҳойнаҳой Норбековнинг томи кетиб қолибди, пулларини беҳудага сочяпти, деб ўйлагандирсиз! Ундан кўра менга бермайдими-а? Лекин менинг меценатлик яъни ҳомийлик қилиш ниятим йўқ эди!

Менинг вазифам талабалар ичидан энг фаолларини тошиш, энг сараларини йиғиб, уларни муваффақиятли, кучли ва бой одам қилиш эди. Зинҳор-базинҳор, мана пулни бердим, ҳаммага раҳмат, кейинги ҳаяжонли учрашувларгача хайр, дейиш эмас!

Биз уларга қандай таълим бердик? Биласиз, таълим беришнинг классик усули бор, бунда профессор ўз олдига бир график сув ва стаканни қўйганча, ўз нуқтаи назарини баён этаверади, этаверади.

Талабалар ўзларини эшитаётган қилиб қўрсатишади, ишонарлироқ қўриниши учун кўзларига гугурт чўпини ҳам қўйиб олишади. Йигитлар ухлаб қолмаслик учун, қизлар эса қойил қолгандек қўриниш учун. Бу биринчи қатордаги ахвол.

Бундай олий ўкув муассасаларида «мизғиб олиш учун» деб аталадиган охирги каторлар энг обрўли жой ҳисобланади. Бу таълим беришнинг классик усули. Бу усулнинг самараси ўн-ўн беш фоизни ташкил қиласди.

Биз бутунлай бошқа йўл билан ёндашдик. Бизда икки гурух талабалар тўпланди.

Биринчи гурух, яъни, тажриба остидаги гурухимиз 31 талабадан иборат бўлди. Биз уларга лабораториямиз

Шентакнинги тажрибаси 2

орқали текширувдан ўтган маълумотларни тақдим этдик, бу маълумотлар реал миллионерларнинг тажрибаларига асосланган бўлиб, улар шу билимларга таяниб ўз натижаларига эришган эди.

Бошқа гурух – назоратдаги гурух. Бу гурухдаги талабаларнинг сони 30 кишини ташкил этди. Бу гурухга биз билимларни классик академик услубда бердик, масалан, худди ҳозиргидек, Сизнинг кўзларингиз китобда, худди ўқиётгандек, фикрларингиз эса қаердадир сайр қилиб юрибди. Токи фикрларингиз қаердадир сайр қилиб юрар экан, маълумотлар бир неча соат ёки бир кундан кейин ўчиб кетадиган қисқа муддатли хотирага келиб тушади. Шу мавзуда бир латифа айтиб берайми?

70 ёшларни коралаб қолган лорд 30 ёшли инглиз хонимига уйланибди. Янги турмуш курган оила куёвнинг ҳашаматли уйига кўчиб ўтишибди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг алоҳида ётоқхоналарига жойлашибди. Биринчи кечадаёқ янги келин эшик ортидан қадам товушларини эшишибди. Эшик очилиб, ёши анча улуғ бўлиб қолган эр кириб келибди-да, – Азизам, мен ўз бурчимни ўташ учун келдим! – дебди.

Эр ўз бурчини ўтаб бўлиб, шошилмай чиқиб кетибди. Ярим тунда яна таниш оёқ товушлари эшитилибди. Лорд кириб келиб: – Азизам, мен ўз бурчимни ўташ учун келдим! – дебди. У ўз бурчини ўтабди ва чиқиб кетибди.

Бу ҳолат ҳар икки соатда тақрорланаверибди. Эрталабга яқин чарчаб кетган рафиқа: – Азизим, Сизнинг эҳтиросингиз қувватига гап йўқ! Сиз шу кечанинг ўзида бешинчи марта ўз бурчингизни ўтаяпсиз! – деса, лорд: – Наҳотки? Бу қувват эмас, склероз, – дебди.

Демак, сал олдин интим муносабат мавзусидан ташқари Сиз билан яна нима ҳақида сухбатлашаётган эдик. Хотирани яхшилаш ҳақида. Ўзимизнинг талабаларга қайтамиз. Тажриба остидаги гурухда қандай йўл тутдик. Уларнинг

машғулотлари саккиз соат давом этарди. Лекин бу партада олдидаги оддий машғулотлар эмас. Масалан, уларга қуйидагича вазифа күйилди. Гурух бир нечта кичик гурухлардан ташкил топган эди. Мен уларга дастлабки вазифани тушунтиридим: – Сизнинг вазифангиз – икки соат мобайнида кўччада имкон қадар максимал миқдорда одамларнинг қорнини текинга тўйдириш. Сизнинг ўз пулнингизни ишлатишга, бошка пулларни жалб қилишга ҳаққингиз йўқ, бор бошлангич капиталингиз – фломастернинг қопқоги. Вақт кетди.

Энг юқори кўрсаткич – улар икки соат мобайнида 1400 га яқин одамни бутерброд билан боқишиди. Тўғри, улар бу бутербродларни сотиб олишди, лекин бу пулларни улар дастлабки икки соат мобайнида ишлаб топишиди. Биринчи гурухдагилар ҳам, иккинчи гурухдагилар ҳам ота-онаси-нинг қарамоғидаги талабалар, ётоқхонада яшашиди ва бирор миқдорда стипендия олишади.

Биринчи гурухдагиларга: – Қани, мустақил ҳаракат қилинглар, – деганимиз.

Иккинчи гурухга эса «Қани, уриниб кўринглар» деб айтмаганимиз.

Тажриба гурухидагиларга ўн-ўн беш дақиқа давомида маълумот берамиш. Улар шу заҳоти айтилганларни амалда кўллаб, ҳаракатга тушиб кетишини.

Назоратдаги гурух куни билан аудиторияда, қуруқ назарий билимларни кемиришарди.

Биринчи гурухга биз: «Сизнинг ижара уйда яшашига ҳаққингиз йўқ, ўзингизга уй сотиб олишларингиз керак, яна машина ҳам» деган талабни кўйдик. Улар бизга аҳмоққа қарагандек қараб туришарди: «Пулни қаердан оламиш, бизга ким ҳам пул берарди?»

Уларга яна бир сюрприз тайёрлаб қўйгандик, биз компания юристини ва вакилларини таклиф қилдик. Улардан бири кўчмас мулк сотиши компаниясининг вакили, бошқаси – автомобиль сотиши компаниясидан.

Шенгакни тажрибаси 2

Бутун гуруҳни икки соат мобайнида дастлабки тўлов муддати уч ойга кечикирилган кредитга машина ва квартира харид қилиш учун контрактга кўл қўйишга мажбур қилдик.

31 талаба икки соат ичидаги энг арzon бир хонали квартиранинг ва «Авансис» тойота машинасининг эгасига айланнишди, машинани эртаси куниёқ автосалондан қабул қилиб олишлари мумкин эди.

Уларда эса: «биз буни қанақа қилиб тўлаймиз?» – деган мазмунда вахима бошланган. Зоро, улар ўқишаётган бўлса, ҳали њеч қаерда ишлашмаса. Сиз уларнинг кўзларидағи кўркувни кўрганингизда эди! Биз эса уларга: «Кредитни тўлаш учун уч ой мобайнида сизлар ўзларингизнинг хусусий бизнесингизни очишингиз керак. Агар ўз бизнесингизни очмасангиз, биз сизларни ўқишидан ҳайдаймиз,» – деб айтдик.

Назоратдаги гурухга эса агар уч ой мобайнида ўз бизнесингизни очсангиз ёмон бўлмасди, кўринишида истагимизни айтиб ўтдик. Шунчаки айтиб ўтилди, лекин қатъий талаб қилиб, туриб олмадик.

Уч ой ўтди – иккинчи, назоратдаги гурухдагилардан уч ёки тўрттаси ўз ишини очишига киришди, факат бу ҳам қоғозда эди. Қолганлари эса донишмандона қиёфада ўтиришарди – улар ўзларининг бизнесини очиш учун обдон тайёрланишарди.

Биринчи гурухда эса бу пайтда иш бутунлай бошқача кечеётган эди. Биз уларни машина ва квартиранинг кредитлари билан бурчакка тақаб қўйганимиздан кейин уларнинг орзуладга берилиб, хаёл суриб ўтиришга вактлари ҳам қолмаганди.

Машғулот ўтказиб, уларнинг ҳар бири нима билан шуғулланмоқчи, қандай бизнес ташкил қилмоқчи эканини аниқлаштиридик. Дастлабки ойдаёқ улар ўзларининг бизнес режаларини ёзиб келишди. Бизнес режаларини расмий

рўйхатдан ўтказиши ва натижада 31 ташкилот очилди. Ташкилотни очиш қийин иш эмас, лекин энди ишга киришиш керак.

Икки ойдан кейин улар квартира ва машина учун кредит тўловини бошлашлари керак эди. Биринчи очилган ташкилотларнинг натижалари қандай бўлди? Улар одамларни ёллашга киришдилар, офис излай бошлаши. Ижараофислар эса жуда қиммат. Учинчи ойнинг охирига келиб 31 ташкилотнинг ҳаммаси бутунлай қулади, касодга учради. Уларнинг ҳаммаси 100 фоизли банкротга айланди.

Бошқа гурухда 3-4 ташкилот... улар албатта касодга учрамади, чунки улар ишни бошлагани ҳам йўқ эди. Лекин ҳамма қизиги энди бошланди!

Сизга қизиқми? Қадрли китобхон, мен бу ҳақда кейинги бўлимда гапириб бераман. Ҳозирча эса ўзимизнинг ошқозонларимиз масаласига қайтсак.

Одатда ҳаётда одамзод истеъмол қилиши мумкин бўлган ва истеъмол қилиши мумкин бўлмаган маҳсулотлар бор. Сиз буни жуда яхши биласиз. Гарчи хитойликларнинг «учадиган нарсадан фақат самолётни, ўрмалайдиган нарсадан эса – фақат поездни емаймиз», – деган ҳазил гаплари бўлса ҳам.

Албатта бир-бирига тўғри келадиган ва бир-бирига тўғри келмайдиган маҳсулотлар бор. Мисол учун гўшт билан сутни олайлик. Уларни бирга қўшиб ишлатиш мумкин эмас деб ҳисобланади. Нима учун? Чунки агар гўштни ёки балиқни сут билан бирга пиширса, у ҳолда бундай таомдан кейин одамнинг реакция тезлиги секинлашади, мантикий фикрлаш фаолияти сусаяди. Оддий қилиб айтганда, инсон бундай таомдан калтафаҳм бўлиб қолади. Бу илмий жиҳатдан исботланган факт.

Бу икки хил маҳсулотни қўшиб ишлатиш мумкин бўлмаган ҳолатнинг фақат бир кўриниши, холос. Яна бошқа кўринишлари ҳам бор. Агар Сиз тез ҳазм бўладиган таом,

Пентакнин тажрибаси 2

яъни бўтқани узоқ вақт ҳазм бўладиган маҳсулот, масалан гўшт билан тановул қиласангиз, гўшт ҳазм бўлмайди, бўтқа эса бижгий бошлайди. Кейин эса буларнинг ҳаммаси ингичка ичакка тикилади.

Ички аъзоларингизнинг эса уларнинг ҳаммасини тартибга келтиришига тўғри келади, уларни қандай қилиб саралаш, қайси бирига қандай фермент ажратиб бериш бора-сида, анча тер тўқадиган аъзолар. Агар доимо маҳсулотларни бирга ишлатиш мумкин эмаслигига эътибор бермай, иш тутадиган бўлсак, жигар ва ўт пуфагимизда сурункали қасаллик орттириб оламиз. Ахир ички аъзоларимиз бу уюмларни саралаб ажратишнинг уддасидан чиқа олмайди-да. Ва оқибатда шифокорга, дорихонага югур-югурларимиз бошланади.

Ҳакикий эркак дорихонага фақат битта нарса учун бориши керак. Нима олиш учун экан? Контрацептив учун? Ха йўғ-а? Бир этак болаларига памперс олиш учун! Айтгандай, меваларни тушликкача истеъмол қилган маъқул, тушликдан кейин эмас. Улар оғир ҳазм бўладиган таомдан кейин истеъмол қилинса, аҳвол янада мушкуллашади, яъни, ошқозонда туриб қолган бу мева аста-секинлик билан айний бошлайди.

Масалан, олма 20 дақика давомида ҳазм бўлиши мумкин, ундан кўп қолса бижғиши жараёни бошланади. Овқатга тўла ошқозонда эса унинг бир неча соатлаб колиб кетишига тўғри келади. Бирга ишлатиш мумкин бўлмаган турларнинг яна учинчи кўриниши ҳам бор. Мисол учун – дудланган балиқ билан сут. Бир маҳсулот учун организм бир кўринишдаги фермент ажратиши керак, бошқасига бутунлай бошқасини. Агар бутун оила ҳожатга югуриб қолса-ю, ҳожатхона битта бўлса-чи! Мана шу тариқа «миллий рақслар» туғилади. Лезгинками, гопакми.

Бирга ишлатиш мумкин бўлмаган маҳсулотларнинг ораглиғидаги танаффус икки соатдан кам бўлмаслиги керак.

Мирзакарим Норбеков

Кам ҳаракат кишилар, заифлашиб қолганлар, хаста, овқатни ҳазм килиш жараёни қийин кечадиганлар, айниқса ёши ўтган кишиларнинг бирга ишлатиш тўғри келмайдиган маҳсулотлардан жуда эҳтиёт бўлганлари маъқул.



Хар бир истеъмол қиласидиган озуқангиз онгингизга, организмингизга, Сизнинг хатти-ҳаракатларингизга таъсир қиласи.

Озиқ-овқатлар куч бериш билан бирга одамнинг кучини олиб ҳам қўяди. Шундай нарсалар борки, бунга одамлар у қадар эътибор беришмайди. Лекин нотўғри овқатланиш натижасида ўзларининг улкан куч-кувватини, потенциалларини йўқотишлари мумкин. Масалан, киши ўзини ланж сезиши натижасида бирор-бир муҳим учрашувини бекор килишига тўғри келади.

Ёки кейинги ҳафтага кўчиришига тўғри келади. Бир ҳафтадан кейин эса керакли одам бошқа ишлар билан банд бўлиши ва Сиз билан бошқа учраша олмаслиги мумкин. Бунинг ҳаммасига эса қандайдир тушликдаги жўжахўрлик сабаб бўлиши мумкин.

Мен бу борада қандайдир аниқ ва қатъий тавсиялар бермайман ва гўшт енглар, ўтхўр бўлинглар, деб айтмайман ёки уч марталик овқатланиш режимига ўтинглар, ҳам демайман, яъни бир ойда уч марта. Сиз диққат билан ўз организмингизга қулоқ солинг.

Ўзингизнинг овқатланишгача ва овқатдан кейинги ҳолатингизни таҳлил қилинг. Масалан, одатда истеъмол қилиб юрмаган нимадир егингиз келаётганини сезиб қолишингиз мумкин. Бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Демак, бу таомда сизнинг организмингизга етишмаётган нимадир бор.

Тенгакни тажрибаси 2

Шошилмасдан, секин овқатланинг Гап шундаки, қорин тўйғанлиги ҳақида сигнал ошқозондан мияга 20 дақикадан кейин етиб келади. Лекин, Сиз агар дастурхондаги ноз-неъматларни паровоз ўчогига кўмир отгандек ошқозонгизга ташлайверсангиз, у ҳолда икки-уч баравар кўп овқат еб қўясиз. Кейин эса танангизда гастрит, колитлар, кумлар, тошлар, чиганоқлар, сув ўтлари ва ҳоказолар пайдо бўлади.



Лаззат билан, шошилмасдан, ҳар бир бўлакни яхшилаб чайнаб, хаёлан қаерлардадир учиб юрмасдан, дастурхон устида мутолаа қилмасдан овқатланиш натижасида Сиз учта фойдани қўлга киритасиз: кўпроқ лаззатланасиз, тезроқ тўјасиз ва бўкиб қолмайсиз!

Ҳозир кўпчилик турли-туман парҳез тутишларга берилиб кетган, ўтхўрлик дейсизми, тақсимли парҳезми ва бошқа хил турли-туман акллиликлар. Сизга нима десам экан? Соғлик учун фойдали бўлган кўплаб рецептлар бор. Лекин!..

Қадрли китобхон, сиздан ўтиниб сўрайман, бундай йўналишдаги ҳамма маълумотларга ҳам кўр-кўруна ишонаверманг. Янги нарсани кўринг, унинг организмингизга таъсирини ўрганинг. Ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Соғлиғингиз қандай?

Мен доим айтаман: энг яхши парҳез – швед столи. Дастрабки бир-икки кун иккиталаб патнис тўла егулик билан юрасан, кейинги кунлари эса битта ликопча билан. Ҳатто шуни ҳам тўлдиргинг келмай қолади.

Мирзакарим Норбеков

Агар сизга шундай жойларда бўлишга тўғри келган бўлса, яъни куни бўйи швед столи муҳайё бўлса, демак, бу ҳақда сизга узоқ гапириб ўтиришимга ҳожат ҳам йўқ экан. Агар кўрмаган бўлсангиз, марҳамат қилиб боринг ва ўзингиз бунинг нима эканини хис қилинг. Бу нимага керак? Шу билан боғлиқ бир воқеани айтиб бераман.

Ҳар йили баҳорда мен Ўзбекистонда «Омад устахонаси» тадбирини ўтказаман. Ва у ерга нафақат ҳамдўстлик давлатларидан, шу билан бирга Европадан ҳам келишади. Биз мазкур машғулотлардан кейин турли ресторонларга ташриф буюрамиз. Овқатланамиз, кўнгилочар дастурни томоша киласмиз, ўзаро мулоқот қиласмиз.

Шу тадбиrlардан бирида болгар дўстларимдан бир тилиниб қолди: «Мирзакарим, кел, бугун ресторанга бормаймиз. Бошка чидолмайман». Мен унга: «Албатта, дўстим, сени яхши тушуниб турибман!» – дедим. Ва биз ўз миллий таомларини тайёрлай оладиган болгар аёlinи топдик.

Қадрли китобхон, Сиз «энг мазали таомлар бу – рус ошхонасининг таомлари» – деган фикрга қўшиласизми? Мен ҳам қўшиламан... уч кун. Тўртинчи куни эса ейишдан бош торта бошлайман. Чунки бу чучвара, вареники, карам шўрва, пирожки, лицилдоқ деганларига қарагим ҳам келмай қолади.

Болгар дўстимиз ҳам шу ахволда эди. Бизнинг юртимизга келиб уни еди, буни еди... Лекин уч кундан кейин палов, лагмонларимизни емаслик учун ўзини осиб қўйишга ҳам тайёр эди. Мен ҳам бегона таомларни уч кунгача осонгина истеъмол қиласман, кейин эса буложка ва катикқа ўтиб оламан.

Тўғри, йиллар ўтган сайин ош-овқатга ҳам чидамлилигинг ортиб бораверар экан. Лекин барибир, ҳар бир инсон учун энг тотли таом ота-онасининг козонида пишган овқат. Ўзи еб улғайган таом бўларкан. Фикримга қўшиласизми? Мана шу таомлар бутун ҳётимиз мобайнинда биз учун энг тотли таом эталони бўлиб қолади.

Пентакниң тажрибаси 2

Шу сабабли ҳам руслар ўз ошхонасининг таомларини энг мазали деб ҳисобласа мен улар фикрига тўлиқ қўшиламан, чунки бу уларнинг миллий ошхонасининг таомлари.

Аслида биз ҳозир Сиз билан энг фойдали овқат ёки энг мазали миллий таомлар ҳақида гапирмаяпмиз, биз ҳозир Сизнинг хатти-харакатларингизнинг пойдевори ҳақида гапиряпмиз. Сизнинг бутун қадриятларингиз бошланадиган жой ҳақида, шу билан бирга, афсуски, камчиликларингиз ҳам бошланадиган жой ҳақида гаплашяпмиз.

Шундай экан, танангизда муаммоли аъзолар бўлса, соғлиғингиз борасида муаммолар, феъл-авторингизда камчиликлар мавжуд бўлса, бу жойни кўздан кечириш, бу муаммолар унинг қаердан келиб қолганини, қандай ишлашини ва қандай қилиб уларни бартараф этиш кераклигини кўриб чиқиши керак. Тушунганингиздек, озиқ-овқатлар эса, азизларим, инсоннинг ўзини қандай хис қилишига, хатти-харакатига, фикрларига ҳам таъсир этади.



Ахир бизнинг танамиз, нимани
истеъмол қилсак, шулардан таркиб
топади-ку!

Бизнинг ўзимиз ердан яъниким, тупроқдан яратилганимиз ва ана шу тупроқдан, ердан униб чиқсан неъматларни истеъмол қиласмиз ва яна ҳаммасини шу ерга қайтарамиз. Ердаги айланма, ҳаракат, микроэлементларнинг айланмаси демакдир. Айтайлик, кичкитойнинг организмида кальций этишмаса бола ўзини қандай тута бошлайди?

Уларда интуитив, табиий шу моддага эга бўлган озукани топишнинг кучли истаги пайдо бўлади, улар ҳатто кесакни ҳам ея бошлайдилар. Бола ялиниши, хархаша қилиши,

Мирзакарим Норбеков

ҳатто ётиб олиб юмалаши ҳам мумкин – фақат организми талаб қилаётган нарсани олишга эришса бўлгани.

Микроэлементлар – Сиз мустақил равишда батафсил, синчковлик билан кўриб чиқишингиз керак бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири. Микроэлементларнинг инсонга қандай таъсир этишини ўрганишингиз керак. Ўз овқат рационингизни шундай ташкил қилишингиз керакки, токи бунинг натижасида Сизнинг организмингиз доимий равишда микроэлементлар билан тўйиниб борсин.

Хўш, бу захирани доимий равишда тўлдириб борадиган инсонлар бошқалардан фарқ қилишадими? Биз буни кўп болали аёлларнинг соғлигини ўрганиш орқали кўришимиз мумкин.

Анча йиллар илгари мен кўп болали аёлларга доир жиҳатларни ўрганаётган гурух сафига кўшилиб қолдим. Мазкур тадқиқотчилар сафига мен мутлақо тасодифан кўшилиб қолгандим. Лекин бироз вақт ўтиб, ушбу масалани шу гурухнинг мутахассислари билан бирга ўргана бошладим.

Ўн нафардан ортиқ фарзанд кўрган аёлларнинг ўртасидаги тадқиқот ҳайратланарли натижани кўрсатди – бу аёллар ўз тенгдошларидан кескин фарқ қилишарди. Улар ўз тенгқурларидан ёки анча катта кўринишади, ёки анча ёш. Лекин зинҳор бир хил эмас.

Кимнинг ёши қирқ-эллик ёш атрофида бўлгани ҳолда, фарзандлари битта бўлса, бу аёллар бир-биридан фарқ қилишмайди. Нима учун? Чунки уларнинг яшаш шароити деярли бир хил. Кўп болали аёллар эса кескин равишда икки гурухга ажралишади. Биз тадқиқ қилишга киришдик ва ажойиб фактларни аниқладик.

Агар аёлга ҳамма шароитлар яратиб қўйилса, яъни туғиши учун, турмуш икир-чикирларидаги барча талабларини кондирувчи хизматкор ва оқсоchlар ёллаб қўйилса (овқат пишириш, супур-сидир, кир ювиш, болаларга қараш ва ҳоказо), у ҳолда биз қаршимизда эллик ёшда ҳам худди ўттиз ёшлардагидек аёлни кўрамиз.

Шентакнинг тажрибаси 2

Лекин қулай шароит бўлмаса ва бу аёлнинг зиммасига доим овқат пишириш, кир ювиш, дазмол қилиш, бир этак болаларни парваришилаш юклаб қўйилган бўлса – бу аёллар ёшлирига нисбатан анча қари кўринишади. Бизни уларнинг зиммасидаги қийинчиликлар қизиктирмайди, бизни нима учун кўп болали аёллар жисмонан анча ёш ва жозибалирок кўриниши қизиктиради.

Икки-уч фарзанд кўрган аёллар билишади, ҳомиладорлик даврида уларда қандайдир бошқача маҳсулотларга нисбатан талаб пайдо бўлади. Лекин ҳаммадан ҳам қизифи шуки, агар ҳомиладор аёл ёш бўлса, бу унча яккол кўзга ташланмайди, сезилмайди.

Лекин аёл қирқ-эллик ёшида ҳомиладор бўлса, гаройиб маҳсулотга талаб уларда жуда кучли ва маҳсулотларнинг тури ҳам кенг кўламли бўлади. Чунки аёл организмидаги соғлом фарзанд дунёга келтиришнинг, яратишнинг маҳсус стандарти генетик тарзда жойлашган. Соғлом бола яратиш учун эса жуда кўплаб микдорда турли хил «курилиш материаллари» талаб этилади. Агар соғлом аёл организмидаги солида айтадиган бўлсак, унга мутлақо соғлом бола туғиши учун қандайдир элементлар етишмаса, аёлнинг бошида қисқа туташув кўринишидаги механизм ишга тушади, у бугун зудлик билан НИМАНИДИР топиши керак. Бу аллақандай экзотик, ҳатто умуман еб бўлмайдиган нарса бўлиши ҳам мумкин.

Чунки аудиторлик маркази зарур бўлган, етишмайдиган микроэлементларнинг ўрнини тўлдиришга мажбур қиласпти. Бунинг натижасида эса аёл организмидаги кескин равишда ёшаридек кетади.

Агар бизларнинг ҳар биримиз ўзимизнинг шахсий микроэлементларимиз тўпламини тартибга келтириш билан мунтазам шуғуллансан, барчамизнинг жисмоний ёшлигимиз узоқ йилларгача сакланиб қоларди.

Мирзакарим Норбеков

Буни қандай амалга ошириш керак? Ҳар доим ҳомиладор бўлиб юришнинг иложи йўқ – бу аёллар учун анчайин мاشақатли, кафолатсиз жараён, эркаклар учун эса умуман амалга ошмайдиган иш. Лекин буни балчик билан даволашга алмаштириш мумкин. Болгар тилида балчик билан даволаш «каловечение» деб номланади. Ҳаттоқи тери учун бутун бошли кремлар тўплами ҳам бор ва улар «Калодермо» деб номланади. Ўқийсану ўйланиб қоласан – ушбу «ахлат» учун шунча пул тўлашга тўғри келса-я?!

Тагин, ўтган асрнинг 90-йилларида, биз организмга керакли барча моддаларга эга бўлган маҳсус пластир ишлаб чиқармоқчи бўлгандик. Лекин буни амалга ошира олмадик. Чунки бундай пластир жуда қимматга тушиб кетди, одамлар эса уни сотиб олиш имконига эга эмас эди. Хўш, мазкур пластир қандай тайёрланган эди? Бу юпқагина тўртбурчак, шаффофф цеплуюид плёнкалардан иборат бўлиб, улар олтин, кумуш, мис, алюминий ва организм учун муҳим бўлган микроэлементлар билан чанглантирилганди. Уни терига ёпишириб қўйгач, бир суткадан кейин ечиб олиб қарасангиз, баъзи пленкалар шаффофф бўлиб қолган бўлади.

Яъни ўтган вакт ичida организм ўзи учун муҳим бўлган моддаларни шимиб олади. Биз турли касалликлар билан оғриган бир гурӯҳ мижозларни тўпладик ва уларни кузата бошладик. Бир суткада улар организми нимани шимиб олётганини тадқиқ қилдик.

Кимгadir мис етишмасди, кимгadir кумуш. Айрим табиатан хасис ўртоқларимизга эса тилла етказиб бўлмасди. Кейин микродозаларда етишмайтган элементларни бера бошладик.

Кўрдикки, бу одамлар кескин тарзда ўзларини яхши ҳис қила бошлаши. Уларни безовта қилиб келган кўплаб касалликлар йўқола бошлади. Бутун организмлари яшара бошлади. Ҳар бирининг умумий ҳолати яхшиланди. Асаб тизимининг захира кучи сезиларли равишда ортиб борди.

Шентакнини тажрибаси 2

Йиллар ўтган сайн кишида организмига микроэлементларнинг етишмаётганинги ҳис қилиш сезирлиги пасая бошлади. Ваҳоланки, уларга талаб тобора кўпайиб боради. Кўп йиллар мобайнида бир хил маҳсулотли таомларни истеъмол қилиш одати ёш болаларга ва ҳомиладор аёлларга хос юкори сезирликни йўқ қилиб юборади.

Ошхонангиздаги анъанавий маҳсулотлар сизга барча муҳим бўлган нарсаларни бера олмайди. Нима учун бундай фикрдаман? Ўзингизнинг ташқи ахволингизга бир қаранг, соғлиғингизга баҳо беринг: Бу ёғингиз осилган, у ёғингиз оғриган: демак, озиқланиш рационингизни кенгайтириш лозим. Шундай моддалар борки, уларни музлаткичда саклашнинг иложи йўқ. Шундай моддалар борки, уларни ҳеч қандай шаклда консервалашнинг ҳам иложи йўқ, чунки улар маълум вақт оралиғида, жуда тез чириш хусусиятига эга.



Узок умр кўриш, соғлом ва баҳтли бўлиш учун организм тўлақонли озуқага эга бўлиши керак.

Бир киши соғлом парҳез билан шуғулланишга қарор қилибди. Уч кун оч юрибди... йигирма кун. Учинчи ўн кунликнинг охирига келиб бирдан корни бураб қолибди. У хайрон, қанча вактдан буён ҳеч нима емаётган бўлса, бу нимаси энди? Бир бутанинг панасида кучаниб ўтиrsa, бирдан нимадир чапиллаётганини эшишиб қолибди. Бу нима? Атрофга аланглабди – ҳеч ким йўқ. Ўзининг остига қараса, ўзининг думбачаси ўт чимдилаётган эмиш.

Шифобаҳш лой нима? Бу балчик, бу беҳисоб ўлик организмларнинг дастлабки элемент таркибига айланиши. Оч одамнинг думбачаси ўтларни ейишга тушгани сингари сиз-

Мирзакарим Норбеков

нинг организмингиз ҳам, қадрли китобхон, агар ўзига ни-
мадир етишмаса, зарур нарсаларни тери орқали шимиб ола-
ди. Ишлатиб бўлинган элементларни ҳам айнан тери орқали
чиқариб ташлайди.

Бизнинг теримиз – бу миллиард оғизлар ва яна милли-
ардлаб чиқарув тешиклари дегани. Бу оғизларга озиқланиш
имконини беринг, улар бунга бефарқ қолишмайди. Қуёш
нурлари билан озиқланишсин. Ошқозон орқали эса ўзингиз
овқатланинг, шунда ҳам имкон борича хилма-хил таомлар-
ни истеъмол қилинг.

Шифобахш лой жинсий қувватга яхши таъсир этади, уни
кучайтиради. Сиз эса бу жинсий қувват кучидан оқилона,
саводли фойдаланинг, бир қисмидан тўғридан-тўғри ўз ва-
зифаси йўлида, бир қисмидан спортга, бир қисмидан илмга,
бир қисмидан бизнесни кенгайтириш йўлида фойдаланинг.
Ҳамма хурсанд, ҳаммага етади.

Мен атайлаб ҳаммасини очиб ташламаяпман. Ўзин-
гиз билан қизиқа бошлинигиз учун, мен Сизга мўл-
жални кўрсатяпман. Бугунги кунда маълумотлар чек-
сиз, сон-саноқсиз. Айниқса Интернетда. Изланг, топинг,
ўкинг, мутахассис билан маслаҳатлашинг, ўзингизда
си наб кўринг.

Мисол учун «Аюрведа»ни олайлик.

Сиз ўзингизнинг мизожингиз қандай эканини ўрганиб
чиқканмисиз? Жисмоний танангизнинг мизожи? Нам, ис-
сиқ, совук, куруқ дегандай?! Йўқ, дейсизми? Сиз айнан
шу сабабли ўзингизнинг ярим кучингизни йўқотишингиз
мумкин. Мисол учун айни дамда Сизда олов йўқ, Сиз эса
бу пайт овқат еяпсиз. Мана шундан кейин озиш ўрнига сиз-
нинг вазнингиз орта бошлайди. Нима учун?

Оддий қиёс. Сиз олов ёқиши бошладингиз. У энди-энди
ёна бошлади, Сиз эса унга белкурак билан тупроқ ташлаш-
га киришдингиз. Олов ёнишда давом этадими? Овқат билан
ҳам худди шундай.

Шенгакни тажрибаси 2



Бир хил таомнинг ўзи сутканинг турли
пайтларида истеъмол қилингандা
организмингизга турлича, ҳатто қарама-
карши таъсир этиши ҳам мумкин.

Агар Сиз ўз мизожингизни билмасангиз, Сиз учун но-
таниш бўлган таомнинг ўзингизга қандай таъсир этишини
била олмайсиз. Мизож тўғридан-тўғри қон гурухи билан
боғлиқ, қон гурухи эса тўғридан-тўғри феъл-авторга боғ-
лиқ. Сиз учун индивидуал меъёр ва ўлчовни ҳеч ким амалга
ошира олмайди.

Нима ейишингиздан, қайси рецептни ишлатишингиздан
қатъи назар, бу Сизга қандай таъсир этаётганини кузатинг.
Қон гурухини умр давомида бир марта аниқлаш мумкин,
лекин мизожни бир умрга бир марта аниқлаб олишнинг
иложи йўқ.

Ёшлиқда одам иссиқ, қайноққон, улфатлар, ўйин-кулгу-
лар – бу мизожнинг битта кўриниши. Қарилқда эса ҳам-
момпиш ўйнаб ўтирасиз. Ўйин-кулгу ҳам, кўз қамаштири-
гудек машиналар ҳам эътиборни тортмайди, юрагингга
сигмайди. Мизож бутунлай бошқача бўлиб қолади. Лекин
бу нарсаларнинг Сизга алоқаси йўқ, қадрли китобхон! Сиз
абадий ёш ва соғлом бўлиб қоласиз! Албатта, агар бу борада
жиддий шуғуллансангиз.

УЙ ВАЗИФАСИ

Демак, қадрли китобхон, бу бўлимнинг уй вазифасига
йтамиз. Эслатиб қўйай, берилган уй вазифасини бажариш
шарт! Айтишади-ку: «хукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ», –
деб.

Мирзакарим Норбеков

Уч ой мобайнида таҳлил қилинг, қайси таом Сизни тажо-вузкор, қайси бири кучсиз қилиб қўйди, қайси бири эса куч беради, қайси таомдан кейин уйқуга тортади, ҳаммасини таҳлил қилиб боринг. Олдингизда турган вазифа – Сизни кучли қиласиган ва кучсиз қиласиган маҳсулотлар ва таомларни аниқлаш. Уч ой мобайнида кундалик тутиб, уйга овқатдан олдин ва овқатдан кейин ўзингизни қандай ҳис қилаётганингизни юз балли шкала бўйича ёзиб боринг, яъни масалан: «20 декабрь. Нонушта пайти. Кайфият 90 фоиз. Жинсий муносабат билан машғул бўлишни хоҳлайман. Сметанали чучвара едим. Кайфиятим 110 фоиз. Яна кўпроқ жинсий муносабат билан машғул бўлишни хоҳлайман» тарзida.

Уч ой тугаганидан кейин Сиз баъзи бир қонуниятларни сезиб қоласиз. Сўнгра Сизга тетиклик, ижобий ҳолат бағишловчи маҳсулотларнинг рўйхатини тузиб чиқинг.

Ўз рационингизни кенгайтиринг, турли давлат ва халқларнинг таомларидан кўшиб боринг. Ҳафтасига икки кунни Хинд ва Хитой ошхонасига ажратинг. Агар ҳозирча ресторонга боришнинг иложи бўлмаса, уйда таом тайёрлашни ўрганиш мумкин.

Овқатланишнинг турли усусларини ўрганинг ва уларни амалда қўллай бошланг. Натижаларини кундаликка қайд қилиб боринг.

Шифобахш лой ҳақида ўқиб чиқинг. Шифобахш лой курсини ўтанг.

УЧИНЧИ ТЕПКИ
Тана ишга!

Муаллиф кутимаганда кўзгуни китобхонга рўбарў қилиб қўяди. Китобхон буришади, типирчилайди ва бу рамкадан қараётган кимса – ўзи ким, тушунмадик дегандек ўзини тутади. Ана шундан кейин қирмиз яноқли, соглом ҳаёт тарзининг фойдаси ҳақидаги маърузага эга бўласиз.

Эркак китобхонларимиз эса сув муолажалари нима учун кераклигини билиб олади, спорт – бу ҳаётнинг барча гўзалликларини, шу жумладан қарама-қарши жисинс вакилларини ҳам севиб қолишининг энг аъло усули эканлиги ҳақида билиб олади. Давомига муаллиф бир нечта қизиқарли ва сабоқ бўладиган воқеаларни баён этиб беради.

Бўлим охирда китобхон тана парвариши билан боғлиқ вазифага эга бўлади. Ундан кейин эса ўтириб туриш машқларига ўтади.

X

ўш, қадрли китобхон. Сиз ҳали ҳам шу ердамисиз? Аввалги уй вазифаларини бажардингизми? Агар бажармаган бўлсанг – шу хатбошини ўқиб тугатинг-да, аввалги бўлимларга қайтинг. Олдинги бўлимларнинг барча топширикларини бажаришни бошламагунингизча, китобнинг бу ёғини ўқиш МАН ЭТИЛАДИ.

Уй вазифаларини бажаришни истаган муддатга орқага ташлаш ҳам ман этилади. Сизга битта самарадорликни тушунтириб ўтаман. «Янги бошлаганларга омад ёр бўлади» деган гап бор-ку. Демак, агар Сиз уй вазифасида берилганидек, дархол ўз устингизда иш бошласангиз, барча машқлар Сиз учун ўн баробар енгил кечади. Лекин Сиз, аввал ўқиб бўлай, ана ундан кейин бошқа ишлар бўлаверади, деб ҳаммасини кейинга қолдира бошласангиз... ўзингизни алдаган бўласиз... Берилган вазифаларнинг юкламаси ўн баравар ошиб кетади. Энди эса Сизга савол: Ҳозир, ҳали ҳаммаси жуда енгил пайтда ўзингизни мажбуrlай олмасангиз, оғирлик ўн баробар кўпайган пайтда қандай қилиб ҳаракат қилмоқчисиз?

Мирзакарим Норбеков

Шундай экан, кўшиқ айтганча олға! Дастрлаб биринчи бўлимдаги энг енгил машқларни бажаришдан бошланг, шундан кейин руҳланиб, қанот чиқаргач, учишда давом этинг.

Бу бўлимда Сизлар билан танангиз ҳақида сұхбатлашмоқчиман. Қадрли китобхоним, ўзингизнинг ёшлиқ даврингизни эслаб кўринг. Айтишади-ку, «қадамидан ўт чақнайди» – деб, қандай тетик, қувноқ, хушчакчак бўлган пайтларингизни эсланг. Буларнинг ҳаммаси қаёққа йўқолди? Нима учун йўқолди? Чунки, тахминан 24 ёшгача ҳаётнинг кўплаб тармоқлари ўз йўналиши бўйича оқаверади.

Бу ёшгача инсоннинг жисмоний, гормонал потенциали анча юқори бўлганлиги сабабли у шўхлик қила бошлайди, сабабсиз ўйнаб-куйлашга тушиб кетади, унга ҳаёт жуда ажойибдек туюлади.

24 ёшдан бошлаб физиологик қариш жараёнлари бошланади

Фикримга кўшиласизми? Ёки кўшилмайсизми? Мен ҳам бу фикрга кўшилмайман, лекин бу билан 20 ёшли бўлиб қолмаяпман. Шу даврдан бошлаб ақл-идрокнинг, руҳиятнинг, ироданинг қарилек билан қураши бошланади. Инсон барча жабхалардаги йўналишлар бўйича пастлай бошлайди.

Сизда ички адвокат пайдо бўлганини сездингизми? Ўз ҳатти-ҳаракатларингиз ҳақида, нима гапирсангиз ҳам, қандай фикрласангиз ҳам – Сиз доим ҳақсиз. Ҳатто Сиз ҳаракат килмай, қимирамай, ўзингизни ақл бовар килмайдиган фикрлар билан овунтирганча, об-ҳаводан, қўни-кўшилардан, бутун оламдан нолиб ётсангиз ҳам – Сиз доим ҳақлигингизча қолаверасиз.

Сизнинг онгингиз «албатта Сен ҳақсан, худди шундай иш тутавер» деб туради. Ва агар биз шу зайлда қарилекка

қарши иш тутувчи одат, ҳатти-ҳаракат, ирода кучи ёрдамида мажбурашни онгли равишда яратишни бошламас эканмиз, биз ўзимиз ҳам сезмаган ҳолда, вазмин, оқил, хотиржам, мижғов чолга айланамиз-қоламиз.

Киши 49 ёшдан ошгандан сўнг, у ҳақиқий мижғов чолга айлана бошлайди. Шу чегарадан у ёғига қарилек иллати дейилади. Сизга ҳаммаси тушунарлими, бошланғич палладаги мижғов чоллар?

Тушунсангиз-чи, азизларим, биз ҳеч қачон ўз-ўзидан фаол бўлиб, ўз-ўзидан қуввати ошиб-тошиб турган одамга айланиб қолмаймиз.

Агар 24 ёшгача ҳиссийлик-эмоционаллик, оптимистликни Сизга жисмоний тана ва юқори гормонал асослар бериб турган бўлса, энди эса ҳаммаси бутунлай тескари бўлади, тана энди Сизга анча ёмон қайфият, анча тушкун ҳолат баҳш эта бошлайди.

Кўпинча Сизда атроф-мухитни хотиржам кузатиб, у ердаги одамлар қандай ўйнаб-кулиб, қувнашаётганини томоша қилиб ўтириш истаги пайдо бўлади. Бу пайтда Сиз ўзингизни эрта-индин албатта бирон нима билан шуғуллана бошлайман, худди серғайрат ёшлиқ давларимдагидек, деб юпатасиз, ҳозирча эса атрофдаги ҳаёт оқими қандай қилиб ёнингиздан ўтиб бораётганини томоша қилиб ўтириш билан кифояланасиз.

Ички емирилиш, психоэмоционал яъни, руҳий-хиссий қарилек ҳаётингизга сездирмасдан, жуда айёrona кириб келади. Қарилек бирданига бостириб келмайди. Гўё сиз навқирон бўлиб юриб-юриб, ажойиб тонгларнинг бирида уйғониб қарасангиз – чол бўлиб қолгандайсиз. Қарилек 24 ёшдан кейин бошланади ва ривожланишда давом этади.

Ички дунёнгизда ҳозирги пайтингиз билан ўн саккиз ёшлиқ даврингизни солиштиргандаги фарқни сезиб, уни аниқлашга ҳаракат қилинг. Агар Сиз оқим бўйлаб сузаётган бўлсангиз, у ҳолда бироз фурсат ўтиб Сизнинг танангиз,

Сизнинг фикрларингиз қандайдир фурсат сувга чўкмайди. Нимага шама бўлганини тушундингизми? Нима сувда чўкмасди?



Йигирма тўрт ёшдан бошлаб танангиз интеллект томонидан, ирода кучи ва руҳият томонидан тепки еб туриши керак, токи у зарур қувват ишлаб чиқара бошламагунча!

Сизга ижозатингиз билан бир воқеани гапириб берсам. Менинг битта дўстим бор. Бу аёл мен учун руҳият кучи, ўз устида ишлаш борасида жуда катта хурматга сазовор. Шундай, бўйи бир ярим метр атрофидаги ажойиб бир хоним.

У экстремал бодибилдинг бўйича жаҳон чемпиони, икки карра жаҳоннинг вице чемпиони, Европа чемпиони, тўрт карра Россия чемпиони ва кўплаб нуфузли мусобақаларнинг ғолиби. Экстремал бодибилдинг энг максимал мушаклар вазни дегани, бу – танани чиниктиришдаги энг юқори чўққи дейиш мумкин.

Лекин Сиз кўз олдингизга аёл қиёфасидаги гиппопатами келтирманг. Йўқ. Унинг қадди-қомати жуда ҳам қойилмақом, одатда бунақалар ҳақида «унга Худо ҳамма нарсани қўш кўллаб берган» – деб гапиришади. Айтгандай, эркаклардан ҳам тинчлик йўқ. У чемпион ва гўзал аёл бўлибгина қолмасдан, иқтисодий-жиддий томондан ҳам жуда бақувват.

Унинг бир нечта нуфузли савдо дўконлари бор. Бугунги кунда у бодибилдинг бўйича Россиянинг энг қиммат нархли мураббийларидан. Мен атайлаб унинг спорт соҳаси ва иқтисодий соҳадаги ютуқларига ургу беряпман.

Менинг қадрли, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсани тушунадиган билағонларим, эҳтимол эътиroz билдирилмоқчи бўлайётгандирсиз. «Албатта, у болалигидан шуғулланган, бой ота-онанинг фарзанди бўлган ва ҳоказо». Йўқ, топа олмадингиз! Унда ҳаммаси бошқача бўлган.

У бодибилдинг билан спорт учун эмас, оёққа туриш учун шуғуллана бошлаган! У аёл оёқларининг тизза косаси йўқ. Автоҳалокатдан кейин у узоқ вақт умуман юра олмай қолган – оёқлари икки томонга айланиб кетаверган. Бунинг устига оёғидаги доимий оғриқлар уни азоблаган. У вақт ўтиши билан бир нарсани сезиб қолган, қачонки нимадир чайнаб турса, оғриқлар бироз босилгандек бўларкан.

Бора-бора доим нимадир еб ўтириши натижасида, шундай паст бўйлик бўлиб, юз килога яқин вазн тўплаган. Унинг ўзи: «Мен ётмасдим, турмасдим, шунчаки бир жойдан иккинчи жойга юмалардим» – дейди. Эри ташлаб кетган. Биринчи гуруҳ ногирони. У ўзи хоҳласа ҳам квартирасидан ташқарига чиқа олмасди, чунки кўп қаватли уйнинг пиллапояларидан туша олмасди-да. Фақат ошхонагача деворни пайпаслаб, зўрга бориб келарди, холос.

Уйда ёлғиз ўзи қолган, фақат ижтимоий хизмат ходимлари ҳафтада бир марта озик-овқат маҳсулотлари олиб келиб беришади, холос. Уша пайтда тушган суратига қарасанг, бир яримга – бир ярим метрли тоғдек ёғ уюми. Бир гал шиппагини киймоқчи бўлганида, ўзининг ёғи босиб қолиб, сал бўлмаса бўғилиб қолай деган.

Шундай кунларнинг бирида кимдандир, ўзларининг кўп қаватли уйлари олдида спортзал борлиги, у ерда бодибилдинг билан шуғулланишлари ҳақида эшишиб қолади. Шунда у «Балки шуғулланишни бошласам оёғимдаги мушакларимни тиклаб оларман» – деб ўйланиб қолади. У спортзалга келиб шуғулланиш учун рухсат сўраганида у мураббийдан «жиннихона қўшни кварталда жойлашган!» – деган жавобни эшигтан. Лекин у барибир спортзалга мунтазам қатнай бошлаган.

Мирзакарим Нофеков

Албатта, аввалига ўзи юра олмасди, унга одамлар ёрдам беришарди. У билан ҳеч ким шуғулланишни хоҳламасди. Жонсиз ёғ уюмининг кимга ҳам қизиғи бор дейсиз. Ва у ўзича шуғуллана бошлаган. Икки ярим йил мобайнода, спортзалда унинг ўз бурчаги бўлган. Ўша ерда ўзича бир-икки ҳаракатни бажарган бўларди-да, кучи етмай, ҳолсиз ёнбошлиб қоларди.

Ногиронлик, соғлидан маҳрум бўлиш, ёлғизлик... Лекин у оёққа турди, спорт билан шуғулланишни бошлади, соғлигини тиклаб олди. Чемпионатда қатнашиш ҳақида ҳеч қачон ўйламаганди ҳам, шунчаки ундан катнашиб кўришини илтимос қилишди. Ана ўшандада... у чемпион бўлди. Кейин эса ўз бизнесини очди, моддий таъминланган аёлга айланди.

Ҳақиқий қиролича! Фикримга қўшиласизми? У қўл етмас шоҳсупада, бошқа аёллар билан уни ҳатто таққослаб ҳам бўлмайди, унинг олдида бошка ҳамма аёллар кўримсиз бўлиб қолади. Лекин у илк қадамларини қаердан ва қандай бошлаганди? У тубсизликда эди, базўр ҳаракатланадиган ёғуюми эди, яна биринчи гурух ногирони ҳам.

Ёлғиз ва унтилган, ҳамма юз ўғирган аёл. Ва бугунги кунда у – энг обрўли хонимлардан бири. Бу аёл ўз тақдирини ўзи яратди. Энди савол, у биринчи қадамни ташлаган дастлабки йўлнинг боши қандай эди? Дейлик, у ўз танасини, рухиятини ўзи илҳомлантириши мумкинмиди?

Йўқ. Тана жуда аянчли аҳволда эди. Устига-устак олдинда факат ўлим кутиб турган маҳкум инсоннинг тушкунлиги. Охирги бир неча ойларда у иккинчи қават деразасидан термулганча, ўз жонига қасд қилиш учун қандай қилиб, йўлнинг нариги бетига юмалаб ўтсан экан, деб ўйланиб ўтиради.

Уни ақл-идроқи қутқариб қолди! У ўз ақл-идроқи орқали иродасини ишга солди, рухиятини ва ўз танасини қандай кўришини хоҳласа, шундай бўлишга мажбур қила олди.

Пентакниң тажрибаси 2

Агар Сиз ўз танангизни 24 ёшдан кейин 18 дан 24 ёшгача қандай бўлган бўлса, худди шундай бўлишга мажбурламас экансиз, у ҳолда танангиз аста-секинлик билан ўтган йилда ўлган қаламушнинг шаклига, рангига ва хидига эга бўла бошлади.

Навқиронлик ҳолатингизни эсланг, уни ўзингизга мажбурлаб тиқиширинг. Ўз-ўзидан ҳеч қачон, ҳеч нарса юз бермайди. Сиз ўз-ўзидан улкан қўймучингиз ва мешдек осилиб тушган қорнингиз пайдо бўлиши ҳисобига ақлли, кейин янада ақлли, ундан кейин супер ақллироқ бўлиб борасиз, холос.

Мижғов чол-кампирликнинг эталони. Теварак оламдаги турли-туман эсипаст ва аҳмоқлар турли жойларга сайёҳатлар уюштириб, экспурсияларга боришлирини, мияси йўқ аҳмоқлар эса ўйнаб-кулиб, қўшик қуйлашларини телевизор олдида ўтирибгина томоша қилишади. Ёки улар «Энди менда ҳаммаси ўтмишда қолиб кетди, мен энди рақсга ҳам туша олмайман, умуман олганда мен ҷарчадим ва ухлашни хоҳлайман» – деб ўйлашади.

Марҳамат қилиб, онгингиздаги қарилекни қидиринг. Фаркни излаб кўринг: Сиз ҳаётнинг қайси жабҳаларида ўзгардингиз? Ўзингизнинг ички дунёнгизга диққат билан боқсангиз, аллақачонлар у ерда маънавий тушкунлик деб аталмиш қарилек иллати чуқур ўрнашиб олганини кўрасиз.

Наҳотки, Сиз идеал қомат эгаси бўлишни хоҳламасангиз, менинг шалвираб қолган қадрдонгинам? Ёки Сизни ёғ босган деб улуғлайликми? Шуни хоҳлайсиз-ми? Лекин тана ўз-ўзидан ажойиб бўлиб қолмайди. Уни машқ қилдириш керак. Гап ҳозир Сизнинг жисмоний гўзаллигингиз ҳақида бормаяпти. Ҳозир гап Сиздаги кўшимча ишлаб чиқариладиган куч ҳақида боряпти!



Учта манба куч ишлаб чиқаради ёки уни тортиб олади. Тана – куч беради ёки қарзга кун күради. Ақл-идрок – куч ишлаб чиқаради ёки хайрия ёрдамини қабул қиласы. Қалб – куч ишлаб чиқара бошлайды ёки грант сүраб тиленчилик қиласы.

24 ёшдан кейин ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, танангиз қалбингизнинг гарданига ўтириб олади. Кейин мазах қилганча: «Қани, мажбурлачи мени, мажбурлашга уриниб кўр!» – дейди. Шундай кун албатта келади ва Сиз энди танангизни мажбурлай олмай қоласиз. Кейин унинг фикрларини тасдиклаганча, барча истакларини бажаришга тушасиз.

Ялқовликка карши тура билиш учун кишига юқори эмоционаллик ва юқори қувват керак. Ирода орқали, ақл-идрок орқали танага ишлов бериш лозим! Ана шундан кейин бироз вақт ўтиб тана кўшимча куч, кўшимча ишонч, кўшимча тетиклик бера бошлайди. Ва Сиз ўзингизнинг ҳаммадан кучли эканингизни ҳис этасиз.

Лекин, агар ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўйсангиз, барча орзуларингиз тагига олди, деяверинг. Чунки тана емирила бошлайди, аста-секин, лекин тўхтамасдан. Сиз эса кўпроқ ўзингизни чўпчаклар билан овута бошлайсиз, аллалай бошлайсиз. Бунисининг Сизга қизиги йўқ, бошқаси жонга тегиб кетди, учинчисидан эса безор бўлдингиз. Нима учун ёшлика Сизга кувонч бағищлаб нарсаларингиз ҳозир Сизга қизиқ эмаслиги борасидаги фикр-мулоҳазаларингиз – ўз-ўзини алдаш, холос.

Пентакни тажрибаси 2

Ўз-ўзини алдаш – бу Сизнинг ўзингиз ҳам қаттиқ ишондиган ёлғон. Бу орада эса тана чиришда давом этади. Сиз эса мўмиёга айланা борасиз ёки мумияга, қайси бири Сизга қулав бўлишига қаранг.

Ҳатто йиллар ўтган сайин ёшлиқдагига нисбатан яна-да яхшироқ, янада сифатлироқ бўлиб борадиган интеллект ҳам, англаб етиш ҳам, меҳр-муҳаббат ҳам – ҳаммаси бефойда, чунки тана тобора баттардан-баттар аҳволга тушиб боряпти, энди кўпроқ тана Сизни истакларингиз ва ҳис-туйғуларингизни бошқаряпти.

Азизим, келинг, ўз ишларимиз ҳакида ҳам гаплашамиз. Бизнесда энг муҳим нарса нима ҳисобланади? Моддий даромадга эга бўлишми? Маълум бир мақсадларга эришишми? Ният қилишми? Лаззатланишми? Ўзига нисбатан ишонч муҳимми? Муҳаббатми? Балки, ўзингизни кўз-кўз қилиш муҳимроқдир? Ён томонга узатилган қўлларингизни бошингиз узра шундай кўтарингки, улар бошингиз устида бирлашсин. Қўлларингизни бошингизга қўйинг демаяпман, уларни юқорига, шифтга қараб чўзинг. Шундан кейин чап қўлингизни 45 градусли бурчак остида чап томонга, ўнг қўлингизни 45 градусли бурчак остида ўнг томонда ушлаб туринг. Қўлингизни мушт қилиб тугинг. Бош бармоғингиз эса керилган ҳолда очик бўлсин. Мушт қилиб тугиб, ёнга узатилган қўлларингиз шундай жойлашсинки, бош бармоғингиз пол томонга қараган бўлсин. Шу алпозда 5 дақиқа туринг.

Ҳозир Сизга бойлик билан камбағаллик орасидаги, баҳт ва баҳтсизлик ўртасидаги, бузғунчилик ва бунёдкорлик ўртасидаги фарқни кўрсатиб бераман. Қўлларингизни шу ҳолатда ушлаб туришга мажбураш учун қайси куч, қайси туйғуни қўллаганингизни эслаб қолинг.

Буни ўзингизнинг пул ишлаб чиқарадиган машинкангиз деб ҳам аташингиз ҳам мумкин – ишлаб чиқарадиган, харакатга келтирадиган, яратадиган. Бинобарин сиз эриш-

Мирзакарим Норбеков

ган қувонч, соғлиқ, бахт ва муваффақият уларни эришган – қайси куч, қайси түйғу ҳисобига қўлга киритган бўлсангиз, ана ўша куч, түйғулар ҳисобига яратилади.

Кўлларингизни пастга тортаётган түйғулар ва Сизнинг бу түйғуларни кўнглини топиш истагингиз – бу субстанция, шу сабабли ҳаётда касалликлар, муваффақиятсизликлар, бахтсизликлар, дилхираликлар, дарғазабликлар пайдо бўлади. Мана сизга икки хил түйғу. Бу түйғуларнинг қайси бири сизга афзалроқ. Фақат тўғрисини айтинг.

Сиз ҳозиргина ўзингиз билан танишиб олдингиз. Сиздаги бир түйғу – ютуқ, муваффақият, бунёдкорлик, ижод, нима истасангиз ҳаммасини мухайё қилиб берувчи фараонлик манбаи. Бошқа бири – биздаги барча кулфатларнинг негизи, ҳаётда рўёбга чиқа олмаслик, ёвузлик квантэссенцияси. Кўлларингизни туширинг.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, қалбингизда икки хил түйғуларнинг кураши рўй бердими? Қайси бирига кўпроқ хайриҳо бўлдингиз. «Амрингизга мунтазирман, ҳукмдорим!» деда, кўлларни тушириш истагига, тўғрими? Ҳаётда барча рўёбга чиқа олмасликларнинг илдизи мана шунда. Айнан мана шу – жаҳолат, нодонлик түйғусидир.

Муқаддас китобларнинг бирида айтилган, инсон маҳшаргоҳга тушганида, жаннатга ёки дўзахга киришини унинг ўзи танлар экан.

У ерга тушиб қолган мавжудот бу ғаройиб жойларга кўз югуртирап экан, барча ранглари билан жилваланиб турган уфқдаги камалакни кўради, у гўзал уфқ томондан тараалаётган чиройли куйни эшитади, унинг димогига шундай муаттар ҳидлар тараляпти!

Бу дўзахнинг ташқи қобиги. Ва жуда кўп одамлар кўрганларига маҳлиё бўлиб у томонга қараб юрар экан. Жаннат эса ўзининг ташқи кўринишидан шунчалик кўримсиз эканки, уни фақат юрак билан ҳис қилиш мумкин экан. Нимага шама қилаётганимни тушуняпсизми?

Тенгакини тажрибаси 2



Минг-минглаб одамлар четдан чиройли кўринган томонга қараб юрганча, жаннатнинг ёнгинасидан, пайқамасдан ўтиб кетишади!

Сизга бу вазият танишми? Бу ҳиссиётларнинг қайси бири ёқимлироқ: ушлаб турган пайтдагисими ёки туширган пайтдагисими? Уларнинг қай бири манзур ва маъкул – дош беришми ёки енгилишми? Ҳаётда аксарият ҳолларда қандай йўл тутамиз?

Қай бири яхши, айблаш осонми ёки тушуниб етишми? Қай бири енгилроқ – севишми ёки ёмон кўришми? Қай бирини айтиш енгилроқ: – зимманизга моддийлаштириш, ҳаракат қилиш мажбуриятини юклайдиган «Севаман» деган сўзними ёки Сизга ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган, нафратланиш, ёмон кўришними? «Сени кўргани кўзим йўқ, сен эшшаксан!» – дейиш бу ўз зиммасига мажбурият олишни истамасликнинг айнан ўзидир. Севиш, яратиш – бу меҳнат қилишга мажбурлайди. Ёмон кўриш, нафратланиш – бу пассивлик, вакуум, бўшлиқ ортидан келиб чиқувчи ички ёвузликнинг ташқи томондан намоён бўлишидир.

Ва инсон: «Об-ҳаво яна айниди, одамлар бўлмағур бўлиб кетди, бу дунё ўзи қаёққа қараб оғиб кетяпти!» – деб ўйлай бошлади.

Аввалги бўлимларда сизга гапириб ўтган икки гуруҳ талабаларимиз ёдингиздами? Мен у ерда тажриба гурухидагиларнинг тез орада банкрот бўлишганини, назоратдаги гуруҳ эса ҳатто ўзининг бизнес лойиҳасини тузишга ҳам киришмаганлигини айтиб ўтган эдим. У ёғига нима бўлганини билишни истайсизми?

Ҳаммасидан қизиги энди бошланди.

Биринчи ва иккинчи гурухдагилар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бир-биридан кескин фарқ қила бошлашди. Биринчи назоратдаги гурухда машғулотлар кечқурун соат саккизда тугайди, беш-ўн дақиқадан кейин аудиторияда уларни ҳеч қачон тополмайсиз. Чунки уларнинг ишлари, режалари бор ва улар бирпасда тарқалиб кетишади. Тажриба остидаги гурухда эса машғулотлар тугайди – лекин уларнинг бирортаси ҳам кетишга шошилмайди. Ярим кечаси мен у дарсхонадан бу дарсхонага кириб, йўлакнинг у бошидан бу бошига қатнаб тинкам куриганидан уларга қараб бақира бошлайман: «Кетасизларми ёки йўқми?! Машғулотлар тўрт соат олдин тугаган!!»

Мен уларни койиб уришардим, танбеҳ берардим, лекин ўзим баҳтиёр эдим!

Уларнинг ҳаммаси банкрот бўлишди. Нима учун? Чунки биринчи марта очиладиган ташкилот, ҳар доим реал тажрибага эга бўлмаган ҳолда, идеализм, фантазиялар асосига қурилади. Бу чўпчак ташкилот, кумдан қурилган қаср. Қумдан бунёд бўлган қаср эса қулаб тушиш хусусиятига эга.

Биринчи гурухдагилар эса хотиржам эди. Чунки улар олдиларига вазифа қўйишган: «Келинглар, олдин икки йиллик ўқишимизни тутатиб оламиз, ана ундан кейингина ҳаракатни бошлаймиз». Улар ҳам банкрот бўлишади. Лекин улар йиқилган пайтда ёнларида «Баракалла! Биринчи уриниш билан табриклайман!» дейдиган тажрибали устозлар бўлмайди.

Ёнида қўллаб турадиган одам бўлмагач, уларнинг кўпчилиги бир марта йиқилгач, қайта ўрнидан турга олмайди. Уларда «Мен ғолибликка, ҳеч нимага ярамайман», «Мен лойик эмасман», «Мен ожизман», «Менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди» сингари тушкун хаёллар пайдо бўлади. Ва улар энди худди тепадаги гижжа сингари, ёлланма ишга ўзларини уришади. Эрталаб у ёққа ўрмалашади, кечқурун бу ёққа ўрмалашади.

Пентакинни тажрибаси 2

Одам қуллик шароитига қўникиши учун ёлланма ишда уч-тўрт йил ишлашининг ўзи етарли.

У ўзини ишлаётган қилиб кўрсатишдан, юз ифодасини етарлича ақлли эмас қилиб кўрсатишни машқ қилишдан, ўзини ўйлаётган қилиб кўрсатишдан ва «Шрек» мультфильмидағи мушук сингари шляпасини бостириб олганча раҳбарнинг кўзига итоаткорона термулишдан лаззат топа бошлайди.

Бор-йўғи шу. Ва сен товада эриётган сарёғ сингари силлиқкина сирпанана бошлайсан. Лекин одам доим пастга қараб сирпанади, сирпаниб-сирпаниб ҳаётнинг нақ тубига тушади. Интеллектуал бефаҳмлик, маънавий бўшанглик, рухи-яйтнинг ожизлиги, ички дунёси устида ишлашдан мосуволик – ва булар натижасида инсон қуллик ҳолатига маҳлиё бўлиб қолади, унда ёлланма ишчи бўлиш ИСТАГИ ихтиёрий шакллана бошлайди.

Бу инсонга узоқ пайтларгача, токи ҳаёт деворига пешонаси «так» этиб урилмагунча болаликда қолиб кетиш қисмати битилган.



Ёлланма ишчи – бу улғаймай қолган
инсон!

Нима учун? Чунки ёлланма ишчи ўз теварак-атрофидан ўзига хола, она, ота, буви, бобо излай бошлайди. Яъни унинг ўрнига ўйладиган, уни ҳимоя қиласидиган ва унинг муваффакиятли келажагини режалаштирадиган кишиларни қидиради.

Шу тариқа инсон ўзидан анча ақллирок, анча кучлирок, анча истеъдодлирок ва анча омадлирок одамлар ҳақидаги фантазияни ўйлаб топади. Эртак яратилди, энди бу эртакда одам қачонлардир осмондан бошига ғилдираги бор қовок тушган Золушканинг ролини ижро эта бошлайди.

Мирзакарим Норбеков

Реал ҳаётда ғилдиракли қовоқлар осмондан тушадими, албатта тушади, лекин бунинг учун қаттиқ мәхнат қилиш керак. Шу билан бирга унинг сөхрли бўлиши эҳтимоли қандай... Ўзингиз чамаланг. Мухтарам нуроний ёлланма ишчилар, давом этамизми?

Тажрибага жалб этилган 31 талабамиз югуриш йўлакчасига тушиб қолишган, уларнинг тўхташга ҳаққи йўқ эди, чунки улар хаёлан ортга қарагандаёқ, янада кўпроқ ҳаракатга тушиб кетишарди. Нима учун? Чунки биз уларнинг ортидан узун «бигизлар»ни қаторлаштириб қўйганча, мунтазам «санчиб» турардик-да.

Кредитга олинган квартиранинг, автомобилнинг пулини тўлаш керак. Ўзларининг янги квартираси ва автомобилларига улар жуда тез кўнишиб қолишиди. Одам яхши нарсага жуда тез кўнигади ва буни шундай бўлиши керакдек қабул қила бошлиди.

Айтгандай, одам ночорликка ҳам, ёлғизликка ҳам кўнигади ва ўзининг шу шароитини ҳимоя қила бошлиди. Фикримга кўшиласизми, менинг шўрпешона ночорларим?

Нима учун тажриба ўтказилаётган гуруҳдаги талabalар уйга кетмасдан охиригача ўтиришарди? Назоратдаги гуруҳдагилардан «Саволлар борми?» деб сўрасангиз, жавобига фақат жимликни эшитасиз. Мен эса уларга: «Яхши, учта савол. Токи учта савол бермагунингизча уйга кетмайсизлар», – дейман.

Шундан кейин куйидаги мазмундаги саволларни эшита бошлайман: «Марсда ҳаёт бўлиши мумкинлиги ҳақидаги назарий фикрларга муносабатингиз қандай?»

Иқтисодга бунинг нима алоқаси бор ахир?! Уларнинг бошлаш арафасида турган бизнесига бунинг нима алоқаси бор ахир?! Улар нега менга айнан мана шу саволларни беришяпти???

Тажриба остидаги гуруҳ талabalari эса ўzlари олдимга келишарди. Бу гуруҳдагилар бугунги кунда олдиларида турган вазифага бевосита алоқадор, реал саволларни беришарди.

Тентакни тажрибаси 2

«Арzon офисни қаердан ижарага олиш мумкин?», «Фондизиз кредитни қандай топиш мумкин?», «Яхши ходимни қаердан топиш мумкин?» каби.

Ўтган сафар улар том маънодаги аклли ғалвир эдилар! Мен уларни тушунаман. Зоро ўзимдан эси пастроқ одамга мен ҳам пул тўламаган бўларди.



Ишингни раҳбардан бироз бўлса-да яхшироқ бажара олсанг, билгилки, мана шунинг учун сенга ҳақ тўлашади. Бу кучлар алмашинуви, дейилади.

Хуллас, улар реал ишлар, хатти-ҳаракатлар, реал муаммолар билан боғлиқ реал саволларни бера бошлиди. Энди йигитлар кумдан бино бўлган қасрни қуришмасди.

Уларнинг барчаси турли тоифадаги одамлар эдилар. Уларнинг ораларида табиатан кучли ёки табиатан ожизлари ҳам бор эди, турли хил физиологик ўзига хосликлар, оиласдаги тарбиянинг ўзига хосликлари, деган жиҳатлар ҳам мавжуд эди.

Йигитлардан бири шундан жойда улғайган эдики, у ерда кўпчилик ўзининг камбагал эканлиги билан фаҳрланарди.

Бошқаси ўсиб улғайган жойда китоб ўқиганларни эсипаст деб хисоблашган.

Учинчиси эса шунака муҳитда улғайганки, ота-онасининг унга уктирган гапи: «Менинг бобом ахлат ташувчи – ассенизатор бўлиб ишлаган, дадам чиқинди ташувчи машина ҳайдаган, биз сантехник бўлиб ишлаганмиз, насиб этса сен ҳам оиласиз анъанаисига содик қоласан!» Ҳаёт йўлидан ҳаракат қилиши учун тайёр дастур.

Жисмоний имкониятлар ҳам ҳар хил. Жисмоний имконият эса интеллектуал ҳолатга бевосита таъсир этади.

Миғзакарим Норбеков

Мана, масалан қорнингизни бўш қўйинг. Бўш қўядиган нарсанинг ўзи бўлса албатта. Бошимизнинг юкори қисми билан шифтга қараб чўзиламиз. Гавда қисмингизни стул суюнчиғидан узган ҳолда танангизни текисланг.

Бу дунёда ҳеч ким стул суюнчиғи билан бирга туғилган эмас. Бошимизнинг юкори қисми билан баландга чўзиламиз, чўзиламиз, шифтга етишга ҳаракат қиласмиз. Қорин соҳаси қандай ингичкалашганини сездингизми? Энди эса юздаги асабийликни йўқ қилиб, енгил табассум қилинг, гўё сиз учун яшаш ёқимлидек. Баракалла! Доим мана шу ҳолатда юринг!

Тахминан 10 дақиқалардан кейин ўзингизга нисбатан ишонч сеза бошлайсиз, сизда бошқача кайфият, бошқача фикрлар пайдо бўла бошлайди.

Сизнинг танангиз доимо яхши кайфиятингизни ушлаб туриши учун нима қилиш керак? Ички қизиқишлигинингизни кучайтириш лозим. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир кишига спорт машғулотлари керак.

Назоратдаги гурӯҳ. Биз уларга спортнинг ажойиботлари ҳақида, муҳимлиги ҳақида кўп гапирганмиз. Спорт орқали ўз танамизга, иродамизни, руҳиятимизни, ўзимизнинг қалбимизни жо қилишимиз эвазига анча кучли ёрдамчи кувватга эга бўлишимиз мумкинлиги тўғрисида тушунтириб айтдик. Улардан «Тушунарлим?» деб сўраймиз. Улар бошларини кимирлатиб қўйишарди, яъни бу тушундик дегани. Уч ойдан кейин текширамиз. 5-6 та одам шунчаки қизиқишдан спорт залига икки марта борган. Қолганлари эса боришга астойдил тайёргарлик кўришаётган экан. Эҳтимол қачонлардир боришар.

Тажриба остидаги гурӯҳни шахсан ўзим машғулотларга олиб келдим. Ҳафтасига уч марта уларни спорт залига йиғиб, каратэ бўйича машғулотлар ўтказдим. Бошқа мураббий эса улар билан эркин кураш бўйича машғулот олиб борди. Бу нима учун керак эди?

Пентакни тажрибаси 2

Биласиз, ҳар қандай одам ҳам қийинчилик, мاشаққатларга нисбатан қаршилик кўрсатиш учун муайян кўникма, малакага эга бўлади: иссиққа, совуққа, жисмоний юкламага ва бошқаларга. Агар жисмоний юклама меъёридан ошса у синади, совуқ бўлса шамоллайди, жазирамада уни иссик уради. Лекин бу борадаги имкониятларни кенгайтириш мумкин.



Ҳар қандай такрорланувчи ҳаракат янги малака шаклининг пайдо бўлишига олиб келади!

Масалан, оддий одамлар ўзларининг бугунги кундаги имкониятларидан бироз юқорироқ қийинчиликлар билан тўқнаш келса, шу заҳоти йиқилиб қоладилар. Кейин эса қийинчиликлар, тўсиқлар олдида юмалаб қолганча ҳиқилашга тушишади, аччик кўзёш тўқади, кўзёшларини ғамгин юзларига ишқалаганча, ҳеч қандай муаммосиз томонга қараб ўрмалаб кетишади. Энди эса тасавур қилинг, биз сиз билан кураш тушиладиган гилам устидамиз. Сиз мени 100 марталаб гиламга йиқитиб ташлашингиз керак. Сиз йиқитиб ташлайсиз, мен гуп этиб йиқиламан, кейин тураман. Сиз яна йиқитасиз, мен яна тураман.

10–15 марта йиқилгандан кейин менда бироз ётиб, дам олиш истаги пайдо бўлади. 40-50 мартадан кейин бу истак қатъий фикр кўринишида шаклланади, яна бир марта йиқилгач, мен ўзимга ёстик беришлари ва чироқни ўчириб қўйишларини сўрайман. Бу эса ҳали ярми ва мен чекинишни хоҳляяпман. Лекин туриш керак-ку: охирги 20-30 усулдан кейин тана бутунлай чарчайди, юрак дукиллаб ура бошлайди, ҳаво етишмайди. Бошқарувни руҳиятингиз ўз қўлига олади.

Мирзакарим Норбеков

Бундан кейин Сизнинг полдан тура олишингиз факат рухиятнинг кучигагина боғлиқ бўлади. Спорт – бу факат тана учун эмас. Спорт бу шундай бир кучки, оддий одамлар ҳаётдаги бир зарбадан кейин синганида, спорт сизга бундай зарбаларга чидабгина қолмасдан, балки ўрнингиздан қайта тура олишингизда ҳам ёрдам беради.

Ҳаёт асносида оддий одамлар уддасидан чиқа олмайдиган қандайдир муаммо пайдо бўлса, спорт туфайли ҳар гал йиқилгандан кейин, юз мартараб ўрнидан туриш малакасини эгаллаган инсон бемалол ўрнидан туради, уст-бошини қоқиб ташлаганча яна ҳаракат қилишда давом этаверади.

Тушуняпсизми?

Бизнинг вазифамиз тажрибага жалб этилган гурӯҳ аъзоларида айнан мана шу малакани ҳосил қилиш эди. Шунинг учун ҳам биз уларни спорт залига таклиф қилгандик.

Банкрот бўлгандан кейин, кўп одамлар қўркиб колиб, ўзига нисбатан ишончи йўқолиб, шубҳаланиб ортга чекинса, бизнинг «кўрқмас ботирларимиз» чангини қоқиб ташлаб, қайта руҳланиб, роҳат билан яна жангга отилишади.

Демак, сиз ҳам менинг азиз мешқоринларим, зудлик билан кўнглингизга яқин фаол спорт турини излаб топинг. Жисмингизни ҳаддан ортиқ жисмоний зўриқтириши керак эмас. Ўзингизни тинкангизни қуритиш, даҳшатли оғриқларга маҳкум қилиш шарт эмас.

Бироз спорт билан, яъни: сузиш билан, югуриш билан, йога ёки цигун билан шуғулланинг. Ана шунда Сиз битта ўқ билан ўнта қуённи сихга тортишингиз мумкин.

Масалан, гавдангиз шаклига спорт рақси жуда ажойиб таъсир кўрсатади. Бунда тананинг кўплаб қисмлари шундай ривожланадики, натижада Сиз идеал, жуда эхтиросли қадди-коматга эга бўласиз. Бемалол стриптиз рақс гуруҳига ишга жойлашишингиз ҳам мумкин. Маошингиз ҳам яхши, қадди-коматингиз ҳам кўнгилдагидек бўлади. Ҳой-й! Бу шунчаки бир ҳазил эди, қаёққа чопиб кетяпсиз-а?

Пентакни тажрибаси 2

Шогирдларимга спорт ҳақида гапириб ўтар эканман, мен ушбу машғулот натижасида келиб чиқадиган самарали аломатга эътиборларини қаратаман – яъни жинсий қувват дарражасининг ошишига. Агар одам спорт билан шуғулланса, танасига тинкасини қуритмай, лекин меъёрдагидек юклама берса, кун мобайнида уни жинсий алоқага бўлган талаб тарк этмайди.

Лекин айни пайтда, ҳеч бир аҳмок эрталабдан кечгача факат ишрат билан машғул бўлмайди – бунинг иложи йўқ. Мана шу қўшимча жисмоний қувватни эса сизлар бизнесга, маданий хордик чиқаришга, қизиқарли инсонлар билан мулоқотга ва ўзингиз учун қизиқарли машғулотга, яъни хоббингизга сарфлашингиз мумкин.

Ожиз иродасининг гарданига, шарти кетиб, парти қолган гавдасини илиб олган жонсиз одамга, муваффакият ҳақида гапириш бефойда. Чунки унинг бу ҳаётда ҳали ўзининг шахсий ишини бошлишига ҳам ўнлаб, юзлаб одамларни ортидан эргаштириб боришига ҳам мутлақо ишониб бўлмайди.

Шу билан бирга у доимий равишда танасини, иродасини, рухиятини заҳарлайдиган, 100 килолик бўрсилдоқ гавдасини ҳам судраб юриш керак.

Лекин! Ҳозирданоқ огохлантириб қўяй, 10-15 кун шуғулланганингиз билан ҳеч нима ўзгариб қолмайди. Бу сифатлар пайдо бўлса, бошлиши учун уч ойга яқин вакт керак. Шундан кейингина танада куч, вазн, ҳажм ривожлана бошлади.

Тушунарлими, хурматли танасини ёғ босган бўғир-соқларим? Бир-икки машғулот фойда бермайди. Дастребки беш-ён кун машғулотларга боришингиз керак бўлган пайт, эрталабдан ўй-фикрларингизни таҳлил қилишингизни астойдил тавсия қиласман.

Сизни нима: «Бугун машғулотга борма, ўтказиб юбор!» деб алдашга ҳаракат қилиб, аврашини кузатинг. Қайси хо-

Миғзакарим Норбеков

лат ҳаммадан кўпроқ Сизни уйда қолишга мажбур қиласпти. Ўзингизнинг ўта ялқов ва ўта ожиз томонларингизга саёҳат уюштиринг.

Уларнинг афт-ангорини, асосли даилларини ва ҳиссийтларини эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Қайси ярамас экан у, ўзининг беъмани сўзлари билан Сизни уйда қолишга мажбур қилаётган?

18 ёшингизда қанча узок масофаларга юрганингиз эсин-гиздами? Ўша пайтлари теварак-атрофдаги ўриндикларни ҳеч пайқаганмисиз? Агар уларни пайқашни бошлаган бўлсангиз, демак, Сизда қариликнинг илк шакли бошланибди. Бунга қарши ўзингизга ҳар кунги мажбурий марафонни юклаб қўйинг.

Танангизнинг бунга нисбатан қандай муносабат билдиришини, қанчалик кетма-кет ва тез-тез чарчаб қолаётганини кузатинг. Фаолликни ошириб боринг, лекин уйку вақтини қисқартирманг. Дам олишни чегириш ҳисобига бўладиган фаолликнинг кераги йўқ. Агар Сиз қариликнинг устига бостириб бормасангиз, қариликнинг ўзи аста-секин Сизнинг кучингизни сўриб ола бошлайди. Қадам-бақадам, кундан-кунга. Токи сиз ўзингизни қартайган, ожиз, буришиб-тиришиб қолган қўзикорин қиёфасида кўрмагунингизча.

Яна ўзимизнинг талabalаримизга қайтмоқчиман. Мен улар ҳақида икки йил тўхтамасдан гапириб беришим мумкин. Чунки икки йил мобайнида нафақат улар ўқиб муваффақиятга эришганди, мен ҳам шу йиллар мобайнида улар билан бирга ўргандим, ҳаётий сабоқ олардим.

Икки йилдан кейин биз барча натижаларни солиштириб, таққосладик. 30 одам – назоратдаги гурухга мансуб ва 31 одам – тажриба остидаги гурух таркибида эди.

Улар мутлақо бир хил сабоқ олишди, бир хил билимга эга бўлишди. Фақат биринчи гурухдаги – яъни назоратдагилар шундай ўқишидик, улар берилган барча билимларни

Пентакни тажрибаси 2

ўзларининг ақл ва ўзларининг реал тажрибаларидан ўтказиб фильтрлашди.



Берилган барча маълумотларни улар ўз онгининг элагидан ўтказиши!

Улар ўзлари учун ўта муҳим бўлган билимни олишди, қизиқ эмас деб хисоблаганларини ташлаб юборишиди. Улар билимларни саралаб, ажратиб олишди. Назоратдаги гурух аъзолари эса бутун назарий билимларни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қиласпти, ўзларига шахсий ғурра орттиришга шошилмасди. Аммо! Билимларни анъанавий тарзда узатиш тажрибаси ҳаётда амалий натижага бермади!

Ўзим кўп йиллар бошқарган клубда бир гал билимлар алмашуви жараёнини янада тезлатишга қарор қилдик.

У ерда бойлиги турли даражага етган одамлар бор эди, шу жумладан сармояси юз миллион доллардан ошиб кетган ўнлаб мультимиллионерлар, муваффакият билан иш олиб бораётган, 10-20 миллион доллар эгаси бўлган кўплаб тадбиркорлар бор эди.

Биз жадаллаштирилган тажриба алмашувини ўтказдик – мулокот қилиш, нуқтаи назарлар билан ўртоқлашиш учун мультимиллионерларни миллиардерларнинг олдига, энди иш бошлаётгандарни эса миллионерларнинг ҳузурига жўнатдик. Бу тажрибамиз тўлиқ омадсизликка учради. Нима учун шундай бўлди?

Маслаҳат бериши лозим бўлганларнинг деярли ҳаммаси кўнғироқ қилишиб ёки учрашиб қолганимизда: «Менинг олдимга қанақа аҳмоқни жўнатгандинглар! Унинг шу пайтгача касодга учрамаганига ҳайронман? У ахир бизнесда ҳеч вақони тушунмайди-ку! Унга нима тўғрисида гапирмай, ак-

Мирзакарим Норбеков

лига ҳеч етиб бормайди. Бераётган таклифи ҳам ғирт беъмани, умуман самарасиз!» деган маънодаги гапларни айтишарди.

Бу гапни икки ярим миллиард доллар сармоянинг эгаси юз миллион долларнинг эгаси ҳақида гапиряпти.

Юз миллион долларнинг эгаси эса 10 миллион долларлик сармоядор ҳақида шундай фикр билдирганди.

Яъни бу гаплардан инсон миясига фақат шахсий тажриба, амалий иш ва юзлаб шахсий хатолар орқалигина бизнеснинг кейинги поғонаси ҳақидаги тушунча келади, деган хуласа чиқариш мумкин.

Назоратдаги гурӯҳ талабалари ётоқхонада, ота-онаси-нинг ҳисобига яшардилар, жуда омадлиси қаердадиг ғициантлик қилиб пул топарди. Иқтисодий жиҳатдан улар энг чуқур жарликда эдилар. Уларга юз йиллаб **иш берувчининг** нуктаи назари, дунёкараши ҳақида гапириш мумкин. Лекин улар барибир, буни тушуна олмадилар.

Ва бу биз учун оралиқдаги ўтиб бўлмас тўсиқ бўлиб турарди...

Тажриба остидаги гурухнинг ҳаммаси ўзининг шахсий бизнесини очди, «гурсиллаб» йиқилди, мағлубиятдан кейин ўзига келди. Улар энди реал ёрдам олишга, қўллаб-куватлашни қабул қилишга тайёр бўлишган, уларнинг саволлари ҳам реал, жавоблар ҳам реал, шу бугуннинг ўзида улардан фойдаланиш мумкин эди.

Ва йигитлар **иш берувчи** сифатида деярли тайёр бўлишганди. Уларнинг идроки вазиятни оқилона қабул қилиш учун 100 фоиз очиқ эди. Улар ҳеч нимани эътиборсиз қолдиришмас ва «Кел, ҳозирча мана бундай қиласиз, нима учун шундай қилишим кераклигини эса кейин изоҳлаб бераман», – дейишмасди.

Иккинчи йилнинг охирига келиб энг муваффакиятли талаба уч миллион долларга яқин сармоя эгаси бўлди. Уч-тўртта қолоқ талабаларимиз эса ярим миллион долларга

Тенгакнини тажрибаси 2

яқин сармоя эгаси бўлишди. Биз уларга шартли синов баҳосини кўйдик.

Назоратдаги гурӯҳ вакиллари эса ётоқхонада қандай яшаётган бўлсалар, ўша жойда яшаб қолавердилар!

Мен сизларга ўз кузатишларимиз, ўз тажрибамиз ҳақида, икки йиллик машаққатли меҳнатимиз ҳақида гапириб беряпман, гуруҳлардан биттаси ноль натижада берди ва биз улар туфайли сал бўлмаса синай дедик.

Лекин бошқа гурӯҳ ўзиди кетди, бунинг бош омили шундаки, биз уларни ҳамма ишларни эртага эмас, душанбада эмас, кейинги ҳаётида ҳам эмас, айнан шу бугун, шу заҳоти, ҳозироқ бажаришга, ҳозироқ амалга оширишга мажбур қилдик. Ва биз шундай натижаларни қўлга киритдикки, энди бугун назаримда мен худди шулар туфайли ҳаётда бошимни мағрур кўтарган ҳолда юргандекман. Чунки бу йигитлар менга илҳом беришади!

Улар туфайли шуни тушуниб етдимки, қашшоқликка, ҳаётда рўёбга чиқа олмасликка ҳам улкан мешаққатлар эвазига эришилар экан. Тушуняпсизми?



Қашшоқ, маъно ва мақсадсиз ҳаётингизда яшаб қолиш учун қанча куч сарфласангиз, муваффакиятли инсонлар ҳам тўкин-сочин ва қувончли ҳаёт учун шунчак куч сарфлайдилар!

Биз тажриба остидаги гурухни шундай тайёрлаб пишитдикки, улар ҳамма нарсага шунчаки ўйнаб-кулиб эришини ўрганиб олишди. Назоратдаги гурӯҳ эса қаерда бўлса, ўша ерда қолиб кетди. Ҳа айтгандай, қадрдонларим, сиз кам миқдорли сармоя киритиб, тез фойда келтирадиган енгил бизнеснинг рецептига эга бўлишни хоҳлайсизми? Музлат-

Мирзакарим Норбеков

кичда ҳемиридан қолдимикин? Нимага шама қилаётганимни тушундингизми?

Сиз кўнглингизга нима яқин бўлса, шуни изланг. Айтилик, сизнинг йўлингиз менда дикқинафаслик уйготади, чунки бу менинг йўлим эмас. Менинг йўлим эса Сизда зерикиш кайфиятини пайдо қиласди. Мана шунинг учун ҳам менда мажбурий тикиштириладиган рецептлар йўқ. Бўлиши керак ҳам эмас.

Унутманг, битта рецептнинг ўзи
кимгadir ёрдам беради, кимниdir
ўлдиради!

Рецепт бермайман, лекин маслаҳат бераман, шундай бизнес танлангки, у сизнинг қалбингизга яқин бўлсин. Шошмасдан, хотиржам ўйлаб кўринг, агар Сизнинг миллион, триллион, триллиард долларингиз бўлса, нима билан шуғулланган бўлардингиз? Айнан мана шу ишларнинг орасида юрагингизга яқин бўлганини топасиз.

Агар бизнес килиб, унга юрак қўрини қўшмасангиз, бу сохталик бўлади. Одатда кўпчиликда бўлгани каби, шахсий бизнесингизни муҳаббат билан бошлайсиз, лекин вақти келиб бу муҳаббат йўқолса, иш орқага кета бошлайди.

Бу худди эр-хотинлар ўртасидаги муносабатга ўхшайди. Мен доим айтаман, ёшлиқда қурилган оила кўпинча фақат эҳтиросга асосланганлиги билан чўчитади. У киши севаман деб ўйлайди, аслида эса бу шунчаки жинсий майл, оиласи бўлиш истагидан иборат бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам эрта турмуш курган жуфтликлар ўртасида кейинчалик дағал муносабатлар юзага келади.

Ҳаётнинг 495 томони ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик мавжуд. Агар биз уларнинг бошқарувини қўлга ололсак,

Тенгакнин тажрибаси 2

бизнинг ҳаётимиз ҳеч қачон тушкун, ғамгин вакт ўтказишдан иборат бўлиб қолмайди, ҳаётингизда ғам-қайғу деган дўзахга ўрин бўлмайди, аксинча у уйғунликка, қувончга ва шодликка бурканган бўлади.

Агар оиласда бирор муаммо бўлса, бизнесга ҳам таъсир қиласди, жанжаллар у ерга ҳам кўчади. Бизнес юришмайтими – оиласа таъсир этади, нохушликлар оиласа ҳам ўзини кўрсата бошлайди. Оиласда муаммо борми – бу соғлиққа ўз таъсирини кўрсатади. Соғлиғингизда муаммо пайдо бўлдими...

Агар касал бўлсан мен кимгадир керакман, деган хомхаёл билан ўзингизни овутмай кўяқолинг. Мен янада ҳам оғрикли қилиб айтаман – Сиз қанақа мутахассис бўлишингиздан қатъи назар, касал бўлсангиз ҳеч кимга керак эмасиз! Сизни ҳурмат қилишади, Сизни яхши кўришади, Сизга ёрдам қўлинни чўзишади, лекин ўрнингизга бошқа кимнидир излай бошлашади.

Агар Сиз касал бўлсангиз бошқаларни баҳтли қила оласизми? Сиз уларга фақат азоб келтиришингиз мумкин! Бу худди омадсизлик ҳалқаси сингари, агар бизнесингиз кўнгилдагидек бўлмаса, бу ҳам соғлиққа ўзининг емирувчи таъсирини кўрсатади. Демак, ўзингизга нима баҳт ато килса, ўзгаларга нима қувонч келтирса, фақат шуни қилишингиз керак, шу нарса билан шуғулланишингиз керак. Қалб меҳри билан қилинмаган ҳар қандай иш сизни жаҳаннам сари етаклади.

Хозир тўсатдан бир воқеа эсимга тушди. Мураббий сифатида бир инсонни кўп йиллардан буён кузатиб келардим – ўн беш йилга яқин. Менда унга нисбатан ўзига хос ҳурмат пайдо бўлганлиги сабабли унга ёрдам беришга киришдим – кўндиридим, рағбатлантиридим, баъзан танбеҳ бердим, тер-габ турдим. Унинг учун мен аввалига Мирзакарим эдим, бироз ўтиб эса Мирза бўлиб қолдим.

Мирзакарим Норбеков

Лекин бир куни унинг «Мирзакарим Санакулович» деган сўзи менинг қалбимни тилиб ўтди, унинг ўзи эса мен учун «Фалончи Пистончиевич» бўлиб қолди.

Бир гал менга накд пул жуда зарур бўлиб қолди. Ўша пулни жуда шошилинч топиш керак эди. Мен унга мурожат қилдим, зудлик билан унинг банкига келдим. Қарасам, рўпарамда, ҳар бир тийинни ҳисоб-китоб қиласидиган, мен учун бутунлай нотаниш бўлган одам ўтирибди. Менга кечгача қандайдир арзимаган 100 минг доллар керак эди. Унга эса бирдан менинг олган қарзимни тўлай олишимни исботлайдиган ҳужжат керак бўлиб қолди.

Қарасам, у ўзини ҳам ғалати тутяпти, бундан менинг ҳам ҳафсалам пир бўлди. Титраб кетдим, вужудимни қалтирок тутди. Менда қандайдир жирканиш хисси пайдо бўлди. Мен шу заҳоти унинг банкини тарк этдим.

Ўтириб-ўтириб бу ҳолат менга жуда ёмон таъсир қилиб кетди. Эртаси кун мен ўзимнинг баъзи бир ҳужжатларимни олдим-да, унинг олдига келдим, ўзимни гўлликка согланча: «Цюрихдаги ҳисобимнинг баъзи бир жойларига аниқлик киритишим керак, шунга ёрдам бериб юбор, мен бу каби ҳисоб-китобларга унча тушунмайман», – дедим.

Мен унга ҳисоб рақамимни, шифрларини айтдим. Цюрихдан барча тақсимлар келганидан кейин қарасам, унинг кўзлари секин-секин катталаша бошлади.

У мендан: «Бу ердаги нолларнинг миқдорида хато кетмаганми?» деб сўради. Мен рақамга қараб қўйиб: «Йўқ. Худога шукр, хато эмас», деб жавоб бердим. Бирдан кутилмаганда у менга: «Мирза, мен энди сени умуман тушунмаяпман! Тушунтир, нима учун сен бунаقا ахволда яшаяпсан?» деб қолди.

Унга жавобан – «Марҳамат қилиб айтинг-чи, азизим, мен қанақа қилиб яшашим керак?» – деб сўрадим.

Мен неча марта сени ўзимизнинг Рублёвкамизга таклиф қилганман, қанча таклифлар берганман. Мана сен мендан

Тенгтақнини тажбибаси 2

қандайдир юз минг долларни сўраб юрибсан. Ўзингнинг пулларингни менинг банкимга бер, мен сенга ҳар ойда миллион доллар дивиденд ўтказиб тураман! – деди.

Мен унга: «Ҳамма гап ҳам мана шунда-да! Азизим, менга бунинг кераги йўқ! Мана мен ҳозир сенинг олдингдан кетяпман, эҳтимол қачонлардир учрашиб қолармиз. Қачонки тузалсанг, соғайсанг, ана ўшанда тушуниб етарсан – токи сенга бир доллар етмаётган экан ёки миллиард долларни, бунинг аҳамияти йўқ – сен ноchorсан. Униси ҳам, буниси ҳам ноchor эканингни англатади! Сен ноchorликнинг қулисан! Сен эркин эмассан. Мен шунчаки сенинг олдингга – биз сен билан учрашган пайтимизда ҳам буларнинг ҳаммаси менда бор эди, сен билан айрилаётган пайтимизда ҳам буларнинг ҳаммаси менда бор, деб айтгани келдим», – дедим.

Халигача самолётим қисмларга ажратилган ахволда ётибди. Собиқ совет Иттифоқидаги хусусий самолётларнинг энг биринчиси. Олти ўринли реактив соатига 4 900 км учиш тезлигига эга. 24 метр узунликдаги яхта, 3000 от кучига эга. (Таққослаш учун тепловоз 2т. 10 л – бу 3000 от кучи) Тезлигини соатига 200 км гача ошириши мумкин. Буларнинг бари менда ўша пайларда ҳам бор эди.

Менга баъзи бир миллионер тингловчиларим: «Менинг ҳамма нарсам бор, хоҳлаган нарсамни муҳайё қилишим мумкин, лекин хоҳламайман. Ички узлатга чекиниши хоҳлайман. Ўзимнинг нима истаётганимни тушуниб етиш учун Сизнинг олдингизга келдим», – деб айтишади.

Биласизми, қадрли китобхон, эҳтимол бу ҳолат сизни ҳам олдинда кутиб турган бўлиши мумкин? Албатта, ўз устингизда шуғуллансангиз ва олдингизга қўйган мақсадларга эришсангиз. Молиявий муваффақиятга эришган инсонларнинг деярли ҳаммаси муқаррар равишда депрессия ҳолатига тушадилар.

Ҳаёт даражаси, яшаш даражаси юқори бўлган жойлардан бири Швейцария, Швеция, Норвегия. Энг ҳайратланарлиси

Мирзакарим Норбеков

– инсоннинг яшаш тарзи, хаёт даражаси қанча юкори бўлса, унинг ўз жонига суюқасд қилиш даражаси ҳам шунча юқори бўларкан. Сизнингча бу – мантиққа зид, яни парадоксми? Йўқ, конуният!



Қачонки инсон ўз ҳаётини иқтисодий талабларини қондириш асосига қурган бўлса, унинг иқтисодий талаблари қондирилгач, унда шундан кейин баҳтсизлик, фожиалари бошланади!

Қандай фожиа дейсизми? Доимий равишда депрессия ҳолати ҳаётдан безиш, ҳаммаси тезроқ тугашини исташ ҳолати. Чунки унда факат биринчи босқич даражасида ҳаётга қизиқиши бўлган, иккинчи, учинчи, тўртинчи босқичда эса бу ҳақда ўйлаш учун унинг вақти бўлмаган. Ва у ўзининг бутун маънавий эҳтиёжларини инкор қилиб келган.

Маънавий дунёсини бойитиш устида ишлайдиган инсонларга у телба, аҳмок деб қараган, уларни инкор қилган. Иқтисодий бойлик даражасига эришгандан кейин эса ўзининг ҳалокат ҳудудига кириб қолади.

Мана, масалан, эътибор беринг-а, янги русларни биз кўпроқ қаерда учратамиз? Тоғ чангиси, экстремал спорт тури, дайвинг, серфинг. Кўряпсизми, иқтисодий тўйинишдан кейин улар хавф-хатар, қалтисликни излаб қолишиади, ўлим ёнма-ён юрадиган жойларни излай бошлашади. Нима учун?

Чунки онг остининг чукур тубида улкан зерикиш бор. Улар онг ости даражасида қайси йўл билан ўз жонига қасд қилишнинг йўлларини излай бошлайдилар. Ўлим билан ўйнаша бошлайдилар. Бундай ҳолат билан ўз клубимдаги-

Тенгакнини тажрибаси 2

ларнинг орасида ҳам жуда кўп тўқнаш келганман. Шахсан ўзим ҳам буни бошимдан ўтказганман.

Лекин бусиз иложи йўқ. Нима учун? Ҳа, қадрдоним бўёғига энди «Нега?», «Нима учун?» ларнинг ҳудуди бошланади. Келинг, бу ҳолатнинг болаларда қандай кечишини кузатамиз.

Қорин қаппайиб тўйгач, тана кучга эга бўлганидан кейин, бола оёққа туриб олганча, атрофдаги ҳамма нарса билан қизиқа бошлайди. У тадқиқотлар ҳудудига ўтади. Соч тўғнагични олиб, уни розеткага тикишга уринади.

Газ плитада нима ялтираб турибди деб қизиқади, пишиллаганча бунинг нималигини тагига этишга уринади, уни полга тушириб юборса нима бўлади... Кейин бу митти одамчанинг тили чиқа бошлайди, кейин эса у сиздан сўрай бошлайди: «Нега у ундей, нега бу бундай?» Адоғи йўқ саволлар ҳудуди.

Қачонки бу ҳудудга кирсанг-у, сўрайдиган ҳеч кимса бўлмаса, бу аянчли қисматга айланиши мумкин. Бўм-бўш ҳудуд, натижада бу майдон ўлим билан ўйнашадиган ўйинларга тўлиб кетиши мумкин.

Иккинчи босқич – «Нега мен?», «Нима учун мен?», «Мен кимман?», «Менга нима учун ақл-идрок берилган?», «Мен нима учун аёлман? (ёки эркакман?)»

Тирикчилик деб аталмиш ҳудудда яшайдиган одамларнинг бу нарсаларга вақтлари йўқ. Чунки улар ўз ҳайвоний дунёсининг қизиқишлигини қондириш билан банд.



Ҳар биримизда тўртга қисм мавжуд: одам-ҳайвон, ақл-идрок эгаси, қалб эгаси, маънавият эгаси!

Мирзакарим Норбеков

Барча қисмларнинг ўзаро уйғунлиги бахтиёрлик ҳолатини ҳосил қиласди. Бошқача айтганда, баъзан сен тўқ бўлсангда, ҳамма нарсанг муҳайё бўлсада, қалбингнинг туб-тубида барибир бахтсизсан, ҳувиллаган бўм-бўшлиқни хис қиласан. Агар инсон фақат моддий бойлик топиш билан машғул бўлса, ўзидаги ҳайвоний истакларнинг негизини кондириш билан банд бўлса, у юқоридаги каби ҳолат билан тўқнаш келади.

Агар тўрт турдаги ишларнинг барчаси билан баравар шуғулланишни бошласак-чи, ўзимизнинг руҳиятимиз, қалбимиз, ақл-идрокимиз ва иқтисодий эркинлигимиз устидан бирданига иш бошласак-чи?

Ёки бир томонлама ночор аҳволда қолганингизча юраверасизми?

Эстонияликларда шундай мақол бор: эстон ўз ҳаёти давомида учта нарсани бажариши керак – уй қуриши, дараҳт экиши, ўғил ўстириши. Албатта агар улгурса. Сиз бу нақлни эстонияликлар ҳакида деб ўйладингизми? Ҳа, бу Сиз ҳақингизда-ку, менинг донишманларим. Тезлашиш керак, фаоллашиш керак!

Қандай қилиб уч юз-тўрт юз фоизга кучайиш мумкинлиги ҳакида маслаҳат беришимни хоҳлайсизми? Лекин аввал келишиб олайлик, мен Сиздан бунинг ҳақини оламан. Қанақа ҳақ? Текин маслаҳат учун олиш мумкин бўлган энг юқори ҳақни, мен айтиб тураман, Сиз БАЖАРАСИЗ! Келишдикми?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, Сиз тўшагингизни қачон алмаштиргансиз? Чойшаблар, кўрпа ва ёстиқ жилларини-ку ҳар кун алмаштирамиз, тўшаклар эса юз йилда бир марта алмаштирилади.

Тўшакни жуда бўлмаганда икки ҳафтада бир марта алмаштириш керак. Лекин бунинг иложи йўқ, харид қилавериб қўйналиб кетасиз. Фикримга қўшиласизми? Бунинг иложи йўқ. Нима қилиш керак? Умуман алмаштиришнинг нима кераги бор?

Пентакнини тажрибаси 2

Сиз фильмлар орқали бўлсада намойишга чиққанларни кўрганмисиз – минглаб одамлар бутун бир тўлқин бўлиб кўчани тўлдириб келишларини. Микроскопни оламиз-да, сизнинг тўшагингиздан олинган толани кузатамиз. Унда биз шаффоф чанг каналарини кўришимиз мумкин, шунчалик шаффофки, унинг остидаги тўшакнинг рангли толала-ри яққол кўриниб туради, кананинг ўзи эса деярли кўринмайди.

Бутун тўшак мана шу паразитлар билан қопланган. Уларнинг ҳар бирининг қўлида эса санчқи ва пичоқ, улар ўзларининг овқатини кутяпти, яъни саккиз-тўққиз соатга ўзини тилка-пора қилиш учун қўйиб берадиган Сиз билан бизни. Агар тоза чойшаб ёйсак-чи?

Майли, биз янги чойшаб олиб ёймиз, сўнгра микроскоп орқали кузатамиз. Ўн беш дақиқалар ичida бир квадрат метр чойшабдаги чанг каналарнинг микдори ўн йилдан буён алмаштирилмаган тўшакда қанча бўлса, шунча бўлади.

Улардан кутилиш мумкинми? Улар танангизда бўлмаслигининг иложини қилиш мумкин, токи кўчага бир бора чиқиб келмагунингизча. Кўчага чиқдингизми, у ердан навбатдаги улушни олиб келасиз. Улар эса ақл-бовар қилмас тезликда кўпайиш хусусиятига эга.

Биз тажриба ўтказдик. Сиз мана шу тўшакда ухлаб ётибисиз, биз Сизга сездирмасдан келиб, дезинфекция қилиб бу каналардан тозалаб кетамиз. Ўз-ўзини ишонтириш ҳолати бўлмаслиги учун, тажрибани аввал бошданоқ саришталик билан олиб борамиз.

Тажриба остида шундай гуруҳлар ҳам борки, улар ўз устларида тажриба ўтказилаётганини билишмайди. Ва назоратдаги гуруҳ, улар билан ҳеч қандай тажриба ўтказилмаяпти. Улардан қайси бири тажрибада қатнашаётганини иштироқчиларнинг ҳеч бири билмайди. Нима юз бераётганини ҳам ҳеч ким билмайди.

Мирзакарим Норбеков

Лекин 100 одамдан иборат бўлган гурухларнинг бирида, ҳар куни иссик, энг максимал буғга қўйилган дазмол билан, чойшаб, жилдлари дазмолланади. Яъни иссик буғда чойшаб жилдларга ишлов берилади. Энди биз бу ерда йигирма саккиз фоизли қўшимча тетиклик пайдо бўлганини кузатамиз.

Агар Сизда 1000 доллар бўлса яна 280 доллар шунчаки осмондан тушди. Нима қилиш кераклигини фаҳмлаяпсизми, қадрли китобхон? Майда-чуйда деган гап йўқ! Мендан кўпинча, агар тўшаклар тукли ёки жунли бўлса-чи, деб сўрашади. Ҳа, каналар бу жун толаларидан Сизнинг баъзи бир жойларингизга ўрмалаб бориб, жойлашиш учун нарвон ўрнида фойдаланишади.

Шунчаки дазмолнинг иссиқ буглари билан ўтинг. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики – тўшакларга икки ҳафтада бир марта ишлов берилса етарли. Лекин бугун тўшагингизга буғ билан ишлов бериб, кейин ётсангиз, у ҳолда ширин уйкуни эрталабгача кўзларингиз чақчайган ҳолда кутишнинг аниқ. Қандайдир мўъжиза кутишнинг кераги йўқ. Шунчаки ухланг.

Энди эса сув муолажаларига ўтамиз. Биз бу жангиҳда ҳам тадқиқотлар ўтказганмиз. Тажриба остидаги гурухни баданни ҳўл сочиқ билан артишга мажбурладик, назоратдаги гуруҳ оддий ҳаёт тарзини кечиришди. Иштирокчилар ўзаро бир-бирлари билан тўқнаш келишмади.

Тадқиқотлар шундай ўтятники, иккала гурухдагилар ҳам баданни ҳўллаб артиш ҳал килувчи, муҳим омиллардан бири эканини билишмасди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, тажриба остидаги гурухнинг тетиклиги 70 фоизга кўтарилиди. Агар Сизнинг чўнтағингизда 1000 доллар бўлса – мана Сизга яна 700 доллар, осмондан тушди.

Демак, Сиз эрталаб уйғонгач, баданингизни ҳўллаб артишга киришасиз, сочиқ билан баданни қизаргунча ишқалайсиз, Сизни бир одам душ олдида кутиб олганча: «Мана

Пентакнин тажсифбаси 2

Сизга 700 доллар!» дейди. Сиз ҳар куни роҳатланиш имконияти билан бирга еттига юз долларга эга бўласиз.

Муҳим бир томонига эътиборингизни қаратмоқчиман. Баданни ҳўллаб артиш муолажасидан кейин кремдан фойдаланиш керак, айниқса 25 ёшдан ошган хонимларга. Чунки ҳўл сочиқ билан баданни артиш терини куритади. Бунинг учун ҳар қандай крем ҳам тўғри келаверади, масалан, болалар креми. Эрталаб сурдингиз, куни билан юрдингиз, кечқурун танангизни куруқ қилиб тозаланг.

Эрракларга ҳам шуни тавсия қиласман. Лекин эркаклар ўзларининг ташки кўринишларига нисбатан бепарво бўйлишади. Эркакни ўзига крем суришга мажбурлаш – бу аёл кишини икки ҳафта гапдан тўхташга мажбурлаш билан барабар.

Менинг устозларимдан бири 112 йил умр кўрган, у доим «Менинг узоқ умр кўришимнинг сири ҳам, сабаби ҳам мана шу восита» деб айтар эди. У ҳар куни ўзига ёғ суриб кўйишга мажбур киласади.

«Қариганингдан кейин кучинг нафақат орқа тешиклардан, тери тешикчаларидан ҳам чиқиб кета бошлияди. Ҳаётий кучни авайлаш керак. Ниманинг ҳисобига узоқ умр кўраётганимнинг сабаби битта – мана шу усул. Сен ҳам қирқ ёшдан кейин ўзингда кўллашинг мумкин», – деганди у.

Сўзларининг тўғри эканини ўзининг узоқ умр кўрганилиги билан исботлади. Лекин хонадан қўй ёғининг шундай даҳшатли ҳиди тарқаларди. Мен ёғларнинг ўртасида фарқ борми деб қизиқдим. Ҳеч қандай фарқ йўқ экан, шунчаки тери ўз намлигини йўқотмаслиги керак. Шунинг учун мен Сизга бирорта хушбўй ҳидли крем суришни тавсия қиласман.

Кўпинча соҳил бўйида бўладиган тренинглардан қайтгач, мендан «Океан қалай экан?» деб сўрашади. Мен «Томоша қилдим, чиройли экан», дейман. Нима учун факат

Миғзакарим Норбеков

томуша қиласан. Чунки мен шуни пайқадимки, денгизда чўмилганимдан кейин, нима биландир шуғулланиш учун менда ҳеч қандай хоҳиш қолмас экан.

Машғулотлар ҳақида эса гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шундай бўшашиб қоламанки, умуман ҳеч нима қилгим келмайди. Чўмилишдан кейин машғулотларни олиб боришига ўзимни ростлай олмаганимдан кейин, бутун йил мобайнида чўмилишдан воз кечишимга тўғри келди.

Демак, зарур бўлиб қолганда, ўзингизни жуда яхши ҳис қилиш, Сизга нималар керак эканини билиб олишингиз учун, ўзингизни кузатинг, Сизга нима ва қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилинг.

Албатта тадқикот ўтказинг, қайси сув муолажасидан кейин Сизда кўтаринки кайфият пайдо бўлишини ўрганинг. Илиқ сувданми, иссиқ сувданми, муздек сувданми, гоҳ иссиқ, гоҳ совуққа алмашиб турувчи контраст душдан кейинми...

Ювингандан кейин таҳлил қилиш керак, уй шароитидаги қайси чайниш шакли Сизда ишчанлик қобилиятини кўтаради. Масалан, иссиқ душ эркакларга асосан анти-Виагра каби таъсир кўрсатади.

Эркак кечки пайт ишдан кейин уйга келди, севимли ёрининг висолига тўвиш иштиёқи баланд, у билан севги уммонига ғарқ бўлиш истагида бетоқат. Унинг кайфияти бугун романтик созланган. Лекин бошдан-оёқ чанг, кир-чир бўлгани учун иссиқ ванна қабул қилишга қарор қилди... ва ухлаб қолди. Романтик оқшом ҳам кейинги йилга қолдирлиди.

Муздек совуқ сувнинг эркакларга таъсири ҳақида тарихий факт мавжуд. Екатерина II ҳукмронлиги даврида императорлик полканинг гусарлари кайфу сафога, енгил-елли ҳаётга муккасидан кетишган эди. Гусарлар жуда хотинбоз бўлишган, бу тушунарли. Бунгача ҳам уларни жуда кам-сукум бўлишган деб бўлмайди-ю, лекин энди жуда ҳадидан ошиб кетишиди.

Пентакни таҳифибаси 2

Ўзининг полки Санкт-Петербург аёлларининг деярли ярмiga хуштор эканлиги ҳақидаги миш-мишлар Екатерина II гача етиб келди. У дарғазаб бўлди. Шундан кейин император гусарларнинг ҳовуруни босиш учун, эрталаблари Неванинг муздек сувида чайнишга буйруқ берган. Хўш, кейин-чи? Гусарлар шаҳарнинг қолган ярмини ҳам забт этишган!



Чунки эрталабки совуқ душ деярли
90 фоиз эркакка худди бир килограмм
Виаградек таъсир этади.

Шундай экан, организмингизни қандай чиниқтириш мумкинлигини ўрганиб чиқинг. Лекин организмингизнинг ўзига хослигини, унинг ҳолатини ҳам ҳисобга олинг. Одами қаттиқ ҳаяжонга солувчи стрессли услубларни қўллашдан олдин, албатта ўз шифокорингиз билан маслаҳатлашинг. Юкламани ҳам аста-секинлик билан бера бошланг, шошилманг, бу ерда шошқалоқлик кетмайди.

Масалан, бир пайтлар кўпчилик Порфирий Иванов услуби бўйича чиниқишига берилиб кетди, кўпчилик муз ёриғига шўнгий бошлади. Лекин организмнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш керак, акс ҳолда шўнғишига шўнгигиб, кейин одам қайтиб чиқа олмаслиги ҳам мумкин. Эҳтимол қон томирлари бундай чиниқиши учун ҳали етарлича тайёр ҳолатда бўлмаслиги мумкин. Уни босқичма-босқич мусатҳкамлаб бориш керак.

Нима учун мен кузатинг, ўрганинг деб айтаман. Инжилда ҳам, Куръонда ҳам, Ведаларда ҳам – ҳамма мұқаддас китобларда керакли йўлланмалар айтилган, берилган. Шундай оддий мисолни оламиз. Айтайлик, мен ислом динининг вакилиман. Мен учун бир кунда беш марта намоз ўқиши меъёрий ҳисобланади.

Мирзакарим Ноғбеков

Ведаларда ҳам, насронийликда ҳам бир кунда бир неча бора ибодат қилиш анъанаси бор. Агар билмасангиз роҳиблардан сўранг. Шундай ибодатлар борки, улар эрталабдан кечгача давом этади.

Ибодатга ҳам покланиб киришиш лозим, ҳатто терлаган ҳам бўлмаслигингиз керак. Одам кунига беш марта ибодат қиласар экан, унинг қалби қандай ҳолатда бўлади? Кунига беш маҳал ювинса-чи? Тананинг ҳолати қандай бўлади? Шунинг учун, қадрдоним, насроний бўлсангиз ҳам, кунига беш маҳал ювенишингиз мумкин.

Яххиси, ҳаммомга боринг. Сизга, қадрли китобхон, ҳафтасига икки-уч марта ҳаммомга бориб туришни маслаҳат бераман. Буғхона танани ажойиб тозалайди, кўплаб заҳарларни, хилтларни чиқариб ташлайди.

Сиз бир марта бўлса ҳам ўз организмингизни тозалаганмисиз? Умрингизда бир марта бўлса ҳам жигарингизни тозалаганмисиз? Албатта шундай усулларни излаб топинг ва жигарингизни тозаланг. Иложи бўлса бошқа аъзоларни ҳам. Ва Сиздан нималар чиқа бошлишини кузатинг. Турли тошлар, қумлар.

Сизга ёқимли янгиликни етказмоқчиман – ҳамма одамдан чиқади! Ва бу чиқиндилар унча катта бўлмаган коттедж куриш учун курилиш материалига етади. Чунки бизнинг ҳаёт тарзимиз, фикрлаш жараёнимиз, овқатимиз орқали буларнинг ҳаммаси аста-секин йиғилиб боради.

Бунинг кўплаб аломатлари Сизга белги беради – юзнинг ранги, танадаги турли доғлар, кўзнинг оқ қисми сарғимтири тусга кира бошлиши, тирноқларнинг турли-туман қўринишда қийшайиши, соchlарнинг синувчан бўлиб қолиши. Ўз тананинг синчиклаб ўрганиб чиқинг ва унга ёрдам беришни бошланг.

Қадрли китобхон! Кучли ёшартирувчи ва соғайтирувчи рецепт ҳақида билишни хоҳлайсизми? У ҳолда нафас олиш

Пентакниң тажрибаси 2

гимнастикасига тайёрланинг. Бу қандай гимнастика экан ва у нима учун керак? – дерсиз эҳтимол.

Хаёлан икки-уч метрли кичкина хонани тасаввур қилинг. Агар Сиз бу хонада уч кун ўтирангиз аҳволингиз қандай бўлади? Ҳаво етишмай қолгач, кислород танқислиги бошланади, чарчоқ пайдо бўлади, тушкунлик, умуман ҳаётга қарагингиз келмай қолади... Фикримга қўшиласизми?

Агар Сиз у ерда ёлғиз бўлмасангиз, Сиз билан бирга хонада яна йигирма беш одам, эрталаб олтидан кечки тўққизгача ўтираса-чи. Сизнинг бошингиз умуман ишламай қолади-ку – ҳар доимгидек!

Агар бу хонага яна тамакининг тутунидан ҳам киритсак-чи??

Айтинг-чи, неча соатдан кейин Сизнинг миянгиз қотиб, фикрларингиз эса тарқалиб кетар экан? Ҳа-а, Сиз ўн беш дақиқадан кейин икки карра икки неча бўлишини базур эслай бошлайсиз! Аввалига бармоқларингизда санай бошлайсиз: бир, икки... Сўнгра эса ўйлай бошлайсиз, «умуман олганда, мен нима қилаётган эдим»...

Ундан кейин эса Сизда биттагина ният, биттагина хоҳиши – қаергадир бориб чўкиб кетиши ёки дорга осилиш хоҳиши қолади, холос.

Шунда кутилмаганда тоза ҳавога чиқамиз – хўш нима юз беради? Аста-секин тирила бошлаймиз!

Ҳаётингиздан йиллар ўтган сайин, ўпкангизни кислород алмашинуви юз берадиган қисмининг ҳажми кичрайиб-кичрайиб бораверади ва бу биринчи навбатда Сизнинг хотирангизда, фикр юритишингиз жараёнининг тезлигига ва кайфиятингизда акс этади.

Танага нисбатан ўпканнинг энг катта ҳажмда бўлиш даври – бу тўрт ёшли болакайларда бўлади. Уларнинг ҳаёт тарзини кўринг. Ҳеч бўлмаганда 20 дақиқа уларнинг қилаётганинг такрорлашга уриниб кўринг-а!

Мирзакарим Норбеков

16-17 ёшлиларда ҳам ўз танасига нисбатан ўпка ҳажми плюс вариантда бўлади. Улар бир жойда тинч ўтира олишмайди, доим қаердадир, нималардир килиб юришлари керак!

24 ёшдан кейин ўпка ҳажми аста-секинлик билан кичрайишни бошлайди – 50 ёшга келиб у икки баравар, 60 ёшга келиб эса – уч баравар кичраяди.

Мана, бу судралиб юрган одамчани олайлик, уни нафас олиш машқини бажаришга мажбур қилсан... 15-20 дақиқадан кейин қарабсизки, унинг юзига қизил юргурган, кўзлари чақнаб турган бўлади! Бу вақтингчалик бўлса ҳам, албатта яхши натижа.

Қай бирингизнинг ўшининг 24 дан ошган бўлса, демак, Сиз мустақил равишда ўпкангизнинг ҳажмини ошириш билан шуғулланинг. Албатта, нафас олиш машқларини ҳам бажаринг, яна бу борада ҳар куни ишга боришдан олдин 30-40 дақиқа тоза ҳавода сайр қилиш ҳам жуда муҳим.

Айниқса, бу аклий меҳнат билан шуғулланувчи, ишидаги вазифаси жавобгарликни талаб қиласидиган кишиларга тегишли.

Сайр туфайли ўз организмингизни ўн баравар кўпроқ фаоллаштиришга эриша олишингиз мумкин. Бошингиз тиник ҳолда ишга келсангиз, одатда фикрини жамлай олмасдан, қаҳва хўплаб ўтирадиган ходимлардан кўра анча яхши натижаларга эга бўласиз.

Нафас олиш гимнастикаси билан шуғулланишдан олдин, сиз синчковлик билан қарши кўрсатмаларни ҳам ўрганиб чиқишингиз керак.

Демак, қарши кўрсатмалар: нафас олиш гимнастикаси билан шуғулланиш саноқ санаши билмайдиганларга қатъян ман этилади. Хеч бўлмаса элликкача, жуда бўлмаганда ўттиз иккигача...

Тенгтакнин тажрибаси 2

Агар Сиз айнан шундай тоифага мансуб фуқаролар сирасига кирсангиз, кимларданdir саноқ сонларни магнитофон ёзувига ёки аудиоплеерга айтиб туришини илтимос қилинг.

Чунки, Сизга қатъий схема асосида нафас олишга тўғри келади.

Машқнинг биринчи қисми «Нафас олишни чўзиш» деб аталади. Ва бу қуйидаги тарзда амалга оширилади.

Тик турган ҳолда... иложи бўлса очиқ дераза олдида (албатта агар бу дераза кўчанинг серқатнов юзига қараган бўлмаса) ёки тоза ҳавода, бирор истироҳат боғида бўлса, янада яхши.

Қўлларимизни ён томонга узатган ҳолатда юқорига кўтарамиз. Санашни бошланг... тахминан саккизгача. Бир деганда нафас олишни бошлайсиз ва кўлингизни аста кўтарасиз. Саккиз сонида нафас олишни тўхтатасиз, табиийки, кўлингизни ҳам кўтаришдан тўхтатасиз.

Бир лаҳзага нафасингизни ушлаб қоласиз. Кейин нафасингизни эркин ҳолда чиқарасиз. Қўлларингизни бу пайтда эркин ҳолда ён томондан пастга туширасиз.

Қўлларни ҳаракатга келтириш орқали Сиз ўпкангизнинг максимал даражада очилишига, умуртқа поғонангизнинг эса ростланишига ёрдам берасиз. Нафас олиш билан шуғуллансангиз-у, буқчайиб турсангиз, бундан қандай наф бўлиши мумкин, тўғрими?

Давом этамиз. Кейинги гал 10 гача санаймиз, сўнгра 12 гача, 14 гача. Ва шундай давом этаверамиз. Шу тарзда беш-олти марта бажарамиз. Шу билан машқнинг биринчи қисми тугайди.

Саноқ тезлиги ҳар галги ёндашувда бир хилда бўлишини кузатиб боринг.

Нафас олиш вакти ҳар гал янада чўзилиб бораверади. Шунинг учун ҳам машқнинг номи «Нафас олишни чўзиш» деб аталади.

Миңзакатым Норбеков

Бу каби машқларни амалда құллай бошлаганингиздан кейин, дастлабки күнлари 8 дан бошлаб 16-18 гача чўзилса, тез орада Сиз 20 дан бошлаб 32 да тугатишга эришасиз.

Мұхими шошилмаслик – ва юкламани ошириб юбормаслик.

Машқнинг иккинчи қисми ҳам худди шу тарзда бажарылади. Фақат бу машқ «Нафасни ушлаб туриш» деб номланади. Шунинг учун ҳам энди Сизнинг ўзингиз эмас, сиз учун кимдир санаши ёки ўзингиз ичингиздан санашингиз керак бўлади.

Эркин нафас оласиз. Шу билан бирга қўлларни ён томондан юқорига кўтарасиз. Қўлларни юқорида ушлаб турган ҳолда 1 дан 8 гача санаш оралиғида нафасни ушлаб турасиз.

Эркин ҳолда нафасни чиқарасиз, шу билан бирга қўлларни ён томондан пастга туширасиз. Кейинги гал 10 гача, 12 гача ва шу тарзда биринчи машқ сингари давом эттираверасиз.

Машқнинг учинчи қисми «Нафас чиқаришни чўзиш» деб аталади.

Китобхонларимиз орасида аёллар ҳам бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиб, учинчи марта яна тушунтираман.

Эркин нафас оласиз (қўллар ён томондан тепага).

Бир лаҳза нафасни ушлаб қоласиз. Сўнгра оҳиста нафас чиқара бошлайсиз, шу билан бирга қўлларни ён томондан пастга туширасиз. Бир деганда, нафас чиқара бошлайсиз. Саккиз деганда, нафас чиқаришни тугатасиз. Кейинги гал машқни такрорлайсиз, лекин 10 гача, 12 гача санайсиз ва шундай давом эттираверасиз.

Бир неча ҳафтадан кейин Сиз саноқ сонларни 20-32 гача оширасиз.

Қадрли китобхон, модомики, ўз устингизда ишлашга киришган экансиз, демак иш тўй билан тугаши аниқ. Тўй бошловчисининг гапи бор-ку «Келинг, шу қадаҳни...» Бу мавзуга бироз ойдинлик киритмоқчиман.

Шептакнини тажрибаси 2

Ҳайвонлар жуда тез-тез сув ичиб туришади, тўғрими? Одамлар эса сувни истеъмол қилишдан чиқиб кетган. Биз Сиз билан нафақат яхши овқатланишдан, шу билан бирга чанқоқлик туйғусини ҳис қилишдан ҳам чиқиб кетганимиз.

Болаларга эътибор беринг-а, хоҳ Москвада бўлишсин, хоҳ Сибирда, қаерда бўлишларидан қатъи назар – улар ҳамма жойда сув ичишади. Тўғрими? Буни ўзингиз учун ҳисобга олиб қўйинг, бу айниқса совуқ юртларда яшовчиларга тааллуқли.

Чунки чанқоқ ҳисси қанча кам бўлса, сув истеъмол қилишга бўлган талаб ҳам шунча паст бўлади, натижада пешобнинг қуюқлик даражаси – концентрацияси шунча юқори бўлиб боради ва сийдик тошлари касаллигига мойиллик ҳам 100 фоизга кўтарилади. Марҳамат қилиб шуларни ҳам ҳисобга олинг.



Ҳамма учун тавсия:
Сув ичамиш!

Бир кунда қанча микдоргача сув истеъмол қилиш зарур? Реанимацияга тушиб коладиган даражагача ўзингизни сувга бўқтиришининг керак эмас. Бирорта таниш шифокорингиздан одам бир кунда қанча микдорда сув ичиши кераклигини сўраб аниқланг.

Эрталаб – 150-200 г сув ичилиши шарт!

Сув иссиқ бўлиши керак. Қайноқ эмас, куйдирадиган эмас, лекин ёқимли иссиқлиқда! Шундай ҳарорат бўлсинки, Сиз бу сувни майда ҳўплам билан ича олинг.

Бундай сув оғзингизга тушиши билан, шу заҳоти оғизнинг шиллик қатлами орқали сўрилиб кетади, уни ютишга

Мирзакарим Норбеков

ҳожат ҳам қолмайди. Ва организмингизда вақтинча юқори даражадаги сувли тозалик ҳукм суради.

Илик сув, кўнгилни айнитиб, беҳузурлик ҳиссини уйғотади. Бундай сув Сизнинг танангизни тоза сув билан тўйинтириш ўрнига, тўғридан-тўғри сийдик халтага томон йўл олади.

Совуқ сув эса умуман олганда спазма беради ва бутун ички кучингиз уни қиздиришга сарф бўлади.

Қўшимча иссиқ сув истеъмол қила бошлаганингиздан кейин қизиқ бир анъана ҳосил бўлади. Сиз аввалроқ ҳожатга бориб келасиз. Сўнгра бир стакан сувни ичганингиздан кейин бир дақиқа ўтиб, Сиз сийдик қопи пешобга тўла яна ҳожатга югурасиз. Яъни организмдаги сув таркибининг янгилиниши юз беради.

Айтингчи, қадрли китобхон, Сиз бу йил куёшда тобландингизми? Хўш, қандай? Ўзингизни кузатганимисиз? Романтик ҳаёллар жунбушга келганми? Энди Сизга ҳар йили куёш ваниасини қабул қилишга тўғри келади. Қатъий шарт асосида. Лекин бу ҳақда биз Сиз билан бошқа бўлимда ба-тафсил гаплашамиз.

Бу соғлиқни мустаҳкамлаш учун ажойиб восита, кўпчилик буни назарига илмаган тақдирда ҳам. Шарқ мақолида айтилганидек: «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ».

Энди эса, қадрли китобхон...

УЙ ВАЗИФАСИ

1. Сиз ўз танангизни ҳафтасига 10 соат машқ қилишингиз керак. Бунинг учун спортнинг исталган тури тўғри келади – югуриш, енгил атлетика, гимнастика, йогани ҳам олиш мумкин, цигун, У-шу ва ҳоказо...

Ўзингизга тўғри келадиган спорт турини топинг-да, уни бажаришга киришинг. Натижаларини кундаликка

Тентакнинг тажрибаси 2

қайд қилинг. Нимани танлашни билмаётган бўлсангиз, Сизга синалган бир нечта вариантларни таклиф қилишим мумкин... Менинг «Тентакнинг тажрибаси» номли биринчи китобимда «Мағизли бўғимлар машқи» бор. «Тана ва руҳиятни машқ қилириш» номли ҳаммуаллифликдағи китобимдан ҳам кўплаб фойдали тавсияларни топиш мумкин. Яна камтарин қулингиз қўллаган «Ишёқмаслар мактаби ёки ички аъзолар учун тибетликларнинг соғломлаштириш гимнастикаси» номли китобда ҳам «Жим Лам – Тибет соғайтириш техникаси»нинг комплекс машқлари жамланган.

Хуллас, зудлик билан қўшимча қувват ва соғлиғингизни ишлаб топишга киришинг!

2. Агар учта тоғ баландлигидаги уюм-уюм долларингиз бўлган тақдирда ҳам, бутун бошли дарани тўлдириб ётган бойлик эгаси бўлсангиз ҳам роҳат билан машғул бўлишингиз мумкин бўлган учта иш топинг. Айнан мана шу ишга дикқат билан қаранг зеро, бу иш фаолиятингиз – Сизнинг келажак бизнесингизнинг калитидир.

3. Кўрпа-тўшагингизга икки ҳафтада бир марта буғли ишлов беришни бошланг.

4. Сув муолажалари. Сув қуйиб чўмилишнинг турли кўринишлари Сизга қандай таъсир этишини тадқиқ қилинг. Сизни нималар тетик ва бардам қилишини аниқланг.

Ҳар куни эрталаб организмингизни тетик ва бардам қилувчи нам сочиқ билан баданингизни ишқалашни ёки устингиздан сув қувишни йўлга қўйинг.

5. Кундуз кунлари терингизни қуриб қолишдан ҳимоя қилувчи кремлардан фойдаланинг.

6. Кон томирларини чиниқтиришни бошланг, ҳафтасига икки марта ҳаммомга ёки саунага ташриф буюринг.

7. Организмингизни тозалаш услубларини изланг ва кўллаб кўринг, биринчи навбатда жигарингизни. Ўзгаришларни кузатиб боринг.

Мирзакарим Норбеков

8. Нафас олиш машқларини бажаринг.
9. Эрталаблари оч қоринга бир стакан иссик сув қабул қилинг. Кундуз куни ҳам сув ичинг.
10. Қуёш ва ҳаво ванналари қабул қилинг. Лекин меъёрнинг бузилишига йўл қўйманг.

Барча натижаларни белгилаб,
кундаликка қайд қилиб борамиз!



ТЎРТИНЧИ ТЕПКИ Овсарлар учун кийим-бош

Муаллиф китобхоннинг шўр отган эгнидаги кўйлагини юлиб ташлар экан, йўл-йўлакай нима кийши кераклигини, Сизга нима ярашадио, Сизни қандай кийим тўйлар мубораккача етаклаб кела олишини тушунтириб ўтади.

Китобхоннинг қизиқишини уйготиш учун муаллиф имиж борасидаги ўзининг бой тажрибаси билан ўртоқлашади. Бўлим охирида китобхон ўзининг ташки кўринишини ижсобий ўзгартириши борасида тавсия ва вазифаларга эга бўлади.

X
VI

— ўш, қадрли китобхон, муваффақиятлар қандай, кайфиятингиз-чи? Аъло деяпсизми?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, эркаклик фазилати-ю, аёллик назокатидан дам олиш учун таътилга чиқиш мумкинми? Албатта йўқ?! Қаерда бўлишингиздан, нима билан шуғулланишингиздан қатъи назар Сиз доим эркак ёки аёллигингизча қоласиз. Бекорга ўзбек мақолида «Онангни отангга бепардоз кўрсатма!» деб айтилмаган.

Қайси бири яхшироқ, қоғоз қути устига газета түшаб, буханка нон ва консерва банка очиб күйганми, ёки столпинг икки четида шам ёниб турган, нозик дид билан чиройли безатилгандастурхонми?

Хурматли барно йигитлар ва гүзал хонимлар, Сизлар билүү ташкы күрениш ҳақида сұхбатлашмоқчиман. Айтишади-ку: «Уст бошига қараб кутиб олишади, кейин эса күйиб юборищмайди....» Албатта агар ёқиб қолсангиз.

Эң құлай кийим қанақа бўлишини билишни истайсизми? Марҳамат!

Мирзакарим Норбеков

Мен доим энг қулай кийим – бу шиппаклар ва ички кийим деб айтаман. Яна маросимлар учун махсус костюм ҳам бор, ҳамма тутгалари тайёр тақилган, фақат орқасидаги ипларини боғлаб олсанг бўлди. Шунақасини кўрганмисиз? Қадрдоним, адашмасам, ўзингиз кийинасиз?

Кийимлардан яна фуфайкани тавсия қиласман. Хоҳлаган жойда ёнбош ташлаб ётиш мумкин, ғижимланмайди, доим иссиққина юрасиз. Ҳар куни ювишнинг ҳам кераги йўқ. Ҳеч ким ўғирламайди ҳам.

Бу бўйинбоғнинг нима кераги бор, пиджакнинг, туфлиниг, оқшом кўйлакларининг? Фикримга қўшиласизми? Улар ноқулай-ку. Айниқса, ухлаш қопи билан солиштирганда.

Ухлаш қопчаси – қулайликнинг энг юкори чўққиси. Ичига кириб қулай жойлашиб оласиз, ичида енгил айланасиз...

У ҳолда тиришиб нима қиласиз, пул сарфлаб?

Масалан, туфли инсон ҳаётини қандай ўзгартириши мумкинлигини ҳамма билади. Эсингида йўқми? «Золушка»ни ўқиганмисиз?

Энди бироз эркаклар ҳақида суҳбатлашамиз.

Эркаклар нима учундир ўзларининг ташқи кўринишларига умуман бепарво, мутлақо пала-партиш бўлишади. Эркакнинг ўз кийими билан қизиқиши – бу камдан-кам учрайдиган ҳолат. Бор-йўғи икки фоиз эркаклар бунга эътибор беришади.

Қолганлари кўпроқ қулайлик ортидан қувишади. Агар мажбур бўлмаса улар, бўйинбоғни ҳам ўлақолса тақмасдилар. Ахир шундай бўлиши керак деб қабул қилинган-ку, жин урсин! Тишини-тишига қўйиб ўлганинг кунидан тақишиади. Кейин эса бўйинбоғда ўзларини жуда ҳам расво ҳис қилишади. Уйга келишлари билан тезроқ ўзларининг тиззалири бўртиб чиқкан севимли триколарини кийиб олишга шошилишади.

Пентакни таърибаси 2

Бу оммага тегишли. Сизга эса, қадрдонгинам, ўзингизнинг ташқи кўринишингизни ўзгартиришга, сайқал беришга тўғри келади. Ҳатто малакангиз бўлмаган жойларда ҳам.

Чунки аёлларнинг таъби шундай аҳмоқона бўлса, нима ҳам қила олардик?

Сизнинг қандай яхши эркак эканлигингизни улар кўрмайтган бўлса нима ҳам қила олардик?

Агар улар Сизни фақат уст-бошингиз, пойабзалингиз, соч турмагингиз, ишлатадиган атирингиз билангина қабул қиласа, нима қилиш керак, ахир??!

Қандай йўл тутиш керак – агар аёллар сенинг юрагингни билмаса, сенинг ақлингни билмай туриб, шунчаки сени ташқи кўринишингга қараб қабул қиласа?

Жуда кенг тарқалган муаммолардан бирини мисол қилиб келтирамиз, йигит қизга ёқишини ва оила қуришни хоҳлади. Ёстиқ кучоклаб ётгандан кўра севгилисини, сўнгра эса фарзандларини қучоқлашни хоҳлади, лекин... бўлмаяпти-ку! Ҳамма уни инкор киляпти.

Ўзига ёқадиган қизлар уни умуман пайқамайди ҳам. Пайқагани ҳам бироз вакт ўтиб ундан юз ўгиради. Унинг танишишга бўлган барча уринишлари ва меҳнатлари бекорга кетади.



Сабаб эса жуда оддий бўлиши мумкин,
бу ҳамма қатори кийиниши одати.

Эркак учун энг севимли кийим – овга чиқканда кийиладиган комуфляж ҳисобланади. Ўлжани қўлга киритиш ва ўзи ҳам ўлжага айланиб қолмаслик. Бу уларда генетик даражада, машаққат иплари билан тикиб ташланган. Жуда ёрқин ва ўзига жалб қилувчи тарзда кийиниши хуш кўра-

Мирзакарим Норбеков

диганларни динозаврлар аллақачонлар паққос тушириб, ҳазм қилиб ҳам бўлишган.

Лекин биз Сиз билан эркаклармиз. Хома Сапиенслар, яъни эркин таржимада – хонакилаштирилган эркак. Шуни ёдда сақлашимиз керакки, ген бу ўз йўлига, реал ҳаётда ҳам маси аллақачон бошқача-ку. Ҳар ким ҳозир алоҳида шахсий форга эга, йирик йиরтқичлар эса аллақачон қирилиб кетган. Энди эркин нафас олиш ва эътиборни жалб қиладиган чирайли қилиб кийиниш мумкин. Акс ҳолда бизни бир хил қиёфасиз оқимнинг ичидан қандай қилиб ажратиб олишлари мумкин? Табассум қилишни ҳам унутманг, юзингиздаги кувончни бутун оламга намойиш этишдан уялманг!

Агар эркак кишига ўзининг ташқи кўриниши устида ишлашда қийналса, аёл кишида эса аксинча, гўзалликка бўлган интилишнинг чегараси йўқ.

Чунки ўзига ниманидир илиб олишга бўлган интилиш уларга наслдан ўтган. Эндинга тетапоя бўлиб, юришини ўрганган бир ярим ёшли қизалоққа қаранг. У ўзига лаб бўёғини суркай бошлайди, онасининг бирорта кийимини кийиб кўришга уринади...

Хўш, у келажакда аёл бўлишини қаердан билади?

Ўғил боланинг лаб бўёғи олганини бирор марта кўрганмисиз? Бирорта жажжи Пикассо олиши мумкин, шунда ҳам деворни бўяб ташлаш учун!

Табиатда аёлни зағизонга ўхшатишади, уни олғир зағизон билан таққослашади. Чунки уларнинг инлари ялтири-юлтур нарсаларга тўла, зарқофознинг бир бўлаги, ялтироқ ашёлар, қошиқлар, тақинчоқлар.... Болалагимда мен ҳатто зағизон инидан бутун бошли тилла занжир ҳам ўғирлаб олганман. Зағизон уни қаердандир топиб келган бўлса керак.

Дарҳақиқат, аёллар жуда ҳам зағизонга ўхшайдилар.

Нима ярқ қиласа – айтайлик кимдир мардана, келишган,

Пентакни тажърибаси 2

эҳтиросли бўлса, тамом – шу заҳотиёқ ўзларига эргаштириб олиб кетадилар.

Шунинг учун ҳам, қадрли эркаклар, агар Сизни ҳали ҳам оила деб аталмиш уяга эргаштириб кетмаган бўлишса, демак ишларингиз ҳали унчалик ҳам ярқирамаяпти! Шундан келиб чиқсан ҳолда, ички ва ташқи кўринишимизни ўзгартиришга киришамиз!

Сиз анча вақтдан буён ишингизни ёки шахсий ҳаётингизга хос айрим сабабларга кўра ўзга жинс вакилларини ўзингизга жалб қила олмаган бўлишингиз мумкин. Эҳтимол бунинг сабаби жуда оддий ва энг беъмани нарса бўлиши мумкин! Масалан – соч турмагингиз!

Йигирма дақиқа соч кўринишини ўзгартириш учун, йигирма дақиқа кийим-бошни, пойабзални ўзгартириш учун. Яна йигирма дақиқа соқолни олиб, сифатли атири сепиб олиш учун сарф бўлади! Бир соатнинг ичидаги Сиз таниб бўлмас даражада ўзгарасиз-қоласиз! Аёллар учун вақт кўпроқ талаф этилади, айтайлик, уч соат. Лекин баривир, қандайдир соатлар кетади. Натижада эса бутун ҳаётингиз ўзгариб кетади.



Муқова учун суратга тушадигандек кўринишга эга бўлиш учун нима талаф этилади? Хоҳиш ва ўз устида ишлаш.

Бор-йўғи шу, холос!

Қадрли китобхон, кўзгуга қаранг-да, ўзингизнинг қандай кийинганингизга эътибор қилинг? Мана мен сизни кўрмаяпман, лекин 90 фоиз ишончим комилки, кўринишингиз бир нави. Яна кимнингдир кўриниши эса мутлақо шармандали. Қаердан биласиз? – дейсизми, ёлғиз ва ғамгин экансиз, кўринишингиз яна қанақа ҳам бўлиши мумкин?

Миғзакағим Норбеков

Сизнинг ташқи кўринишингиз ўзингизга нисбатан ва атрофдагиларга нисбатан бўлган муносабатингизнинг 100 фоизга моддийлашувидир! Ҳаттоқи Сизнинг севимли широрларингизни ҳам bemalol айта оламан:

«Мен ҳеч кимга ишонмайман».

«Мен Сизни билмайман».

«Мен ҳаммага тупурганман».

Демак, соч турмагидан пойабзалгача,
парфюмериядан тақинчокларгача
тез орада ҳаммасини тартибга
келтиришингиз керак бўлади!

Мен ўзгартириш мумкин бўлмаган мавзуга тегмайман. Фақат 100 фоиз натижага бериши мумкин бўлган, тажрибада синалган ишга қўл ураман холос. Зоро бу – кафолатланган!

Менинг вазифам Сизни ҳамма нарсада тенгсиз қилиш. Қаерга борманг, ҳамма ерда ва ҳамма вақт Сиз юксакликда бўлишингиз керак. Хоҳлаган ерга кириб борган заҳотингиз, биринчи сонияданоқ бошқа жинс вакилларини қизиктира олинг.

Эркаклар! Аёлларга ёқишни хоҳлайсизми? Бир боқишидан. Бетакрор бўлишни хоҳлайсизми ёки йўқми?

Айтайлик, Сиз бирор-бир қаҳвахонадами ёки ресторандами ўтирибсиз, кўринишингиз ҳам жуда кучли таассурот колдирадиган тарзда, худди Париждан келгандексиз. Ўтиб кетаётган аёллар эса бирин-кетин пойингизга ўзларини таппа-таппа ташлашга тайёр. Сизнинг столингиз атрофига. Зўр-ку, тўғрими?!

Ёки Сиз ниҳоят ўз ишингизни очдингиз ва музокарага боришга чоғланяпсиз.



Тенгтақнини тажхифибаси 2

Бирортасининг олдига бориб, ҳамкорликда ишлашни таклиф қиласиз... у ерда эса Сиз билан ўша одамнинг ўртасида кўпинча котиба деб аталмиш аёл бўлади. Котибаларга эса кўп нарса боғлиқ, яъни агар Сиз унга ёқмасангиз, ишончини қозона олмасангиз, у ёғига Сиз учун йўл ёпилади.

Бошлиқ олдига кирадиган эшикни қўриқлайдиган аёлларни Сиз биргина ташқи кўринишингизнинг ўзи билан, лахзадаёқ, сўзсиз маҳлиё қила олишингиз керак.

Нима учун мен эркаклар мисолида гапирияпман?

Чунки ҳар бир аёлнинг миясида ўзини тўлақонли эканлиги борасидаги аҳмоқона фикр маҳкам ўрнашиб қолган. Мана бухгалтериядаги Василада эса ҳеч қандай дид йўқ. Нуқул алламбалоларни кийиб оладики, уни кўриб, ўзингни ташлаб юборишидан базўр ушлаб қоласан, қўшнимиз Холида эса – умуман тентак, аллақандай қўланса нарсаларни атири деб сепиб юради. Сизда эса ҳаммаси юқори даражада! Лекин нимагадир эркаклар бунинг қадрига етмайди! Кўп-паклар, тўғрими?!

Тасаввур қилинг-а, турли-туман атирларнинг орасидан энг яхисини танлаб оламиз, энг яхши соч турмагини, энг яхши костюмни, энг яхши кўйлакни, энг яхши феъл-атворни, энг яхши ҳатти-ҳаракатни, ҳамма-ҳамма нарсада энг яхисини танлаб оламиз.

Натижада нима ҳосил бўлади?

Бекаму кўст одам.

Бундай одамга нисбатан Сиз қандай муносабатда бўласиз?

Гаров боғлашим мумкин, бундай бекаму кўст одамга нисбатан Сизда аллақачон ғайирлик ёки ҳасад пайдо бўлиб, уни ёмон кўриб колдингиз.

Нима учун Сизда ҳасад пайдо бўлди? Ёмон кўриш қаердан пайдо бўлди? Ялқовликдан! Бу – Сиздаги ялқовликнинг яққол кўринишидан ўзга нарса эмас.

Мирзакарим Норбеков

Үзингиз-чи, юлдуздек кўринишни истамайсизми? Нима Сизни чўчитиб юборди? Нима безовта қила бошлади? Қилингиз керак бўлган ишнинг кўлами, ҳажми чўчитиб юборди Сизни, тўғрими? Бу зўриқтиради! Тўғрими ёки йўқми?

Демак, йигитлар, мен нима демоқчиман. Биронтангизни мақтаб, кўкларга кўтариш ёки камситиш менинг ҳатто хаёлимда ҳам йўқ. Ҳар бирингиз ҳам нимададир ўта илфор, нимададир энг охирда қолгансиз. Лекин! Оркада қолиб, бирорларга бой берилган худудларни осонлик билан қайта эгаллаш мумкин. Қандай қилиб, – дейсизми?!

Биз мана бундай қилишимиз мумкин, кимнингдир чирайли соч турмагини кўриб, ўзимизга намуна сифатида кўллашимиз мумкин.

Кимнингдир кийниш услубини кузатинг. Кимнингдир қомати ўлчамларини чамаланг. Кимнингдир гавдасини адл тутиб юришини ўзлаштиринг. Кимнингдир ҳаётдан қувониши, инсонларга нисбатан меҳр-оқибати, хушмуомалалиги ва қатор ажойиб фазилатларини... ксеронусхалаш мумкин.

Ва буларни ўзингиз учун ўзлаштириб, тўплаб, коллекция қилиб... Ўзингизни куринг, ўзингизнинг қувончга тўла ажойиб ҳаётингизни, ўз муҳаббатингизни, ўз оиласигини куринг! Бамисоли битта-биттадан гишталарни териб курган каби! Қаватма-қават! Ҳаётнинг 495 томонининг ҳаммасини куринг, бунёд этинг!



Табассум қилишни ҳозирнинг ўзидаёқ
бошлигиниз мумкин! Оғзингиз
кулогингизгача, қувончга тўлиб!
Энди эса доим мана шундай юринг!
Келишдикми?

Пентакниги таърифбаси 2

Бир неча йил аввал биз навбатдаги «Омад устахонаси» машғулотларини жануб давлатларининг сиҳатгоҳларидан бирида ўтказдик. Гуруҳда миллионерлар клубимиз аъзоларидан ҳам икки-уч нафари бор эди. Курсларимизнинг собиқ битирувчилари. Уларнинг баъзилари билан икки-уч йилдан буён, баъзилари билан эса ўн йиллардан буён биргамиз. Шундай бўлиб қоладики, уларнинг баъзилари ўзларининг сезги ва туйғуларини янгилашни истаб, баъзан машғулотларимизда қатнашиб туришади.

У ерда эса соҳил бўйида гўзаллик танлови бўлиб ўтаетган экан. Кутилмаганда менинг клубимдагилар шу ёққа келиб қолишиди. Аввалига мен ҳеч кимга уларнинг ўз клубимиздан эканини айтмадим. Мавриди бўлмади. Кейин эса қизик бир феноменни сезиб қолдим.

Эркакларнинг сони таҳминан қирктача эди. Ташкилотчиларимиз йигитлар ўртасида «Жаноб Коинот» танловини уюштиришди. Танлов мезонлари бўйича кийниш услуби, соч турмаги, атири, саҳнада ўзини тута олиш, аёлларни мафтун қила олиш ва бошқа кўплаб шартлар бор эди. Ҳаммаси бўлиб ўн икки-ўн бешга яқин шартларга жавоб бериш керак эди.

Барча йўналишлар бўйича клубимиздагилар биринчи ўринни эгаллашди. Тушуняпсизми? Барча шартлар бўйича! Ҳамма мукофотга бизнинг уч эркак эга бўлишиди.

Мен эса четдан туриб уларни кузатар эканман, завқка тўлиб, қойил қолдим. Барча аёллар бу учала йигитнинг атрофига асаларидек айланишарди! Қолган қирқта эркак эса асабийлашганидан бир четда тамаки тутунини ичга ютиб турардилар.

Кейин мен уларга қараб: «Йигитлар, улар ҳам менинг клубимдан! Менинг битирувчиларим!» – дедим. Гуруҳдагиларнинг аввалига ҳафсалалари пир бўлди, кейин эса қарсак билан олкишлай бошлишди!

Мирзакарим Норбеков

Бундан мен шундай мағурланиб, фахрланиб кетдимки, асли сўраманг. Ахир бу менинг мактабим-ку! Мураббий сифатида, педагог сифатида бундан қувонмай бўладими?! Мураббийлар ва ўқитувчилар мени тўғри тушунадилар. Бу шунаقا фахрланиш туйғуси! Шоҳсупада улар туришибди, мен эса пастда залда ўтирибман, лекин барибир, юқори балларни худди мен олаётгандек туюларди...

Сизнинг камтарин қулингиз бир умрлик мураббий – бир умрлик мураббий. Тушуняпсизми? Биз ҳозир улар ҳақида эмас, Сиз ҳақингизда гаплашяпмиз! Колганлар эса бизни факат ўқув материали сифатидагина қизиқтиради, холос.

Энди Сиз туришингиз керак шоҳсупада! Сизнинг мураббийингиз – Менман! Менда шуғулланганлар биринчи бўлиши керак!

Булар шунчаки майда-чуйда гаплар эмас! Аслида биз ташки кўриниш ҳақида гапираётганимиз йўқ, кийим-кечак ҳақида ҳам, оёқ кийими ҳақида ҳам эмас. Биз ҳаётнинг 495 томонининг ҳаммаси ҳақида гапиряпмиз. Улардан бири эса – бу Сизнинг ташки қобигингиз.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, пойабзални, кийимни, соатни, атир ҳидини, соч турмагини ўзгартириш осонми? Осон!



Ҳаётнинг 495 томонининг ҳаммасини ҳам ўзгартириш мумкин. Улар жуда осон ўзаради, факат ўзгартиришни бошласангиз бас!

Лекин! Бу ерда муҳим бир лаҳза бор! Тасаввур қилинг-а, биз ҳозир Сизга 50 минг европлик кредит карточка берамиз-да, Парижга уч кунга десант қилиб ташлаймиз. Сизга «Нима хоҳласангиз, ташки кўринишингиз учун нима иста-

Пентакни тажрибаси 2

сангиз харид қилинг, атири, кийим-кечак, пойабзал. 50 минг-нинг ҳаммасини ўзингизга сарфланг!» деймиз. Ундан кейин нима юз беришини кўрамиз.

Натижа эса қоидага биноан бир нави бўлади. Нима учун? Хўш, гардеробингизни янгилаш учун бир дунё пулга эга бўлдингиз, лекин дидингиз уч кун ичида ўзгариб қолмади-ку! Фақат пулнинг ўзи билангиша иш битмайди...

Боши берк кўча, тўғрими? Бир томондан ташки кўринишни ўзгартириш керак, бошқа томондан эса канака қилиб ўзгартира олардингиз, агар Сиз ҳамон олдингидек ўзингизнинг эски дидингиз ва одатларингиз билан бирикиб кетган бўлсангиз... Энди қандай йўл тутасиз?

Жуда оддий, марҳамат қилиб теварак-атрофга назар ташланг.

Тасаввур қилинг-а, ресторанда ликопчалару лаганлар ўз-ўзидан терилиб қояпти, таом ҳам ўзини-ўзи тайёрлайди ва ўзини чиройли қилиб ликопчага жойлади. Шунақаси бўладими ёки йўқми?

Чиройли дастурхон безаш, таомларни дид билан дастурхонга тортишни ким амалга оширади? Официант?! Официант – ким у?

Нима учун официант энг яхши ликопчани танлайди? Ликопчанинг ўзини биз ҳеч қачон тановул қилмаймиз-ку! Кумуш санчқилар ҳам ейимли эмас, улар соғлик учун умуман зарарли, айниқса ўнтасини бирваракайига ютиб юборсангиз. Демак... официант қандай қилиб жуда чиройли кўринишда дид билан безашни билади. Чунки у – мутахассис!

Сиз қачондир бўлса ҳам қовурма лағмонни ўзини-ўзи қовурганини кўрганмисиз? Ёки кўйлар ўзларидан кабоб тайёрлаганини? Уни кабоб қилиб ким тайёрлайди?

Албатта ошпазлар! Тўғрими?

Ёки қайнатма шўрва, ўз-ўзининг тузини тобига келтираётганини кимдир кўрганми? Демак, уни тайёрлайдиган яна ким? Ошпаз, яъни – мутахассис.

Мирзакарим Норбеков

Бу карам шўрвани эса ким тановул қиласи? Таомлар шинавандаси! Истеъмолчи.

Тушуняпсизми, аёллар ва эркакларнинг истеъмолчилари ким?

Қарама-қарши жинс вакиллари!



Демак, ошпаз Сизнинг қандай кийинишингизни белгилаб беради! Сиз эмас! Ошпаз – шинаванданинг бунга нима алоқаси бор, яъни албатта қарама-қарши жинс вакили!

Одам жуда камдан-кам ҳолларда қарама-қарши жинс вакилини лол қолдирадиган даражада, ўзини-ўзи кийинтира олиши мумкин. Худди қўчкор ўзидан кабоб тайёрлай олмаганидек. Демак, Сизга шахсий имижмейкер зарур.

Табиатда шу пайтгача тайёр, сайқалланган олмос ҳеч учрамаган, билмадим, эҳтимол қаердадир бордир. Лекин Сиз қачон бўлса ҳам олтиннинг ўзига сайқал берганини кўрганмисиз?

Олтин... Олтин қумдан, тошдан ажралган, соф олтин ҳолида камдан-кам учраши мумкин. Олтин ўзига ўзи чиройли шакл бериши мумкинми? Йўқ! Олтин қанчалик соф бўлмасин, факт заргарнинг моҳир қўлларигина унга нозик шаклларни бериши мумкин.

Давом этамиз. Бриллиантнинг ўзини тақинчоқ сифатида тақиб бўлмайди, унга гардиш керак. Сиз ҳеч замонда бўлса ҳам кўрганмисиз, қимматбаҳо тақинчоқларнинг ўзига-ўзи гардиш ясаганини?

Олмос ва бриллиант. Олтин ва гардиш билан олмос пардозловчи ва заргар ишлайди. Тўғрими?

Пентакни тажрибаси 2

Худди шу тарзда Сиз агар бриллиант бўлсангиз, қарама-қарши жинс вакили заргар ҳисобланади. Факат қарама-қарши жинс вакилигина Сизга яхши гардиш бахш этиши мумкин!

Заргар заргардан фарқ қиласи. Ўзингиз учун шундай имижмейкер заргарни топишга ҳаракат қилингки, у Сиз учун энг яхши гардишни танлаб бера олсин ва унда Сиз бамисоли тенгсиз бриллиант каби янада чиройли бўлиб, ҷараклаб кетинг. Масаланинг моҳияти мана шу!

Кийимларингиз – бу Сизнинг тожингиз, менинг қадрли бриллиантларим! Ҳа, бунда арзимаган майд-чуйда деган гап йўқ!

Шундай экан, Сизга менинг бриллиантларим, имижмейкерлар керак! Имижмейкер – бу Сизнинг қирралари сайқалланмаган олмосингизни шундай жойига қўядики, Сиз чараклаб, яшиаб кетасиз!



Мухтарам эркаклар ва аёллар, аслида Сизнинг қандай бўлсангиз ундан кўра минг карра ёмон кўринишга эга бўлиб олиш учун ҳайратланарли истеъдодингиз бор. Аслидаку, агар ҳар бирингизни имижмейкер қўлидан ўтказсак, Сиз баҳоси йўқ одамга айланасиз!

Нима учун Сизга қарама-қарши жинсдан имижмейкер керак бўлади?

Баъзан шундай бўладики, қараб турсанг бирор-бир эркак, ташки кўринишидан жуда бақувват, келишган ҳамда чиройли. Лекин бу эркак нима учундир аёлларга ёқмайди,

Мирзакарим Норбеков

аёллар унга мутлақо эътиборсиз, ҳатто уни чиройли эмас, деб ҳисоблашади.

Унинг ўрнига эса қандайдир бадбашара эркакни кўрсатишиб, ўшани келишган ва ёқимли деб гапиришади.

Эътибор берганимисиз? Ёки сезмаганимисиз шунақалигини? Эркаклар?

Энди эса хонимлар, Сизлар ҳақингизда.

Баъзан ҳамма аёллар гапириб қоладиган қандайдир қизни биласиз. Аёллар у ҳақида: «У жуда чиройли қиз, шундай ёқимлики» – деб гапиришади. Мен қарайман, хунукдан хунук. Бошқа эркаклар ҳам уни пайқашмайди. Мутлақо эътибор беришмайди!

Яна бири эса тентакнинг-тентаги. Эркаклар эса унинг атрофида хира пашшадек ғуж-ғуж.

Ҳамма гап шунда-да!

Эркак киши ўзга эркакнинг чиройини кўра билишдан, унинг аёлларни мафтун қила оладиган, аёлларни жалб қила оладиган жозибасини ҳис қилиш қобилиятидан буткул маҳрум.

Худди шу тарика, ҳеч бир аёл ўзга аёлнинг гўзаллигини белгилай олмайди – бу факат Сизнинг фантазияларингиз, Сиздаги нотўғри хулосалар, холос.

Шу сабабдан ҳам аёл киши ҳеч қачон бошқа аёлдан маслаҳат олиши керак эмас, эркак киши бошқа эркакнинг маслаҳати билан кийинмаслиги шарт.

Сизнинг ўзингиз кийинасиз, кейин эса баъзи бирларингиз нима учун аёллар мендан ўзини тортияпти, нима учун биронта эркак ҳам мени пайқамаяпти, деб ўйлайсиз.

Эркак кишини, масалан, мен кийинтиришим мумкин, ўзимча жуда зўр деб ҳисоблаган кўринишда... Натижада эса Сиз аёлларнинг назарида худди дала кўрикчиси сифатида гавдаланишингиз мумкин. Ҳайратланарли ҳолат!

Эски латифалардан эшлишини хоҳлайсизми?

Тентакнини тажрибаси 2

Алоқа институтида, ҳарбий кафедрада йўриқчи «замонавий танкларнинг тузилиши» мавзууда маъруза ўқияпти. Маърузани унча баланд бўлмаган овозда, бир текисда ўқияпти. Талабаларнинг бир гурухи маърузани конспект қилиб боришаپти, бошқа қисми эса бир текисдаги овознинг оҳангига сеҳрланганича мудраб ўтиришибди... Маърузани ўқишида давом этяпти:

Барча замонавий танкларда албатта рация ўрнатилган, улар «бу-бу-бу» ва «бу-бу-бу-бу-бу...» лардан ташкил топган.

Орқа қатордан норози овоз янграйди:

Ўртоқ лектор! Бу ердан ёмон эшитиляпти. Охирги қатордагилар учун яна қайтариб юборинг – рация лампада ишлайдими ёки ярим ўтказгичлардами?!

Йўриқчи мудраётган талабаларнинг уйқусини ҳам бекор қиласидан гулдираган овозда:

– Охирги қатордагилар учун такрорлайман! Рация лампада эмас! Рация ярим ўтказгичда ҳам эмас! Рация барча замонавий танкларда!



Охирги қаторда ўтирганлар учун
такрорлайман!

Хурматли хонимлар! Дикқат! Ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатда ҳам Сизнинг ўзингизни ўзингиз кийинтиришга ҳаққингиз йўқ! Ҳеч қачон, ҳар қандай ҳолатда Сиз ўзингиз учун кийим-кечак, пойабзал, атир ва тақинчоқлар ҳарид қилманг. Албатта, ёнингизда эркак маслаҳатчи бўлиши шарт. Агар бу харидларингизнинг тўловини амалга оширадиган маслаҳатчи бўлса – янада яхши, тўғри эмасми?

Сизларнинг кўпчилигингиз ажойиб кадди-қомат эгаси бўла туриб, ўзингизни хунук қилиб кўрсатишдан бошқаси-

Мирзакарим Норбеков

ни эпламайсиз. Чунки ўзингиз учун ўзингиз кийим танлайсиз-да. Ҳаммаси ахир жуда оддий-ку! Сизни эркаклар кийинтириши керак. Эркаклар!

Аёлларнинг ўзига-ўзи қимматбаҳо кийим-кечак харид қилиб, шундан янада ҳам чиройлироқ бўлиб кетганини камдан-кам учратганман. Аёллар харид қилишади, кийишади, кийишади, яна харид қилишади... Худди бу ишларни ягона мақсад – янада хунукроқ кўриниш учун қилишаётгандай. Аслида кийим нима қилиши керак? Уларни кийган кишини безаши керак!

Мен шунга ишонч ҳосил қилдимки, қадди-қоматининг ўзининг устун томонини кийим орқали кўрсатиб бера оладиган аёллар миқдори бор-йўғи 7 фоизни ташкил қиласкан. Етти фоиз!

Қолганлари эса ўзларини асл кўринишларидан кўра хунукроқ қилиб кўрсатишни боплашади.

Хурматли хонимлар билиб олинг, ўзини-ўзи кийинтирадиган, ўзининг шахсий дидига кўра кийинадиган деярли барча хонимлар дала қўриқчисидан бироз яхшироқ кўринишга эга бўлишади холос.

Лекин Сиз қишлоқда, бошқа бир дала қўриқчисининг олдида жуда катта хурматда бўласиз. У Сизни кўради-да, «Оҳ! Қандай хоним!!!» – дейди.

Мен илм одамиман. Мен ҳар доим аёл киши ўзини-ўзи бадбашара, хунук қилишни боплайди деб гапирап эканман, буни амалиётдан келиб чиқиб айтаман. Камдан-кам аёллар ўзларини рисоладагидек кийинтира оладилар.

Бегона аёлларнинг гўзаллигини қабул қила олмаслик, аёлларнинг онг остида ётадиган доимий ҳолат ва бу ҳолат уларнинг миясининг туб-тубига сингиб кетган.

Аёллик гўзаллиги қоидаларидан бири шундай жаранглайди: «Агар сен янада чиройлироқ кўринишни истасанг, ўзингга хунукроқ дугона топ». Шундай эмасми?

Тенгакнини тажрибаси 2

Эркаклар ҳам бу борада улардан ўтиб тушган! Улар аёллардан ҳам баттарроқ! Эркаклар ўзларининг шахсий кийим-кечакларига нисбатан мутлақо бепарво, беписанд муносабатда бўлишади! Улар дидсизлик борасида энг юқори чўққини забт этишган!

Шунинг учун эркаклар ҳақида умуман гапирмасак ҳам бўлади. Аёлларда... Сизларга бу хусусият – гўзалликни хисқила олиш табиат томонидан инъом этилган. Эркак эса моҳиятан, эгнига нима илиб олганига нисбатан мутлақо бепарво.

Эркак кишининг мутлақо ўзи учун кийим танлашга ҳаққи йўқ! Ер юзида ҳали биронта эркак ўзини-ўзи меъёрдагидек кийинтира олган эмас!

Албатта, истисно ҳар доим ҳам бўлади!

Лекин Сиздан илтимос – шу истисно мен эканман, деб ўйламанг!

Эркаклар, Сизларга яна битта огоҳлантириш! Сизни ҳеч қанақасига рафиқангиз ёки қайнонангиз кийинтирмаслиги керак. Улар Сизни кўримсиз одамга айлантиради-кўяди. (Мен бу гапни ҳар эҳтимолга қарши айтиб кўйяпман, мабоддо орангизда биронта уйланганлар бўлса деб) Нима учун? Бундай қилишади? – дейсизми? Сизни бошқа аёллар пайка-маслиги учун, оиладан қочиб қолмаслигингиз учун. Бу фазилат ҳам генетик даражада ҳар бир аёлга ўрнашиб қолган. Аёл эҳтимол бу ҳақда ўйламаслиги, буни ўзи сезмаслиги ҳам мумкин лекин барibir айнан шундай йўл тутади!

Менга ишонмаяпсизларми? Унда тарихга бир назар ташланг. Аёллар учун энг яхши кутюреелар, яъни чеварлар – бу эркаклар. Эркаклар учун энг яхши кутюреелар – бу аёллар!

Мирзакарим Норбеков

Истисно бўлиши мумкинми? Кутюреялар орасида аёлларни кийинтирадиган биронта аёл борми? Мен, масалан, ўзимнинг чегараланган билимларим доирасидан келиб чиқиб айтяпман, Сизларнинг бу борадаги билимларингиз кўлами анча кенгрок бўлса керак.

Албатта бор, бир-иккита аёллар. Улардан бири – Сизнинг кўшнингиз.

Жаҳон миёсида-чи?

Аёллар учун тикадиган энг яхши кутюре аёллардан чиқсанми ёки йўқми? Бу – Коко Шанель.

Параходс? Мен ҳам шу ҳақда гапирияпман.

Демак, унутманг фақат қарама-қарши жинс вакилигина Сизни чиройли кийинтира олади.

Эркаклар учун чиройли кийим-кечак тайёрлай оладиган эркак ҳам тарихда бўлмаган.

Мана шу сабабли ҳам, ҳурматли эркаклар, Сизнинг имижмейкерингиз аёл киши бўлиши керак. Яна бу аёлнинг қанчалик мафтункор эканига ҳам эътибор беринг. Агар у эҳтиросли бўлса – у Сизнинг ички моҳиятингизни аниқлаши ва уни ташки кўринишда ифода этиб бериши мумкин. Яъни у, Сизни тўғри кийинтира олиши муқаррар.

Келишдикми?

Ҳар бир эркакнинг шахсий имижмейкери бўлиши керак, шахсий руҳшуноси ва шахсий кими... тўппа-тўғри, рафиқаси! Бошқачаси кимга ҳам керак?

Хаёлингизга келганидек кийининг, лекин имижмейкерингизнинг маслаҳатлари асосида!

Яна бир муҳим жиҳат. Битта имижмейкер билан чегараланиб қолманг. Камида учта мутахассиснинг маслаҳатидан ўтган маъқул.

Бошдан-оёқ ўз кийимларингизни, соч турмагингизни, атру ифорни, тақинчоқларингизни қайта кўриб чиқинг. Сизга нима кўпроқ ярашади. Тақинчоқлардан пойабзалгача барисини чукур таҳлил қилинг.

Тенгакнинг тажрибаси 2



Имижмейкернинг кўригидан ўтганингиздан кейин, Сиз бошқа нарсаларда ҳам ўз-ўзидан биринчи бўласиз!

Хозир эътиroz билдирувчиларнинг норозилик ва шикоятларини олдиндан кўриб турибман, яъни имижмейкерга шунча пулни қаердан олишимиз керак, бу қиммат-ку, шундогам ҳамёнимдаги сувараклар очликдан тиришиб ўлиб ётиби...

Азизларим!

Биринчидан, мен Сизларга нима деб жавраяпман – ўз бизнесингизни бошланг, ўзингизнинг шахсий бизнесингизни бошланг, бошласангиз-чи! У кўплаб ҳаётий муаммоларни ҳал этади. Ундан кейин, эркаклар, бу Сизга тегишли, агар Сиз ҳозир ўзингизни рисоладагидек таъминлай олмас экансиз, оиласингизни қандай қилиб таъминламоқчисиз? Рафиқангизни, ундан кейин фарзандларингизни?

Иккинчидан, жуда иложи топилмаган тақдирда ҳам, Сизда доим иккита йўл бор! Агар ҳозирча пулли имижмейкерларни чўнталингиз кўтармаётган бўлса, текинидан топинг!

Қанака қилиб дейсизми?

Дўстларингиз, ҳамкасларингиз, танишларингиздан илтимос қилинг. Ишончим комилки, Сизга текинга ҳам жон деб ёрдам беришади. Бошқаларга ёрдам бериш жуда ёқимли-ку. Бу жараёнда ўзингни шунақаям билимдан мутахассис ҳис қиласанки! Фақат дуч келгандан илтимос қилманг, улар ичидан энг яхшини танланг. Қандай қилиб тўғри танлаш мумкин?

1. Сизнинг имижмейкерингиз қарама-қарши жинс вакили бўлиши керак.

Миғзакарим Норбеков

Бу жиҳат ҳатто муҳокама ҳам қилинмайди.

2. У мафтункор, эҳтиросли, сизнинг жинсингиз вакиллари орасида мафтункор деб ҳисобланадиган бўлиши керак.

Буларнинг қаторига ундаги кийина олиш, атири, тақинчоқлар ва ташқи кўринишнинг бошқа унсурларидан оқилона қўллана олиш ҳам киради.

3. Сизнинг экспертингиз Сизга нафақат инсон сифатида, балки эҳтирос уйғотувчи шахс сифатида ҳам ёқиши керак.

Нима учун бу шунчалик муҳим. Тасаввур қилинг-а, у ўзининг диди бўйича Сиздан шундай супернарса – яъни ҳаммага ёқадиган одам ясайдики, асти қўяверасиз. Натижада Сизда дидлilarни ўзингизга жалб қила олиш эҳтимоли юзага келади. Ўзингизнинг имижмейкерингизни кўргани кўзингиз йўқ бўлса ёки у билан совуқ муносабатда бўлсангиз, ундан кейин Сизга мана шу тоифадаги муҳлисларнинг нима ҳожати бор?

4. Сиз ўзингизнинг «заргарингиз»га ёқишингиз керак.

Ўзингиз ҳам тушунасиз-ку, тўғрими? Ижирғаниш туйгуси билан гўзаллик яратиш мумкин эмас. У Сизни севиб қолган бўлиши шарт эмас. Бироз ёқадиган бўлса – шунинг ўзи етарли.

5. Сизнинг имижмейкерингиз Сиз томондан ўзига хос тарзда тайёрланган бўлиши керак.

Сизнинг устингизда ишлашдан олдин Сиз уни ўзингизга нисбатан, агар аёл бўлсангиз, у Сизни орзунгиздаги эркак билан учрашувга ясантираётгандек, ёки севиб қолишга ултурган йигити билан биринчи учрашувга синглисини ҳозирлаётгандек муносабатда бўлиши керак.

Сиз агар эркак киши бўлсангиз, заргарингиз Сизни худди ўз акасини учрашувга ясантиргандек, яъни шаҳар бўйлаб акасини севгилиси билан романтик сайр учун тайёрлаётгандек ясантириши керак.

Нега шундай? Бу нарса нима учун муҳим?

Пентакниң тажрибаси 2

Сизга сайқал берувчи эркак агар Сизга туғишиганидек, қариндошлик кўзи билан қарамай, эҳтирос обьекти сифатида қараса, у Сизга кийим танлаганда ҳам ҳирсини қондиргиси келган аёлдек ясантиради. Ваҳоланки, Сизнинг олдингизда орзуингиздаги эркак билан танишиш ва унга турмушга чиқиши вазифаси турибди! У ерга эса бутунлай бошқача кийимлар керак! Биз бу ҳақда ҳам батафсилроқ суҳбатлашамиз.

Бундан ташқари, одатда эркаклар шундай йўл тутишади: агар аёл киши улардан «кўринишим қандай?» – деб сўрагудек бўлса, эркаклар уларга ҳар доим сурбетларча ёлғон гапиришади: «Ажойиб! Сиз маъбуданинг худди ўзисиз!»

Нима учун? Бутун сайёра эркаклари ушбу масалада ҳамиша яқдил. Тушуняпсизми? У Сизга битта нарсага умид қилган ҳолда хушомад қиляпти, «балки менга ҳам бирон нима тегиб қолар». Тўғри эмасми, эркаклар?

Эркаклар, аёл имижмейкерлар ҳам шу жиҳатдан ёки рахми келганидан шундай гапларни айтиши мумкин. Сизни кийинтирганда ҳам бирор сабаб туфайли битта кўринишда, бошқа ҳолатда эса – бутунлай бошқача кўринишига келтириши мумкин.

Шу сабабдан ҳам ўз «заргарингизни» тўғри тайёрлаш жуда муҳим! Мўлжал тўй қилиш, шунчаки ноз-карашма учун эмас. Мана, уйланиб олинг (ёки турмушга чиқинг), ана ундан кейин ўзингизнинг иккинчи ярмингизга ноз-карашма қиласеринг. Зерикарли, дейсизми?

Ҳеч қанақасига! Никоҳдаги жуфтингизни бир умр севиш ва роҳатланиш мумкин. Лекин бу ҳақда мен кейинги китобимда гапириб бераман. Аввалига эса Сиз ўз жуфтингизни топиб олинг.

Демак, энди, қадрли китобхон, яна кийим-кечакларга ўтамиз.

Эркаклардан бошлаймиз. Марҳамат қилиб айтинг-чи, рисоладагидек эркакнинг нечта костюми бўлиши керак? Расмий костюмлар тўплами. Саноқ сонда бу қанча бўлади? Иккитами? Утами?

Мирзакарим Норбеков

Таркидуңчилар учун энг камида беш-етти дона, меъёр эса – йигирма-йигирма бешта. Агар захираси билан бўлса – бу элликтacha костюм дегани. Фақат расмий костюмлар тўплами.

Бу дегани нимани англатади, Сизда яна эллик жуфт нима бўлиши керак?... баракалла, пойабзал!

Мана шу сабаб эркаклар Сизда: «бундай сарф-харажатлар учун пулни қаердан олишим керак?» – деган табиий савол туғилади. Демак, кийим-кечак дўконидан тўппа-тўғри қаерга қараб йўл оламиз?

Тўппа-тўғри? ...Ўзимизнинг хусусий ишимишни очишга! Эркаклар кийим-кечак борасида буткул консерватор бўлишади. Мен, масалан, ўзимнинг элликта кўйлагимнинг орасидан фақат учтасинигина ёқтираман. Мана битта қаймоқ ранглисини, яна битта йўл-йўл чизиқлисини, яна битта оқ кўйлагимни ва шу билан тамом.

Масалан, мен йил давомида битта галстукда юришим мумкин. Ўзим учун энг севимли бўлган битта галстук бор.

Лекин барибир, алмаштиришга тўғри келади, тушуняпсизми?

Менга ҳам озгина нарсанинг ўзи етарли: битта костюм, бир жуфт пойабзал, ўша ўзим ўрганиб қолганларим. Бальзан рафиқам билан ҳам шу борада бироз тортишиб қоламиз, чунки ҳадеб битта пойабзални киявераман. Нима учун кияман? Чунки у қулай ва менга ёқади!

Ҳурматли эркаклар, агар Сиз фақат ўз хоҳишингизга кулоқ тутадиган бўлсангиз, Сизда пойабзаллардан фақат кроссовка, тантаналар учун киядиган кийимлардан жинси бўларди, холос. Шундай эмасми?

Бу – асл эркакларга хос одат.

Ҳаммадан ҳам эркак киши тоқат қила олмайдиган нарса нима – харид қилиш, дўконма-дўкон юриш. Тўғрими?

Масалан, мен дўконларни ковлаштириб, янги кийимларни кийиб кўришларни жиним сўймайди. Бунга умуман

Тенгакнини тажрибаси 2

тоқат қила олмайман! Лекин йилда бир марта «қила олмайман», «хоҳламайман»га кўл силтаб: «Уф, майли, олиб боринглар» деб розилик бераман. Ва менга ўнтача костюм олиб келишади. Ўнта – бу камида. Сиз ҳам ўз гардеробингизни йилига ўнта янги костюмга бойитишингиз керак.

Келишдикми?

Энди, хонимлар, Сизнинг кийимларингизни сони қанча?

Демак, хонимлар, ўзингиз учун ёнбошлаб ётган саккиз сонини тасаввур қилинг. Математикада бу белги «Чексизлик» деб аталади. Сизнинг кийим-кечакларингизнинг чек-чегараси йўқ. Нима учун? Чунки бунга Сизни ўргатишнинг кераги йўқ. Сиздаги ўзингизни безаш одати – бу табиатнинг тухфаси!

Давоми!

Эргалабки кийим бўлади, оқшом кийими, расмий кийим, романтик кийим, спорт кийими, хордик учун мўлжалланган кийимлар ва х.к.



Сиз ўзингизнинг юқори қадр-
қимматингиздан, асл даражангиздан
пастда бўлишга ҳаққингиз йўқ!
Гардеробингизни бошдан-оёқ
тўлдиришингиз керак!

Йилда тўрт фасл бор. Тўрт! Кийим кечаклар ҳам қандай?
– тўрт фаслга мос.

Энди нархлар ҳақида гаплашамиз.

Янги руслардан иккитаси учрашиб қолишибиди:

– Кулоқ солгин-а, кеча мана бу бўйинбогни 1000 долларга харид қилдим, – дебди улардан бири.

Вой овсар-е! Мен шундай дўконни биламан, у ерда худди шу бўйинбогнинг ўзи 3000 доллар туради.

Латифа тушунарлимни?

Мирзакарим Норбеков

Кийим албатта қимматбаҳо бўлиши шарт эмас! Қиммат нарх бу яхши нарса эканлигини англатмайди! Қимматбаҳо кийим ва мода – бу бутунлай бошқа-бошқа нарсалар. Шунчаки, дўконлар турли хил харидорларнинг талабини хисобга олган ҳолда ташкил қилинади, масалан ҳар қандай бозорнинг шундай қисми борки, улар ҳамёни бақувват, лекин диди йўқ харидорларга мўлжалланган...

Демак, Сизнинг кийимларингиз уч баравар қимматига харид қилинган бўлиши шарт эмас! Одамлар учун лиboslaringiz нархининг умуман қизиғи йўқ, агар у Сизга ярашиб турса. Агар кийим ярашмаса, улар Сизларга эътибор беришмайди, шунчаки, юзларини ўгириб олишади. Яна чаккасига бармоғини бураб кўрсатишади, яъни «бир тийинга қиммат нарсани харид қилибди» – деган маънода.

Қоматингизга мослаб тикилган кийим Сизга янада кўпроқ ярашади. Чунки стандартга тўғри келадиган гавданинг ўзи табиатда мавжуд эмас. Масалан, жанубий испанияликларнинг гавдаси узун, оёқлари калта, ўzlари эса паст бўйли кўринишади. Шимолликлар эса бироз пропорционал тузилишга эга, бўйлари баландроқ.

Ер юзидағи барча миллатларда, халқларда, қабилаларда ва элатларда худди шу тарзда. Ҳатто бир оиласдаги болалар ҳам бир-бирларидан нафакат бўй-басти, вазни билан, балки қадди-қомат, гавда қисмлари пропорцияларининг турлича эканлиги билан ҳам ажralиб туришади. Биттаси дадасидан кўпроқ олган, бошқаси онасидан, учинчиси эса умуман боғоси ва бувисининг генларини аралаштириб юборган.

Битта кўйлак бичимининг ўзиёқ
Сизнинг ташқи кўринишингизни ёки
яхшилаши, ёки хунук қилиб кўрсатиши
мумкин.



Шентакниң тажрибаси 2

Сизнинг кийимларингиз ўзингизнинг ички қиёфангизга мутаносиб бўлиши керак.

Демак, ўзингизга кийим танлаганингизда Сиз унинг чиройли туриши ва ўзингизни қандай ҳис қилишингизга қараб танлайсиз. Тўғрими? Ички кулайликка эга бўлиши ва ярашиб туриши учун.

Давом этамиз. Сиз кийим-кечакларни энди шундай танлангки, у тўлиқ Сизнинг ички қиёфангизга, яъни руҳиятингизга, феъл-атворингизга ҳам мос келсин. Либосингиз зинхор Сизнинг ички ҳолатингизни бекитиб қўймаслиги керак, аксинча у билан мутлақо уйғун бўлсин.

Бу қандай кийим? Бу кийимлар турли ҳолатлар учун.

Ялқовлик ҳолатида, расмий учрашувларда, романтик учрашув учун.

Биласизми, масалан менинг уйдаги кийимим – халат.

Энди тасаввур қилинг-а, мен уйда костюмда юрибман. Менда дарҳол ички нокулайлик ҳолати пайдо бўлади.

Демак, мен ҳордиқ учун кўчага чиққанимда, менда битта ички қиёфа бўлса, машғулот учун одамларнинг олдига чиққанимда эса тамоман бошқаси.

Мана масалан... Мен смокингда ҳар доим ўзимни жуда қурай ва мутлақо хотиржам ҳис қиламан. Лекин ҳар доим смокингда юраверсанг, у ҳолда ўзингни худди сохта зиёли, ёки мижғов олифта тўрадек сеза бошлайсан.

Сиздан шу жиҳатларга эътибор беришингизни илтимос қиламан.

Мана, ўйлаб кўринг-чи, бугун ички ҳолатингиз қандай, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Либосингиз Сизнинг мана шу ички ҳолатингизга мос келиши керак.

Хурматли эркаклар, агар сиз доим қора рангли кийим танласангиз, аёллар Сизни ёнига умуман йўлатмаслиги Сизга маълумми? Қора рангли кийимлардан улар фақат қора рангли костюмни ёки смокингни яхши қабул қилишади. Шуни ҳам ҳисобга олинг!

Миғзаким Нофеков

Костюм эса – эътиборингиз учун зинҳор эҳтиосли кўрсатадиган кийим эмас. Расмий кийимни расмий учрашувга бориш учун киясиз.

Сиз ҳеч қачон кимнингдир учрашувга ўта расмий кийимда келганини кўрганмисиз? Учрашувга костюм кийиб келсангиз, жуда фалати кўринасиз.

Агар аёлни ўзингизга жалб қилишни хоҳласангиз, ҳеч қачон учрашувга костюм кийманг!

Энди бундай. Иккита эркаклар кўйлагини олайлик. Бир хил рангда, услуби ҳам бир хилда, лекин биттаси аёлларга ёқади, иккинчиси эса йўқ. Нима учун? Нима фарқи бор? Аёллар нимага айнан шуни ёқтиришларини мен ҳеч тушуна олмайман...

Эркак киши ўзи кийим танлаганида, у доим нима учундир айнан аёл кишининг кўзига ёқмайдиган кийимларни танлайди. Ва бунинг тескариси. Масалан, қизил рангли кўйлакларга тоқатим йўқ ва уни деярли ҳеч қачон киймайман. Лекин шуни сездимки, аёллар ундан яйрашади.

Ўнтандаги тўққизга эркак дўконларда бундай рангларни четлаб ўтишади, кийишмайди. Аёлларга эса бундай ранглар ёқади...

Эркаклар, ўзингиз учун буни эътиборга олиб қўйинг. Бундай кийим Сиз учун қанчалик ёқимсиз бўлмасин, мадомики, инсониятнинг ажойиб иккинчи ярмини ўзингизга жалб қилиш ниятингиз бор экан, уни баъзан кийиб юришингизга тўғри келади.

Кийим-кечаклар бизнинг руҳий-хиссий ҳолатимизга ҳам таъсир этади!

Кийим жуда катта аҳамиятга эга, менинг қадрдонларим. Кийим шундай таъсирга эгаки...

Пентакниң таърибаси 2

Тасаввур қилинг, тасодифан эгнингизга жуда зўр кийимни илиб олдингиз. Сизнинг ички ҳолатингиз қандай бўлади? Ўзингизни қандай ҳис қиласиз, ахволингиз қандай, ўзингизнинг қадр-қимматингизни баҳолашингиз-чи? Қандайдир тантанали-а?! Байрамона!

Кийимлар инсонга таъсир кўрсатади, қандайдир муддатга унинг психоэнергетик, яъни руҳий қувватини, ҳолатини шакллантиради.

Тасаввур қилинг, Сиз бутунлай янги костюм кийдингиз. Балки моданинг энг охирги кўриниши бўлмаслиги мумкин, лекин энг асосийси – янги. Сиз ўзингизни бунда қандай ҳис қиласиз? Аъло, жуда зўр, тўғрими?!

Биринчи марта ювганингиздан кейин Сиз ўзингизни бу кийимда қандай ҳис қиласиз? Энди унчалик эмас, лекин барибири янгича. Қирқинчи марта ювилганидан кейин-чи? Сиз ахир бу кийимда бир куни зўр, ажойиб кайфиятда юрасиз, бошқа куни эса ёмон кайфиятда, учинчи куни газабда, тўртингичи куни – тушкунликда...

Бироз фурсатдан кейин Сизнинг кийимингиз тоза, озода бўлиши мумкин, лекин нимадир ўҳшамаяпти! Сиз эрталаб яхши кайфият билан турдингиз, шу кийимни кийганингиздан кейин эса кайфиятингиз тушиб кетади. Ҳолбуки, кайфиятингиз яхши эди, шу кийимни кийганингиздан кейин эса қандайдир кўнгилсизлик юз беради. Сиз ўзингизни унча яхши ҳис қилмай қоласиз. Шунақаси бўлганми? Пай-қаганмисиз?

Вақт ўтиши билан ўзингизнинг баъзи бир кийимларинингизни кия олмай қоласиз. Қандайдир уларга кўнглингиз тортмайди...

Нима учун бу ҳолат юз беради?

Чунки одамнинг эгнидаги кийим ҳам ўзига энергетик манба тўплайди. Нафақат электр статистикаси йиғилади, шу билан бирга бизнинг эмоционал ҳолатимиз ҳам уларда тўпланади.

Мирзакарим Норбеков

Магнит пленкаси турли мусиқаларни, овозларни, товушларни ёзиб олиш ва уларни узоқ вақт сақлаб қолиш хусусиятига эга, тұғрими? Бизнинг танамиз доим үзига хос электр магнит түлкіни тарқатади. Сайёрамиздаги барча элементлар бу нурларни ёзиб олиш хусусиятига эга.

Кийимлар ҳам коинотта тарқатылған инсоний түшкунлик, даргазаблик, юқори қувончларни ёзиб олади, лекин аксар ҳолларда биз тунд ҳолатда юрамиз! Ана шундан кейин бизнинг кийимларимиз аста-секин нима қила бошлайды? Бизнинг кайфиятимизга үз таъсирини күрсата бошлайды. Улар беғайз, зерикарлы ва ўта тунд турмуш тарзини яратышга хизмат қила бошлайды.



Кийим хотирага эга! Вақти-соати билан улар қўнғироқ тилчалари сингари жаранглаб, акс садо бериб туради.
Қўнғироқнинг бир қисми – Сиз, иккинчи қисми – Сизнинг кийимингиз.

Энди эса пойабзал танлаймиз.

Хурматли эркаклар, Сизнинг пойабзалингиз бу – қандайdir даражада Сизнинг юзингиз эканини биласизми...

Ёнингиздан ўтиб кетаётган аёл ҳеч қаерга қарамаётгандек гүё, тұғрими?

Бўлмаган гап!

Улар ҳар бир эркакни кўздан кечиришади. Сиз уларнинг қоматига қарайсиз, улар эса ўзларнинг ижтимоий тарбиясидан келиб чиқсан ҳолда эркакнинг юзига камдан-кам эътибор беришади, лекин пойабзалингизга эса албатта қарашади.

Қандай пойабзал экан, қандай кўринишга эга... Ва улар ниманинг учига қарашади? ...Сизнинг пошнангиз товонига.

Тенгакнин тажрібаси 2

У ердаги мавжуд нұксонларга – бу Сизнинг феъл-атворингизнинг кўрсаткичи.

Факат шундан кейингина улар Сизнинг юзингизни кузата бошлайдилар.

Хурматли эркаклар! Сизнинг пойабзалингизнинг услуби эркакнинг назаридага жуда урфга кирган бўлиб кўриниши мумкин, лекин аёллар кўзи билан қараганда улар чўчичувчи кайфиятни ҳосил қилиши мумкин. Зоро аёллар ҳамма нарсани бутунлай бошқача қабул қилишади.

Масалан, жигарранг пойабзал – жуда ажойиб! Лекин айнан шунга баъзи аёллар тоқат қила олмайди, албатта бунда ҳам истисно бўлиши мумкин. Лекин биз ҳозир Сиз билан истиснолар ҳақида гапиrmаяпмиз, мулоҳазаларимиз асосан қоидалар ҳақида. Кўпчилик аёллар факат қора рангли пойабзални тан олишади.

Шакли-чи? Классикми? Биласизми, аёллар пойабзални кўпинча шаклига қараб эмас, тозалигига қараб тан олишади. Шу сабабдан замшли пойабзаллардан воз кечган маъқул. Улар узоқдан ҳамиша кирлангандек кўринади.

Кроссовка – бу антипойабзал! Мен Сиздан ўтиниб сўрайман... Кроссовкалар – мутлақо эркак учун ярашмайдиган оёқ кийими! Аёллар кўзи учун энг ҳиссиётсиз кийим – кроссовка. Сиз кроссовка танладингизми – дархол ҳиссиётсизлар сирасидан жой оласиз.

Кроссовкани факат дам олишга ёки спорт билан шуғулланганда кийиш керак.

Илтимос! Ҳеч қачон ўзингиз учун пойабзални ўзингиз танламанг, хурматли эркаклар! Хонимлар, бу гап Сизларга ҳам тааллуқли! Ҳар жойда тежамкор бўлингу, лекин пойабзал учун зинҳор маблағингизни аяманг!

Юкорида бизлар Сиз учун қандай кийим-кечак тўғри келишини факат қарама-қарши жинс вакилигина белгилаб берса олишини муҳокама қилдик.

Мирзакарим Норбеков

Шундай экан, ҳурматли хонимлар, эркакларни ўрганинг, уларга нима керак эканини билиб олинг. Ва Сиз уларнинг қанчалар абллаҳ эканликларини дарҳол тушуниб қоласиз! Улар сизнинг кулагиларнинг ҳақида ўйлашмайди, ўзларининг алланималари ҳақида ўйлашади... Нима учун?

Қандай юриш қулай? Оёқ ялангми, кроссовкадами ёки баланд пошнадами? Юриш учун қайси бири қулай? Нима? Албатта кроссовка-да! Фикримга қўшиласизми? Энг қулай пойабзал – бу кроссовка.

Эркаклар, аёллар қандай оёқ кийимида кўпроқ эхтиросли кўринишади? Айтинг-чи?

Баланд пошнадами? Ёки... каравотдами?

Мен машғулотларимда кўп бора шундай бир тажриба ўтказганман. Аёлларни чапдан ўнгга қараб қаторасига, пошнисининг баландлигига қараб жойлаштирамиз. Шундан кейин уларнинг мафтункорлигини баҳолашни сўрайман.

Ҳар доим! Ҳар доим эркаклар баланд пошнали аёлларни мафтункорроқ деб ҳисоблашади. Табиийки, бошқа жиҳатлари тенг бўлган тақдирда.

Менда оддий бир тадқиқотчи сифатида шундай савол пайдо бўлади – нима учун?

Оёқлари узунроқми? Бўксалари кенгроқми?

Жавобни эшитишни хоҳлайсизми?

Оёқлар узунлигининг бу ерда ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Аслида пошнанинг баландлиги ҳам муҳим роль ўйнамайди.

Ҳурматли хонимлар, кроссовка – жуда қулай оёқ кийими, энг қулай пойабзал! Лекин аёл киши кроссовка кийганида, у ён атрофидаги баланд пошнада қадам ташлаётган аёлларга дарҳол бой беради. Чунки кроссовка кийганда Сизнинг қўймичингиз албатта осилиб қолади.

Аслида ҳам шундай. Сиз ҳатто шиппак кийишингиз мумкин, фақат нимани кўтарган ҳолда? Тўппа-тўғри! Қўймичингиз юқорига кўтарилиган ҳолда.

Пентакини тажфибаси 2

Шиппак ҳам кўринишга ҳалақит бермайди. Фақат қўймичингизни пастга тортадиган пойабзаллардан эхтиёт бўлинг. О'кей?!

Нима учун шундай?

Маймунлар дунёсида қўтарилиган қўймуч «Мен тайёрман. Қизиқувчилар борми?» деган маънони англатар экан. Эркаклар эса маймунлардан жуда ҳам узоққа кетган эмас. Тушуняпсизми? Мана Сизга одамнинг келиб чиқиш назариясининг исботи.

Маймун орқасини қўтартганча эркак маймуннинг олдида айлана бошлайди. Қўтарилиган қўймучнинг таъсири натижасида... эркак маймуннинг кайфияти ҳам қўтарилиб кетади... Қадимги даврларда айтишган-ку: «Амрингизга мунтазирман» – деб.

У дарҳол ўйлай бошлайди: «Қандай келишган, дилбар экан! Тезда танишиб олишим керак...» Ҳолбуки, бунгача унга нисбатан ҳеч қандай эътибор йўқ эди.

Тушуняпсизми нима юз берди? Инстинктлар ишга тушди.

Рецептни фаҳмлаб, ўзлаштириб олдингизми, латофатли хонимлар?

Энди эса соchlарингиз масаласига ўтамиш.



Соч турмаги ўзига хос ихтисослашишга эга бўлади! Ҳар бир соч турмаги ортида ўзига хос тимсол – образ туради!

Эркаклар, Сизлардан бошлаймиз. Соч турмагининг кўплаб кўринишлари мавжуд, ҳар бир кўриниш атрофдагиларга нимадандир хабар бериб туради.

«Ўз яқинларини таъминлайди, ортидан эргаштира олади, фақат олдинга қараб интилади!»

Мирзакарим Нофеков

«Сени ҳимоя қиласан, түйдираман, болаларимизни тарбиялайман ва кийинтираман!»

«Мен ўзимнинг қадр-құмматимни биламан».

Үзига нисбатан ишонч үйғота оладиган соч турмаги. Бу одам ўзи учун, дўстлари учун, ўз оиласи учун туриб бера олади. Бундай одамнинг фарзандлари ҳеч қачон оч, рафиқаси ҳам ҳеч қачон пулсиз қолмайди. Дўстлари қийин дамларда унинг ёрдамига таяниши мумкин.

Бошқа турлари ҳам мавжуд.

Масалан «А-ля талаба» соч турмаги. Яъни талаба, у уйланиш орқали хотинининг ва бир томондан қайнонанинг қаноти остига жойлашиб олади, бир томондан жинсий муносабат учун, иккинчи томондан эса уй-жой ва иссиққина таом учун.

«Қаерга ишга жойлашсам экан?» деб аталаған соч турмаги ҳам бор.

Айтайлик «Дугона изляпман» деб номланувчи соч турмаги бор. Нима учун? Фамхўрлик қилиш учун!

«Онахон, уч сўм беринг» деб номланувчи соч турмаги ҳам бор.

Яъни йўлкирага ҳам пули йўқлигини англатувчи соч турмаги.

Мисол учун, яна мана бу турдагилари ҳам бўлади.

«Мен романтикман».

«Ёш хуштор».

«Ретро-хиппи» деб атaluвчи соч турмаги.

«Рўзғорчи»нинг соч турмаги.

«Муҳандис».

«Бизнесмен».

«Офис планктони».

«Жиддий раҳбар».

«Бўлғуси миллионер».

«Кечаги қиттак-қиттақдан сўнг юз сўм беринг!»

Тенгакнини тажрибаси 2

Баъзан соч турмаги турмак эмас, чакмоқнинг нақ ўзи бўлади. Шунақаси ҳам бўладики, ҳеч қандай соч турмаги йўғ-у, гўёки бошда ўт-ўлан ўсиб ётиди.

Буларнинг ҳаммасини нима учун гапирипман? Марҳамат қилиб ўзингизнинг соч турмагингизга эътибор қаратинг. Эркаклар. Ўз стилингизни топинг. Сизнинг энг яхши қирраларингизни акс эттирадиган соч турмагини танланг.

Эркаклар, кўпчилигингиз калбош эмассиз-ку, кўпчилигингизнинг сочининг қалин-ку. Аёллардан ўрнак олсангиз-чи! Сизлар ҳам соchlарингизни нимадир қилишингиз керак.

Лекин асло ўзингиз эмас! Бунинг учун имижмейкерлар бор, сартарошлар бор – бу Сизнинг эмас, уларнинг муаммоси! Эркак киши ўзининг сочини ўзи текисласа у телбага ўхшаб қолади. Ақлли бўлинглар, четдан яхшироқ билинади-ку!

Уйланганлар учун истиснолар бор! Кийимлар борасида қандай бўлса, худди шунинг ўзи. Агар умр йўлдошингиз Сиз учун соч турмагини танлайдиган бўлса, у шундай соч турмагини танлайдики, оқибатда биронта аёл ҳам Сизнинг ёнингизга яқин йўламайди.

Давом этамиз, кадрли хонимлар, энди бироз Сизнинг ташқи кўринишингиз ҳақида сухбатлашсак. Келинг, энг оддийсидан бошлаймиз. Майлими? Нималарни ҳисобга олган ҳолда Сиз ўзингизга соч турмаги танлайсиз? Соchlар сонига карабми?

Хозир Сизнинг соchlарингизни яхшилаб кўриб чиқамиз... Ажойиб соч турмаги – эркак кишининг эътиборини ўзингизга жалб қилишнинг жуда яхши имконияти.

Бизнинг Инсонни ўрганиш лабораториямизнинг тажрибасидан яна бирини гапириб бераман.

Машғулотлар давомида кўпинча аёлларни соchlарингиз узун-қисқалигига қараб, қатор қилиб жойлаштираман, чап

Мирзакарим Норбеков

томонда калта сочли аёллар, яъни салкам калбошлар, ўнг томонга қараб эса сочи узунлар.

Машғулотдаги эркаклардан эса қайси аёл кўпроқ ёқканини танлашларини сўрайман. Умуман ёқтириб қолиш маъносида эмас, фақат битта жиҳатдан – сочнинг узунлигига қараб. Ҳар доим бир хил натижа. Ҳар доим!

Эркакларнинг симпатияси яъни хайриҳоҳлиги сочи елкасигача тушган узунликдан бошланади, у ёғига қанча узунлигига қараб давом этаверади. Охирига бориб эса фикрлар бўлинади: Кимгadir курагигача тушиб турадиган соchlар ёқади, кимгadir эса товонигача...



Лекин мен Сиздан жуда илтимос
киламан, қадрли хонимлар, бу қоидани
эслаб қилинг ва унга амал қилинг!
Сочларингизнинг узунлиги камидা
елкангизгача бўлиши шарт! Камида!

Мендек калбошга гапириш осон-да, тўғрими? Кафting-га бир тупуриб олиб уч тола сочни текислайсан-да, куни бўйи ўзингда йўқ хурсанд бўлиб юраверасан... Узун соchlарни эса ҳар доим, ювиш, куритиш, тараш, турмаклаш керак... Сочларни калта қилиб қирқтириб ташласанг, қийналиб ҳам юрмайсан, тўғрими?

Аллақачон сезганингиздек, ҳурматли китобхон, мен Сизнинг олдингизда ўзимнинг барча қарталаримни очиб беряпман. Агар ниманидир маслаҳат берсам, у ҳолда доим изоҳ бериб ўтаман, бу маслаҳат нима учун ва қандай иш бериши борасида. Бу борада ҳам мен ҳозир Сизга аниқлик киритаман.

Мен табиатан жуда кизиқувчан инсонман. Туғма тадқиқотчиман. Баъзан ўзимга шундай саволлар бериб қо-

Пентакниң тажфибаси 2

ламанки, одатда бу ақли расо оддий одамларнинг ҳаёллари-га ҳам келмайди. Бундай саволларни ўз-ўзига ва атрофдаги-ларга болалар ёки ғирт хаёлпаратларгина, ёки тадқиқотчи-ларгина бериши мумкин.

Демак, эътибор қилинг-а. Вақти-вақти билан мен эркакларни тестдан ўтказиб тураман: тасаввур қилинг, кечқурун кетиб боряпсиз ва шундай манзарага гувоҳ бўлиб қолдингиз: бир бурчакда безори калта сочли қизга зўравонлик қиляпти, бошқа бурчакда эса безори узун сочли қизга зўравонлик қиляпти. Сиз биринчи навбатда қайси бирини ҳимоя қилишга шошиласиз?

Кўпчилик эркаклар нима деб жавоб беришини биласизми, ҳурматли хонимлар?

«Албатта узун сочли қизни ҳимоя қиласман!» Нима учун? Чунки бу аёллар анча ожизроқ! Соchi калта қилиб кесилган қизлар анча довюрак, уларнинг ўzlари безорининг чангалидан кутула оладилар!

Кўряпсизми? Ожизларни ҳимоя қилишар экан! Кўпинча айнан сочнинг узунлиги эркакдаги табиийлик негизини ўйғотар экан: «Хой! Унга яқинлаша кўрма! У менини!» дегандай. Тушунарлимни?

Шундан келиб чиқсан ҳолда, ҳурматли хонимлар, сиздан сўрамоқчиман, нима учун сочингизни калта қилиб ташлайсиз? Нима сабабдан ўзингизни хунук қиласиз? Ким учун? Шунчаки оддий қулайликни дебми? Сиз «Менга ярашади» дерсиз. Сизнинг эрингиз эҳтимол «Ҳа, сен менга шундайлигингча ёқасан...» деган бўлиши мумкин. Чунки у сизга нимадир деб гапиргани билан фойдаси йўқ эканини билади... У ҳамма нарсага тоқат қилишга тайёр, Сиз барча масалалар борасида ўз фикрингиз билан доимий равишда унинг оғзини тамбалаб келган бўлсангиз, нима ҳам қилсин, эр бечора.

Нима?! Эрим йўқ деяпсизми? Ахир Сиз ўзингизни ма-ликаға айлантирганингиздан кейин, қаердан ҳам сизда

Mирзакарим Норбеков

эр бўлсин? Демак, нима қиламиз? Соchlарни узун қилиб ўстирамизми?

Тўғри, мода – деган тушунча бор. Инстинкт – деган тушунча бор. Бироқ, модага биноан уйланишмайди, инстинкт бўйича уйланишади, шуни унутманг.

Мода эса Сизга нисбатан қўпол ҳазил қиляпти, холос. Тушуняпсизми?

Теварак-атрофга мўралашнинг кераги йўқ! Сизни ўраб турган атрофдаги одамларга эътибор бермасликка ҳаракат қилинг. Тўда тўдалигига боради. Тўданинг вазифаси – баҳнинг қайси томонда эканини кўрсатиб туриш ... яъни баҳт ҳамиша тўдага қарама-қарши тарафда.

Хурматли хонимлар, Сиз ҳамма қатори оддий бўлишни хоҳлайсизми? Ёки қандай? Энг осон йўл – бу тақлид қилиш йўли. Ҳамма нимадир қиласи – Сиз ҳам такрорлайсиз. Нима учун ҳамма бақириб айтиётганини Сиз ҳам такрорлашингиз керак? Агар ҳамма аҳмоқ бўлса, Сиз ҳам аҳмоқ бўлишингиз шартми?

Ўзига хосликка, бетакрор жиҳатларга эга бўлинг!

Узун ва калтага, оч ва кора рангга, эркин ёки ёпишиб турадиган нарсаларга бўлган мода келади ва кетади, аёллик назокатига бўлган қизиқиш, мафтунлик эса ҳеч қачон эскирмайди. Эркаклардаги инстинктив даражадаги мода, яъни қарама-қарши жинс вакилини бир-бирига тортадиган инстинкт ҳар доим ўзгармасдан қолаверади.

Мен Сизга психолог сифатида айтияпман, бу шунчаки менинг нуктаи назарим эмас, бу ўнлаб, юзлаб тадқиқотларнинг натижаси.

Аёллар асосан нима учун соchlарини калталатишиди? Бу «Гаврош»намо кўриниш қаердан келди?

Калта соч – бу ғафлат босгандарнинг худудидан келиб чиқкан, яъни ишчи отлар, улар одатда эрталабдан кечгача рўзгор аравасини тортишиди.

«Ишлаш керак!»

Пентакнини тажрибаси 2

«Эрталабдан кечгача тер тўкиш керак!»

«Тирикчилик!»

«Хаёт шундай бешафқат бўлиб боряпти!»

«Ойлик маош у ойдан бу ойга базур етапти!»

Сочини ювиш, уни қуритиш, кейин ўтириб олиб тарашиб учун уларнинг вақти камайиб, камайиб, камайиб боряпти ва оқибатда улар ўзларнинг шахсий ҳаётларидан гўзаллигининг бир қисмини кесиб ташлашяпти. Болаларнинг фойдаси учун бир қисмини кесиб ташлайди. Бир қисмини эрининг фойдаси учун. Гўзалликнинг бир қисмини оиласвий мажбуриятларнинг фойдаси учун кесиб ташлайдилар улар.

Охир-оқибат бизнинг олдимиздан бу хоним йўлак бўйлаб туёқларини тақиллатганча йўртиб ўтиб кетади. Шаҳар чиқиндисини ҳаёт чиқинди уюмига ташиб кетаётган аравага қўшилган от. Калта соч – бу ўзи учун бўш вақти бўлмаган, гарданида оиласининг юкини тортаётган меҳнаткашларнинг соч турмаги, калта соч – бу қулайлик. Қулайликка кулай, бироқ ҳечам чиройли эмас.

Калта соч – бу ишчи отларнинг модаси. Бу модадан воз кечинг, илтимос! Зотдор отларнинг ёлини ҳеч қачон таги билан қирқиб ташлашмайдилар.

Калта соchlар аёлларнинг кўзига чиройли кўриниши мумкин, лекин эркакларнинг фикри тамоман бошқача...

Кўплаб давлатларда минг-минглаб эркаклар бизнинг сўровномамизда қатнашган. Уларнинг аксарияти барibir узун соchlilarни танлашиди, улар узун соchlilarга нисбатан кўпроқ ҳурмат билан карашади. Тушуняпсизми?

Марҳамат қилиб мана бу статистикага эътибор беринг-а, 15 фоиз эркакларга калта соchlilar ёқади, 85 фоиз эркаклар эса елкасидан ошиб турган узунликдаги соchlарни ёқтиришиди. Қанча узун бўлса – шунча яхши.

Калта соч – эркакларнинг кўзи учун худди кўринимас қалпоқча сингари. Қанча калта бўлса – шунча кўзга кўринимас. Ишонаверинг, хонимлар.

Мирзакарим Норбеков

Баъзи аёллар гўё ўша 15 фоиз эркаклар ҳам бизларга етади, деган маънода гапиришади! Бу ҳам яхши танлов! Шундайликка шундайку-я, факат битта савол келиб чиқяпти.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз, қандай эркаклар калта сочли аёлларни ёқтиришади?

Сизнинг камтарин қулингиз илм одами бўлгани учун, мени факат ўтказилган кенг тадқиқотлар, салмоқли статистик базалар қизиқтиради.

Ва биз шундай тадқиқот ўтказдик... фамилияси кўрсатилмаган, манзили кўрсатилмаган, тўлиқ аноним рашидаги тадқиқот. Телефон рақами, манзили кўрсатилмаса, сўровномада иштирок этган одам ҳар доим саволларга очиқ-ойдин жавоб беради. Тўғрими?

Энди эса яна ўзимизнинг қўйларимизга қайтамиз... э-э-э, маъзур тутинг, эркакларимизга деганим. 85 фоиз ва 15 фоиз.

Айтинг-чи, қайси кўрсаткичли фоизларни тадқиқ қилиш осон, кўпроғиними ёки камроғиними? Албатта камроғини, тўғрими?

Мана биз ҳам улар билан қизиқиб қолдик. Нимага экан деб ўйламанг, мен ҳам ялқов одамман. Кўп фоизлилардан кўра буларни синчилаб ўрганиш анча осонроқ, анча тезроқ бўлади.

Мен 85 фоизлиларни қараб чиққанимда тасодифан факат битта саволга эътиборимни қаратдим, ўзимча кўпчиликнинг орасида ароқхўрлар, гиёхвандлар йўқлигини кўриб, «тўхта» дедим. Ароқхўрлару гиёхвандлар буларнинг орасида бўлмаса, демак, уларнинг ҳаммаси 15 фоизлиларнинг орасидамикан?

«Камсонлилар»нинг анкетасини кўздан кечира бошлидим, кўрдимки ҳали айтганим бетайин ва заиф иродалиларнинг ҳаммаси шу ерда экан – 15 фоиз орасида, яъни калта сочли аёлларни ёқтирадиган эркакларнинг орасида. Мана шу нарса мени лол қолдирди!

Пентакни таърибаси 2

Анкеталарни ўрганишда давом этамиз. Калта сочли аёлларни ёқтирадиган эркаклар ҳатто ўзидан ҳам бекитиб келган... гомосексуализмга мойиллиги бор эркаклар эди. Аёллик негизи уларда жуда юқори.

Биз тадқиқот ўтказганимизда, эркакларнинг ҳам турли-туманлиги аён бўлди. Уларнинг орасида кучлилари ҳам бор, онасининг эркатоий даражасигача кўлга ўргатилган эркаклар ҳам бор: «Онам нима деса фақат шу бўлади». Эркакларнинг орасида ҳам кичкина болакайлар бор, ҳатто 40-50 ёшида ҳам болалигидан чиқиб кета олмаганлар.

Онасининг боласи бўлган эркаклар забонсиз, эзилган, ҳар бир қадамини, ҳатто ҳожатга ҳам ота-онасидан рухсат сўраб борадиган даражада... Улар шахс сифатида шаклланмаган. Лекин улар ҳам ҳамма қатори эркаланишни, эътиборни, севилишни хоҳлайдилар.

Онасининг эркатоий бўлган бу эркаклар улғайган, лекин ўз ҳаётининг хўжайини бўлиш ҳақидаги фикр уларнинг шуурида ваҳима уйғотади. Уларнинг ўзлари ҳам ҳали ҳимоячи, бокувчи нима учун кераклигини охиригача англаб етмайди... образли қилиб айтадиган бўлсан, уларга бир умр она ўрнини босувчи энага керак. Ўзлари буни англаб етмайди, лекин улар фақат кучли аёллар томон интиладилар.

Сўнгра ўзи учун келгусида ҳам хотин, ҳам онасиdek меҳрибон бўла оладиган, уни эркалатиб, ҳимоя қиласидиган аёлни излай бошлайдилар. Кўчада юрганида ҳам кўзи айнан шундай аёлларни излайди. Мана, у соч турмаги кўринишида ўзини-ўзи реклама қилганча келяпти.



Сизнинг рекламангиз, хурматли аёллар
– бу Сизнинг соч турмагингиз!

Калта соч эса нимани реклама қиласди?

Билиб қўйинг, калта соchlарда бундай деб ёзилган: «Боқаман, кийинтираман, едириб-ичираман, тафтимдан баҳраманд қиласман. Қўшимчасига яна тўшак... Сенинг болаларингни ҳам кўксим билан ҳимоя қиласман. Ва сен ҳеч қачон ишламассанг ҳам бўлади. Мени эрим бўлишни хоҳлайсанми? Ҳой, эркак, менга турмушга чиқасанми?»

Хурматли калта сочли хонимлар, мана шу тоифадаги эркакларнинг орасида Сизнинг tengningiz йўқ. Улар ёмон эр бўлишмайди, жуда ҳамдард, жуда ажойиб. Тўйларингизнинг санасини ёдан чиқармайдиган яккаю ягона тоифа эркаклар мана шулар.

Ҳақиқий эркак эса... Агар Сизнинг эрингиз ҳақикъ ўз эркак бўлса, ҳар йили Сиз билан унинг ўртасида шундай сухбат такрорланади:

- Хўжайн, бугун...
- Нима? Бугун нима?
- Бугун ахир мана шу сана-ку.
- Ҳа бу қанақа сана эди?
- Бугун ахир тўйимизнинг бир йиллиги-ку!
- Ҳа-а. Эрталаб менинг ҳам эсимда бор эди. Эрталаб эсимда бор эди, лекин кейин ёдимдан кўтарилиби...

Улар доим ўзларини шундай тутишади.

Демак, хурматли калтасоч хонимлар, ёки ялмоғиз хонимлар, қайси бири тўғрироқ? Хуллас, калтасоч хонимлар, Сизлар ўзингиз томонга елкангизга юк бўладиган, устигаустак ҳамиша ҳаётдан нолиб, йиғлаб ўтирадиган эркакларнигина жалб қиласиз!

Шунинг учун ҳам, Худо хайрингизни берсин, тезда сочингизни узун қилиб ўстиринг, узайтиринг, узайтиринг, узайтиринг. Яrim йил ёки бир йилдан кейин сочингиз, эҳ-е-е!

Калта соchlарингиз билан Сиз чинакам эркакларнинг назаридан қоласиз, холос.

Пентакниги тажрибаси 2

Шу ўринда бир латифа:

Доктор, доктор, менда бир муаммо бор, менинг борлигимни ҳеч ким пайқамайди ҳам.

– Навбатдагиси!

Мана сиз билан нима рўй беради!

Бу ҳам етмагандек, Сизнинг ёнингиздаги сочи узун бошқа аёл, бир тийинлик ақли ҳам йўқ, юз ўрнида башира, оёқлари ҳам меникидек қийшиқ, худди мендек қориндор, елкалари бўксасидан ҳам кенг, кўкраги умуман кўринмайдиган – лекин нимагадир эркакларни ўзига жалб қиласди!

Сиз эса ўзингизнинг калта сочингиз билан кўринмас қалпоқча кийгандек бўлиб юраверасиз, юраверасиз. Тушуняпсизми?

Сиз юз карра чиройлироқ бўлишингиз мумкин, ўнлаб дипломларингиз бўлиши, юқори маънавий ва маданияти бўлишингиз ҳам мумкин. Сиз аёлликнинг эталони бўлишингиз мумкин, лекин эркаклар буни пайқамайдилар.

Агар Сизнинг сочингиз калта бўлса, Сиз турмушга чиқмасдан туриб қарийсиз. Сиз ёлғизликка маҳкум бўласиз. Йўқ, албатта бунинг муқобили мавжуд – Сиз доим ўзингиз томонга ўзининг ҳаётдан нолишлари билан тинкангизни куритадиган, ҳамиша ғамгин ва йиғлоқи қиёфадаги эркакларни жалб қиласиз, Албатта уларнинг ҳам ўзига хос ижобий томонлари бор – бола туғишининг кераги ҳам йўқ, чунки унинг тимсолида битта абадий фарзанд – Сизга таъминланган. Ўзингизга умрингизнинг охиригача, шунақасини хоҳлайсизми?

Менга ишонмайсизми? Атрофни кузатинг. Кўпчилик аёллар узун сочни маъқул кўришади. Нима учун барча халқларда оналар тимсолидаги аёлларнинг соchlари узун? Нима учун?

Аёл киши ўзини «Фаол», «Эркакона хатти-харакат эгаси», «Ишибилармон леди» сифатида кўз-кўз қила бошлиши

Миғзакарим Норбеков

билан, бу дархол унинг шахсий ҳётида ўз салбий таъсири ни кўрсатади.

Ўзингизни қанчалик эркакча, мардона тута бошласангиз, шунча ўзингизни ёлғизликка маҳкум қилиб бораверасиз. Қарама-қарши жинс вакиллари Сизнинг ҳаётингиздан бирма-бир ғойиб бўла бошлади.

Мадомики, Сиз шунақа кетворган ақлли ва кучли эканлиз, Сиз айнан ожиз ва аҳмоқ эркакни учратасиз. Феъл-атворингиз қандай бўлишидан қатъи назар, феълингизни қарама-қарши қисми Сизга қараб интилади! Нимани хоҳлаган бўлсангиз, шунга эришдингиз.

Ўхшатмасдан учратмас! «Бўлмаган гап! Буни одамлар ўйлаб топишган», – дейсизми.

Йўқ, азизларим. Табиятда, физикада мусбат мусбатга қараб тортиладими ёки йўқми? Мусбат билан мусбат бир-бirlарига қаршилик қилиб итари! Манфий билан манфий ҳам худди шундай.

Одамларда ҳам қарама-қаршиликлар бир-бирига қараб интилади.

Менинг азизларим! Бу оддийгина табият қонуни. Агар эркак кишининг сочи узун бўлса, Сиз калта соч билан юринг. Агар эркак кишининг сочи калта бўлса, Сиз узун сочли бўлинг. Тушуняпсизми?

Узун соchlар. Ҳаракатларнинг оҳисталиги, Сизнинг соchlарингиз: «Мен аёлман! Ҳақиқий эркак борми? Ҳали туғаб битганий йўқми», – деб турорди. Ва Сизнинг олдингизда айнан Сизнинг қарама-қаршингиз, айни Сизнинг аксингиз пайдо бўлади. Сиз қанча аёл бўлсангиз, эркаклар ҳам Сизга шунча ёътиборли бўлишади.

Аёлнинг узун сочи эркакка: «Ох, сен нақадар кучлисан!» деб турорди. Ва эркак онг ости даражасида яъни ич-ичидан, шуури билан аёлнинг узун сочини ўзига нисбатан хурмат сифатида қабул қиласди.

Пентакниң тажфибаси 2

Нима учун эканини биласизми? Фақат, қадрли аёллар, хафа бўлиш йўқ. Келишдикми?

Сизнинг сочингиз узун бўлиб боргани сари эркаклар Сизни шунча ақли қисқа сифатида кабул қила бошлашади. Ва Сизнинг олдингизда улар ўзларини ақллироқ, кучлироқ, муҳимроқ ҳис қила бошлайдилар. Аёл қанча ақлсизроқ бўлса, эркаклар томонидан унга бўлган талаб шунча ортиб бораверади.

Иккита аёлни тасаввур қилинг. Биттаси калта сочли, иккинчиси узун сочли, узун соchlарини мураккаб соч турмаги билан турмаклаган. Иккаласи ҳам бошларини у ёқдан бу ёққа тез-тез ҳаракатлантириши керак. Улардан қайси бирининг ҳаракати майнин, оҳиста ва назокатлироқ бўлади?

Узун сочлида, тўғрими? У соч турмагини бузиб қўйишдан хавотирланади-да.

Узун сочлилар учун кескин ҳаракат қилишнинг имкони йўқ. Фикримга қўшиласизми? Сочнинг узунлиги секинликни, оҳисталикни, майинликни талаб қиласди. Айнан мана шу майинлик эркакларни ўзига жалб қиласди. Нима учун? Чунки қарама-қаршиликлар бир-бирига тортилишади-да.

Эркак – кескин, шиддатли, қатъиятли, қаттиқўл, аёл киши эса майнин, латиф, мулойим бўлмоғи керак. Ҳақиқий эркаклар ҳақиқий аёлга қарап экан, завқланадилар. Бу аёл эркакни айнан аёлга хос фазилату сифатлари билан тортади. Одатда гўшт комбинатида ишлайдиганларнинг ўзлари колбаса ейишмайди. Меъдасига уриб кетган. Масалан, улар тортни яхши кўрадилар. Қандолат фабрикасида ишлайдиганлар эса шириналлик деса, юз ўгириб олишади.

Калта соchlар аввалига ҳаракатлар ўзгаришига олиб келади – ҳаракатлар кескинроқ, анча аниқ, анча эркакларга хос бўлади. Кейин эса улар эркакларга хос иш тута бошлайди. Охир-оқибат аёл киши эркакларга хос одатларни, эркак феъл-атворидаги қирраларни эгаллаб олади. Калта сочли аёллар кўпинча ўзларини эркакларга хос тутадилар. Менинг кадрли дўстларим – бу хушомад эмас, аксинча, аянчли танбех!

Мирзакарим Норбеков

Буларнинг ҳаммаси алал-оқибатда бир хил натижа билан якун топади. Худди Россиянинг миллионлаб аёллари ҳар куни куйладиган рус халқ қўшиғидаги сингари: «Қишлоғимиз қизларга тўла, лекин эркак зоти йўқ сира!» Таниш қўшиқми? Эркаксифат аёл аёлсифат эркақдан бошқа кимни ҳам ўзига жалб қила оларди? Ҳақиқий эркак унга киё ҳам боқмайди – табиат томонидан берилган феъли бунга йўл қўймайди.

Шу мавзуда битта латифа. Иккита эркак барда ўтириб ичишияпти, ёnlарида эса ракс майдонида ёшлар ракс тушишмоқда. Битта эркак ёнидаги бошқа эркақка қараб гапи-ряпти:

– Мен ҳозирги ёшларни ҳеч тушунмайман-да, аллани-маларни эгнига илиб олишади, шунаقا олачипор бўлиб бе-заниб олишадики, кўзингни чарчатади. Масалан, мана бу зарфалдоқ рангли, йиртиқ куртка кийиб олган узун сочли кизга қаранг, чапланиб олган, пардоз қилишни ҳам билмайди.

– Бу қиз бола эмас, бу мени ўғлим Эдик.

– Эй-й, кечиравасиз, узр, узр, Сиз унинг дадаси эканингизни билмабман.

– Мен дадаси эмасман, мен – онасиман!

Эндинга сочини ўстира бошлаганлар нима қилиши керак, парик кийиб олишмайди-ку?



Сиз сочингизни калта қилиб юришингиз мумкин, фақат битта шарт билан, агар Сиз эркаклар олдида кескин ҳаракатлар қилмасангиз! Ўзингизни эркаклар қошида ҳамиша майнинлик, латифлик ва назокат билан тутинг!

Тенгакни тажрибаси 2

Атайлаб хонимлар учун учинчи марта яна такрорлайман. Эркакларга икки марта нишондешади. Эркаклар биринчи мартаданоқ тушуна бошлишади, иккинчи мартадан кейин кўнадилар, учинчи мартада эса асабийлаша бошлидилар.

Аёлларда эса ҳаммаси бошқача, учинчи марта айтгандан кейингина аста-секин уларнинг миясига етиб бора бошлиди – умуман олганда, ўзи нима ҳакида гап бораётган эди. Агар гапларим Сизга тегиб кетган бўлса, азизларим, бу маҳсус мулоқот услуги. Сизга ҳеч қандай шахсий хусуматим йўқлигини унутманг! Сизни доимий равища силкишиб, қоқиб, ўзингизга келтириб туриш керак. Акс ҳолда Сиз китобга қараб турсангиз ҳам, қаерлардадир учиб юрасиз...

Хурматли хонимлар, ҳозир Сизга ҳужум бошлийман. Ҳеч бўлмаса битта одам Сизнинг юзингизга қараб ҳақиқатни айтиши керакми? Албатта, керак!

Хонимлар учун калта сочининг нима кераги бор?

Биринчидан, кўчада бегоналар тегажоғлик қилмасликлари учун... Умуман тегажоғлик қилмасликлари учун. Ҳеч қачон ва ҳеч каерда. Аёлнинг калта сочи эркак учун кутилмаган тепки зарбасидек, ёки «Салом, мен сиз билан танишмоқчиман» дейиш билан барobar.

Айтгандай, эркаклар кўпинча калта сочиллар билан кўпроқ зиддиятга боришади. Нима учун? Сиз эркақка ўхшаган бўлсангиз, бошқа эркак Сизнинг мавжуд бўлмаган «қўнғироқча»нгизни узуб ташлагиси келади. Чунки Сизнинг қиёғангизда у ўзига ракибни кўряпти.

Иккинчидан, агар Сиз эркакни ўз ташки қўринишингиз билан жазоламоқчи бўлсангиз, у Сизни кўриши билан азоб чекишини хоҳласангиз, унда бемалол калта соч билан юришингиз мумкин. Бу билан Сиз унинг қайт қилдирувчи хандорига кетадиган маблағини тежаган бўласиз...

Учинчидан... Айтинг-чи, аёл киши қачон хушбўй ифорлар билан анқий бошлиди. Эслаяпсизми? Ванна қабул қилганидами?

Мирзакарим Норбеков

Йўғ-ей! Эрининг ёнида худди тўнкадек ётганида!

Демак, Сиз ўзингиздан ифор таратаётган бўлсангиз ва Сизнинг тақвимингиз «тўнка» бўлса, тезгина сочингизни калталата бошлашингиз мумкин. Эрингиз ҳам бунга жавобан Сизга яқин йўламай қўяди. У «юриб» кетади. Сиз эрталабдан кечгача тер тўкасиз, уйга пул топиб келасиз, уйда эса... ҳеч ким йўқ. Аламли-я?!



Агар атрофингиздан ҳақиқий
эркакларни йўқ қилишни хоҳласангиз,
сочингизни калта қилиб ташланг!

Синалган восита! 200 фоиз кафолати
билин!

Маошингизнинг ва молиявий ҳолатингизнинг қандай эканлигидан қатъи назар сочларингиз бир хилда ўсиш хусусиятига эга. Тўғрими? Сочларни ўстириш керак!

Аёллар орасида калбошлар йўқ! Сиз ахир амалда ҳеч қачон калбош бўлмайсиз-ку, Сизларда, Худога шукр, бундай қобилият генетик нуқтаи назардан кўзда тутилмаган.

Лекин сочларнинг узун бўлиши – ҳали ҳаммаси жойида дегани эмас. Уларни тартибига келтириб қирқиши, жингалак қилиш, турмаклаш керак... Шу ўринда бироз сартарошлар ҳақида гаплашиб олсан.

Хурматли хонимлар, Сизнинг соч турмагингизга қараб, сартарошингизнинг ким эканини деярли аниқ айтиб бера оламан (албатта, истисно бўлиши мумкин). Сизнинг сартарошингиз: сизнинг душманингиз, Сизнинг дугонангиз ёки эркак сартарош бўлса ҳам аёл мизожлар тоифасидан.

Нима учун? Сиз бу сартарош кўлидаги лойсиз. Ҳар қайси рассом ўзининг ички тасаввуридан, идеал аёл ҳақидаги та-

Ментакни тажрибаси 2

саввуридан келиб чиқсан ҳолда, ундан бирор-бир тентакни ёки оққушни яратади.

Масалан, илгари ҳамма шўро ҳокимияти «доҳийси»нинг расмини чизган. Собиқ рассом сифатида унинг истаган портретига қараб туриб, «доҳий»нинг эмас, портрет чизганинг миллатини айтиб бера олардим!

Сартарош албатта, ким бўлиши керак? ...қарама-қарши жинс вакили. Ва у интим томондан жинсий йўналишида оғишларсиз бўлиши керак.

Менинг хоббим – тадқиқотлар статистикасини тўплаш, саралаш, умумлаштириш.

Биз икки фоиз эркакларда ана шундай номатлуб мойиллик бўлиши ҳақида гапирган эдик.

Сартарошларнинг орасида ҳам шунга мойиллик бўлади.

Ҳақиқий эркакларга сартарош бўлиб ишлаш жуда қийин. Эркак сарторошларнинг орасида анъанавий йўналишилиари айтарлик кам.

У ҳолда тўғри йўналиши эркак сартарошни қандай ажратиб олиш мумкин?

Бу устанинг қўлидан аёллар қандай соч турмаги билан кетаётганига эътибор беринг. Агар унинг олдига меъёрда гидек аёл келиб, сочини турмаклатгач, ўғил болага айланиб колса, бу сартарошнинг ёнидан тезда қочиб қолинг.

Чунки кўпчилик эркаклар «Менга мана бундай – узун соч турмаги ёқади» – дейди. Сизга барча эркакларнинг фикри керакми ёки биттагина сартарошнинг фикрими? Ҳатто сартарош мана шу чиройли, деган тақдирда ҳам...

Айтайлик, Сиз ўз ишингизни очдингиз. Ресторан. Ошпаз ёлладингиз. У Сизга ўзининг тайёрлаган таоми ҳақида: «Бу жуда фойдали! Бу жуда мазали!», дейди. Келган барча хўрандалар таомни татиб кўришади-да, тупуриб ташлаб, кетиб қолишиади.

Сизга ошпазнинг фикр-мулоҳазалари муҳимми ёки ресторанинг фикрими?

Мирзакарим Норбеков

Ошпаз нима демасин... У ўз маҳсулотини, таомини ҳимоя қиласи.

Сочни калталатиш жуда тез бўлади. «Шак-шақ – марҳамат қилиб пулни кассага тўланг». Сиз эса бунинг натижасида анча муддатга эркакларнинг эътиборидан четда қолиб, қийналиб юрасиз.

Хурматли эркаклар, хурматли хонимлар, ўзларингизнинг соч турмагинизни дуч келганга ишониб топширманг.

Сизга энг яхши сартарош хизмат кўрсатиши керак! Лекин албатта қарама-қарши жинс вакили! Сиз шунга харакат килинг.

Сартарош ўзининг назарида мафтункордек туюлган кўриниш қандай бўлса, сочни доим шундай турмаклайди. Агар эркак сартарош нотўғри йўналишда бўлса, у аёлнинг бошидан ўзининг эҳтирос объектини яратади. «Гаврош» хоним, Сиз унинг кўзига барно бўлиб кўринишингиз мумкин, лекин тўлақонли, ҳақиқий эркакнинг кўзи билан қараганда ирkit бўлиб қолаверасиз. Сиз тўғри йўналишли эркакларни чўчитиб, уларнинг нигоҳини ўзингиздан итласиз.

Худди шу тариқа хонимларга аёл сартарошнинг хизматидан фойдаланиш қатъян ман этилади. Улар Сизни хунук қилиб қўйишади.

Бу «аёллар бирдамлиги» деб аталади.

Ўз жинсининг вакилларига қандайдир ярамаслик қилиш аёлларда доим рефлектор равища ишга тушиб кетади. Бу табиат томонидан берилган инстинкт, ҳеч нима билан йўқ қилиб бўлмайдиган талаб, ҳар қандай аёл ўзи яхшироқ кўриниши учун бошқа аёлларни бадбашара килиши керак.

Агар сартарош аёл рўпарасида ўзидан чиройлироқ аёлни кўрса, бу унга мутлақо ёқмайди, у аёл бўлатуриб қандайдир бегона аёл ўзидан чиройлироқ бўлишига йўл қўяр эканми?! Ва у бечорани шу заҳотиёқ ўзининг даражасигача туширади-қўяди.

Тентакнини тажрибаси 2

Агар Сизнинг сарторошингиз ёлғиз бўлса, устига устак уни қайлиғига Сиз турмушга чиқиб олган бўлсангиз ва у ҳеч қачон эркаклар билан бахти бўлмаган бўлса, Сизга «дунёдаги энг аҳмокона» қирқилган соч турмаги кафолатланади. Яхшиси, ундан кўра биратўласига сочингизни кал қилиб олдириб ташлаганингиз ҳам маъқул! Бундан кўра чиройлироқ бўлади.

Чунки сочингиз турмак шаклини ўзгартириш орқали сизлардан истаган бирингизни хунук қилиб қўйиш жуда осон. Русларнинг машхур сўз устаси М. Жванецкий айтганидек: «Шундай ажойиб тентаккиналар борки, лекин шунақа даҳшат даражадаги тентаккиналар ҳам бор!»

Тагин Сизга иккинчи вариант ҳам бор! Унда Сиз худди «Концлагернинг бир умрлик маҳкуми»га айланасиз.

Илтимос, бундай сартарошдан воз кечинг!



Демак, хонимлар, эътиборига! Бир хилдаги соч турмагида қирқ кундан ортиқ қолиб кетманг.

Илтимос, ҳадеб бир хил соч турмагида юраверманг. Айникиса, агар Сиз турмушга чиқсан бўлсангиз. У ҳолда эрингиз Сизни шунчаки пайқамай қўяди. Соч турмаги доим ўзгариб туриши керак. Худди кийиниш стили сингари соч турмаги ҳам камида етти хил кўринишда бўлиши керак.

«А-ля жингалак», «а-ля малика», «а-ля ишбилармон леди», «а-ля деҳқон», «а-ля манекенчи», дегандек.

Эркак – полигам ҳайвон. Янги соч турмагими? О-х, янги чехра! Зудлик билан танишиб олиш керак! Ва шу заҳотиёқ ўзининг, оилали эркакнинг мажбуриятларини эслаб қолади. Аслида ҳам шундай эмасми, эркаклар?! Айтгандай, эркакнинг энг катта қарзи қанақа эканлигини биласизми? Эр-хо-

Миғзакарим Ноғбеков

тинлик мажбурияти олдидаги қарз! Эркак ушбу қарзни қанча түламасин – барибир яна қарздорлигича қолаверади!

Соч турмагининг шакли ҳақида ҳам сұхбатлашамиз. Бу соҳада ҳам каминаи камтарин қулингиз айрим тадқиқотлар олиб борган.

Эркакларга пешонасини ёпиш қатъиян ман этилади. Сизлардан ўтиниб сўрайман эркаклар, агар пешонангиз соч билан ёпилган бўлса, соч турмагингизни зудлик билан ўзгартиринг. Агар эркак сочи билан пешонасини ёпиб олган бўлса – бу беъманилик белгиси саналади. У ўзининг фикрларини бекитмоқчими? Йўқ! У ўзига нисбатан бўлган ишончсизлигини яширмоқчи!

Эътибор беринг-а, бундай соч қўйишлар шаклланиб бўлмаган эркаклар орасида кенг тарқалган, яъни ўспирин йигитлар орасида. Сезганмисиз, уларда пешонасини соч билан бекитишга интилиш истаги кучли бўлади. Сиз эса, эркаклар, атрофдагиларга ўзингизга бўлган ишончни на-мойиш этишингиз керак, айниқса умр йўлдоши излаётган бўлсангиз.

Машақатли ҳаёт тарзга эга эркакларга бир қаранг-а, кикбоксингчилар, каратэчилар, аскарлар ва бошқа, бошқалар, уларнинг деярли ҳаммасининг соchlари калта қилинган бўлади, типратикансимон, пешоналари доим очик. Бу нафақат уларнинг ҳаёт тарзи учун қулай, бу соч турмаги – уларнинг ташриф қофози, гўёки уларнинг пешоналари «мен билан эҳтиёт бўлиб муомала қилган маъкул!» деб туради. Ҳақиқий аёлларга эса айнан шундай «мачо»лар ёқади.

Энди эса, ҳурматли хонимлар! Сиз пешонангизнинг бутунлай очик бўлишидан воз кечинг. Чунки эркакнинг назарида бундай соч мафтункор ҳам, жозибали ҳам эмас.

Аёл кишининг пешонаси бутунлай очик бўлиши мутлақо эҳтиросли эмас. Нима учун? Чунки бу ҳолат сирлиликни йўққа чиқаради.

Пентакниң тажрибаси 2

Мана масалан тўрли шяпа Сизга қандай таъсир этади, эркаклар? Қандай? Ўзига тортади! Бу романтика. Тўр ажиб бир мафтункорлик, сирлилик ҳосил қиласди.

Аёлнинг юзидан тўрни олиб ташласак – энди нимадир етишмаётгандек туйилади.

Юзингиз қанчалик очик бўлса, Сиздаги сирлилик шунча камайиб бораверади.

«Нотаниш аёл» портрети. Эслайсизми? Тўрли шляпа. Мана шу тўр баъзи эркакларга шундай завқ бағишлиядики, уни сўзда ифодалаш мушкул! Мен энди паранжи ҳақида гапирмай қўя қолай.

Демак, ўзингизнинг сочингиздан, қадрли хонимлар, тўр сифатида фойдаланинг.

Лекин, сочингиз калта, устига-устак яна пешонангиз ҳам очик бўла туриб – Сизга ҳеч бир эркак қиё боқмаётганидан ҳайрон ҳам қолманг. Бундай аёлларга фақат кучсиз эркакларгина қизиқиши мумкин.



Ёдингизда турсин, қадрли аёллар, эркакларни фақат сирлилик жалб қиласди!

Келинг, қадрли китобхон, энди Сиз билан турли ифорлар – ҳидлар ҳақида гаплашамиз.

Донишмандлар айтганидек, агар таомдан кейин Сиздан пиёзнинг хиди келиб турмасин десангиз, бир жуфт саримсоқ еб юборинг! Бу албатта ҳазил. Лекин аксарият ҳазилларда ҳалқ даҳоси, донишмандлиги яширинган бўлади.

Агар Сиз ўз ишингизни очмоқчи бўлсангиз, агар тегрангиздан бошқа одамлар, хусусан қарама-қарши жинс ва-киллари билан муносабатингиз рисоладагидек бўлишини хоҳласангиз, илтимос – бунда Сизнинг ҳидингиз жуда кат-

та аҳамиятга эга эканлигини унутманг. Яхши атирсиз Сиз кимгadir ёқмай қолишингиз тайин гап.

Хурматли эркаклар, кўпинча хонимлар ўз танловини бурунлари орқали амалга оширишини биласизми?

Эркаклар, мен Сизни ишонтириб айтишим мумкин, аёл киши Сизни ҳидлай бошлиши бу жуда ёқимли муолажа. Роҳат-а! Дарҳол ўзингни кимдир деб ҳис қиласан? Камида «завгар»дек ҳис қиласан. Билмайдиганлар учун, Шарқда «завгар» – бу гараж бошлиғи дегани эмас, «ҳарам бошлиғи» дегани!

Кўпчилик одамлардан ҳеч қандай ҳид келмайди. Бу энг яхши ҳолатда! Бошқалардан эса кечаги ичқиликнинг ҳиди келади, турли-туман навлари ва жилоларида.

Фикр тушунарлим, эркаклар? Сиздаги тер ҳиди сезилмаслиги учун атир сепиб олиш керак-ку... тўғрими? Одеколон сотиб олиш қандайдир амалга ошириб бўлмайдиган мураккаб вазифа эмас-ку? Албатта, бунинг учун ўзимизнинг ялқовлигимиз ва масъулиятсизлигимизни батараф қилиш лозим бўлади...

Эркак киши табиатан ўзига нисбатан хурматсиз муносабатда бўлади. У соқолини олгандан кейин ачишмасин деб атир сепади. Агар соқолини олгандан кейин ачишмаганида эди, атир деган матоҳ унга умуман керак бўлмасди. Шунаقا эмасми, азиз, эркаклар??!

Қандай қилиб ўзингиз учун тўғри келадиган атирни танлашингиз мумкин?

Янги ифорнинг модага кириши – бу битта нарса. Ҳаёт давомида, вақт давомида синалгани – бу бошқа гап. Атир танлаганда ишлаб чиқарувчига қараб танламаслик керак, урфга кирганига қараб ҳам эмас. Янги урфга кирган атир ҳам вақт синовидан ўтмаган. Кимдир Сизга: «Нима бўпти, Шанель – аллақачон эскириб бўлган!» – дейиши мумкин. Қулоқ солманг! Талаб ва эҳтиёж катта бўлмаган маҳсулотни ҳеч ким ишлаб чиқармайди. Вақт синовидан ўтган маҳсулот

Пентакниң тажрибаси 2

– энг мустаҳкам ва ишончли баҳодир! Демак бу нимани англатади, азал-азалдан атирни харид қилишган ва яна минг йиллар харид қилаверишади.

Нима деб ўйлайсиз, қадрли китобхон, нима учун одамзод атирга бунча эҳтиёжманд? Сифати яхши, ифори ёқимили, бу тушунарли. Лекин яна битта томони бор. Кичкинтой ўғил неча йиллаб онасининг атирини ҳидлаб улгаяди, кичкинтой қизалоқ кўп йиллар давомида дадасининг одеколони ёки лосьонининг ҳидига кўнишиб қолади. Болалар улғайиб катта бўлишгач эса онг ости даражасида ота-онасининг атирининг ҳидига ўхшаш ҳидли умр йўлдоши излашади. Тушуняпсизми?

Нима учун уларнинг ота-оналари доимо бир хил атиришлатишган? У пайтлари бу атир энди-энди урфга кираётган эди, уларнинг ота-онасидан бошқача ҳид келарди-ку? Демак, энди бу ерда бошқа механизм ишга тушаётир.

Хонимлар, агар Сиз бирор атир ишлатган бўлсангиз ва Сизнинг эркагингиз: «Ҳидинг қандай яхши! Сендан жуда ширин ҳид келяпти... Эҳтиросли...» деб айтса, Сиз доим мана шу атирдан фойдаланишга ҳаракат қиласиз. Тўғрими? Чунки Сизни танлаган атирингиз юзасидан мақташди. Ва Сиз кейинги гал дўконга келиб, айнан шу атирни харид қиласиз.

Токи атирга талаб бор экан, уни доимий равища харид қилиб туришади. Уни харид қилишаётган экан, дўконлар ҳам ишлаб чиқарувчиларга буюртма жўнатиб туради. Доимо буюртма келиб турганидан кейин эса қайси ишлаб чиқарувчи бу маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тўхтатади?

Шу тариқа баъзи маҳсулотларга харидорларнинг боғлиқлиги, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган харидорларнинг содиклиги ҳосил бўлади. Механизм Сиз учун тушунарлими? Мен сизга, муҳтарам хушбўйларим, атир ҳақида гапирмаяпман, йўл-йўлакай бизнеснинг яна бир жиҳатини очиб

Мирзакарим Норбеков

беряпман, харидорни қандай жалб қилиш ва уни ушлаб қолиши ҳақида гапирияпман.



Агар бирор-бир атирга 20-30 йилдан бери талаб бор экан, демак бу атир вақт синовида текширилган. Ҳаётнинг ўзи синовдан ўтказиб, ҳаётнинг ўзи уни имтиҳон қилган!

Давом этамиз. Ҳар қандай атирни ҳам Сиз учун ...кийим танлагандаги сингари, қарама-қарши жинс вакили танлаб бериши керак. Эркак киши ўзи учун атирни фақат аёл киши ёрдамида танлаши лозим, аёл киши эса тескариси. Тағин бу инсон Сиз учун севимли бўлиши шарт!

Агар Сизнинг яқин одамингиз, Сизнинг иккинчи ярмингиз, атирингиз ҳиди унга ёқмаётганини айтса, албатта атирни алмаштиринг!



Биз ўзимиз учун атир сепиб ифорланмаймиз, биринчи навбатда бу ишни аввало атрофдагиларга ёқимли бўлиш учун қиласиз!

Хурматли эркаклар, ҳурматли хонимлар, эътибор беринг! Ўзингизга ёқадиган ифорни топиш учун атирни ҳидлай бошлаганингизда биттасини ҳидлайсиз, кейин яна бири... Учинчи марта ҳам ҳидлашингиз мумкин. Лекин тўртинчи марта бу имкониятингиз тугайди. Сизнинг ҳид билиш сезгиларингиз ўчиб қолади. Шундан сўнг, галдаги текширилган барча ҳидлар бир хилда – ёқимсиз бўлиб туюлади.

Пентакниң тажрибаси 2

Бундай пайтда нима қиласиз? Уч хил атирни ҳидладингизми, тоза ҳавога чиқиб 10-15 дақиқа айланинг, кафега кириб бир финжон қаҳва ичининг, ҳид билиш, таъм билиш рецепторларини ишга тушириш учун танаффус қилинг. Ундан кейин дўконга қайтиб, яна ҳидлашда давом этинг, яхши атир қаерда кўп бўлса шу ерга боринг. Сифатли атир ҳар доим қиммат бўлади. Кимнинг атири 50 доллардан кам бўлса бу паст маҳсулот. Чунки жуда қимматбаҳо атирга ҳиди ўткир бўлмаган баъзи бир моддалар қўшилади. Бундай атирдан фойдаланишингиз натижасида сиз қўққисдан қарама-қарши жинс вакили учун жуда мафтункор бўлиб кўринасиз. Ифор айнан шундай бўлиши ҳам керак – таъсир кучи онг ости даражасида амалга ошиши учун!

Лекин, албатта аёл киши хонага кирган заҳоти атир ҳидидан димиқиб қоладиган даражада эмас! Бундай ифорлар бир хилдаги ҳукм мавжуд ва у: «Тезроқ хонани шамоллатиб юбориш керак!» – дея ифодаланади.



Ўн йиллаб вақт синовидан ўтган қиммат атиларни танланг!

Менинг бир яқин танишимнинг ёш котибаси бор эди. Мен эса тез-тез иш билан ёки шунчаки гап сотиш учун унинг офисига кириб турардим. Қачон келмай, унинг қабулхонасида бир тўда эркаклар тўпланиб ўтирган бўларди. Ўринбосар ҳам бор, завхоз, ҳайдовчи. Ҳаммаси котибага қандайдир савол билан келишган.

Мен оғайнимдан сўрадим: «Нима учун қабулхонанг доим одамларга тўла?!» У эса: «Ўзимам ҳайронман! Баъзан чиқиб ҳаммасини ҳайдаб юбораман, ярим соатдан кейин эса яна йигилиб қолишади. Худди шира суркаб қўйилган варак атрофидаги пашшалардек!», – деб жавоб қилди.

Мирзакарим Норбеков

Бир гал котибани олдидан ўтиб кетаётіб, мен ҳаммаси-ни тушундим! Котиба фероменли атирдан фойдаланар эди. Шунинг учун ҳам эркак зоти борки, қабулхонага, худди мушуклар ванелин ҳидига юргандек юргилашарди. Ўзла-ри англаб етмаган ҳолда улар баҳона қидиришарди. Аслида эса улар онг ости ақлу шуурлари даражасида аёл ҳидига интилишган эди! Илғаб олдингизми, қадрли хонимлар?

Агар биз Сиз билан, қадрли китобхон, ўтмишга, қандай-дир ўрта асрларга кўз ташласак, у ҳолда атирлар ва одеко-лонларнинг ўйлаб топилиш сабабларини дарҳол тушуниб етамиз. Атирни европаликлар ўйлаб топишган, чунки улар камдан-кам чўмилишган ва ўзларининг бадбўй ҳидини ке-сиш учун атирдан фойдаланишган. Ўрта асрларда Европада ҳар куни душ қабул қилиш одати бўлмаган.

Марҳамат, телевизорни кўринг. У ерда доим қўлтиқ остига суриладиган, баданга сепиладиган қандайдир воси-таларни реклама қилишади.

Баданинг табиий ҳидини, гормонал безлар жойлашган қисмлардаги ҳидни йўқ қилиш учун. Хурматли хонимлар (ва ҳурматли эркаклар), мушк безлари – бу айнан қара-ма-қарши жинс вакилларини ўзига жалб қиласидиган асосий нарса.

Шундай сургиларни реклама қиласидиган аёлларни кўр-ганингда эса уларни нимани реклама қиласидиганини дарҳол тушуниб қоласан, ахир бу – қайтариқ қилувчи дамламадан ўзга нарса эмас. Нима учун? – дейсизми?

Негаки, Сиз бундай воситани сурганингизда, қара-ма-қарши жинс вакили Сизни бирдан пайқамай қўяди. Энди тушуняпсизми, нима учун Европада ахоли сони ка-майиб кетаётганини?

Сен қўлтиқ остини ҳар доим (ярим йилда бир марта) ювиб турсанг, у ҳидланмайди. Майли ярим йилда бир марта, бу руҳияти кучли, ёлғиз эркаклар учун, оддий одамлар учун кунига икки марта ювиб туриш етарли. Ҳеч қандай

Пентакниң тажрибаси 2

бадбўй ҳид бўлмаслигига кафолат бор! Фақат табиий фера-монли фон бўлади, холос.

Мен ҳеч бўлмагандан кунора душ остида чўмилишни на-зарда тутяпман. Фақат қўлтиқ остини ювишни эмас! Акс ҳолда барча хилтлар қўлтиқ остидан чиқа бошлайди. У ерда ахир тери катақчалари очилган бўлади-да, бошқа жой ювилмаса, бутун танадаги тешиклар тиқилиб, ёпилиб қола-ди. Шундай экан, сув муолажалари ҳаммасига даво.

Айтгандай, нохуш ҳид бу тернинг ҳиди эмас, йўқ! Бу ҳидни Сизнинг танангиз ажратиб чиқарган тер билан озиқланадиган микроорганизмлар ажратиб чиқаради. Бу ҳид – улар ҳаётий фаолиятининг маҳсулоти. Бу Сизнинг бадбўй ҳидингиз эмас, уларники! Қандай ёқимли янгилик, тўғрими?!

Агар ўзингизга вазелинни ёки солидолни суркаб ташла-сангиз нима юз беради?

Солидол – бу ишлов берилмаган, тозаланмаган вазелин. Крем эса – кўшимча қўшиб суюлтирилган вазелин. Яъни биз ҳозир бу нарсаларни ўз номи билан атаймиз.

Сиз бу солидол билан ўз танангизни чаплаганингизда тери туйнукчалари ёпилиб қолади, Сизнинг табиий ҳидла-рингиз ажралиб чиқмайди ва Сиздан энди руҳий жихатдан фақат тараша мақомидаги кимса таъсирланиши мумкин.

Чунки қарама-қарши жинс вакили феромонни бурун орқали қабул қиласиди. Феромонлар деярли сезиларли ҳидга эга эмас. Лекин қандайдир даражадаги сехрли таъсир кучига эга. Ва эркак шу заҳотиёқ Сизга эътибор билан қа-райди, у шу заҳотиёқ Сиз билан қизиқа бошлайди.

Аёлларда ҳам худди шундай реакция юз беради. Эркак киши яқинлашиб келаётганида ундан қандайдир ўзига хос мушки анбар тарагали туради... У қандай аҳмоқона гап гапирмасин, аёл бу ҳидни ҳис қиласиди ва қизиқиши билан қараб шундай фикр қила бошлайди: «Қандай келишган эркак!»

Мирзакарим Нофеков

Энди эса тамоман бошқача ҳолатни тасаввур қилинг, эркак кишидан солярка ҳиди анқиб турса – бу Сизга қандай таъсир этади. Ундан ёқилғи мойи қуйиб олиш истагини уйғотади, шундаймай?

Менинг дүстларим, қадрдонларим, ўзингизни, ўзингизнинг анатомиянгизни ўрганинг!

Чунки одамлар бойлик орттириш йўлида ҳамма нарсани сотишади, нима бўлса ҳам, гиёхванд модда дейсизми, арокми, тамаки маҳсулотларими, ҳамма-ҳамма нарсани, шу билан бирга мана шу дезодорантларни ҳам.

Сиз ҳар куни «мусаффолик» ҳидини таратасиз. Фақат «бу аёл эркак учун» ёки «бу эркак аёл учун» дегани эмас. Шунчаки, «табиий» ҳиддек. Лекин, нима бўлганда ҳам, ёшларимиз айтганидек: «ҳеч ниманинг ҳиди» эмас. Ҳаёт эса тобора Сизни четлаб ўтиб боряпти.

Сиз шундай ақлли, Сиз шундай зўрсизки, лекин ҳеч ким Сизга лоақал гап ҳам отиб қўймаяпти. Эҳтимол, сабаби мана шундадир.

Ахир, дўстларим, ҳаммаси шундай оддий, шунақа оддий-ку!

Биринчидан, қўлтиқларингиз остига ҳам эътиборли бўлинг.

Иккинчидан, ҳар куни юзингизни ювиш билан чеклануб қолмасдан, қўлтиқларингизни ҳам совунлаб ювиб туринг.

Кўчага чиқинг, ортингиздан феромон ҳидини қолдиринг ва шунда барча эркаклар бирдек ўгирилиб Сизга қарай бошлидилар. Яхши ҳид – қадди-қоматингиздаги, кийимингиздаги барча нуксонлар учун комуфляж ўрнини босади.

Давом этамизми?

Энди, қадрдонларим, Сизнинг эътиборингизни ташки омилларга қаратмоқчиман. Ҳар хил узуклар, шақир-шукур тақинчоқлар ва танага нина ёрдамида чизиладиган «татуировка» деб аталадиган расмларга тўхталамиз. Сизнинг

Шенгакнинг тажрибаси 2

эътиборингизни қаратмоқчи бўлганим ушбу барча, ташки омиллар кишининг – ўзига нисбатан ички ишончсизлиги белгисидир.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, қайси ёшдаги ўғил ёки қизлар ўзларига ҳар балоларни илиб олишади?

Бу ўн беш – ўн саккиз ёшда. Тўғрими?

Гавда катта ёшлиларнинг шаклига кириб бормоқда, ички моҳияти эса унинг ортидан етолмаяпти, бу пайтда ўсмирларда ташқи томондан ўзларини намойиш этишга интилиш кучлироқ бўла боради.

Ички ожизликни улар нима билан мувозанатлаб туришади?.. Биринчи навбатда кийим орқали. Бу энг аҳамиятсиз тарзда намоён бўлиши. «Ёшлар мода»си деб аталади.

Ёшларда ички нима бор? ...Уларнинг онги шуурининг туб-тубида ўз кучига нисбатан, ўз имкониятига нисбатан шубҳа бор. Улар шу йўл билан ўзларидаги бўшликни тўлдиришга уринишади.

Ички ҳолати улғайган танани тўлдирганидан кейин, ташки омилга бўлган талаб йўқолади ва улар ўзларининг ўсмирлик давридаги қиликларидан уяла бошлидилар, татуировкаларини ўчириб ташлашга киришадилар, кийимлари ҳам анча сипогина бўлиб қолади, ортиқча тақинчоқлару, ашқол-дашқолларни сандиққа бекитиб ташлашади.

Турк хонандаси Тарканники сингари соқол қўйиб олган йигитчани бир тасаввур қилинг-а – ияқчасида каламушнинг думи сингари думча. Бармоқларига узук тақилган. Ёки сочини майда ўриб олган ўсмир йигитларни айтайлик. Майда соч ўримлари, яна бу ҳам етмагандек, ярим йилдан буён ювилмаган, бундай сочлиларни биз одатда метронинг олдида учратамиз. Образли қилиб айтадиган бўлсак, метро учун беш тийин қидириб, чўнтагини ковлаб турган бўлишади. Ёки панкилар, сочини уч хил рангда бўяб олганча, қулоғида зирақ, бурнида ҳалқа, татуировка қилиб ташлан-

Мирзакарим Нофеков

ган ялангоч баданига темир түғнаги чларга тұла чарм куртка кийиб олишади.

Энди күлингизни күксингизга күйганча ростини айтинг, бу тоифа йигитлар Сизда ўзига нисбатан ишонч уйғотадими? Сиз эркак киши бўлсангиз, уларни ўз ҳамкорингиз сифатида кўра оласизми? Уларга ўз бизнесингизни, ўз хавфсизлигини, оилангиз хавфсизлигини ишонишга тайёрмисиз? Агар аёл бўлсангиз, мана шундайлардан бирорта-сига ўз юрагингизни ишониб топширишга, ундан фарзанд туғишига, ўзингизнинг келажагингизни ишониб топширишга тайёрмисиз? Бундай одамларга ўзингизни буткул топшириб, ўзингизни бехавотир хис қила оласизми? Ёки улар фақат гап сотишга, ичиб-чекишга, кайфу сафо қилиб, «яна эфирда кўришгунча хайр» – дейиш учун ярайдими?

Мен уларни яхши ёки ёмон деб гапиришдан йироқман, йўқ! Мен ташқи кўриниш атрофдагиларда ўзига хос муносабат ҳосил қилиши хақида гапирияпман. Нима учун?

Чунки одатда ҳаётимизда ички ва ташқи омиллар бир-бири билан чамбарчас боғлик бўлади. Ва инсоннинг тажрибаси унга: «эҳтиёт бўл, бу тоифадагилар билан, жиддий ишларни биргаликда ҳал қилмаган маъқул», – деб айтиб туради! «Кийимга қараб кутиб олишлари» бежиз эмас.

Кокиллар, узуклар ва бошқалар – булар асосан ёшларга ёқади, чунки уларнинг болалигига ҳар доим, ҳам тўйғунча ўйнаб олиш имконияти бўлмаган.

Тасаввур қилинг, менинг киндингимда зирақсимон ҳалقا илиниб турса... «пирсинг» деб аталармиди? Кўлларимда татуировка, ўзимнинг охирги беш тола сөчимдан «панкча турмак» ясайман, яна бу етмагандек, йиртиқ жинси ҳам кийиб оламанки, бу йиртиқларнинг орасидан иштоним ҳам кўриниб туради... Сизнинг менга муносабатингиз қандай бўлади?

Керагидан ҳам кўра босикроқ бўлади. Тўғрими?

Тенгакнини тажрибаси 2



Ўзига ишонган, ўзининг кучини биладиган эркак ҳеч қандай ташки ҳашамга муҳтож эмас!

Йигитлар! Мен тадқиқот ўтказганман, агар эркак ташки омилларга эҳтиёж сезса, агар у турли-туман узуклар, турли татуировкалар, турли-туман ғайриодатий воситалар орқали ўзлигини ифода этишига муҳтожлик сезса ...билингки, бу одам ички нуқсонга эга.

Бу унда онг ости даражасида, бу каби ташқи омиллар унинг ўзига нисбатан ички ишончсизлиги ва нотўқислик комплексини мувозанатлашга уринишидир. Бу ҳукм қатъий қадрдонларим, ва у зинхор муҳокама қилинмайди.

Истисно ҳар доим ҳам бўлади. Ҳар қандай маълумотда ҳам истисно топиш мумкин. Лекин мен ҳозир Сизга 95 фойиздан ортиқ бўлган кўрсаткич ҳақида гапирияпман.

Меъёр бор ва бу меъёрдан ташқи омиллар ёрдамида ажралиб туриш истагидаги эркаклар бор – гап мана нима ҳақида боряпти. Тушуняпсизми?

Эркак ички томондан қанча кучли бўлса, унда ташқи до-пингга бўлган эҳтиёж шунча камайиб бораверади.

Агар бу ташқи унсур шунчаки кимдир ҳақидаги хотира билан боғлик бўлса-чи?

Мен бу ҳақда гапирияпман... хотира ҳақида, истиснолар, ўзига хосликлар ҳақида, ўзига хос инсонлар ҳақида гапирияпмиз. Мен ички уйғунликнинг йўқлиги ҳақида гапирияпман.

Гапларим биронтангизни хафа қилишини ёки нафсониятингизга тегиши хоҳламайман. Шунчаки «далил» деган тушунча бор. Тадқиқот холисликни талаб қиласи. Агар бу ерда ёзаётганларим Сизга тааллукли бўлса, шошилманг, ўйлаб кўринг, ўзингиз билан ёлғиз қолиб очиқласига гап-

Мирзакарим Норбеков

лашинг. Эҳтимол, ўзингизнинг ожиз ва ишончсиз томонларингизни кўриб қоларсиз, қандайдир кўзга ташланувчи омил ёрдамида ўзингиздаги ожизлик ва ишончсизликни бекитмоқчи бўлаётгандирсиз? Бу ўз устингизда ишлаш учун, ўзингизни кучайтириш, қалб яраларингизни тузатиш учун яхши имкон.

Агар кимдир жанг санъати билан қизиқадиган бўлса, бунда битта жиҳатга эътибор қаратинг. Коидасиз жанг бормоқда ёки бирор-бир кучлиларнинг мусобақаси. Эркаклар ўзларининг жисмоний кучи, чидамлилигини синаяш учун қатнашадиган қандайдир мусобақа. Жуда кўп ҳолларда кимнинг ташки ҳашамдорлиги, ортиқча безаклари кам бўлса, яъни ташки томондан меъёрга яқинроқ бўлса, ўша ғалаба қозонади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ўзига ишонган киши ортиқча безакка эҳтиёж сезмайди.

Мен буни сезган заҳотим, бир неча ҳафта ичida жанг санъатининг барча архивларини кўриб чиқдим. Шунчаки, тўқсонинчи йиллардан бошлаб менда ўзига хос ишқибозлик пайдо бўлганди – якка жанг чемпионатининг хроникасини йигиб бораман – журналлар, видеожурналлар ва ҳоказоларни... Қаерда, янги ном пайдо бўлди, спортчилардан ким етакчилик қилияпти.

Мен ўзимнинг 20 йиллик архивимни қайта кўтардим. Ва қизиқ қонуниятни аниқладим.

Бунда бошида татуировкали эркаклар ва татуировкасиз эркаклар теппа-тeng бўлиб чиқди, яъни 50 га 50.

У ёғига саралаш жанглари бошланди ва энг биринчилардан бўлиб татуировкаси кўп бўлган иштирокчилар жангни бой берib чиқиб кетди.

Ярим чорак финалда татуировкаси борлар тахминан 25 фоизни ташкил қилди.

Ярим финалда улар жуда кам.

Финалга эса улар деярли ҳеч қачон етиб кела олмаган.

Пентакнини таҷтибаси 2

Мусобакада спортчиларнинг сони жуда кўп. Энг юқорида эса биттаси қолади. Юқорига кўтарилган сари кўзга яққол ташланувчи ташки омилларга эга спортчилар тобора камайиб боради. Камайиб, камайиб, камайиб боради.

Финалга эса нимагадир, доим ташки томондан бошқалардан ажралиб турмайдиганлар ўтади. Уларнинг соч турмаги камтарона, кийимлари оддий, хатти-ҳаракатлари хотиржам. Ўзини кўрсатишга уриниб, кўксига мушт урадиганлар эса аллақачон рингни тарқ этишган. Ҳолбуки, бу жиҳатлар уларнинг жангни бой беришининг биринчи кўрсаткичи, улар унинг финалга етиб бора олмаслигига кафолатдек гап.

Модомики, Сиз ўз бизнесингизни очмоқчи экансиз, унда албатта, ўзингизнинг ташки кўринишингизни синчилаб кўриб чиқишингиз лозим бўлади. Мен ҳозир асосан эркакларни назарда тутяпман, лекин, хонимлар, Сизлар ҳам бу маълумотларни миянгиз бурмаларига ўраб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

Йирик бизнесменларга эътибор беринг. Улар доим ташки ўзни кўз-кўз қилувчи нарсалардан ҳоли, аксарияти консерватив кийинишиларини сезганмисиз? Улардан ўрнак олинг.

Агар эркак киши бизнес билан шуғулланмоқчи экан, у ҳар хил татуировкалардан, узуклардан, кокиллардан ўзини сақлаши шарт. Бу унинг қайси кўринишидаги бизнес билан шуғулланишидан қатъи назар, хот-дог сотишми, бирор кичкина қаҳвахона ёки дўйончалар очишми, фарки йўқ.

Лекин биз ҳозир ўн мингдан ортиқ одам ишлайдиган бизнес ҳақида гапирияпмиз.

Бундай бизнесменлар орасида ёрқин белги ёки ажралиб турувчи атрибутларга эга бўлганлар йўқ. Бу иккита сабаб туфайли.

Биринчидан, уларда ўзини кўз-кўз қилиш эҳтиёжи жуда кам учрайди. Бундай инсонлар ўзига нисбатан ишончи бор ва ташки кўринишидан хотиржам бўладилар. Бошқалари эса

Мирзакарим Норбеков

бундай юксакликка кам эришадилар. Агар эришсаларда, у ерда узоқ вақт қола олмайдилар.

Иккинчидан, ғолиблар ўзларини ва ўзларининг ожизликларини назорат қила оладилар, имижнинг аҳамиятини тушунадилар. Агар уларда ниманидир кўз-кўз қилиш истаги бўлган тақдирда ҳам, улар буни сир тутадилар. Инсонда нимаики ривожлантирилмаса ва озиқа олиб турмаса, у ўз-ўзидан емирила боради.

Мен хозир нима ҳақида гапираётганимни тушунаяпсизми, қадрли китобхон? Мен миллиардерлар ҳақида эмас, хозир Сиз ҳақингизда гапиряпман! Агар феъл-авторингизда салбий қирралар бўлса, уларни озиқлантиришни тўхтатинг, аксинча, ўзингизнинг ижобий қирраларингизни ривожлантиришга ётибор қаратинг.

Демак, эркаклар, бизнеснинг бошлангич даврлардаёқ ёрқин ташки омиллардан воз кечинг. Қачонки, Билл Гейтс бўлганингизда, қачонки, ўзингизнинг биринчи миллион, миллиардингизни топишга эришгандан кейин истаганча йўл тута оласиз.

Қачонки, Сиз инсониятга жуда бой одам сифатида машҳур бўлганингиздан кейин, Сиз бу нарсаларни ўзингизга эп кўришингиз мумкин. Унгача эса бу нарсаларга ётибор қилмай турган маъқул.

Мана тасаввур қилинг, Сиз нудистларнинг пляжига бормоқчисиз. У ерда ҳамма яланғоч юради – бу меъерий ҳолат. Лекин Сиз уйингизданок ечиниб олдингиз ва бутун шаҳар бўйлаб пляжга қараб кетяпсиз. Йўлда Сизга одамлар учрайди, улар учун меъёр бу нима? ...кийим. Сизнинг пляжгача етиб бормаслигининг имкони жуда катта – ёки милицияга олиб кетишади ёки «жиннихона»га.

Ўзингизнинг шахсий ишингизни очаётганингизда, айниқса, жуда эҳтиёт бўлинг. Ташки омилларга берилган ҳамкорлар билан ишлашдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Шентакнини тажрибаси 2

Улар жуда таъсирчан, ўта ҳиссиётли одамлар.

Тўғри, ижодкорлик борасида уларга гап йўқ!

Лекин бизнесда айнан мана шу нарса – ўта ҳиссиётлилик кўпинча панд беради ва зиддиятларга олиб келади.

Нима учун рассомлар кўпинча сочи узун ва соколлари эса ўsic ҳолда юришининг сабабини айтиб беришим мумкин.

Рассом ўз асари устида ишлаш жараёнида бутунлай боши билан ижодга шўнгиг бетади, бу шундай бир ҳолатки, унинг соч-соқолини олиш учун ҳам вақт сарфлагиси келмайди: Оқибатда у «Соқолимни эртага оламан, индинга оламан», – деб юраверади.

Асарини тутатганида эса унинг соқоли кўксига тушиб турган бўлади, рассом эса аллақачоноқ бунга кўнишиб қолади.

Рассомларнинг бундай ташки қиёфасига нима ҳам деийш мумкин, «қасбий касаллик».

Лекин расм чизаётганингда эса... менинг ўзим рассомман. Ва мен бу жараённи ички томондан ҳам биламан. Сен узоқ вақт ўз устахонангда колиб кетасан, ташки кўринишингни, хусусан, юзингда ўсиб кетган мана бу соқолни мутлақо кўрмайсан, сезмайсан ҳам.

Эркакларнинг шундай нақли бор: «Бир умр соқол олиб юргандан бир марта туғиб қўя қолган яхши!»

Агар соқол олмаслик бемаъни қилиқ деб ҳисобланмаса эди, биз ҳар куни соқол олиб ўтирасидик. Биз жон деб икки-уч жуфт ҳафта ўз юзимизни киртишлашдан дам олган бўлардик... тўғрими, эркаклар?

Энди ўзимизнинг миллионларимизга қайтсак. Катта бизнесда соқолдорлик ҳам яхши қабул қилинмас экан. Мен бу соҳада қандай омиллар аҳамият касб этиши борасида тадқиқот ўтказгандим.

Соқол қўйиб олган бўлсангиз, Сиз ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш, етказиб берувчилар ва буюртмачилар билан алоқа ўрнатиш имконини 80 фоизга бой берасиз.

Мирзакарим Нофеков

Соқол ишонч кредитини пасайтиради. Ишонч эса бизнесда – энг муҳим шартлардан бири.

Соқолнинг бунга нима алоқаси бор, ғалати-ку тўғрими?

Сезгандирсиз, ҳайвонот оламида ҳам, айтайлик итлар орасида бирортаси бошқасига ўзининг тўлиқ ишончини билдирганида нима қиласди? ...бўйинни очиб кўрсатади. Буни кинолог мутахассислар яхши билишади. Бу итлар тиляда «мен сенга ўз ҳаётимни ишонаман!» деган маънони англатади.

Агар соқолингиз бўлса, Сизнинг иягинги, бўйинингиз кўринмайди. Юзингизнинг ҳам бир қисми умуман кўринмайди – бу ҳамкорингизнинг Сизни яхшироқ билишга монелик қиласди. У Сизнинг ишбилармон одам эканингизни билади. Лекин унинг учун чеҳрангизда мавҳумлик ҳудуди пайдо бўлди. Мавҳумлик эса инсонни чўчитади. Демак биргина соқол деб ҳамкорлигингизнинг Сизга нисбатан ички ишончи заифлашади.

Лекин ияк кўриниб турадиган калта соқол ишончесизлик уйғотмайди.

Азизларим, бу гапларни мўйловингизга илиб қўйинг!

Бизнесда ҳалоллик, ор-номус, лафз тушунчаси биринчи ўринда туради. Катта, росмана бизнесда. Чунки у ерда Сиз ўз обрўингизни фақат бир марта йўқотасиз. Тўғрими?

Ҳалоллик, ор-номус ва лафз тушунчаси – бу ҳақиқий эркакларгагина тегишли атама. Рицарлик – яъни жавонмардлик азалдан эркакларнинг кори аъмоли.

Чунки, чин маънодаги адолат ва аёл – бир-бирига номувоғик тушунчалардир.

Зеро, чин маънодаги адолатпарварлик инсондан кўпинча қурбонлик талаб қиласди. Адолатпарварлик эса зинҳор ўз фойдасига бўлмайди.

Ўзининг фарзандларига зиён келтириш ҳисобига адолатни устун қўйган аёллар аллақачон тарих қаърига ғарқ бўлишган.

Тентакнинг тажрибаси 2

Гап болалар ҳақида борар экан, аёл ҳар доим уларнинг ҳимоясида бўлади. Шундай эмасми ахир?

Аёл ҳар доим – адолатлими ёки адолатсизми, тўғрими ёки нотўғрими – ўзининг асосий вазифасини бажариши керак – наслни давом эттириши керак, ҳаётни эстафета бўйича узатиши керак.

Мана шундан ҳам кўриниб турибди-ки, бизнес ва аёллик мақоми – бу иккита бир-биридан тамоман фарқланувчи олам.

«Чин аёллик сўзим» дегани сиз учун нимани англатади? «Чин эркаклик сўзим» деганичи? Эътибор беринг, эркаклар доирасида «эркаклик сўзи» – бу мақтовни англатади. Агар мен бирор эркакка «сени сўзинг – аёлнинг сўзи-ку» дейишим биланок, у мени дуэлга чақиради...

Шундай экан, аёл киши бизнесда нима қилиши ва қандай йўл тутиши керак, агар ҳамкорлар унда ҳақиқий «мачо»ни, бир сўзли инсонни кўрмайтган бўлса, аксинча, ҳар сонияда ўзгариб қолиши мумкин бўлган аёлни кўришса. Тағин у «гоҳ хоҳлайман, гоҳ хоҳламайман, гоҳ қиласман, гоҳ қилмайман», – деб турса...

Нима қиласиз, хонимлар?

«Сочни калта қирқтириб, пиджак ва шим кийинг, жисмингизда косметика – камроқ, бесўнақайлик – кўпроқ бўлсин. Сигаретни оғзингизга қистириб олганча, ҳаракатларингизга ишнинг кўзини биладиган олғирлик, эпчилликни сингдиринг! Тамакидан бўғилиб, хириллаб қолган овозингиз билан дўриллаб қўйинг, ҳар бир гапдан кейин сўкиниш, афтини бужмайтурсадан бир кўтаришда ярим стакан вискини бўшатиш ва «ўзимизни йигит»ларнинг қаторига киришни ўрганинг», – дейишим керакми?!

Йўқ, асло!

Бизнес ва назокатлилик... Ким айтди Сизга булар бир-бирига тўғри келмайдиган тушунчалар деб?

Мирзакарим Норбеков

Баъзи аёллар борки, улар бизнесда албатта аёлнинг сочи калта қирқилган, ва у эркакшода кийимда, эркакона хатти-ҳаракатларга, эркакона ҳаёт тарзига эга бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар. Ишонтириб айтаманки, бу мутлақо нотўғри!

Агар Сиз ҳақиқий аёл бўлсангиз ва Сиз бизнес билан шуғулланиш учун ўз сочинизни калталатган бўлсангиз ҳам, бу Сизнинг асл моҳиятингизни сартарошхонада қолдирдингиз, дегани эмас. Ва бу жуда яхши. Агар Сиз шундай назокатли, мулоим, гўзал аёллигингизча қола олсангиз, эркак ҳамкорлар билан истаганингизни қила оласиз! Ҳа, ха, айнан шу пихини ёрган бизнесмен – бўрилар билан.

Қадрли хонимлар, Сизга калта сочнинг кераги йўқ. Катта бизнесда аёлларнинг узун сочлиги ҳаққоний ҳамкорликнинг белгиси сифатида қабул қилинади. Улар эркак бизнесменларга Сизларга маъкул қарор қабул қилишларида ва Сизларга ҳамкор сифатида ишонишларига ёрдам беради. Сизнинг вазифангиз – тўғри танланган имиж ёрдамида орадаги жарликни қисқартириш, Сизни ўзгалар ҳамкор ёки буюртмачи сифатида қабул қилиши жараёнини енгиллатиш.

Чунки аслида аёл киши бизнес борасида жуда масъулиятли. Ва улар бирор ҳамкорлик шартномаси тузишлари биланоқ, дарҳол уни бажаришга ҳаракат қилишади. Ҳар доим, ҳар қандай шароитда ҳам охиригача қатъиятли бўладилар.

Айтинг-чи, қадрли китобхон, нима учун унда ҳалигача аёллар орасидан буюк бизнесменлар чиққани йўқ?

Чунки қаерда мавҳумлик омиллари ва таваккал кўп бўлса, ўша жойда аёл ўзини бутунлай нокулей ҳис қиласди! Яна аёл кишида табиатан «сақлаб қолиш!» инстинкти жуда кучли ривожланган. Улар деярли ҳеч қаҷон ва ҳеч бир соҳада хавфли таваккалга боришмайди.

Аёлларда консерватив негиз ўзининг жуда ёрқин ифодасини топган: ўлжани сақлаб қолиш, ўзига тегишли нарса-

Пентакниң тажрибаси 2

ни, наслни сақлаб қолиш. Русларда «Осмондаги турнадан қўлимдаги читтак афзал» деган гап бор. Шарқда эса буни «Узокдаги қўйруқдан яқиндаги ўпка авло» дейдилар. Бу каби нақлларнинг бари аёлларнинг хатти-ҳаракатларига асосан келиб чиқкан.

Эркаклар эса... Ҳа, улар барча нарсани ўртага қўйиб таваккал қилиши, ўзининг давлатини икки баравар қилиб кўпайтириш йўлида қартага ҳамма нарсани тикиб юборишлиари мумкин. Рухсат берсангиз, шу мавзуда битта латифа айтиб берсам.

Бир эркак дам олиш учун Туркияга келибди. Келган куни ёк чўмилиш учун пляжга қараб шошилибди. Қараса – денгиз соҳилида одам лиқ тўла, юриб бўлмайди. Қирғоқ бўйлаб кетаверибди. Пляж тугабди, одамлар ҳам. Атроф жим-жит, ҳаммаёқ саришта, тоза. Кийимларини ечиб, денгизга шўнғибди, яйраб-яйраб чўмилибди.

Бирдан денгиз суви чайқалганча, кимдир сув остидан келиб унинг оёқлари орасидаги мулкини маҳкам ушлаб олибди. Денгиз ҳукмдори сувдан бошини чиқариб, қўлидагини қўйиб юбормасдан: «Плюс иккими ёки минус иккими?» деб сўрабди.

Эркак қўрқиб кетибди, кейин ўйлаб-ўйлаб: «Агар мен минус икки десам, бутунлай мероссиз қоламан-ку! Ундан кўра, яхиси – плюс икки деб айта қолай» деган фикрдан «плюс икки» сўзини айтиши билан сув кўпирибди, сув подшоси ғойиб бўлиб, ҳаммаёқ жимиб қолибди.

Эркак қирғоқча чиқиб олгач, ичкарига бир кўз ташлаб қўйибди, қараса у ердаги хўжалигига кўпайиш юз берибди – иккита қўнғирокчанинг ўрнига тўрттаси пайдо бўлибди. У тошга ўтирганча қайғуга ботиб ўйлана бошлабди. Қандай шармандалик, бирор кўрса устимдан кулавериб ичаги узилади!» Нима қилсан экан деб ўйланиб турганида ҳаёлига ажойиб фикр келибди: «Таваккал қилиб сувга яна бир бора шўнғийман! Анави маҳлуқ пайдо

Миғзакарим Норбеков

бўлиши билан мендан «Плюс иккими ёки минус иккими деб сўрайди, мен эса дарҳол «минус икки» деб жавоб бераман ва ҳаммаси олдингидек жой-жойига келиб қолади!» – деб ўйлабди.

Эркак хурсанд бўлиб, ўзини яна денгизга отибди. У ёқдан бу ёққа суза бошлабди. Ўзича: «минус икки, минус икки...» – деганча учрашувга тайёрлана бошлабди.

Бирдан кимдир сув остидан унинг хўжалигини маҳкам ушлаб олибди. Сув кўпириб, сув ости подшоси кўринибди ва ундан «Плюс тўртми ёки минус тўртми?» деб сўрабди.

Қадрли китобхон, марҳамат қилиб топинг-чи, аёллар ва ҳиндудлар кўчага нимасиз чиқмайди?

Жанговар бўёқларсиз! Яъниким, юз ниқобларисиз!

Аёллар, хозир Сизга мурожаат қиляпман!

Ҳурматли аёллар, менинг қадрдонларим! Чиройли бўялган лабларингиз – шу қадар эҳтирослики! Қошлигар қалам тортилган, тирноқлар ораста, пардозланган! Ҳа, чиндан ҳам аёл киши ҳамиша ва ҳар жойда худди санъат асаридек кўринишга эга бўлиши керак! Кўз қамаштиргудек!

Агар Сиз расмий учрашувга бораётган бўлсангиз, эгнингизга ишчиларнинг комбинзонини илиб олиб, юзингиз ҳам фижим бир аҳволда боришингиз мумкин, дегани эмас-ку. Ишонаверинг, эркак қаерда бўлишидан, нима иш қилишидан қатъи назар, эркаклигича қолаверади! Биринчи навбатда, у ўзининг даврасида хозир бўлган хонимларга эътиборни каратади. Уларни онг ости яъни шуури даражасида баҳолайди. Ўзингизни манфаатингизга хизмат қиласидан тарзда кўрсата олиш имкониятидан маҳрум этманг!

Илтимос, факат ошириб юборманг! Офиснинг «Тверская» кўчасига ўхшаб қолиши одамларга ёқмаслиги мумкин. Сиз «Тверская» кўчасининг нима эканини билмайсизми? Бу кўча Кремлдан бошланади ва у ерда кечқурунлари ёки қок ярим тунда ҳам «капалак» ойимқизлар туришади.

Пентакниң тажрибаси 2

Терингизни парвариш қилинг, азизларим, пардозсиз ҳеч кимга кўринманд, кўчага чиқманг! Эрталабданоқ эрингизга сездирмасдан пардоз қилиб олинг. (Бу гап эркакларга ҳам тегишли!)

Эсингиздами, аввалги суҳбатларимизда бир мақол келтиргандим: «Онангни отангга бепардоз кўрсатма!» Аёл киши косметикасиз худди пушти ранг, мечкайча, яъни чўчқа боласига ўхшайди, айниқса энди уйғонган маҳалида.

Ҳазил ўз йўлига-ю, лекин ўзини парвариш қилган, ораста аёлни кўриш ҳар доим ёқимли, тўғрими? Пичан ғарамида ҳам гуллар бўлади. Гулдаста пичан ғарамидан нимаси билан фарқ қиласиди? Гулдаста парваришланган! Буқа – бефаҳм ҳайвон, унга фарқи йўқ, пичан ғарамини ковшайдими ёки гулдастаними. Биз ахир қорамол эмасмиз-ку, тўғрими, эркаклар?!

Қадрли хонимлар, ўзингиз учун шундай манзарани тасавур қилинг. Сиз хиёбон бўйлаб сайр қилиб юрибсиз, у ер, бу ердаги ўриндиқларда эркаклар ўтиришибди. Улар қизиқиши билан Сизга тикилишмоқда. Ҳатто ёнида суюкли қизи ёки рафиқаси билан келганлар ҳам сездирмасдан Сиз томонга кўз ташлаб қўйишади. Сиз эса шошмасдан юриб борар экансиз, ўзингизни ҳеч кимни сезмаётгандек тутасиз...

Бу жуда ажойиб туйғу, тўғрими?!

Бироқ, Сиз эркак кишининг биринчи навбатда аёлнинг қаерига қарашини биласизми, айниқса аёл ўзини ҳеч ким кўрмаяпти, деб ўйлаганида? Танангизнинг қайси қисмларига қарайди, улар?

Эркак киши биринчи навбатда, Сизнинг оёқларингизга қарайди, асосан оёқларингизнинг тепасига, яъни бўксангиз, қўймучингиз дегандай. Ундан кейин нигоҳларини кўкраккача кўтаришади. Сиздаги аёлликнинг асосий белгилари, яъни чўққилару тепаликлар рельефи уларга маъқул келсагина, шундан кейин Сизнинг юзингизга қизиқиб қарашади!

Мирзакарим Норбеков

Кўп ҳолларда эркаклар «юзқўар»гача етиб боришмайди. Ва менда табиий бир савол туғилади. Аёллар, айтингчи, бас шундай экан, Сиз ким учун бўянасиз?

Агар эркаклар Сизнинг юзингизга охирги навбатда қарайдиган бўлишса, у ҳолда бўяниб нима қиласиз?

Айтинг-чи, эркаклар, Сизлардан қайси бирингиз биринчи навбатда аёл кишининг кўзларига қарайсиз?

Бу бахтсизлик Сиз билан қачон юз берди?

«Нима учун бахтсизлик?» – дейсизми? Чунки Сиз аввал аёлнинг кўзларига қарайдиган бўлсангиз, Сизда қандай муммолар пайдо бўлиши мумкинлигини биласизми? ...У билан сухбатлашгингиз келиб қолади?! Йў-ўқ, – деманг, барibir, мен ишонмайман...

Эркаклар, диққат!

Биз ўтказган тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, эркакларда табиий климакс бошланаётгандан, эркаклар фолклиридаги «олти ярим» деб аталувчи (соатнинг миллари олти яримда ожизлик билан ноилож пастга қараб осилиб ётган) даврида эркаклар аёлнинг кўзларига қарай бошлишади. Бу кўзларда улар илгари ҳеч қачон изламаган нарсани, яъни ақлни қидира бошлишади.

Афсуски, улар яна ҳеч нима топа олишмайди.

Демак, хонимлар, яна такрорлайман, билиб олинг, эркаклардан камдан-ками сизнинг юзингизга қарашади, ҳаммаси қаерга қарайди? Оёқларингизга, қоматингизга.

Ўзингиз билганингиздек, юздаги табассум ўзгалар эътиборини жалб қиласи, тўғрими?

Диққат! Энди Сизга битта сирни айтаман. Рўпарасидаги аёл табассум қилса, эркак унга қарашни қаердан бошлияди? Юқоридан! Баракалла!

Агар аёл киши ўта жиддий бўлса, эркаклар ҳар доимгидай унга пастдан қарай бошлиядилар... Тушунарлими?!

Тенгакни тажрибаси 2

Чунки аёлнинг юзидағи табассум ҳар кимнинг ҳам эътиборини жалб қиласи. Шунда улар Сизни кўриши, ҳамиша эслаб қолиши мумкин. Жиддий чехра бўлса-чи... Эркак пайқамай ўтиб кетади, чунки бунаقا жиддий башара соҳиби унда аллақачон бор, биттаси – уйида ўтирибди.

Юз ифодаси – бу ҳам алоҳида мавзу. Табассумдан ҳам кучлироқ ўзига жалб қилувчи грим бўлмайди!

Табассум идеал пардоз кучига эга. Биргина хуш табассум ёшингиздан 20-25 йилни шундок олиб ташлади. Табассум қилаётганингизда хоҳлайсизми, йўқми Сиз анча ёш кўринасиз! Терингиз ҳам анча яхшироқ кўринади. Лаб бўёғига ҳам камроқ пул сарфлайсиз!

Сиз косметика харажатларингиздан анча-мунча пул тегжаб қолишингиз мумкин! Оддий табассум ёрдамида!

Сиз юракдан табассум қилганингизда, ҳурматли хонимлар, эркакларнинг эси оғиб қоларди. Боиси у ўзига «мен бу аёлга ёқаяпман» – деб ўйлади. Чунки ҳар бир эркак аёлга аввало ўзга жинс вакиласи сифатида қарайди.

Мухтарама аёллар, ишонинг бу айнан шундай! Истисносиз. Эркаклар, шундай эмасми ахир?

Шаҳардаги барча эркаклар Сизга маҳтал, маҳлиё мафтун... Тушуняпсизми? Шундай экан, марҳамат қилиб бўлғувси шахзодангизга табассум қилинг!

Аёл кишининг қандай қиёфасига рухсат йўқ? Қачонки унда лаб ўрнига – битта чизик бўлса. Ҳар қайси эркак бундай қиздан ўзини олис тутади. Эркак киши ҳеч қачон ҳайкалга қараб таъсиранмайди, ҳатто у жуда чиройли бўлган тақдирда ҳам. Ҳурматли эркаклар, айтингчи, бирортангиз ҳайкалпарастлик касалига йўлиққанмисиз? Йўғ-а?!

Сиз енгил табассум билан юришга ҳаракат қилиб кўрганимисиз, ҳурматли хонимлар? Энди эсланг, ўшанда Сизга эркаклар хирадлик қила бошлишганми? Сездингизми ёки йўқми? Мана!

Мирзакарим Норбеков

Чунки аёл киши табассум қилганида у ҳар доим бироз думбулроқ, тантиқрок кўринади. Тантиқлар эса ҳар доим эркаклар томонидан юксак қадрланади. Чунки думбул хотиннинг ёнида ўзингни ҳар доим ақллироқ ҳис қиласан киши!

Лекин аёл киши ақлини пеш қилишга тушса, бу шундай хунук кўринадики!

Энди тасаввур қилинг, мен кутилмаганда юзингизга тарсаки тушириб қолдим. Сизнинг менга нисбатан ҳиссий муносабатингиз қандай бўлади? Мен юзингизга нақд бешта бармоғим изини туширдим. Сиз «Воҳ-ҳ! Ярамас, ҳап сеними..!» деб турибсиз. Шундай эмасми?

Аёл кишининг шумшайган башарасига нигоҳи тушган эркакнинг шу заҳоти, кайфияти бузилади. Бундай аламдийдага боқиши унда нохушлик уйғотади.



Демак, боши очиқ, қариқизлар, Сиздан илтимос, кўпроқ табассум қилинг!
Бўйдоклар, бу Сизларга ҳам тегишли!
Аёл киши ҳам одам-ку, эркак кишининг табассум қилиши унинг учун ҳам ёқимли!

Табассум қилаётган одам ўзидан яхшилик тарқатади. Олам учун ҳамиша танқис бўлган меҳр нурини таратади...

Кулиб юрсангиз, одамлар Сизга ҳавас қилишади, ич-ичидан Сизнинг ёнингизда бўлишга талпинишади.

Чунки меҳр ва муҳаббат нури инсонларни ҳамиша ўзига тортиб келган.

Марҳамат қилиб эслаб қолишга ҳаракат қилинг.
Очиқ юзли, сертабассум бўлсангиз, қаерга борманг,
Сизнинг ишларингиз юксалиб, юксалиб бораверади. Чун-

Пентакниң тажрибаси 2

ки ҳамма Сизни иши жуда бароридан келган, муваффакият ёр бўлган, омадли одам деб ҳисоблайди. Улар ҳасаддан ҳам Сизни қанотингиз остига киришни исташади ва барча фикрларингизни кўллаб, Сизга ёрдам беришади.

Лекин баъзан хўмрайиш ҳам керак бўлади. Сиз агар аёл киши бўлсангиз, бирор-бир масалани ҳал қилиш учун бошқа аёлнинг олдига боришингиз керак бўлиб қолса, яхшилаб соchlарингизни тўзғитинг, юзингиздаги бўёқларни сидириб ташланг, кийимларингиз ҳам бир аҳволда бўлсин.

Шундай қилсангиз, Сиз шу ондаёқ барча масалаларингизнинг ечимини топасиз. Чунки аёл киши ўзидан бошқа хушчақчак, омадли аёлга тоқат қила олмайди. Уларда табиат томонидан берилган азалий рақобат ҳисси бор. Улар ўзига нисбатан мафтункор аёлга нисбатан нимадир ғаламислик қилиш истагида бўлишади.

Ўзингизни кўлга олинг, мен ҳазиллашдим! Кўлга тушдингиз-а? Услуб шундай.

Биласизми, нима учун Москва метрополитенидан фойдаланувчиларни космонавтликка олишмайди? Нима учун?

Москва кўчалари ёки метросида бўлиш мен учун нақд азобнинг ўзгинаси. Чунки мен ўзимнинг айти-ангормини сирам османа москваликларнидек қила олмайман.

Табассум қилсанг – ҳамма дарҳол сенга қарайди... Биринчи навбатда милиционерлар сени тўхтатишади. Хужжатларингни сўрашади.

Кўчага чиқсанг ўзингни ҳамма қатори, меъёрдаги одамдек тута бошлайсан, ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ. Чунки атрофда ҳамма бир хил қиёфада. Башаранг хокандозу кўзлар гўё сўниб колгандек. Оғзингизнинг шакли ҳам турмушингиз ўта ёмон экани ва бундан ҳам баттар бўлиши ҳакида айтиб тургандек.

Милиционер сенга қарайди-ю, лекин шахсиятингни пайкамайди.

Чунки сенинг юзинг эътиборни жалб қилмайди. Сен ҳам – ҳамма қаторисан.

Қачонки, табассум қилиб турсанг, дарров кўзга ташланасан-қоласан – гўёки бу шаҳарга аллақаёқлардан бир баҳтли тентак келиб қолгандек, «Москва кўз ёшларига ишонмайди!» – деганлари айнан шу.

Агар кўчадан бир гурӯҳ италияликлар келаётган бўлса, биз уларни бир зумдаёқ таниб оламиз, чунки уларнинг чехраси, ўзларини тутиши бошқача. Уларда италияликнинг истараси бор.

Москваликларни дунёнинг истаган жойида таниб олиш мумкин. Чунки уларнинг юз ифодаси...

Азизларим, Сизнинг юзингиз ҳам худди Москвадаги метро аҳолисиники сингари! Жуда кўпчилигингишники!

Улардан зинҳор ўrnак олманг, илтимос, улардан ўrnак олманг! Ўзингизга ўзингиз ўrnак бўлинг. Тушуняпсизми?

Оломон, тўда эллик минг йил олдин ҳам, эллик йил олдин ҳам, беш йил олдин ҳам – бир-биридан ҳеч қандай фарқ қилмаган, қилмайди ҳам.

Биласизми, менинг танишларимдан бири космонавт. У бир сафар космосда америкаликлар билан бирга бўлган. Америкаликлар ўзларига сафдош танлашган, қайси бир космонавт улар билан бирга экипаж сафида космосга учишини танлаш учун космонавтларнинг фотосуратларини тақдим этишган. Нимагадир улар айнан менинг танишим суратини кўрсатишиб, «У биз билан учади» дейишган.

Мен нима учун айнан уни танлашди экан, деб роса ўйладим? Фотосуратли плакатларни кўрганимдан кейин эса нима учун у фазога кўтарилиганини тушундим.

Мен кўрган жойда Россия космонавтларининг суратлари бир неча қатор қилиб илинганди. Дўстим ҳам шуларнинг орасида.

Пентакнини тажрибаси 2

Нимаси билан ажралиб турди экан?

Чунки улар орасида факат дўстимгина бошқаларга ўхшамаган эди. Барча космонавтлар сизга суратдан шунаقا хўмрайган, жиддий юз ифодаси билан тикилишяпти-ку, худди имтиҳон топшириш арафасидаги талаба каби.

Менинг дўстим эса суратдан табассум билан бокяпти.

Демак, нима учун уни танлашди? Чунки америкаликлар унда ўзларининг юз ифодасини кўришган... Ўзларининг севимли, кулиб турган юз ифодаси уларнинг эътиборини тортган. Улар мана шу соҳта табассумга учган. Ва «У бизнинг экипаж билан бирга учади!» дейишган. Биргина сурати орқали уни танлаб олишган.

Америкада бу ғайриоддий америкача табассум қаердан пайдо бўлганини биласизми? Уларга буни Карнеги ўргатганми? Ёки Норбеков дарс ўтганмикан? Нима, мени шунчалик қари деб ўлайпсизми?

Азизларим! Агар шуни билмасангиз, менинг кўз ўнгимда Сиз тарихни билиш борасида бир поғона пастга тушдингиз. Аслида улар ҳам бир пайтлар худди биз сингари, омадсизлар сингари хўмрайиб юришган.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари бошида, буюк де-прессия даврида президент Герберт Гувер ҳалигача ҳам бекор қилинмаган битта буйруқ чиқарган. Яъни Америкада барчага табассум қилиб юриш ҳақида давлат миқёсидаги буйруқ эълон қилинган. Барча корхоналар ишчиларига, ташриф буюрувчиларга ҳамиша табассум қилинглар, дейилган.

Кейин бу нарса доимий одат тусига кириб – ҳамма ҳамиша табассум билан юрадиган бўлган.

Мен ҳам бу тарихий факт ҳақида илк бор эшитганимда худди сизлардай ҳайрон қолганман!

Сизнинг юзингиз яна жиддий бўлиб қолди...

Табассум қилинг, қадрли китобхон, ҳар доим ва ҳар жойда табассум қилинг!

Нима учун ўзингизни кариб-қартайгандек кўрсатасиз? Кўнгилда биз барибир ёшмиз-ку! Тўғри танамиз фақат салбий тарафга ўзгармоқда ва у энди ҳеч қачон ижобийлашмайди. Кўнгилда эса бизнинг ёшимиз аввалгидек – 16 да, тўғрими?

Агар бизни қуршаб турган олам ёшини яшаб бўлган кампир бўлса, нима учун биз ҳам кампиршо бўлишимиз керак экан? Бизлар худди «Мадагаскар» мультфильмидаги пингвинлар сингари бўлишимиз керак: «Қанотларимизни қоқиб, табассум қиласмиш!»

Қадрли китобхон, энди эътиборингизни ранглар ҳақидаги мавзуга қаратмоқчиман. Кийимдаги бир хил бичимнинг ўзи ҳам, агар у турли рангларда ва жилоларда бўлса, инсонга завқ бағишилаши ёки ҳайрат уйғотиши, ё бўлмасам, кўнгилхиралиқ, кулгу, ёнингизда узокроқ бўлиш истагини ва бошқа ўнлаб хис-туйғуларни уйғотиши мумкинлигини биласизми? Тўқ кўк рангли, йўл-йўл оловранг смокингни кўрганмисиз? Ҳамшираларни шаффоф пушти рангли, бурмали халатда кўрганмисиз? Бўлиши мумкин эмас, бу беъманни, кулгили, тўғрими?

Хўш, биз ўзимизнинг кайфиятимизга, хис-туйғуларимизга мос кийимни қандай қилиб тўғри танлашимиз мумкин? Биринчидан, бунинг учун Сизда шахсий имижмейкер бўлиши керак. Иккинчидан эса...

Бу энди қадрдонларим, Сиз учун уй вазифасининг бир қисми! Ёғ босган қўймучингизни оромкурсидан кўтариғ-да, кутубхонага боринг ёки Интернетдан излаб топинг ва рангларнинг инсон руҳий ҳолатига таъсири ҳақида



Пентакнини тажрибаси 2

бир-иккита китоб ўқиб чиқинг. Шу билан бирга кийим ва унинг ранглари орқали онг остига кўрсатилажак таъсирлар ҳақида ҳам нималардир ўқисангиз яхши бўларди. Бу Сизнинг бегона инсонларни фарқлай олишингизда яхши кўмакчи бўлади. Ўзингизнинг иккинчи ярмингизни излаганингизда ҳам, ўз бизнесингизни очганингизда ҳам, ўз жамоангизни йиға бошлаганингизда ҳам жуда аскотади. Бу таъминловчи-мижоз, ёки бошқа ҳамкорлар билан ишлаш ўзини оқлайдими, йўқми деган масаланинг ечимини топишингизда ҳам қўл келади.

Энди эса

УЙ ВАЗИФАСИ

Ўзингизга шахсий имижмейкер топинг. У қарама-қарши жинс вакили бўлиши кераклигини айтгандим. Сиз уни ёқтирадиган, у ҳам Сизни ёқтирадиган одам бўлсин. Бундан ташқари, Сизнинг «заргарингиз» сизнинг кийим-кечакларингизни қайси вазифа учун: учрашувгами, расмий учрашувгами, сайргами, тантанали кечагами танлаётганини аниқ билиши керак.

Унинг ёрдамида ўз гардеробингизни тўлдиринг. Ва бу ишни вакти-вақти билан изчил амалга ошириб боришни унутманг! (Мен буни эркакларга айтаяпман, зоро бу иш хонимларнинг ёдидан кўтарилмаслиги аниқ!)

Ўзингизга сартарош топинг. Уни ҳам имижмейкерни танлаган принципларга асосан танланг. Ёдингизда бўлсин, соч турмагингиз – бу Сизнинг рекламангиз!

Имижмейкерингиз ёрдамида ўзингизга қимматбаҳо упа-элик ҳамда атиrlар танланг. Тез-тез чўмилиб турсангиз ҳеч қандай дезодорантнинг кераги бўлмайди.

Эркаклар, Сиз турли ташқи безаклардан хусусан – турли хил илгичлар, узуклар, кокиллардан воз кечганингиз

Миғзакарим Норбеков

маңыл. Катта шаҳарда адашиб қолган папуаста эмас, эркакка ўхшанг. Мұхтарама аёллар, тақинчоқларни имижмейкер ёрдамида танланг.

Табассум қилинг, қадрдонларим, иложи борича күпроқ кулиб юринг. Айтишади-ку: «Оlamга кулиб боқсанг, Olam ҳам сенга кулиб пешвөз чиқади!»

Инсонга ранглар қандай таъсир этиши ҳәқидаги китобларни топиб ўқинг.

БЕШИНЧИ ТЕПКИ
Инсон ўз баҳтининг
бунёдкори!

Китобхон ҳайрат билан ўзини нафақат фаришта эмас эканлигини, шу билан бирга гоҳ-гоҳ шайтон ҳам эканини билиб олади. Бу уни газабга келтиради, лекин муаллифга бўлган ҳурмати юзасидан ўзини кўйла олишига ҳаракат қиласди.

Муаллиф тенкилари билан бу тук босгандарни тетиклантирганча, бу шох ва туёқларни қанот ва нурчамбарга трансформация қилиши услубини баён қиласди.

Қизиқарти воқеалар китобхонни унинг деярли ташландиқ ахволга келиб қолган ички дунёсига бўладиган сайёҳатини янада қизиқарлироқ қиласди.

Бўлим охирида муаллиф китобхоннинг қалб дунёсидаги богини обод қилишига ёрдам берувчи вазифалар беради.

Қаердандир атиргулнинг енгил ифори тараляпти.

Мен ҳар доим «Агар ўз муаммоларингизнинг айбдорини топиб, уни қалтак билан яхшилаб савалаганингизда эди, Сиз мўматалоқ қўймуч билан бир ҳафтагача ўтира олмаган бўлардингиз!» деб айтаман.

Орқа партадагилар учун қайта тақрорлайман.



Ҳаётингизда муаммо ҳосил қиласынан
үзингиздан бошқа ҳеч ким йўқ!

Ҳеч кии-и-им йўқ! Тушуняпсизми?
Шу мавзуда латифа эшитишни хоҳлайсизми?
Бир одам ўлимидан кейин маҳшарга тушибди. Унинг ҳа-
ётини тафтиш қилишмокда. Стол олдида Яратганинг ўзи,

Миғзакарим Ноғбеков

Жабройил фаришта баённома олиб боряпти. Яратган ёзил-гандарга қараб чиқиб:

Хўш, бу одамнинг қилмишлари нималардан иборат экан? Бир нечта майда пасткашликлар, ДАН инспекторларининг жарималари, хотинга хиёнат...Ўҳ! Йирик микдорда давлат пулини талон-тарож қилиш!

Кейин у маҳкум-майитга юzlаниб:

– Нима учун ўз халқингни ўмардинг? Пул камлик қилди-ми сенга? Каттагина уйинг бор, учта машина, чет элдан буёкка келмайсан, шунча нарса сенга камлик қилдими? – деб сўрабди.

Халиги одам эса сапчиб туриб, дудуқланганча тушунтира бошлабди:

– Эй, Тангрим, кечир, буларнинг ҳаммасига шайтон айбдор, у мени йўлдан урди! Ўзим ҳеч қачон қўл узатмаган бўлардим, шайтон нукул қўлимни олдинга чўзаверди, чўзаверди!

Яратган чексизлик томонга юzlаниб сўрабди:

– Хой, шайтон, бу одамни ҳақ йўлдан оздирган сенми?

У томондан овоз янграбди:

– Йўқ, Худо! Мен уни умримда биринчи марта кўриб туришим! Уни бошимга ураманми!

Шунда Яратган Жаброилга юzlаниб, дебди:

– Хўш, Жаброил, ёзиб кўй: «Бандаси яна бечора шайтонга туҳмат қилди!»

Тушуняпсизми, қадрдонларим?

Ожиз инсон доим жавобгарликни кимга юкласам экан, деб қидиради! Кучли одам эса аксинча, жавобгарликни доим ўз зиммасига олади! Ожиз одам бундан янада ожиз бўлиб боради. Кучли эса янада кучлироқ бўлади!



Пентакнини тажрибаси 2

Нимага шама қилаётганимни билишни истайсизми?

Мен аввалги бобларда Сизга қандай килиб ўз ҳаётингизнинг шахзодаси (маликаси) бўлишингиз ҳақида жуда кўп фойдали маслаҳатлар бергандим.

Уларнинг бариси минглаб инсонларда синалган, муваффақиятнинг эҳтимоли 101 фоиз. Гўёки шундай, оласан-у фойдаланаверасан! Муваффақият кафолатланган, оиласий ҳаёт қуриш кафолатланган, саломатлик кафолатланган, тўкин-сочинлик кафолатланган!

Лекин битта нозик ва қалтис томони бор! Шахсий ожизликларингиз ўзингиз билан шуғулланишга халақит берishi мумкин! Халақит берадими ёки йўқми? Агар халақит бермаса ва Сиз бор кучингиз билан менинг тавсияларим асосида ишлайтган бўлсангиз, бу бобни ўқиб ўтиришингизга ҳожат ҳам йўқ. Сизнинг ҳамма ишларингиз рисоладагидек.

Лекин Сизни куч йиғиш учун куч-қувватни қаердан олиш масаласи жиддий хавотирга солаётган бўлса, ушбу бобнинг саҳифаларига хуш келибсиз!

Марҳамат қилиб айтинг-чи, биз Сиз билан бу ерда нима билан шуғулланяпмиз? Ўзимизни англашга уриняпмизда-а?

Лекин Сиз кўзгуга қараганмисиз? ...Оғзингизга қарадингизми, қулоқларингизга-чи? Бурнингизни ковлаб кўрганмисиз? Мана буни имлй изланиш дейилади, агар ковлаб бирор нарсаннинг тагига етсак бу – анатомия дейилади.

Қаердадир нимадир ғулдираса, бу – физиологияни ўрганиш, дейилади.

Қачондир Сизнинг ҳаётингизда шундай лаҳзалар юз берган бўлса, яъни қачонки Сиз ўзингизни ёмон ҳис қилсангиз, атроф-оламда ҳамма нарса яхши, лекин сизнинг ички дунёнгиздаги ахвол чатоқ бўлса... Бу Сизнинг психология билан қизиқа бошлаганингизни англатади.

Аксинча, агар ҳолатингиз жуда яхши, кувончли бўлса-ю, қолган ҳамма бу пайтда ўзини жуда ёмон ҳис этиб, нимагадир атрофингизда югурга бошлашса, бу жиноятни ўрганиш дейилади... яъни жиноят психиатриясини ўрганиш деб аталади.

Физикани ўрганганмисиз? Шундай фан бор! Бу соҳада миллионлаб одамлар докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишган, Ньютоннинг биномлари ҳақида, позитронлари ҳақида оғизларини кўпиртириб гапиришган.

Кимё-чи?..

Ҳамма нарса ҳақида фанлар мавжуд.

Ақл-идрок ҳақидаги фан-чи? Мантиқ, фалсафа.

Сўзлаш санъати-чи? Воизлик, нотиқлик.

Физиология ҳақида эслатиб ўтдик, касалликлар аспекти ҳақида бўлса – патафизиология.

Нималарнидир ҳисоблаш фани – математика.

Дуч келган нарсани эмас, пулни ҳисоблаш фани – иқтисод. Маконда предметларни топиш фани – геометрия.

Шилимшиқлар ҳақидаги фан қандай номланади? Зоология.

Ўсимликлар ҳақидаги? Ботаника.

Тирик нарсалар ҳақидаги фан – биология.

Ўликлар ҳақидаги, бошқа одамнинг ички дунёсидаги изланишлар ҳақидаги фан? Паталогоанатомия.

Ер ҳақидаги фан – геометрия. Ер ости, фойдали қазилмалар ҳақидаги фан – геология, геофизика, геодезия.

Юлдузлар ҳақида-чи? Астрономия.

Қаерга қараманг, ҳамма ёқда фан, фан, фан. Ҳамма нарса ҳақида фан бор! Қойил қолиш мумкин!

Барча фанларнинг номини билиб олишнинг ўзидаёқ – профессор бўлиш мумкин!

Барча, барча фанлар мавжуд, турли-туман фанлар уюми. Ҳаммадан ҳам қизиги, битта ягона фан йўқ. Ҳайрон қолсан! Бундай фан мавжуд эмас!

Қайси фан экан бу? А?

Ҳаммасидан ҳам энг қизиги шундаки, 35 йилдан буён шу саволни доим одамларга берип келаман, лекин ҳали ҳеч ким, бирон марта унга жавоб бера олган эмас! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, инсониятнинг бутун мавжудлик давридан буён ҳали бу фан яратилган эмас.



Дикқат! Битта фан мавжуд, ўзининг мавжуд эмаслиги билан машҳур! Бизни ўраб турган теварак-оламда бу фан йўқ!

Агар Сиз қаердадир бу ҳақда фан мавжуд деб, ёки китобини ўқисангиз, Сиз бу китобни ташлаб юборишингиз мумкин... Чунки буюк Яратган эгам қачонлардир, жуда қадим замонларда бу фанни, бу ҳақиқатни шундай жойга бекитганки, инсон ҳеч қачон у ерни излаб тополмайди.

Лекин У ҳақиқат изловчилардан фақат ўзларининг ички дунёсида нимадир етишмаётганини англаб етганларигина буни топа оладилар, деб айтган!..

Инсоннинг ҳаёти айнан мана шу нарсага таяниб турибди.

Инсоннинг барча муваффакият ва мағлубиятлари айнан шунга таянган. Қачонки бу нарса инсоннинг моҳиятига айланса, инсоннинг ички ҳолатига айланса, инсон у сабабли жуда кучли бўла олади, шундай инсон атрофида дарҳол бошқалар тўплана бошлиди! Улар бу инсон томонга қараб талпинадилар, худди ёруғликка, нурга интилгандек!

Энди марҳамат қилиб, диний таълимот ҳақида эсланг. Инсондаги ҳеч ўзгармайдиган яккаю ягона нарса нима? Биз нима билан бу дунёга келамиш-у, нима билан ундан кетамиш? Тана ўзгаради. Қалб ўзгаради. Ақл-идрок ҳам ўзгаради. Бутун тирик жонзотнинг олий моҳияти нима?

Руҳият!

Атрофимизда бизни ўраб турган инсонларнинг кай жиҳатларини кўпроқ қадрлаймиз, биринчи навбатда эркакларда? Унинг ташки кўриниши, машинаси, кийимини, пуллариними?

Йўқ, асло. Унинг руҳиятини!

Агар унинг руҳият кучи юқори бўлса, инсон ўз ҳаётида ҳамма нарсага эриша олади. Руҳиятга жуда кўп нарса боғлиқ, унинг ривожланмаганлигига ҳам...

Парвардигор инсонга унга асқотиши мумкин бўлган барча фанларни берди.

Маъданлар ҳақида, ўсимликлар ҳақида, ҳайвонлар ҳақида, инсон ҳақида, тана, ақл, идрок ҳақида, қалб ҳақида фанлар бисёр...

Лекин дастлаб азалдан битта ягона фан инсонларга беришмаган. Бу фан Руҳият ҳақидаги фандир.

Нима учун?

Чунки бу фаннинг илми ёрдамида инсон Парвардигор ёнига кўтарилиши ва у билан бир даражада бўлиб қолиши ва унинг ишларига аралаша бошлаши мумкин.

Ернинг ўзида жаннат яратиб олиб, ўзининг самодаги Яратувчиси ҳузурига қайтишга шошилмай қўйиш мумкин. Жуда кўп ишларни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши эҳтимолдан ҳоли эмас!

Шунинг учун Яратган бу билимларни энг кўринадиган жойга бекитди. Уни ҳеч ким изламайдиган ерга – яъни инсоннинг ўзига яшириб қўя қолди.

Руҳият ўзи нима? Кўпчилик қалб билан руҳиятни адаштиришади. Аслида улар бутунлай бошқа-бошқа нарсларди!

Ер юзида ҳамма даврларда ҳам шундай инсонлар бўлишган-ки, улар бошқалар сингари бу ўлдузли осмон остида тинч-хотиржам ухлаб, ором олишмаган.

Тенгтақнини тажсифаси 2

Улар ҳақиқат излашган. Ўрмондан излашган, тоғдан, чўлдан... Излаган – имкон топади, тўғрими?

Ва излаганини топгандан кейин, Руҳиятнинг кучини, имкониятларини тушуна бошлашганида улар жунбушга келишган. Сўнгра эса – даҳшатга. Чунки улар бу фанни оддий инсонларга бериш мумкин эмаслигини тушуниб қолишган.

Оддий одам, табиатан худди «Мана улгайсам, катта бўлсам, ўзим учун қандолат фабрикаси сотиб оламан ва у ердаги ҳамма шоколаду конфетларини еб қўяман!» деб орзу қиладиган ёш бола кабидир.

Руҳият ҳақидаги фан қолган ҳаммасини йўққа чикаради!
Унинг олдида бошқа фанлар иш бермайди!

Унинг олдида бошқа ҳеч қандай қонунлар ишламайди.

Чунки бизнинг Руҳиятимиз – бу Яратганинг бир зарраси. Қачонки биз ўзимизнинг Руҳиятимизни англаб етсак, у билан бирга биз Яратгани ҳам англаб етамиш. Шу билан бир пайтнинг ўзида бизда Илоҳий имкониятлар намоён бўла бошлайди.

Инсон Руҳияти ўз соҳибига улкан имкониятлар бахш этади. Бироқ афсуски, Руҳиятнинг нималарга қодир эканлигини камдан-кам одамларгина била оладилар.

Руҳият – иродада учун эркинлик беради.

Ирода эркинлиги – Сиз лоақал, бунинг нима эканини тушуниб ета оласизми? Англаб етишга ҳаракат қилинг!

Муқаддас китобларда айтилишича: Исо алайҳиссалом: «Агар сен тоққа қараб, эй тоғ, кўтарилгин-да, денгизга туш десанг, айтганингни амалга ошишига заррача шубҳа килмасанг, тоғ кўтарилади-да, денгизга тушиб кетади!» – деб айтган экан, эслаяпсизми шу сўзларни?



Суҳбатимизнинг олий мақсади – Ўз

Руҳиятимизни излаш учун йўлга
отланиш, уни англаб етиш!

Мирзакарим Норбеков

Бунда биз нимага суюнамиз? Учта асосга: танага, ақл-идрокка, калба.

Қачонки, тана, ақл-идрок, қалб бақувватлашса, улар ўзларидан куч ишлаб чиқара бошлилади. Бу куч томчи-томчидан йигилиб бориб, ирова деб аталмиш күлгә айланади. Бу күл бора-бора Рухият деб аталмиш уммонни ташкил этади.

Тана эркинлиги – бу Сизнинг моддий эркинлигингиз – бунга айтарлик даражада енгил эришилади. Бу энг оддийси! Оғирроғи – ақл-идрок эркинлиги. Үндан ҳам оғирроғи – бу қалб эркинлиги. Энг оғири – Рухият эркинлиги.

Сизлардан ҳар бириңизга бу түрт эркинликнинг ҳаммаси керак бўлади, аскотади.

Инсондаги рухият энди-энди уйғона бошлаганида, унда минг-минглаб Нима учун? Нима учун? Нима учун? деган саволлар пайдо бўлади.

Яратган илк бора мана шу тарзда, Сизнинг «нима учун»ларингизда намоён бўлади...

Ақл-идрок орқали Яратгани англаб етишнинг иложи йўқ. Қалб орқали Уни таниб ололмайсиз. Тана орқали-ку умуман иложи йўқ.

Рухият орқали боқсангиз, Сиз бирдан У олдингизда эканини ҳис этасиз! ...У Сиз билан мулоқот қиляпти! Илтимос, бу нарсани ҳис қилишга, бундай лаҳзани қўлдан бой бер-масликка ҳаракат қилинг...



Пентакниң тажрибаси 2

Азизларим! Менинг қадрдонларим! Айни шу дамда Сизнинг камтарин қулингиз улкан қайғуни, қайғу ва ҳасратни ҳис қилмоқда... бу андуҳ шунчалик улкан-ки, гёё бутун оламга татигулиларидир. Минг афсуслар бўлсинки, Сизлардан жуда кўпчилигингиз биз хозир нима ҳақида гапирганимизни тушунмадингиз.

Албатта, бу Сиз эмас... бошқалар... Сиз ахир тушундингиз-ку... Илоҳим, шунақа бўлсин! Илоҳим, шундай бўлсин...

Мана шу сабаб у ёғига давом этишга рухсат берсангиз. Бу мавзу Сизга малол келса ва Сиз учун оғирлик қилса ҳам...

Сизнинг камтарин қулингиз Сиз ўзингиздаги илоҳий имкониятларни кашф қиласиз деганда, Сизга Яратганинг ўзи бўлиб қоласиз деган, маънони назарда тутмаган эди... гап бор-йўғи шу ҳақда эдикি,



Сиз Яратганинг айнан ўзисиз! Ҳар бириңиз!

Азизларим, бу фақатгина чиройли сўзлар эмас.

Менинг ўрнимда бўлсангиз, Сиз ҳам анча-мунча чиройли сўзлар айта олган бўлардингиз.

Лекин мен учун бу шунчаки чиройли сўзлар эмас. Бу менинг меҳробим.

Ҳар бириңизга қараб «Худо самода, боши узра нурчамбар тақиб, соқолларини узун кўйиб олганча булутлар орасида ўтирумайди...» деб айтгим келади. Сенинг ўзинг Худосан! Кўп эмас, кам эмас, айнан ўзи!»

Тасаввур қилинг, модомики Яратганинг ўзи ҳам инсон танаси сингари тузилишга эга экан, инсон танаси, Унинг

Мирзакафим Норбеков

ҳар бир ҳужайраси – биз инсонлар. Ҳар биримиз. Бизнинг ҳаммамиз. Мана шу миллиардлаган ҳужайралардан Аллоҳ Таоло яралган!

Ҳар биримизга Аллоҳ Таолонинг зарраси жо этилган!

Саратон ўсимтасининг ҳужайраси – бу саратон ўсимтаси дегани, азизлар! Аллоҳнинг ҳужайраси – Аллоҳнинг ўзи.

Фақат афсуски, биз Сизлар билан қандайдир қуриб-қашаб қолган, хаста ҳужайралармиз. Агар биз ўзимизни англаб етсак, у ҳолда бу зарра нури янада ёрқинроқ зиё таратади! Тангри ҳам янада кучлироқ бўлади!

Ўзингизнинг Аллоҳ Таолонинг зарраси эканингизни тан олишдан олдин, авваламбор, Тангрининг ким ва нима эканини ҳис қилиб кўриш керак. Бунинг учун эса эзгулик нима, муҳаббат нима эканини ҳис этиб кўриш лозим бўлади... Чунки буларнинг ҳаммаси битта нарса, қадрдонларим! Битта нарса!

Биз Сиз билан ҳаётингиздаги барча муаммоларнинг энг яхши ечимини топиш учун энг яхши устозлардан, энг яхши маслаҳатларга эга бўлиш техникасини кўриб чиқаётган эдик...

Агар Сиз эътиқодли инсон бўлсангиз, ўзингизнинг Яратган ҳақидаги тасаввурингизни, ҳис-туйғуларингизни, тушунчаларингизни ўзингиз учун устоз деб билинг!

Сиздаги Яратганинг сифатларига зид барча нарсалар билингки – бу шайтондан. Сиздаги Аллоҳникига ўхшашлик деб ҳисобланган фазилатларнинг бари – Худодан.

Мана Сизга яна битта Устоз!

Яхшилаб ўйлаб кўринг, Худога нима хос-у, Сизга хос эмас? Ёки аксинча, Худога нима хос эмас-у, Сизга эса хос? Агар Сиз ўзингизда бундай тафовутни топсангиз – уларни бартараф этишга харакат қилинг!

Пентакниги тажфибаси 2



Қандай қилиб ёмон ишларни бартараф этиш керак? Аллоҳга хос бўлмаган ёмонликларни қилишдан ўзни тийиш орқали! Шунчаки қилмаслик, орқали. Қандай қилиб яхшиликни кўпайтириш мумкин? Алоҳга хос бўлган ишларни амалга оширишни бошлаш! Шунчаки, эзгу ишларни бошлаш лозим!

Аллоҳ кимдандир нафратланиши, кўргани кўзи йўқ бўлиши мумкинми? Аллоҳ – бу меҳр-муҳаббатнинг ўзи! Ўзингиздаги нафратни топинг, ўзингиздаги муҳаббатни топинг!

Аллоҳ кимдандир хафа бўлиши мумкинми? Кимгадир нисбатан ғаразли бўлиши-чи? Ўзингиздаги ранж-алам, хафаликни топинг, ўзингиздаги кечиримлиликни топинг!

Аллоҳ ҳеч қўли ишга бормай қолиши мумкинми? Йўқ! Ҳамма нарса мутлақ Унинг қўлида ва ҳеч нима Унинг қўлидан тушиб кетмайди!

Ёки Сиз қачондир бўлса ҳам Аллоҳнинг қаердадир ишлаганини эшитганмисиз? Ёлланма ишда... ҳисобчи, ёки ўринбосар бўлибми? Йўқми? Бош директор бўлиб-чи? Йўқ!

У ҳеч кимга бўйсунмайди! У ҳаётнинг ҳукмрони! Сиз эса шундай Илоҳий имкониятларга эга бўла туриб, Худо билади, нималар билан бандсиз!

Агар Сизда ўзингиз билан ва ёки атроф-олам билан бирор бир зиддият бўлса, ўзингизнинг ички дунёнгизга, ички дунёнгиздаги Аллоҳга бокинг. Улар орасидаги тафовутни топинг!

Аллоҳни таниш орқали Сиз ундан қайси жиҳатларда ортда қолаётганингизни ўрганишингиз мумкин.

Барча диний таълимотларда бизга нима дейилганига эътибор берганмисиз?

Агар мусулмон бўлсангиз – Қуръони каримда, агар насроний бўлсангиз – Инжилда, агар яхудий бўлсангиз – Тавротда айтилган. Нима деб айтилган?

Ўзингни сев! Ўзингни ҳурмат қил! Агар сенда бунинг учун арзирлик ҳеч нима бўлмаса ҳам, барибир нимадир излаб топ ва яхши кўр, ҳурмат қил!

Сиз мана шуни тушуна олдингизми?



Ҳеч қаерда – изтироб чек, деб айтилмаган! Ҳеч қаерда – ўзингдан нафратлан, деб айтилмаган! Ҳеч қаерда ўз кучингга шубҳа билан қара, ўзингга ишонма, деб айтилмаган!

Ҳеч бир муқаддас китобда, сен ночор-нотавонсан, деб айтилмаган!

Яқинларингизни худди ўзингизни севганингиз сингари севинг – уларга эътибор беринг!

Қадимда китоблар жуда кам бўлган, қоғоз ундан ҳам танқис, камёб матоҳ эди. Муқаддас китобларда мингминглаб йилларнинг донишмандлиги жамланган, тушуняпсизми?

Муқаддас китоблар бу ҳаётда қандай йўл-йўриқ тутиш кераклиги ҳақидаги бутун бошли дастурул амал-ку! Уларда турли ҳолатларда ўзини қандай тутиш лозимлиги борасида ҳамма соҳа бўйича аниқ қўлланмалар бор!

Сизнинг камтарин қулингиз диний арбоб эмас. Албатта, шундай бўлишни истардим, лекин Аллоҳ таоло билан ҳеч

Пентакниң тажрибаси 2

бир шахсий танишлигим ҳам йўқ. Бу ерда биз динни фақат илмий нуқтаи назардан кўриб чиқяпмиз!

Сиздаги имкониятлар чексиз, ҳаётнинг истаган томонини олинг – Сиз ҳаммасини уddyалай оласиз! Ўз онгингизда қандай қудрат ётганини Сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Агар Сизнинг ҳаётнингизда қандайдир муаммолар мавжуд бўлса, булар – фақат Сизнинг ўз имкониятларингизни ҳали тўлиқ билиб ололмаганингиз туфайли мавжуддир!



Мехр-муҳаббат, ижодкорлик, яратувчилик – бу Сизга азалдан Тангри томонидан иноят қилинган фазилатлардир!

Кўриш, ҳис қила олиш, амр қилиш – булар ҳам Сизда азалдан мавжуд!

Мен буларни Сизга амалиётчи сифатида, анчадан бўён бирон нарсага ҳайратланмай қўйган амалиётчи сифатида айтмоқдаман!

Лекин мен Сизнинг азоб чекаётганингизни, аввалгидек ўзингизнинг ички ожизликларингизнинг қули бўлишда давом этәётганингизни кўрганимда, Сизларнинг ҳар бирингизни бўғиб қўйгим келади! ...Ўзимни ҳам, негаки, Сизларни ҳаракат қилишга етарлича мажбурлай олмаяпман!

Холбуки, бизлар Сизни бирон нимага ўргата олмаймиз, биз Сизларга фақат Рухиятингизни излашингиз, ўзингизни излашингиз учун туртки берамиз холос. Агар Сиз бу ишни қилмасангиз, ҳеч ким Сизга ёрдам бера олмайди, Сиз ҳеч кимга керап эмассиз!

Ўзингизга тенг бўлишга, етишишга ҳаракат қилинг, менинг дўстларим, қадрдонларим, яқинларим, энг яхшиларим. Ўзингизга тенглашинг.



Тана – бу ҳали инсон дегани эмас! Ақл-идрок – бу ҳали инсон дегани эмас!
Қалб – бу ҳали инсон дегани эмас!
Ҳаммаси бир бўлгандагина – Инсон!
Инсон эса – бутун бошли Коинот демакдир!

Рухият ҳақида сұхбатлашамизми?

Аввал бошиданоқ менинг ҳам кўпроқ айнан Рухият ҳақида сұхбатлашгим келаётган эди.

Бизларнинг ҳаммамиз ҳам тана, ақл, қалб ҳақида қандайдир тасаввурга эгамиз, тўғрими? Озми-кўпми қандайдир тушунчага эга бўлдик...

Энди фақат Рухиятнинг ким ва нима эканини топиш қолди.

Уни топишнинг эса ўзи бўлмайди. Чунки Рухият ҳар доим ҳис-ҳаяжондан ҳоли. Муваффақиятга эришганингизда ҳам, қувончда ҳам, ғамда ҳам, кўркувда ҳам, ҳатто жар ёқасида осилиб қолганингизда ҳам. Сизнинг ички дунёнгизнинг шундай бир қисми борки, у Сизни шунчаки кузатиб туради.

Агар эътиборли бўлсангиз, эҳтимол, Сиз уни пайқагандирсиз.

Ҳатто ҳозир кимдир ўйга толган ҳолда, кимдир юзаки ҳам китобни вараклар экансиз... лекин бу пайтда ҳам Сизнинг ички дунёнгизнинг шундай бир қисми борки, у Сизни кузатиб туриди.



Ҳозирнинг ўзидаёқ ўзингиздаги мана шу кузатувчини, мана шу қайд килувчини топишга ҳаракат қилиб кўринг... Зеро, айнан шу Сизнинг Рухиятингиздир!

Сиз у билан танишиб олишингизга ва уни яхшилаб ўрганишишингизга тўғри келади!

Рухиятнинг кучлилиги ва ожизлиги тана, қалб ва ақл-идрок билан шаклланади.

Улардан истаган бирининг кучсизланиши Рухиятнинг кучсизланишига олиб келади. Улардан истаган бирининг кучайиши Рухиятнинг кучайишига олиб келади.

Рухият тана туфайли кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Рухият ақл-идрок туфайли кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Рухият қалб туфайли кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Рухият ўзи туфайли кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин – яъни ўзининг машқ қилганлиги ёки машқ қилмаганлиги туфайли.

Энди эса мантиқий фикр юритиш орқали ўз Рухиятингизни кучайтиришга киришишингиз мумкин.

Бунинг учун аввалига танангизни кучайтиришингизга тўғри келади. Сўнгра ақл-идрокни. Охир-оқибат қалбни. Ёки буларнинг ҳаммасини бир вақтда ва бирданига.



Хар гал ўз танангиз устида, ақл-идрокингиз ёки қалбингиз устида ишлар экансиз, ички кузатувчинигиз ўзини қандай тутишига эътибор қаратинг!

Ўз руҳиятингизга қанча тез-тез эътибор қаратсангиз, у шунчалик кучли бўлиб боради. Ўз ички кузатувчингизни кўпроқ, кўпроқ, кўпроқ изланг, у билан бирлашиб кетишга ҳаракат қилинг.

Руҳиятнинг ҳолатига тана, ақл-идрок ва қалб қандай таъсир қилади? Буни кичик бир мисол орқали Сизга аниқ кўрсатиб беришга ижозат этсангиз.

Эслаб кўринг, болалик пайтингиздаги шундай бир ҳолат: кўшни хона эшиги қия очиқ қолган, у ер эса қоп-коронги. Бу болада – яъни Сизда қандай туйғуларни пайдо қилганди?

Аввало қизиқиши ва шу қизиқиши билан бир пайтнинг ўзида қўркув.

5 ёшгача бўлган болалар бир-бирини нима деб қўрқитади? «Каравотнинг тагида нимадир бор!» – деб, тўғрими?

Нима учун? Чунки у ер коронги ва ҳеч нима кўринмаяпти. Мадомики, ҳеч нима кўринмаётган экан, улар ўз фантазиялари орқали у ерда нимадир пайдо қилишади.

Улар бир-бирини ёлғондакам қўрқитишганда ҳам ростакамига қий-чув қилиб чинқиришади... Улар ростакамига қўрқишиади! Яъни айтмоқчиманки, уларда қўркув уйғотаётган нарса нима? Мавхумлик... Номаълумлик!

Мана шу мавхумлик ва номаълумлик бизнинг ақл-идрокимизга таъсир этади. Зарурий билимнинг бўлмаслиги натижасида ақл-идрок танада қўркувдан титроқ ва совуқ терни ҳосил қиласди.

Қалб «Эҳтимол у ерда алвасти бўлса-чи... у ҳозир сапчиб чиқади ва мени ямламай ютади» қабилида тасаввур юрита бошлайди... Ва у ...хавф-хатар сезгисини шакллантиришда давом этади..!

Пентакни таъсифибаси 2

Руҳият эса бу пайтда кучсиз бўлиб қолади ва ожизона титрай бошлайди. Сизни каравот остига қарашга мажбурулар ўрнига, қандай қилиб тезроқ ошхонага – онангизнинг олдига олиб чиқиши ҳақида ўйлай бошлайди.

Сизни каравот остига мўралашга нима мажбур қила олиши мумкин? Албатта Ирода, зинхор қизиқувчанлик эмас!

Агар каравотнинг таги-коронги бўлса, қанақа қизиқувчанлик ҳақида гап бўлиши мумкин?! Устига-устак яна у ерда нимадир қитирлаётган бўлса!

Сиз каравот остида бор-йўғи сичқонча ўтирганини ва у ерда ҳеч қандай алвасти йўқ эканини билсангиз, Сизнинг Руҳиятингиз англаб етиш орқали мустаҳкамланади, Сизнинг Руҳиятингиз янада кучлироқ бўлгандан сўнг эса, кейинги сафар Сизга каравот остига мўралаш осон кечади.

Энди эса ёш боладаги ана шу ҳолатга ўзингизнинг ҳозирги аҳволингизни таққосланг. Чунки аслида Сиз ҳам ўша болакайдан ҳеч нима билан фарқ қilmайсиз.

Демак, Руҳиятингизнинг энг асосий таянчи, уни кучли қилишда Сизга бош ёрдамчи – бу иродга экан! Яна – ўзингизнинг шахсий қўркувингиз ва шахсий эътиrozларингизни енгib ўта олиш қобилияtingиз ҳам муҳим. Сизнинг қўркувингиз эса – Сизга ҳамиша қўрқинчли воқеаларни гапириб берувчи тузалмас ёлғончи. Худди бир пайтлар болалар дам олиш оромгоҳларида ухлашга ётгандан кейин бўлгани сингари. Эсингиздами?



Демак, Сиз Руҳиятингизни нафақат танани кучли қилиш, балки ақл-идрокни, қалбни кучли қилиш орқали, шу билан бирга ўз иродангизни кучли қилиш орқали ҳам кучайтириб борар экансиз.

Миғзакарим Норбеков

Қалб, ақл-идрок ва тана ҳаракатсизликка интилган бир пайтда, Сизнинг Руҳиятингиз ҳаракат орқали кучга киради. Руҳиятингиз ҳар кунги кичик-кичик ғалабалар ҳисобига мустаҳкамланиб боради. Эҳ-ҳа, Сизга бирдан улкан ғалабани тақдим этишинми? Ҳоҳладингиз ва «куф-суф» – дарҳол қаср пайдо бўлиб қолсинми?! Лекин бунақаси факат эртакларда бўлади-да.

Ҳаётда эса ҳаммаси биринчи ғиштдан бошланади! Қурилишнинг ўзи ҳам кўпинча жуда узоқ ва серғалва, ташвишли бўлади.

Баъзан биз нолиб қоламиз: «Бошимга ураманни буларни? Тинчгина ўтиргандим-ку! Ким айтди ўзи менга буни?! Мана, ўзимга қаср қуряпман!»

Лекин барибир, қурилиш тугаганидан кейин, бинога пардоз бериш ишлари якунига етгач, ичкарига кирганингизда – ўзингизга нисбатан аллақандай ҳурматни ҳис этасиз. «Баракалла, шоввозд! Бошқалар қандай яшашяпти, билмадиму, аммо мен мана шундай шоҳона яшайман!»

Ишонмасангиз, синаб кўринг! Лекин бу анча узоқ давом этадиган жараён! Руҳиятингиз иродангизнинг майда ғиштчалиридан таркиб топган. Ғиштчалар ўз-ўзини мажбурлай олишдан тайёрланади. Қилиниши керак бўлган ишларни кейинга қолдирмаслик, ўзидаги ҳар кунги майда-чуйда эътиrozларни, тантикликларни енгуб ўта олишдан ташкил топади.

Бу қанчалик қийин бўлишидан қатъи назар!

Хар қандай ҳаракат ёки иродани машқ қилдиради, ёки иродасизликни!

Кун давомида биз нима қилмайлик, ё иродани кучайтиришга, ёки иродасизликни кучайтиришга хизмат қиласиз. Учинчи варианти бўлмайди!

Пентакниң таҷтибаси 2

Демак, биз Сиз билан ўзимиздаги ялқовликни излашимиз керак ва шу заҳоти ўзимизни – нима қиласиз? Уни бартарафи этишга ...Мажбурлаймиз!

Чунки ҳар гал ўзингиздаги «ҳоҳламайман – бажармайман» деган истакни қондириш орқали Сиз иродасизлик томонга бир қадам яқинлашасиз. Сиздаги иродасизлик эса миттигина, кичкитойдан улкан маҳлуққа айланиб олади-да, ажойиб кунларнинг бирида Сизнинг барча орзулалингизни пакъос туширади! Ҳатто, рӯёбга чиқмаган бутун ҳаётингизни ямламай ютади!

Ўзингиздаги ўз ялқовингизни излаш бўйича бироз машқ қилишни ҳоҳлайсизми? Тасаввур қилинг, Сиз уйга келдингиз. Пальтодасиз. Устки кийимни ўзида чарчаган ҳолда ўтириб олдингиз: «Уф-ф!» – дейсиз.

Бошингизда «Ечиниш керак эди-да...» – деган фикр айланяпти.

Лекин ёқмаяпти-да, тўғрими?

«Яна бироз ўтираман...» – дея эснайсиз.

Телевизорни ёқасиз. Томоша қилиб ўтирибсиз.

Ички овоз эса: «Ҳой, қарасанг-чи, устингдаги қор эриб, гиламга тушяпти... Ҳозир ўрнингдан туриб, кийимларингни алмаштирангчи-а?» – деяпти.

«Бирпасгина шошмай тур, ҳеч бўлмаса, ярим соатгина... бирозгина диванда ётиб турай...»

«Қани турақол, ҳеч бўлмаса пойабзалингни еч! Қор эриб кўрпачага оқиб тушяпти!»

«Бирпасгина, бирпас, бирпас шошмай тур...»

Тасаввур қилдингизми? Бундай воқеалар ҳаётингизда бўлганми? Таниш ҳолатми? Биз бундай пайтда нима қиляпмиз? Нимани машқ қилдик? Марҳамат қилиб ўйлаб кўринг-чи!

Биз ўз иродамизни қандай қилиб машқ қилдиралими?

Бу машқнинг энг оддийси ва энг самаралиси – спорт орқали машқдир. Биз Сиз билан бу ҳақда китобимизнинг бошидаёқ гаплашган эдик, эслайсизми?

Спорт залига боргингиз келмай қолган пайтлар бўлганми? Ҳеч «Шу бугунги машғулотни ўтказиб юбораман-да, лекин эртага албатта бораман» – деганимисиз? Шунақаси ҳам бўлади-ку, тўғрими?

Бу ўзингиздаги «хоҳламайман – бажара олмайман – бажаришни истамайман» деган бемаъни истакни енгиб ўтишингиз орқали, Сиздаги иродасизлик ва ироданинг ўзаро тўқнашуви.

Марҳамат килиб энди қуйидаги ҳолатга эътибор беринг.

Мисол учун, эрталаб соат қўнғироғи билан уйғонгандан бошлаб, то югуришга боргунга қадар Сизда қандай хиссийтлар пайдо бўла бошлайди?

Эринчоклик, ҳеч нарсани хоҳламаслик!

Сўнгра ўрнингиздан туриб, югуриш йўлагига қараб борар экансиз – яна ортга қайтиш истаги сизга эргашади!

Шуғулланиб турганда, машқларни бажараётганда ҳам Сизда яна машқни тўхтатиш фикри пайдо бўлади, тўғрими? Ўтириб олиш... «Майли, бугунча бошқалар шуғулланиб турсин... Ўзингни аясанг-чи, ҳеч бўлмаса бир кунгина ўтириб тур... ўзингни кўпам уринтираверма...» – дегандай ўйлар.

Ҳаммаси ортда қолганидан кейин эса нима юз беради?

Ўзингизга нисбатан миннатдорлик туйғуси, тўғрими?

Нимагадир эриша олганингиздан қониқиши ҳисси!

Машғулотдан кейин, энди Сиз мутлақо бошқача ўйлай бошлайсиз: «Агар бугун ялқовликка қулоқ солиб машғулотга келмаганимда нима бўларди?» Ўзингизнинг иродасизлигинги ён босишингиз мумкинлиги ҳақидаги фикринг ўзиданоқ – Сизда ҳатто қўрқув пайдо бўлади...



Мен яна бир бора ялқовликни енгиб ўтдим, деб ўзингизга нисбатан шундай фахр-ифтихор туйғусини, масрурликни ҳис қиласиз! Илтимос, шу ҳолатни эслаб қолинг! Бу масрурлик ҳолати жуда муҳим!

Зеро ушбу машқ – айнан хоҳламаётган пайтда ўзини нимагадир мажбур қила олиш – бу Сизнинг иродангизни тоблаб, чиниқтириб машқ килдиришнинг айнан ўзи.

Давом этамиз.

Айтинг-чи, Сиз баъзан меҳрибон бўлиб турасизми? Ёвуз-чи?

Умуман ҳеч нима қилгингиз келмайдиган пайтингиз ҳам бўлиб турадими?

Ишончсизликка тушган пайтларингизчи? Ўзингизни курдатли ҳис қилган пайтларингиз ҳам бўлади, тўғрими?

Ўзингизни доимий равиша уришиб, койиганингизча: «Мен аҳмоқ! Мен умуман одаммасман! Мен аслида бу ишни мана бундай қилишим керак эди...» дейдиган пайтларингиз ҳам бўлганми?

Энди савол: Мана шу ишларни қилган ҳам, унинг хатосини топиб афсусланган ҳам – битта одам эмасми? Ҳа! Битта одам!

Унда нимага улардан бири нимадир қилади-ю, бошқаси бунинг учун хижолат тортяпти?

Азизларим! Сизларнинг ҳар бирингиз битта одам эмас! Бизларнинг ҳар биримиз – бутун бошли бир қишлоқ аҳолиси кабимиз.

Бу қишлоқнинг ўз даҳоси ҳам бор, ўзининг тентаги ҳам.

Мирзакарим Норбеков

Бу қишлоқнинг, айтайлик, ўзининг ноқобил бузукиси, шу билан бирга ўта тақводори ҳам бор!

Ўтакетган виждонли одами бор. Ва виждонсизи ҳам борки, вақти-вақти билан бутун қишлоқнинг хотиржам яшашига халақит беради.

Шундайи ҳам борки, у доим ўзига ва атрофдагиларга ёлғон гапириб, барчани алдайди.

Яна бири бор, у алдамайди, ёлғон гапирмайди – у нуқул хаёл суради. Оламшумул, хайрли хаёллар. Ўзи эса бу пайтда худди дунёдаги бекорчиликнинг чин эталони сифатида меш қорнини қашлаганча диванда ётган бўлади.

Яна биттаси борки, у ҳаётда нима қилишни, қаерда ва қандай қилишни, қўйилган мақсадга қандай эришишни аник билади ва ҳоказо...

Дикқат! Бизнинг Сиз билан вазифамиз, ўз қишлоғимиздаги бу аҳолини қайта рўйхатдан ўтказиш. Бу ерда бетартиблик юзага келмаслиги учун, бунда яшовчи барча аҳолини тартибга солиш. Айтайлик, дуч келгани ўзини-ўзи аллақандай раҳномо ёки қишлоқ оқсоқоли этиб тайинламаслиги учун..

Сизнинг бу қишлоғингизнинг ҳар бир фуқаро субшахс деб аталади. Субшахс – бу шахснинг бир зарраси.

Улардан қайси бирини бош этиб тайинлаймиз?

Демак, Сизнинг вазифангиз – улардан ҳар бирни учун бамисоли депутаттага мандат бергандек вақт ажратишдан иборатdir.

Сизнинг ҳар бир субшахсингиз қайсиидир муддат оралиғида барча ҳатти-харакатларингизни, қизиқишлиарингиз ва қарорларингизни бошқаради! Аммо, бир жиҳати борки, бу – фақат унинг ўзи учун ажратилган вақт оралиғидагина юз беради!

Тенгакнин тажхифаси 2

Қолганлари бунга розими, норозими, у кўрсатган йўналиш бўйлаб ҳаракат қилишга мажбур.

Ялқовлик ҳақида ҳам унутманг! Унга ҳам алоҳида мандат берилиши керак. Чунки ялқовлик ҳам бизнинг туйғуларимиз қишлоғининг тўла ҳукуқли аъзоси.

Кўркув – ҳам худди шу сингари!

Сизнинг феъл-авторингизнинг ҳар бир қирраси Сизга қандайдир фойда келтириш имконига эга. Улар қачон зарар етказиши мумкин, қачонки улар тартибсиз равища ўз ўринлари билан алмаша бошласалар, тартибсизлик ҳосил қилиб, керак бўлмаган жойда ва керак бўлмаган вақтда пайдо бўла бошласалар, зарар етказиши муқаррар.

Агар қора бўёқ билан оқ бўёқни аралаштириб юборсангиз, бўёқ тузи кулранг бўлиб қолади!

Тартибга келтиринг! Чунки хаос – қанчалар маъқул туюлмасин, ҳаётингизни тартибга келтириш ундан муҳимрок.

Бизнинг ҳар қандай ҳатти-харакатларимиз, ё яратувчиликка ёки бузғунчиликка томон йўналтирилган. Уларнинг ҳар бирига хизмат қилиш орқали биз лаҳзалик мукофотга эга бўламиз. Бу ҳақда юқорида гапирган эдик, шундайми?

Ялқовлик ҳар доим Сизга бўнак, яъни аванс беради. Шу лаҳзада тўлайди. Лекин майдалаб тўлайди – аслида унда ҳемиридан бошқа ҳеч нима йўқ! Буткул ҳафсала пир бўлгани колади, холос!

Лекин ялқовликка хизмат қилиш учун ҳеч қандай интилишининг, тиришқоқлик қилишнинг ҳам кераги йўқ-ку. Фикримга қўшиласизми? Ҳаётда қайси бирни енгил, юқорига кўтарилиши, ёки пастга тушишми? Албатта пастга тушиш-да!?

Агар ялқовлик бунинг ҳаётимизда тартибсиз тарзда пайдо бўла бошласа – бу вақти келиб доимийлик касб этиб қолиши мумкин. Доимий равища, қайта-қайта тақрорланувчи нарса эса феъл-автор сифатида шакллана бошлайди.

Mирзакарим Норбеков

Демак, биз Сиз билан түйғуларимиз худудига ички соқчи тайинлашимиз керак бўлади. У вақти-вақтида дурбин билан... ёки яхшиси микроскоп билан – бизни назорат қилиб, кузатиб турсин, яхшиси – доимий равишда!

Ялқовликнинг яқинлашиш аломатларини сездими – дарҳол хабар берувчи ракета отади... ёки қизил чироқни ёқади... ёки жиринг-жиринг-жиринг, – дея хабар қиласди. Сизнинг қулоғингизга... ёки ундан ҳам яхшироғи – улкан болға билан бошга туширсин!

Мана шундай бир-бир ярим ойлик машқдан кейин Сизда ялқовликка қарши тура оладиган рефлекс шаклланади. Сиз энди ялқовликка нисбатан анча сезгир бўла бошлайсиз. Бу ярамас ялқовликни кун тартибингизнинг қайси қисмига жойлаштиришингиз мумкинлиги ҳакида биз кейинги бўлимлардан бирида сухбатлашамиз.

Мана Сизга феъл-авторингиздаги ҳар қандай салбий кирраларни, Сиздаги ҳар қандай ожизликни кўлга туширувчи техника – ички соқчи! Агар Сиз онгли равища ҳаволаниб кетмаган бўлсангиз, Сизнинг ёнингиздан бутун бошли ялқовлик у ёқда турсин, пашиша ҳам ўта олмайди.

Муваффақият Сиз ўз ожизликларингизни бир томонга, кучли томонингизни – бошқа томонга ажратиб саралай бошлаганингиздан кейин бошланади. Бунинг натижасида ҳаётингизнинг фойдали ҳаракат коэффициенти жуда ғаройиб тарзда юксала бошлайди.

Тенгакнини тажрибаси 2



Вақти-соати билан қаранг – битта хирмонда Сизнинг барча кучли томонингиз үйғилиб қолади, бошқа хирмонда эса Сизнинг барча ожиз томонларингиз тўпланади. Битта хирмондагини оласиз-да, ундан яратувчилик билан банд бўлган пайтда фойдаланасиз. Бошқасидан жасоратлардан дам олиш пайтида фойдаланасиз. Мана Сизга ожизликларингизни бартараф этиш техникаси.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, Сизлардан қайси бирингизда кўркув йўқ? Хато қилиб қўйишдан кўрқиш, йўқотиб қўйишдан кўрқиш, бевақт нобуд бўлишдан кўрқиш... Қаерга қараманг, ҳаммаёқда кўркув, кўркув, кўркув...

Агар Сиз менда ҳеч қандай кўркув йўқ, деб ўйласангиз, демак, Сиз ҳеч нимадан кўрқмайман, деб ҳаммани алдаписиз ёки Сиз шундай ғаройиб нусхасиз.

Довюраклик дегани бу «Мен ҳеч нимадан кўрқмайман!» деганча, кимнидир ёки ниманидир енгис эмас, ўз бошини чўян эритувчи домна печига тиқиши эмас. Агар кимнидир шундай қилса – бу довюраклик эмас, аксинча, гирт ахмокликнидир!

Табиатан кўркувдан бегоналар қадим-қадимларда динозаврлар томонидан еб тугатилган. Аллақачонлар ўша ҳайбатли жонзотларнинг ошқозонларида ҳазм бўлиб, қаердадир бирор-бир бутанинг остида гўнг уюми кўринишида қолиб кетишган.

Мирзакарим Норбеков

Кимдаки кўркув хисси бўлса, ўшалар оёғини қўлига олиб хавфдан қочиб қолган, мана ўшалардан Биз ва Сизлар дунёга келганимиз. Демак, бизлар табиатдаги шафқатсиз саралаш босқичидан ўтганимиз.



Мадомики, табиат томондан бизга кўркув хисси берилган экан, бу нима учундир керак. Демак, бу ҳам бизнинг фойдамиз учун!

Мана Сизлардан қайси бирингиз фарзандингизнинг ҳәти учун кўрқмагансиз?! Бундай ота-онанинг ўзи йўқ! Бу кўркув ҳаммамида бор. Тўғрими?

Энди эса марҳамат қилиб айтинг-чи, Сизлардан қайси бирингиз ўлимдан кўрқмайсиз?

Агар гап Сизнинг ҳаётингиз ва фарзандингизнинг ҳәти ўртасида танлаш ҳақида бўлса-чи?

Бундай вазиятда ўйлаш учун вақт ҳам кетқазиб ўтирамаймиз. Ўзимизни боламизни кутқариш йўлида фидо қиласиз. Шундай эмасми? Демак, баъзан кўркув ҳам хаёт бағишлади.

Унинг ўзи ҳам олади, ҳам беради!

Энди ўз кўркувларимиз билан нима қиласиз?

Билиб қўйинг, азизлар! Токи биз уларни керак бўлса-бўлмаса бокар эканмиз, улар сувараклар сингари бир зумда кўпайиб кетишиади. Ва барча тирқишилару тешикчалардан ўрмалаб чиқиб келаверадилар. Нима қилишимиз керак? Уларга қирон келтирамизми?!

Йўқ! Улар билан шартнома тузиш керак бўлади!

Феъл-авторингизнинг ана шундай турли сифатлари борлиги туфайли ҳам биз Сиз билан мавжудмиз! Инсоният мавжуд!

Пентакнини тажрибаси 2

Масалан, кўркув ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. Шунчаки у ўз чегараларини кенгайтириш ёки торайтириш хусусиятига эга. Бу чегарадан ташқарида одам ёлғон гапирмасликка, бошқа бир одам олдида тиз чўкмасликка ҳаракат қиласи, унда автоматик равища, ўз-ўзидан етакчилик сифатлари шаклланади...

Сизнинг вазифангиз – бу жараённи ўз иродангизга, Рухиятингизга бўйсундиришдан иборатдир.

Назорат қилиб бўлмайдиган ички кўркув кўпинча ташки тажовузкорликни келтириб чикаради. Агар бунга яна Сиздаги ўзингизга бўлган ишончсизликни ҳам қўшадиган бўлсак, бу Сизда доим бошқалар Сизнинг истагингизга мослашишини талаб қилишга олиб келади.

Қачонки, одам ўз кўркувларини назорат қила бошласа, уларни тўғри қабул қиласа – у ёлғон гапиришни бас қиласи. Ва у кимларгадир ҳаддан ортиқ ёкиш истагидан халос бўлади. Сохталик қилмайди, иккюзламачиликни мутлақо унутади.

Унда табиий бир барқарорлик намоён бўла бошлайди. Ва энг ҳайратланарлиси, у худди бола сингари беғубор бўлиб қолади.

Бу нимада ўз ифодасини топади?

Қачон инсон ўзининг кучли ва ожиз томонларини англашетса, у ўзлигича қолишдан кўркмайди.

Бундай инсон Сизга ёқмай қолишдан кўрқмагандан кейин, Сиз у ҳақда яхши ўйлашингиз учун чиройли, лекин ёлғон сўзларни танлашга ҳаракат қилмайди. У ҳар доим самимий бўлади.

Одамларни алдашнинг иложи йўқ! Самимий бўлмай турриб ўзингизни шундай қилиб кўрсатишнинг ҳам мутлақо иложи йўқ! Одам ё самимий, очик, беғубор бўлади – ёки йўқ.

Самимий одам «Мен ақллиман» деса, демак у ҳақиқатни гапирияпти. Ва Сиз буни дарҳол ҳис қиласиз.

Ёки таққослаш учун: «Бу фикрга қўшилмасам-да, баъзан менда: «мен ақллиман деган фикр пайдо бўлади...» Эҳтимол бу мендаги ожизликнинг ифодасидир, холос».

Бу қандай эшитиляпти?



Ички барқарорликка, яхлитликка эга
инсон дарҳол кўзга ташланиб туради!
У хотиржам! У уюшмаган ранг-баранг
мозаиканинг улкан микдордаги майда
бўлакчалари бўлишни бас қилади.

Унинг руҳияти бу бўлакчаларни
эритиб бир бутун қилиб яхлитлади!
Ва бу дарҳол сезилади, бу якъол кўзга
ташланади!

Афсуски, табиатда кучли инсонлар деярли учрамайди.
Улар жуда кам.

Хар биримизнинг кучли ва ожиз томонимиз бор. Ким-
нингдир ожиз томони бўлмаса, у одам «буюклик манияси»
яъни «манманлик» касали ташхиси билан руҳий касаллар
шифохонасида даволанаётган бўлади.

Ўзининг ожиз ва кучсиз томонлари ҳақида ким кўпроқ
билади: кучли инсонми ёки ожиз инсонми?

Албатта кучли инсонда! Хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак бўл-
син, кучлилар ўзига нисбатан юқори даражада талабчан
бўладилар инсонда!

Ожиз одамнинг ўзи билан қизиқиш учун вақти йўқ, у
ўзини англашга интилувчиларни «телба одамлар» – деб ҳи-
соблади.

Кучли инсонлар эса ўзи билан қизиқади ва ўзининг ожиз
томонларини қидириб топади. Улар буни атайлаб қилиша-
ди. Чунки ўз душманингнинг юзини таниб олгандан кейин
уни енгиш сенгилроқ кечади-да.

Пентакниң тажрибаси 2

Ўзингизни ўрганар экансиз, саъий-ҳаракатларингиз
агар Сизни эзгуликка, хотиржамликка, шинамликка олиб
келса, кундалик ташвишлар орасида жаннатнинг митти
бўлагини ҳадя қилса – бу Сизнинг кучли томонингиз тух-
фасидир.

Нимаики фожиага, жароҳатга, азоб-уқубатга олиб кел-
са, буларнинг ҳаммаси Сиздаги ожизлик томонидан бе-
рилган «инъомлар»дир. Ёвузликнинг, кечиримли эмаслик-
нинг, нафрат, ранж-алам, рашқ каби туйғулар – ожизлик-
нинг онаси ҳисобланади. Пасткашликтининг илҳом париси
– бу ожизлик.

Қачон-ки ўз ожизликларингиз билан, феъл-атворингиз-
нинг салбий қирралари билан курашишга бел боғласангиз...
уларни енга олсангиз ... ҳатто буни ўзингиз сезмаган ҳолда
ҳам Сиз кучлироқ бўлиб борасиз.

Хар биримизнинг ўзига яраша ожиз томонимиз бор,
шунингдек, ҳар биримиз ўзига яраша кучли томонга
эгамиз.

Бизларнинг ҳар биримиз теварак-атрофнинг маҳсули-
миз. Яхши одамларга яқин келсангиз, Сиз ижобий сифат-
ларга эга бўласиз, ёмон одамга яқинлашганда эса – салбий
жихатларини юқтирасиз.

Ўз ҳаётингизда айни дамда нимагаки эришган бўлсангиз
– бу Сизнинг ожизлигингиз ва кучлилигининг мувоза-
натидир.

Сизнинг ички дунёнгизда куч ва кучсизликнинг доимий
кураши кечади, ишонч ва қўрқувнинг, ҳаракат ва дангаса-
ликнинг, иродада ва иродасизликнинг, кудратлилик ва ноҷор-
ликнинг.



Агар Сиз шу пайтга қадар феъл-авторингизнинг салбий қирралари устида ишламаган бўлсангиз, бу Сизда уларнинг ўйқ эканлигини англатмайди! Сиздаги ожизликлар, қадрдонларим, худди тури экинзорингиздаги бегона ўтлар кабидир! Агар уларнинг номларини санай бошласангиз бу саноқни тугатишга бутун умрингиз ҳам етмайди!

Улар бизларнинг ҳаммамида бор! Шунчаки навлари, турлари хилма-хил. Кимдадир нимадир кўпроқ, кимдадир нимадир камроқ.

Феъл-авторимизнинг салбий қирраларидан халос бўлиш бизга нима учун керак?

Буни обдон тушунтириб беришга рухсат этасизми?

Сизлардан қайси бирингиз, мен бу камчиликдан фориғман, дей олади?

Кимдир «мен тозаман» деган пайтда, ундан «Сиз қачондир бўлса ҳам ювинганмисиз?» деб сўрасангиз, у «Нега экан? Мен шундок ҳам тозаман!» деб жавоб берса, демак, у ҳам қолган бошқалар сингари тоза одам эмаслиги аниқ.

Хўш, демак, Сиз охирги марта қачон ювингансиз?

Бизларнинг ҳар биримиз ҳам ҳаётнинг қаерларидандир ташиб, ташиб, келтирганмиз, у ёки буни... оқибатда бутун йил хисобига қанча чиқиндилар йиғилиб қолади!

Мана шу чиқиндилар уюми Сизнинг янада ривожланишингизга тўсқинлик қилмоқда! Демак, биз Сиз билан руҳиятимиздаги кучни ривожлантирамиз ва ожизликларни тозалаш билан шуғулланамиз.

Шу бугуннинг ўзидаёқ шахсан ўзингиз хўжалик моллари дўконига борасиз, супурги, латта, швабра... хокандозни ҳам унутманг!

Дастлаб хокандоз билан қиришилаб тозалаймиз, супурги билан, ундан кейин эса латта билан ўз ожизликларимизни арта бошлаймиз.



Шахсий ожизликларни бартараф қилиш жараёни нимадан иборат? Биринчидан, ожизлик лаҳзаларини таниб олишдан. Иккинчидан, бундай вазиятдан чиқиб кета билиш, бу вазият Сизни ўз бағрига босиб, тўрларига ўраб-чирмаб, нимталаш учун чакалакзорига тортиб кетмасидан, уни енгишнинг аниқ бир мақсадли чорасини белгилаш.

Ўз онгингизда бу ожизликларнинг яқинлашганидан ёки пайдо бўлганидан хабардор қилувчи қандайдир сигнал ўрнатишга ҳаракат қилинг. Ўз ҳис-туйғуларингиз, қизиқишиларингиз, истакларингиз, фикрларингиз юзасидан назорат – ўтиш пунктларини ташкил қилинг. Ушбу пункт фақат яхши туйғу ва ҳисларни ўтказсин-у, салбий нарсаларга шу заҳоти огоҳлантирувчи сигнални ишга туширсин.

Токи Сизнинг онгингизда кераксиз ва салбий туйғуларга қарши ҳаёт-мамот жанги бошланиб кетсин.

Сиз ўз ожизликларингиз устида онгли равишда ишлай олишингиз керак. Ожизлик яширинча пана-пастқамдан, пусиб яқинлашиши билан Сиз шартта унинг ёқасидан ола-

Мирзакарим Норбеков

сиз-да – уни йўқ қилиб ташлайсиз. Тамом-вассалом. Ва ҳар доим шундай давом этавериши керак.

Бир мартадаёк ҳеч қандай ожизлик Сизни тарк этиб қолмайди. Хоҳлаган заҳоти ҳаммаси бирданига яхши бўлиб қолиши ҳам даргумон! Бу ерда ҳам худди спортзалдагидек тинмасдан, астойдил машқ қилишга, машқ қилишга тўғри келади...

Навбати билан ҳар бир ожизликни нишонга олиб, уни енгиш устида жиддий тарзда узоқ вақт шуғулланиш керак. Агар доимий равишда уларга қарши иш олиб борсангиз, бу одат тусини олади.

Йилдан-йилга енгилган ожизликларингиз миқдори ортиб боради. Ва Сиз янада кучли бўлиб борасиз, ўз ожизликларингиздан халос бўласиз!

Азизларим! Сиздан ўтиниб сўрайман,
ўз-ўзингизга сўз беринг, барча
ожизликларим бирин-кетин ҳётимни
тарк этади, деб сўз беринг...
Бу жуда оғир! Бу бизнинг уй
вазифаларимизнинг энг қийин, энг
мураккаб қисми.

Бугундан бошлаб феъл-авторимиздаги ўзимизга ташвиш ёки азоб келтираётган салбий қирраларнинг рўйхатини тута бошлаймиз.

Улардан қайси бирлари бошқаларга ҳам ташвиш келтириши муқаррар!

Лекин бошқалар ҳозирча кутиб турсин.

Биринчи навбатда ўзингизни азобдан халос қилинг, ўз ҳётингизни тозаланг!

Пентакни тажрибаси 2



Ўз ожизликларингизни таниб аниқлаб олганингиздан кейин, Сиз уларга вақти-вақти билан: «Қани овозингни ўчир!

Даф бўл бу ердан!» деб айта оласиз. Қачонки ўз ожизликларингизни билмас экансиз, улар Сизни бошқара бошлайди

ва Сиз керак пайтда кучингизни кўрсата олмай қоласиз. Тушуняпсизми?

Ўз ожизлигимизни бартараф қилиш орқали, биз кучимизни ҳам кўпайтириб борамиз!

Ўз ожизлигимизни онгли равишда енгиб борган сари, феъл-авторимизнинг салбий қирралари устида ишлаш юзасидан янги ва янги вазифалар пайдо бўла бошлайди.

Афсуски, феъл-авторимиздаги салбий қирраларини охиригача бартараф этишнинг имкони йўқ: сабаби – улар чексиз. Худди феъл-авторимиздаги ижобий қирралар сингари.

Бу икки қарама-каршилик бир-бирини тақозо қиласи.

Бирок, феъл-авторидаги салбий қирралари устидан тўлиқ ғалабага шу пайтгача ҳали ҳеч ким эришган эмас.



Шу сабабли бу борада ҳар гал савол туғилади – бу машақкатли меҳнат эвазига нимага эга бўлиш мумкин? Дикқат!

Сиз енгишга эришган ожизликларингиз илгари Сиз ҳис қилмаган янги, мутлақо номаълум ҳис-туйғулар шаклига кириш хусусиятига эга!

Мирзакарим Нофеков

Ўзингиздаги қандайдир ожизликни енгишингиз билан, Сиз шу лаҳзадаёқ уни енга олганингизни пайқайсиз. Бу ҳеч кутимаганда юз беради. Ва Сиз бу фурсатни ҳеч нима билан адаштирумайсиз. Бу бетакрор сезги. Айниқса уни биринчи бора ҳис қилганингизда.

Бу ҳис-туйғулар худди биринчи муҳаббатга ўхшайди!

Тасаввур қилинг-а, бу пайтгача Сиз болакай эдингиз, киз болаларга нописанд қараб келгандингиз, ажойиб кунларнинг бирида бирдан уларга бутунлай бошқача кўз билан карай бошлайсиз.

Ожизликлар устидан ғалаба ҳам худди шу каби!

Биринчи марта – амалга оширилган иш ҳар доим бетакрор, эсингиздами, биз бу ҳақда гапирган эдик?

У ёғига эса енгилроқ, енгилроқ бўлиб бораверади... Ва Сизнинг ҳар бир кейинги ғалабангиз ҳаётингизнинг янги марралари учун таянч нуқтаси бўлиб қолади.

Куч ва кучсизлик мағрурлик ва такаббурликни келтириб чиқаради. Кучнинг энг юқори ҳиссий-рухий ҳолати – мағрурликдир.

Ожизликнинг энг юқори ҳиссий-рухий ҳолати – такаббурлик. Илтимос, Сиз зинҳор буларни адаштириб юборманг! Улар бир-биридан нимаси билан фарқ қиласди?



Такаббурлик ҳар қандай яхлитликни, бутунликни парчалаб юборади.

Мағрурлик чил-чил бўлган парчаларни бир бутун қилиб жамлайди.

Такаббурлик одамни ич-ичидан саратон ўсимтаси сингари сўндириб боради.

Мағрурлик нафақат Сизга, шу билан бирга бошқаларга ҳам ҳаёт баҳш этади.

Пентакнини тажърибаси 2

Такаббурлик ожизликдан келиб чиқади.

Такаббурликнинг илдизлари – қўркув ва ожизликдан сув ичади.

Пояси – бу нафрат, шоҳлари эса дилхираликлар, куртаги, гули – бу жанжаллардир, меваси – майдада ва йирик миқёсдаги қотилликлар ҳамда ўз жонига қасд қилишлардан иборат. Сиздаги такаббурлик нима билан боғлиқ бўлса, айнан шунда Сизнинг ожизлигингиз ҳам намоёндир.

Мағрурлик руҳиятнинг кучидан келиб чиқади.

Мағрурлик ҳақоратни тушунмайди, мағрурлик хафа бўлмайди, мағрурлик ёвузиликни ҳис қилмайди. Мағрурлик ёвузиликдан устун. Ўзингиздаги мағрурликни топсангиз, шубҳасиз Сиз ўз Руҳиятингиз учун таянчни топган бўласиз.

Ўзингиздаги мағрурлик ва такаббурликни фарқлаб олиш, худди Сизни мувозанатдан чиқариш сингари жуда осон! Масалан, Сизга дабдурустдан «Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тентаксан!» – дейман.

Шунда нима рўй беради?

Аввалига хафа бўлиб қоласиз: «Қанақасига, мен тентак бўламан? Нега энди мен?» – дейсиз.

Сўнгра дарғазаб бўласиз. Бирор муддат ўтиб эса ҳаммаёқни, ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлаш истаги пайдо бўлади Сизда! Китобни шартта ёпиб қўйиш ёки ундан ҳам афзали – ахлат чеълакка улоқтириб, шарт ўгирилиб кетиб қолиш истаги пайдо бўлади. Тўғрими?

Нима учун? Чунки, Сиз бу сўзларга ишондингиз!

Сиз ўзингизни аҳмоқман, деб ҳисоблаяпсиз. Бу аҳмоқда Сиз ўзингизни таниб қолдингиз.

Агар Сиз мағрур инсон бўлсангиз, «аҳмоқ» деган сўздан таъсиранасизми? Йўқ!

Чунки агар Сиз мағрур инсон бўлсангиз, аҳмоқ деган сўзнинг сизга умуман алоқаси бўлмайди.

Мирзакарим Норбеков

Шунчаки бу гапни ўзингиздан ожиз инсоннинг сўзлари сифатида қабул қилиб, унинг устидан кулиб қўяқоласиз, чунки бу сўзлар ҳақиқатга тўғри келмайди.

Истасангиз, бунга жонли табиатдан мисол келтиришим мумкин.

Масалан – Той-теръер ва Сенбернар зотли итларни олайлик.

Уларнинг қайси биридан Сизга фойда кўпроқ? Сенбернар Сизни босқинчилардан қутқариб қолиши мумкин, Той-теръер эса факат акиллайди, холос...

Митти кучук ҳар қандай шарпага ҳам ўзи пусиб олганча, соатлаб акиллайверади. Сенбернар эса арзимаган нарсага безовта бўлмайди, чунки хавотирланишга ҳожат бўлмаган шарпага у ҳатто кулоғини динг қилиб ҳам ўтирамайди.

Мағрурлик ва такаббурлик бир хил салбий вазиятга бир пайтда дуч келиб қолса – уларнинг вазиятга муносабати мутлақо турлича бўлади. Бир-бирига бутунлай қарама-қарши!

Сизга кимдир: «Сен чўчқасимон эшаксан!» – деди.

Сизнинг реакциянгиз? Марҳамат қилиб таҳлил қилинг! Худди актёр сингари ролга киришинг...

Агар Сиз ўзига ишонмайдиган кучукча бўлсангиз, ўзингизни қандай тута бошлайсиз?

Тўппа-тўғри! Худди ўша аҳмоқ сингари шартта стулни оласиз-да – бошига тушириб қоласиз! Ғазабга келасиз-да, хафа қилувчига ташланиб қоласиз: «Нима дединг?! Яна бир қайтар-чи! Ўзинг сассиқ ҳайвон!» ва ҳоказо, ҳоказолар...

Лекин агар Сиз – Сенбернар бўлсангиз, Сиз умуман нима ҳақда гап бораётганини ҳатто тушунмайсиз ҳам, чунки буларнинг Сизга умуман алоқаси йўқ. Сиз ахир – Сенбернарсиз, зинҳор эшак эмас...

Пентакинни тажрибаси 2

Бу сўзлар сизда хотиржамлиқдан ташқари бироз ҳайрат, хафа қилишга уринаётганга нисбатан эса ачиниш ҳиссини уйғотади, холос. Ёки бу ҳатто Сизнинг кулгингизни қисташи ҳам мумкин.

Мана яна бир мисол.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, икки ёшли бола Сизга мушт тушириб қолса, у билан тенг келиб, уришиб юрган бўлар-мидингиз? Ўзи зўрга оёқда турибди-ю, яна Сизни тепишига уриняпти?

Бу Сизни завқлантиради, тўғрими?

Нарис борса Сиз бу боланинг ота-онасини чақиртирасиз, тасодифан болакай Сизга урилиб кетиб, зарар кўрмаслиги учун...

Нимага шундай?

Чунки Сиз биласиз, болакай билан солиширганда, Сиз кучлисиз. Сиз болакайнин ҳимоя қилишингиз мумкин. Сиз уни эҳтиёт қиласиз ва ҳеч қачон хафа қилмайсиз.



Табиийки, Сизнинг Руҳиятингиз кучли бўлиб борган сари ожизларнинг қиликлари Сизга таъсир этмай қўяди, улар Сизда завқланиш ва ҳайратдан бошқа ҳеч нима уйғотмайди.

Руҳиятингиз йўлида ва Сизнинг ҳаёт йўлидаги курашингизда Сизга муваффақиятлар тилайман!

ҲИ ВАЗИФАСИ

Ўз ижобий ва салбий қирраларингизнинг рўйхатини тузинг.

Мирзакарим Норбеков

Уларни қачон ва қаерда қўллашингиз юзасидан кундак жадвал тузинг. Ушбу жадвал бўйича иш тутинг ва ундан чекинманг.

Имкон борича ички кузатувчингиз ҳақида, ўз руҳиятингиз ҳақида эслаб туринг. Уни ҳис этишга ҳаракат қилинг, ўзингизни у билан бир бутундек ҳис этишга интилинг.

Дикқат-эътиборли бўлинг, ўз ҳаётингизнинг энг муҳим постида ухлаб қолманг. Сиздаги камчилик, нуқсонлар исталган пайтда бошқарувни ўз қўлларига олмасликлари учун ички соқидан фойдаланинг.

Бу борада Сизнинг қудратли иттифоқчингиз бўлган иродани чинқтиринг.

**ОЛТИНЧИ ТЕПКИ
Бешафқат ҳордик!**

Муаллиф китобхоннинг олдида даҳшатли бир сирни фош қиласди, китобхон нафақат ишилашини билмайди, у ҳамто ҳордик чиқаришни, дам олишини ҳам қойиллатолмас экан.

Ўқувчи ўзининг дам олишини ташкиллаштириши борасида сараланган тавсияларга эга бўлади. У ўзининг ширин хаёлларида, муаллиф анча уринишлар билан базур ортига қайтаршига эришган экзотик давлатларга кетиб қолади. Муаллиф ўқувчининг елкасидаги ёпишиб қолган нилуфар гулининг баргини олиб ташлар экан, биринчи қисмни тугаллаши муносабати билан, баҳтга эришганлиги – ўзини ўзгартира олганлиги муносабати билан табриклаб бағрига босади.

Энди ўзини кўз-кўз қиласа ҳам, бошиқаларни томоша қиласа ҳам ярашади.

шында көз аткарып даңылдып көз аткарып
шында көз аткарып даңылдып көз аткарып
шында көз аткарып даңылдып көз аткарып

шында көз аткарып даңылдып көз аткарып
шында көз аткарып даңылдып көз аткарып
шында көз аткарып даңылдып көз аткарып

M

ана, азизларим, ниҳоят Сиз билан энг
ёкимли мавзуладардан бирига етиб келдик – яни дам олиш
мавзусига!

Энг маңкули, келинг, уйқудан бошлаймиз!

Икки дугона ишда учрашиб қолышди.

– Нимага эрталабдан қовоғингдан қор ёғяпти? – сүради
бири.

– Э, бирам беъмани туш күрибманки.

– Айтиб бер-чи.

– Тушимда менинг уйимга Брюс Уиллис ва Бред Питт-
лар келишибди ва мени талашиб эрим билан ёқалаша бош-
лашибди.

– Вой, ахир бу туш эмас, ҳақиқий орзунинг ўзи-ку!

– Э, қанақа орзу? Менинг эрим уларни дүппослаб ташла-
ди, ланъати!

Шунақа хонимчалар ҳам бўлади-ку! Эри ғолиб келади-ю,
хотин эса норози! Ахир бу даҳшатнинг ўзи-ку, тўғрими, эр-
каклар?!

Мирзакарим Норбеков

Мана энди бизни қийнаб келаётган савол – даҳшатли тушлар кўрмаслик учун неча соат ухлаш керак? – деган саволга жавоб топамиз. Меъёрдагидек уйқуга тўйиб олиш учун қанча вақт ухлаган маъқул?

Токи уйғонмагунингизча!

Ҳеч қачон ўзингизни ваҳима билан уйғотишнинг кераги йўқ. Ўзингизни зўрлашнинг ҳам кераги йўқ.

4-5 соатлик уйқу – бу меъёр эмас. Бу жуда кам.

5 соат Сизга етарли бўлиши мумкин, ёшингиз 90 ларни қоралаб қолганида. Қариялар қуш уйқу бўлишади, улар хеччам чуқур кетишмайди.

Сизнинг эса организмингиз дам олиши керак. Ҳеч қачон ўз танангизни тўздиришга олиб келадиган ишларни қилманг. Мутлақо қила кўрманг. Хўпми?

Ўзингизни қандай ҳис этишингизни кузатинг, асабийлашишга йўл қўйманг.

Демак, камида 6-8 соат ухлаш керак экан.

Хурматли хонимлар, агар юзингизнинг териси силлиқ бўлишини истасангиз, кўпроқ ухлашга тўғри келади. Кўп ухласангиз ҳар доим яхши кўринишга эга бўласиз. Нима учун? Чунки уйқу туфайли тиникиб, шишиб турасиз ва Сизнинг ажинларингиз шу заҳотиёқ текисланиб кетади, вақтинча бўлса ҳам!

Давом этамизми?

Сизларнинг орангизда кимдир тўргай, кимдир эса бойкуш.

Яъни, баъзиларга кундузги уйқу муҳим, баъзиларга эса мутлақо бунинг тескариси...

Шундай одамлар борки, улар жануб томонга бош қўйиб ётсалар, яхши ухлашади, баъзилар эса шимолга. Лекин яна гарб ва шарқ ҳам бор-ку. Яна жануби-гарб, шимоли-шарқ ва ҳ.к.

Шундай аёллар ва эркаклар борки, улар яхши ухлашлари учун албатта «ачомлашиб» ётишлари керак. Ёки тескариси,

Пентакни тажрибаси 2

шундай одамлар ҳам борки, улар учун шахсий кароватига, кўрпа-ёстиғига ўзгаларнинг даҳл этилиши ўлим билан барабар.

Вариантларнинг турли-туманлигини қаранг-а! Изланниш, тажриба ўтказишнинг қанча имкониятлари мавжуд.

Марҳамат қилиб ўзингиз давом эттиринг!

Булар Сиз учун яқин ойлардаги уй вазифаси бўлсин.

Ўз изланишингизда фантазиянгизни ишга солинг! Ухлаш учун ақл ишлатишнинг ҳам кераги йўқ-ку, тўғрими? Марҳамат қилиб соғлиғингиз йўлида тажриба ўтказинг, ўзингиз учун энг самарали варианти топинг.

Ижозат берсангиз, ушбу масала билан боғлиқ кичкина бир воқеани сўзлаб бераман.

Менинг битта танишим бор. У умр бўйи соат бешда уйғонади ва то кундузги соат тўртгача ўзини тетик ҳис қилиб юради.

Соат тўртдан кейин унинг силласи шундай қурийдики, фақат оромкурсига ўтирганча телевизор қўришга ҳоли қолади, холос. Бу пайтда унга ҳеч ким тегмаслиги керак. Чунки ҳамма нарса унинг асабига тегади ва у асабийлашганда кимнидир ўлдириб қўйгиси келадиган даражада важоҳатли бўлади. Соат 21.00 да ухлашга ётади. Саҳарги 5.00 да – яна бардам, бақувват, худди ҳозиргина палакдан узилган янги бодрингдек тетик бўлиб уйғонади.

Ўзингиз тушунасиз, бундай одатлар билан яшашнинг ўзи бўлмайди. Ҳатто унинг атрофидаги одамларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам. Бизнинг қаҳрамонимиз уйқу режими ни бироз ўзгартириб қўришга ҳаракат килганди – ундан ҳам баттар бўлди. Эрталабки 7 да ёки саккизда уйғонганида ҳам кун бўйи ўзининг инжиқликлари билан атрофидаги барчанинг тинкасини қуритган. Ҳатто телевизорга ҳам тоқат қила олмаган! Сиз тасаввур қиласизми, қандай баҳтсизлик, нақадар аянчли ҳолат!

Мирзакарим Норбеков

Кейин эса тасодифан ўзини ҳам эзib юборган бу муаммоларининг ечимини топишга эришди. У аввалгидек ҳар куни кечкурун соат тўққизда ухлашга ётди. Ҳар куни эрталаб соат бещда уйғонди. Лекин энди телевизор кўришни бас қилди – чунки вақти йўқ! Кундузги соат уч билан тўрт орасида бор-йўғи 10 дақиқалик душ қабул қилиши кечгача унинг фаоллигини тиклаб берди. Энг муҳими унда асабийлашишдан асар ҳам қолмади! Барча жizzакилик, тихирлик қилишлари барҳам топди!

Шунчаки, қизиқиши юзасидан ҳисоблаб кўринг-а, унинг ҳаёти қанчага узайди. Тарозининг бир палласига ўн дақиқани ва бошқасига беш соатлик кўшимча фаолликни қўйинг. Тағин бу ҳар куни давом этади.



Шунинг учун дўстлар, марҳамат қилиб назариёт ва амалиётни бирга кўллаб тажриба қилиб кўринг. Ягона схеманинг ўзида тўхтаб қолманг, чунки муаммонинг ўзи бир жойда, илдизи эса бутунлай бошқа ерда бўлиши ҳам мумкин. Улар хаётингизнинг бегона ўтларидай бутунлай кутилмаган жойда ўсиб чиқиши мумкин.

Давом этамиз. Қайси бирингиз ўзингиз ҳақда «менда ҳеч қандай ожизлик йўқ» – деб ҳисоблайсиз? Бу нотўғри. Чунки ожизлик ҳаммада бор нарса! Ундан ҳам муҳимроғи, ОЖИЗЛИКЛАР ҲАМ ИНСОН УЧУН КЕРАК!

Ожизлик худди уйқу сингари! Уйқусизликдан инсон ақлдан озиши мумкин! Уйқу вақтни олади, лекин уйқу куч-қувват ҳам беради, тўғрими?

Пентакни тажрибаси 2

Олдинги бўлимларда Сизларга ялқовлик ҳақида ҳали батафсил сухбатлашамиз, деганим эсингиздами? Эслама-япсизми? Эслаб кўринг! Мия бурмалари бироз чиранишга уриниб кўрсин-да, ахир!

Нима муҳимроқ – югуриб-елиб юрсанг, маза қилиб рақсга тушсанг, тансиқ овқатлар еб, башанг, тетик, кайфиётда ўтган кун яхшими... ёки оёқ-қўллари асабдан қилт-қилт титрамай, худди ёш боладек ширин уйқуга, тўйиб олишми? Қайси муҳимроқ: аъло даражадаги тунми ёки ажойиб қунми?

Униси ҳам, буниси ҳам! Шунчаки уйқу ва тетикликни аралаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда кишида доимий уйқусираш ҳолати юзага келади, ҳар доим ва ҳамма ерда. Уйқуга ҳам бедорликка ҳам ўзига тегишли вақтини беринг! Мана гап нима ҳақида!

Уйқу борасида ҳаммаси тушунарли! Унинг учун ажратилган вақт бор!

Ялқовлик-чи? Ялқовлик учун ажратилган алоҳида вақт йўқ-да!

Демак, оддий мантиқий занжир ҳосил бўлди – ялқовлик учун ҳам маҳсус вақт ажратиб бериш керак!



Модомики, табиат томонидан бизга ялқовлик ҳам берилган экан – демак, у бизга нима учундир керак?! ... Демак, унинг ўзига яраша фойдали вазифаси ҳам бордир??

Биз ҳозир ялқовликка лой чаплаб, уни қоралаяпмиз. Лекин агар биз ялқовликни ўзимиздан бутунлай бартараф этсак, бу касаллиқдан ҳам ёмон эканини биласизми? Биз шунчаки адойи тамом бўламиз... яъники, ўлиб қўя қоламиз...

Мирзакарим Норбеков

Ялқовлик – бу бамисоли техник ускуналардаги каби сақлагич. Усиз биз ортиқча зўриқиши сабабли куйиб кетамиз.

Хеч қачон ўзингиздаги ялқовликни бутунлай йўқ қилиб юборманг. Мадомики, табиат томонидан Сизга нимадир берилган экан, уни зинҳор йўқ қилманг!

Аксинча! Бор кучингиз билан ялқовлик қиласверинг! Фақат бу ишни ялқовлик бунинг учун маҳсус ажратилган вақтда бажаринг!

Шанба ва якшанба кунлари нима билан машғул бўламиз, хурматли дўйлар?

Уй ишлари, меҳмон кутиш ва ухлаш... Тўғрими?

Нари борса – болаларни қаёққадир айлантиргани олиб борамиз...

Ҳайвонот боғига деяпсизми? Бу нега керак? Битта маймунни томоша қилишнинг ўзи кифоя эмасми – яъни ўзингизни!

Цирк деяпсизми?.. Яна айтаман, ўзингизга бир қаранг – Сиз ўз шахсий ҳаётингиз билан нима қиляпсиз – бу аренадаги бирорта ҳам масхарабознинг қўлидан келмайди!

Ўтниб сўрайман, ўз ҳаётингиздан чукур ўрин олган бу беъманиликни чиқариб ташланг! Шанба, якшанба деган дам олиш кунлари барча халқларда бекордан-бекорга мавжуд эмас! Шанба, якшанба – бу шундай вақтки, бу вақтда ўзингизни бутунлай ялқовликнинг ихтиёрига топшириб қўйишингиз керак.

Уй ишларининг ҳаммасини, бутун қўшимча бош оғриқларини, супур-сидир, пардоз-андоз ва ҳоказолар барчасини бошқа кунга кўчиринг, илтимос.

Масалан, душанбага.

Душанба шундоқ ҳам оғир кун. Унга яна супур-сидирларни қўшиб қўйса, баттар бўлмайди! Бир бошга – бир ўлим.

Пентакниги тажрибаси 2

Ялқовлик деб аталмиш жаноби олийлари билан эса битим тузишингизга тўғри келади!

«Азизим ялқовбек (... ёки ялқовхон)! Мен сени шундай яхши кўраманки, шундай яхши кўраманки. Лекин мен ҳам бу иш деб аталмиш беъманилик билан шуғуланишим керак-ку! Азизим! Мен сенга қандай хизмат қилишим мумкин? Мен сенга шундай хизмат қилишни хоҳлайманки, токи сен кувончдан ёрилиб кетгин!

Мен ҳаётимнинг шанба, якшанба кунларини сенга бағишлишим мумкинми? Сенинг мутлақ ҳукминг остига ва хизматинггами?! Шанба ва якшанба кунлари нима десанг, шу заҳоти сен учун бажо келтираман! Уни хоҳлайсанми, марҳамат, буни хоҳлайсанми, марҳамат! Сенинг барча беъмани инжиқлекларингни ҳам кўтараман. Шанба куни эрталабдан то якшанба кечга қадар сенинг олдингда бўламан, «нима қилиб берай» – деб хизматингга мунтазир тураман.

Лекин кичкина бир шартим бор, душанбадан жумагача сен мендан дам оласан. Агар менга яқин йўлассанг, шу заҳоти тумшүғингга тушириб қоламан!»

Ялқовликни ҳам боқиш керак... Токи у бўкиб қолгунча! На душанба куни, на сешанба куни, шу зайл то жумагача у сенинг олдингга «Мен очман, менга дам олиш куни бер!» деб келмасин.

Ялқовланиш, менинг қадрдонларим, жуда муҳим нарса! Айниқса, бу ўз соғлигини, ўзининг асаб тизимини сақлаб қолишини истовчилар учун муҳим.

Марҳамат, соғлигингиз йўлида бемалол ялқовланинг. Бу борада ҳеч ким Сизга халақит бермасин.

Ўз уйингиздагиларга ҳам бу ҳақда айтиб қўйинг. Чунки баъзизда, айниқса фарзандлар, ўз ота-онасига ҳаётларининг қўшимча иловаси сифатида қарашади. Сиз уларга, ота-она ҳам – одам, деб тушунтиринг!

Мирзакарим Норбеков

Дам олиш куни Сизнинг фарзандларингиз ҳам ўзларининг ишлари билан шуғулланишсин! Аниқроғи, ўз ялқовликларининг ишлари билан! Ўзингиз учун хотиржамлик, сокинлик оролчаси ҳосил қилишга ҳаракат қилинг.

Хеч бўлмаса ҳафтасига икки кун ўз-
ўзингиздан дам олинг!



Қадрли китобхон, Сиз Европада бўлиб турасизми? Ҳиндистонда-чи, бўлганимисиз? Ёки Ҳиндистон сингари жанубий давлатларда? Айтинг-чи, Сизда қайси бир жойда бир умр қолиб кетиш истаги уйғонади?

Европада биринчи пайқайдиган нарсангиз – тартиб бор, саришталик-тозалик бор. Ҳамма нарса ўз жойида, ҳаттоқи буталар ҳам олий маълумотли. Ҳиндистонга келсангиз... биринчи қўзга ташланадиган нарса – ифлослик, ноchorлик. Қаёқка қараманг, ҳамма ёқда чиқиндилар. Бунақа жойдан орқангга қайрилиб қарамасданоқ қочиб қолиш керакдек, гўё. Лекин бир ҳафта ўтиб, икки, уч... Ва кетар вақти бўлганида Сиз Ҳиндистондан қандай туйғулар билан жўнаб кетасиз?

Мен ўз шогирдларим орасида вақти-вақти билан сўровнома ўтказиб тураман. Статистика бўйича кўпчилиги Ҳиндистонда қолишни исташади. Нима учун? Ҳаммаёқни ахлат босган, ошхонаси bemазa, маълумотсиз қамишзорлар, бутазорлари умуман мактаб ҳам кўрмаган! Йўл бўйи кетиб борар экансан – уюм-уюм чиқиндихонага дуч келасан. Нима учун кўпчилик Ҳиндистонга боғланиб қолади? Бу нима – улардаги чиқиндиларга интилишнинг ёрқин ифодасими?

Ҳаммаси оддий, қадрдонларим: бу мамлакатда одамларнинг ички ҳолати бор.

Шентакнини тажрибаси 2



Ҳиндистоннинг ички ҳолати –
бу муҳаббат.

Ким ҳам муҳаббат барқ уриб яшнаб турган жойдан кетишини хоҳларди? Одамларида ҳасад жуда кам учрайдиган халқ – бу ҳиндлар. Ўлимга нисбатан мутлақо хотиржам муносабатда бўлувчилар ҳам ҳиндлар. Уларнинг бойлари – бироз ғамгинроқ бўлиб яшайди. Чунки уларнинг ақидалариға кўра кейинги ҳаётида тасодифан у камбағал бўлиб туғилиши мумкин. Камбағаллари эса – бироз ғамгин ва қувончга тўлиб яшайдилар. Чунки кейинги ҳаётида унинг бой бўлиш эҳтимоли бор. Мана шу сабабдан енгил сармастлик, сурур ва роҳат, ҳаётга бўлган муҳаббат бутун Ҳиндистон аҳлига тараалиб кетган.

Таққослаш сифатида мисол қилиб ҳинд фильмларини олайлик.

Европа фильмларининг деярли ярмида воқеалар тахминан қўйидагича: салобатли, ўрта ёшли эркакнинг икки машинаси, учта уйи, тўртта маҳбубаси бор ва миясида тикин юз берган. Яна ўзига нима ҳам тилаши мумкинлигини билмаяпти. Ва барча шу каби бош оғриқлилар сингари, унинг чехраси нордон-таксир қиёфали. Бутун фильм мобайнида биз унинг ғамга ботган ҳолда, машинаси, уйлари ва севимли аёллари ўртасида жони ҳалак бўлиб юрганини кўрамиз... «Худо кўрсатмасин», – деб гапиришармиди бунақа пайтда.

Энди энг оддий, ўртамиёна ҳинд фильмини олайлик. Бош қаҳрамон – ёш ҳинд: қувноқкина камбағал йигит. Доим қандайдир вазиятларга тушиб юради. Лекин у бутун фильм мобайнида бирор маротаба тушкунликка тушмайди. Охирда уни қоядан ташлаб юборишади, машина билан устидан босиб ўтиб кетишади, нақд бошига қаратга учта ўқ ҳам

узишади. У эса ҳеч нима бўлмагандек ўрнидан турди, шу ҳолида ашула айтиб, ўйинга ҳам тушиб беради!

Икки минтақа, ахолиси хатти-ҳаракатлардаги фарқнинг сабабларидан бири – бу озиқланиш турининг бошқа-бошқа эканида. Озиқ-овқат орқали озиқланиш эмас. Йўқ! Бу бутунлай бошқача таом, бу Қуёш деб аталадиган таом!

Эътиборингиз учун, қадрли китобхон, бугунги кунда бизнинг сайёрамизда қуёш нури билан озиқланувчи минг-минглаб инсонлар бор. Тўғри маънода. Уларни яна «қуёшхўрлар» деб ҳам аташади.

Инсон мутлако озиқ-овқатсиз ҳам яшай олар экан. Фақат бунинг учун у ўсимликка айланиб қолиши керак, холос.

Дунёда мутлако изоҳлаб бўлмайдиган воқеа-ҳодисалар бисёр.

Қуёшхўрларнинг баъзи бирлари бунга нотабийлик билан эришганлар, яъни, масалан бош миядаги қандайдир қисқа туташув орқали. Баъзи бирлари эса кучайтирилган машқлар орқали эришганлар. Тасаввур қиласизми! Айнан битта манзилга бошқа-бошқа йўллар билан ҳам етиб бориш мумкин экан.

Қадрдонларим, нимага китобга бундай шубҳа билан мўралаяпсиз? Ликопчани ҳам яқинроғингизга суриб олибсиз...

Ҳеч ким Сизни қуёш ванналари ҳисобига озиқ-овқатдан воз кечишга ундамаяпти! Лекин бу мисоллар Сизни Қуёш ва тобланишнинг қанчалик фойдали эканлиги ҳақида фикрга олиб келмаяптими?!

Қуёш нури ғаройиб тарзда ҳаётий қувватингизни оширади!

Лекин меъёрдан ошса, зарар келтириши ҳам мумкин, тўғрими? Албатта, бундан Сиз ўсимлик бўлиб қолмайсиз, лекин куйиб қолишингиз аниқ.

Қуёшда тобланишнингизни кузатиб боринг!

Тенгакнини тажрибаси 2

Юзингиз қуёшда тобланган, танангизнинг бошқа жойлари эса мисоли қорқизникидай. Улар эса аслида бир хилда бўлиши керак. Бир хилда! Нима учун? Чунки кийим аввал бошданок табиат томонидан кўзда тутилган эмас. Яна шунинг учунки, қуёш тафтидан иборат озуқа терингиз бўйлаб бир текисда тақсимланиши керак.

Қуёш – бу ўзига хос мавзу.

Модомики, Сизлардан кўпчилигингиз қуёш кам кўрина-диган жойларда яшар экансиз, қиши пайтларида уч ойда бир марта ҳафталик, ундан ҳам яхшироғи, ўн кунга қуёш мўл-кўл жойларга жўнаб кетинг, қуёш тафтида яхшилаб, тобига келгунча пишиб келишингиз керак.

Сиз кўзгуга қарайсиз, деразага қарайсиз, кейин ўпкан-гизни ҳавога тўлдирганча: «Қани, бу ердан түёғингни шиқиллатиб, жўнаб қол-чи!» дейсиз.

«Түёғингни шиқиллат» сўзини қандайдир бир сўзга, айтайлик Критга, Кипрга, Туркияга, Сингапурга алмаштира-сиз. Бир сўз билан айтганда, ўзингизни қандайдир бир курортга бадарға қиласиз.

Шундоқ оласизу, Сейшелга, Багамага, Канарага ёки бирор бир бошқа денгиз йўналишидаги кемага чиқасиз.

Ўзингиз учун қаердан бўлса ҳам Қуёш топинг: ҳаттоқи юрtingизда йил бўйи қиши бўлган тақдирда ҳам. Мабодо, бундай саёҳатга жўнаб кетишининг иложини топа олма-сангиз-у, дилингизда қуёшда тобланиш ҳоҳиши сўнмаса-чи? Бошингизни ишлатсангиз-чи. Худога шукр, тош асрида яшамаяпмиз-ку! Қани? Соляри ҳақида эшигтан-мисиз?

Нима учун Қуёш шунчалар муҳим? Қуёш ахир бутун Ер юзи учун биттагина, ёрқин ва думалоқ. Хоҳ шимолий кутбда бўлсин, хоҳ экваторда бўлсин.

Келинг, миямизни ишлатишга уриниб кўрамиз. Марҳамат қилиб айтинг-чи, қачондир бўлса ҳам, ҳеч ўйлаб кўрган-мисиз, нима учун Россиядаги мусиқалар бир-биридан фарқ

Мирзакарим Норбеков

қиласы? Хаёлан Кавказ тоғларидан бошлаб, токи Холмогор кишлоктаригача бўлган жойларни кўздан кечирайлик.

Одамлари қандай ашула айтади?

Қандай рақсга тушади?

Эркак ва аёлларининг муносабатлари қандай жиҳатларга эга?

Краснодар ўлкасида яшовчи Кубань казаклари қандай куйладылар? Эркаклари папаха кийиб олганча, хантералар сингари югургилашади. Ханжар шундай жойдаки, «бир нима бўлса шу заҳоти – сўйман» – дегандек. Тўғрими?

Аёллари-чи, улар қандай раксга түшишади? Уларга жүравоз бўлганда гармон ҳам тутаб кетади.

Қаерда рашк күпроқ? Нозик муносабат ҳақидағи сұхбаттар?

Архангельскнинг текисликлари ва ботқоқликларидами? Ёки у ёқдами? Кубанъда... Ставраполь ўлкасида... Краснодарда... Энг ажойиб кўшиқнинг сўзларida «О-о-ой ва Чи-па-пау».

Улар темпераментлари, яъни мизожлари жиҳатидан ҳам фарқ килишади, тўғрими?

Мана шу «дэ-э-э»чиларни жануб қүёши остида тобланыш учун юборсак, бироз вақтдан кейин улар қимир-қимир қилиб қоли shadedи ва «гопак»ка ўйинга тушиб кетишади, «Ох-ох»лашни ҳам бошлаб юборишади.

Аслида эса булар ўша одамларнинг ўзи, битта халқ, шунчаки улардан бъзви бирлари йил давомида қүёшдан баҳра олиб озиқланади. Бошқалари эса йилдан-йилга қүёш кўрмай сўлий бошлишган. Марҳамат, ушбу хуносаларни ҳам таҳлил килиб, ўз хаётингизга татбик этинг.

Айни́кса, бу ўзининг хусусий ишига эга бўлганларга тегишилди.

Ментакниң тәжірибасы 2

Москва об-ҳавосидек рутубат остида узок муддат қолиб кетиш Сизнинг бизнесингизга тахминан етмиш фоиз зарар беради! Бор-йўғи ярим йилда!

Москалик бўлмаганларнинг эътиборига, айтишим мумкини: «Пойтахтда яшамаётганингиз Сизнинг омадингиз! Чунки октябрнинг охиридан то март ўрталаригача Москва-да кўёш умуман кўринмайди!»

Шаҳарликлар қишлоқда яшовчиларга нисбатан анча паст жинсий қувватга эга эканликлари илмий жиҳатдан тасдиқланган. Шаҳар шароитида узоқ муддат бўлиш ҳамма нарса ва ҳамма жиҳатдан иш қобилиятининг йўқолишига олиб келади.

Шаҳарликлар ҳаёт тарзи – бу биринчи навбатда нима?..
бу буткүл қүёш танқислиги дегани!

Бизларнинг ҳаммамиз – Африкадан келиб чиққанмиз, айтайлик, бизнинг бир минг бир юз қирқ бешинчи аждодимиз африкалик эканлиги аниқ. Биз ҳаммамиз ҳам қўёшга мухтожмиз!

Күшнинг нури таъсирида инсон организмидаги D витамини хосил бўлади.

Д витамини – бу дармандори Е учун катализатор. Е витамини эса ўз навбатида жинсий қувватни ошириш учун катализатор бўлиб хизмат қилади.

Жинсий қувват катализатори дегани – бу бутун бошли ҳарам эгаси бўлиш истаги дегани. Қалай, маъқулми? Агар жавоб «йўқ» бўлса – зудлик билан қуёш ваннаси қабул қилиш учун учинг.

Хонимлар бир эслаб күринг-а, Сиз умр йўлдошингиз билан охирги марта қачон курортда дам олгансиз? Хўш, эслайсизми?

Биринчи кун ҳамма нарса унинг асабига тегади. Яъни ҳаммаси ҳар доимгидек, одатдагидек.

Иккинч кун, офтобдаги тобланишдан кейин у چарчаган, тана қүёшнинг тафтидан жаз-жуз қияпти...

Миғзакарим Ноғбеков

3–4 кунлик тобланишдан кейин эса унинг овозидаги оҳанг эркалатиш томонга ўзгара бошлади. Тобланишнинг учинчи, тўртинчи кунида Сизларда уларга, эркакларда эса аёлларга бўлган қизиқиш тобора кучая бошлади.

Эркаклар, кўёшда 3-4 кун тоблангач, Сизлар ҳам ўзингизнинг эркак жинсига мансуб эканингизни эслаб қоласиз. Бoshingizni қашлаганча, эр хотинлик мажбуриятини адо этишдан ташқари, романтика ҳакида ҳам хаёл сурадиган бўласиз.

Агар шу пайтгача, «иш-уй-ётоқ, иш-уй-ётоқ, иш-уй-ётоқ» – бўлса, энди эса бирданига: «бу ерда рақс майдончалик қаерда экан» – бу ерда тунги клублар қаерда экан», дея қизиқа бошлайсиз.

Тўсатдан эндигина урф бўлган маҳаллий ўзига хос тиббий восита – «бутатерапия» деб аталадиган восита ҳакида билиб оласиз.

Шунинг учун илтимос, курортга албатта рафиқангиз билан боринг, зинҳор котибангиз билан эмас. Ҳамкорликда қабул қилинган кўёш ваннаси оиласвий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Курортда дам олиб, газга тўйинган, рутубатли шаҳарга қайтганингиздан кейин, танангиздаги тобланиш излари йўқола бошлади, афсуски, жинсий фаоллигингиз ҳам ўзингиз дастлабки ҳолатига қайтади...

Москваликлар, питерликлар ва бошқа чекка шимол ҳудудида яшовчилар!

Агар бизнесингиз ўзингиз билан биргаликда бу рутубатли булат остида қовжираб, сўлиб боришини истасангиз, аксинча, унинг жуда тез ва кескин ривожланиб кетишини истасангиз – кўёш ванналарини қабул қилинг. Жуда иложи бўлмаганди ҳам, ҳафтасига икки марта солярийга ташриф буюринг...

Ҳозир айтмоқчи бўлганларингизни ёки ўйлаётганларингизни – ҳатто гапирмасангиз ҳам, ўйламасангиз ҳам бўлади. Чунки бу менга маълум. Сизга гўё қаергадир кетиб қолсангиз – иш тўхтаб қоладигандек туюлади! «Менсиз ким ҳам ишларди?» – деб ўйлайсиз.

Пентакни тажтибаси 2

Лекин бебаҳо диққатингизни қуидагиларга қаратишингизни истардим.

Дунёдаги барча янги руслар, янги греклар, янги татарлар, хуллас барча буюк бизнесменлар бир овоздан шуни таъкидлашади: «Буюк ғоялар дам олиш пайти келади, ўз фаолиятингиздан узокда, хусусан курортда, лекин зинҳор иш пайтида эмас!»

Кўплаб муаммоларнинг ечимини сираям тополмаяпсиз, тополмаяпсиз... улар кутилмаганда соҳилда офтоб остида кумга бағрингизни бериб ётганингизда бирданига «ярқ этиб» аён бўлади: «Мана бу лойиҳани ишга тушириб юборишим, бунисинидан эса воз кечишим керак бўлади!» Нима учун кўпинча айнан шу каби ҳолат юз беради?

Чунки Сиз курортдасиз, ўз муаммоларингизнинг ичидагисиз. Сиз ҳамма ташвишлардан четда турибсиз. Четдан қараган одамга эса бор нарса очик, ойдин ва яхшироқ кўринади.

Агар Карпов ёки Каспаров сингари буюк шахматчиларнинг, жаҳон чемпионларининг қандай ўйнаганларини кузатган бўлсангиз, у ҳолда уларнинг қандайдир ўзига хослигини сезган бўлсангиз керак. Улар ақлий жанглари давомида вақти-вақти билан ўринларидан туришади. Шахмат таҳтасига турли томонлардан туриб қарашади. Бу олдиндаги муаммога турли хил ракурслардан туриб қараш имкониятини беради.



Демак! Ҳозир ўз олдингизга қўядиган биринчи вазифангиз – жанубий давлатларда йилига икки марта, етти кун ёки ундан ҳам яхшиси ўн-ўн икки кун дам олишдир. Маслаҳатим – юзтубан ётиб, офтоб остида тобланинг!

Мирзакарим Норбеков

Агар яшаш жойингиз серкүёш ўлка бўлса, аксинча вақти-вақти билан совуқ, корли жойларга бориб келишингиз керак.

Ха, тўғри, Сиз дам олиш учун қандайдир миқдорда пулни йўқотасиз, лекин аслида эса бу пулларни Сиз ўзингизнинг саломатлигингиз учун сарф қиляпсиз. Сиз энг юқори даромадли ишга пул тикяпсиз, яъни ўзингизнинг дам олишингизга.

Мия учун энг зўр ҳордик –
бу экстрем.



Энди рейтинг бўйича айтинг-чи, юз фоизли ҳордикни, одамни бир зумда ўзига келтира оладиган, ҳаммасидан керакли ҳолатни нима бера олади?

Пляжларга кон денгиз бўйидаги беш юлдузли меҳмонхонами? Бўлмаган гап!

Бугунги кунда дам олиш ҳақида тушунчага эга бўлган одамлар орасида энг қиммат ва энг юқори талабга эга бўлган ҳордик – бу экстрем.

Экстрем дегани нима – парашют, тоғ чанғиси... Гап ҳозир бу ҳақда эмас! У ерда ҳам график бор, у ерда ҳам тартиб бор. Худди болалар оромгоҳидагидек. Доимий. Мана бу пайтда Сиз фалон ишни қилишингиз керак, мана бу соатда эса фалондай...

Лекин бу тартибдан бизнинг ақлимиз ўтмаслашиб бора-ди! Бу дам олишнинг энг бўлмағур усули, самарадорлиги ҳам шунга яраша. Чунки бу деярли ўша ўзимиз яшаётган ҳаётнинг айнан ўзи, факат бошқа жойда кечеётгани.

Агар Сиз дам олиш пайтида ҳам одатда ўргангандан ҳаётнинг суръатини сақлаб қолсангиз, миянгизнинг суръати бундан ўзгариб қолмайди. Мия бошқачасига дам олиши керак.

Пентакни тажрибаси 2

Бошқачасига – бу қанақасига? Қайси ҳордик мияга энг юқори иш қобилиятини баҳш этади?

Экстрем деганда бутунлай бошқача экстремни назарда тутамиз. Пакетчали шўрва, елкада тўрва халта, унда қоптўшак, болта, консерва, гугурт. Мана шундай бир ҳафталик сургундан кейин қарабсанки – мия бекаму кўст ҳолатда – худди ёш боланикidek.

Энг яхши ҳордик – Сиз ҳамма нарсадан эркин бўлган саёҳат. Сиз агар мана шундай ҳордик чиқаришга ўтсангиз, танаси соғлиқка тўлиб-тошган одам бўласиз-қоласиз.

Кунига бир неча юз километр машинада сайд этиш, бироқ энг кўпи – минг километрдан ошмаслиги лозим. Бунда нимани ҳоҳлаётганингизга қараб иш тутасиз – ҳоҳласангиз ҳозир тўхтайсиз, ҳоҳласангиз – бироз кейинрок.

Ёки яна ҳам яхшироғи – беш-олти одамдан иборат гуруҳ тузиб, яёв юриш керак, ундан кўпи – бозор. Ўн-ўн беш кун биргаликдаги дам.

Сиз мана шундай бемалол дам олганмисиз? Хўш, қалай экан?

Бундан ҳам ортиқ роҳат бўлиши мумкинми? Йўқ, тўғрими?

Демак, келажакда ўзингиз учун энг яхши ҳордик чиқаришни режалаштиринг, миянгизни жойига келтириш учун ажратиладиган бу ҳафтадан ўзингиз учун максимал даражада фойда олишга ҳаракат қилинг.

Энди эса азизларим, сизлар учун галдаги

МИ ВАЗИФАСИ

1. Уч ой мобайнинда уйқунгиз устида тажриба ўтказинг – қачон ухлашга ётдингиз, қачон турдингиз, қанча вақт ухладингиз, юмшоқ ўриндами, қаттиқ ўриндами, бошингизни шимолга кўйибми, жанубгами ва ҳоказоларни қайд қилинг.

Мирзакарим Норбеков

Натижаларини жадвалга киритиб боринг. Қандай ухлаганингиз, уйқу сифати қандайлиги борасидаги натижаларни айтаяпман.

2. Ҳафтанинг шанба, якшанба кунларини ялқовлик жаноби олийларига бағищланг! Ва унга сўзсиз бўйсунинг!

3. Йиллик жадвалингизга, агар шимолда яшасангиз иссиқ юртларга, агар жанубда яшасангиз совуқ юртларга камида 7-10 кунлик таътилни киритиб қўйинг.

4. Энди эса яна иккита 7-10 кунлик таътилни, гарбда яшайдиган одам бўлсангиз, шарқ томонларда ўтказишни мўлжалланг, агар шарқда яшайдиган бўлсангиз – гарбда ўтказинг.

Табиат қўйнидаги эмин-эркин таътил, унда ҳеч қанақа шаҳар, ҳеч қанақангى цивилизацияга ўрин бўлмасин!

ЕТТИНЧИ ТЕПКИ Овга ов қилиш

Китобхон қарама-қарши жиснс вакили ҳақида кўплаб турли-туман нарсаларни билиб олишдан ташқари, ўзининг жиснси ҳақида ҳам кўплаб нарсаларни ўрганади, бу эса унга ўзига четдан туриб кўз ташлаш имконини беради.

Бундай бебаҳо билимлар билан қуролланиб олган эркак завқли учрашув олди ҳаяжонидан тогни талқон қилишга ҳам тайёр бўлади. Ва вазифага эга бўлади.

Xүш, азизларим, мана Сизни иккинчи ярмин-
гиз изидан овга чиқариш вақти ҳам етиб келди. Албатта,
агар Сиз бунга тайёр бўлсангиз.

Лекин, дастлаб Сизларни эркак ва аёлнинг тузилиши ўртасидаги тафовут билан таништиришимга ижозат берсангиз. Йўқ, бу Сиз ҳозир ўйлаган тафовутлар эмас. Улар билан ўзингиз танишиб оласиз, агар ҳалигача таниш бўлмасангиз! Мен бош миянинг иш фаолиятидаги фаркни, хатти-харакатдаги фаркни назарда тутаяпман.

Эркак дунёси ва аёл дунёси бир-бири учун мутлақо номаълум дунёлардир. Агар кимдир: «мен ўзимникидан бошқа дунёни ҳам биламан» – деб айтса, демак, бу кўпроқ унинг фантазиялари. Мен ҳали бирон марта аёл дунёсини охиригача тушуна оладиган эркакни учратмаганман. Жумладан, эркак дунёсини тушунадиган аёлни ҳам.

Аёл бош мияси ва эркак бош мияси турли схемалар бўйича ишлайди. Масалан, эркакда ахборотни қабул қи-

Мирзакарим Норбеков

либ узатувчи нутқ маркази битта, аёлларда эса – иккита. Сизнингча: «Эркак гапирганда аёл жим турса-да!» – деган мағрур ибора қаердан пайдо бўлган.

Жавоби жуда оддий, ҳаммаси бизнинг физиология миздан келиб чиқсан. Эркакнинг мияси худди йўл патрул хизмати инспекторининг рацияси сингари ишлайди. Инспектор хабар бериш учун рация тугмачасини босади ва гапиради. Хабарни қабул қилиш ва узатиш учун умумий каналдан фойдаланилганлиги сабабли бошқа инспектор бу пайтда гапира олмайди. Биринчи инспектор тугмачани кўйиб юборгандан кейингина иккинчи инспектор ўз рацияси тугмачасини босади ва гапира бошлайди. Улар худди мана шу тариқа мулоқот қилишади.

Эркак гапира бошлаганда, у билан баравар кимdir гапира бошласа, у чалғиб кетади, ахборотни англай олмай қолади. Дейлик, мана шу физиологик нүқсон сабабли ҳам ҳалқ орасидаги «аёл жим турса-да!» ибораси пайдо бўлган.

Аёл эса эркакнинг мияси ҳам худди ўзиники сингари тузилган деб ўйлади. Мана бу Сизга таниш манзарами: тұртта аёл карам тұғрашыпти, бунинг устига бир пайтнинг ўзида уларнинг тұртталаси бараварига гапирайпти. Сен қараб туриб ҳеч нимага тушунолмайсан: «Улар бир-бирини әшитяптими ёки йўқми?» деб ўйлайсан. Аммо улар эса ҳаммасини әшитади, ҳаммасини тушунади, уларнинг қабул қилиб узатиш маркази пойга машиналарининг поршени каби ишлайди.

Эркакларнинг мияси анча жўнрок. Уларнинг мияси бундай юкламадан ҳиқиҷоқ тутиб қолади. Лекин бу аёлларнинг мияси кучлироқ экан, дегани эмас. Аёлларнинг интеллекти эркакларнига қараганда пастроқ, лекин тезлиги юқори. Миянинг максимал ишлаш тезлиги – интуиция деб аталади. Яъни интуиция лаҳза ичida мантикий ечим топишнинг квантессенцияси.

Шенгакни тажрибаси 2



Мантиқ – бу шилликкүртнинг тезлиги.

Интуиция – бу ёруғлик тезлиги.

Мадомики, Сиз билан миянинг ўзига хослиги ҳақида гап бошлидикми, марҳамат қилиб айтинг-чи, Сизлардан қайси бирларингиз ҳамма аёлларни аҳмоқ деб ҳисоблайсиз. Ҳа майли... бўпти, бўпти... Аҳмоқ эмас... Яъни, айтмоқчи бўлганим, «ҳаммасини ...эмас айримларни».

Ким аёлларни «эркакдан кўра эси пастроқ» – деб ҳисоблайди? Энди эса: Ким аёлларни «эркакдан ақллироқ» – деб ҳисоблайди?

Дикқат! Энди яхшилаб әшитинглар! Аёллар эркаклардан ақллироқ ҳам эмас, аҳмоқроқ ҳам эмас. Шунчаки улар... **БОШҚА-БОШҚА ОЛАМЛАРДИР!**

Эркаклар ва аёллар нафақат ташқи деталлари билан фарқ қилишади, балки бош миядаги иш фаолияти билан ҳам тамоман фарқланадилар!

Фикр юритиш учун эркаклар кулранг моддадан фойдаланишади, аёллар эса оқ моддадан. Бош миядаги оқ моддалар кулранг моддаларга нисбатан микдор жиҳатидан сезиларли даражада кам.

Яъни аёл фикрлаш жараёни учун миясининг кам ҳажмидан фойдаланади. Лекин бу ҳам ҳали эркакнинг ақллироқ, аёлнинг аҳмоқроқ эканини англатмайди.

Бош миянинг ҳажми кичкиналиги унинг яхши ишламаслигини, катта ҳажм эса унинг яхши ишлашини англатмайди.

Гап шундаки, оқ модда ўзининг тезлиги борасида кулранг моддадан тахминан 7-8 марта илдамроқ.

Буни тасаввур қилиш учун мисол: агар эркак кишининг мияси пиёданинг тезлигига ишласа, уни саккизга кўпайтириңг, автомобилнинг шаҳардаги ўртacha тезлиги хосил бўлади... бу аёллар миясининг тезлиги.

Миғзакарим Норбеков

Пайқаган бўлсангиз, матнда вақти-вақти билан латифалар учраб турибди. Латифани ўқиш жараёнида турли жинс вакилларининг бошида нима юз беришини кўришни хоҳлайсизми?

Энди, бебаҳо вақтингизни қўйидаги жиҳатга қаратинг-а.

Агар Сиз эркак киши бўлсангиз, аввал латифани ўқиб бўласиз. Сўнгра ўйлаб кўрасиз. Маълумот мантиқ ҳудудига қараб кетади: «Бу кулгилими?» Сўнгра мантиқийлик ҳудудидан ҳис-ҳаяжон ҳудудига қараб келади: «Кулгили, кулиш керак!» Ундан кейин нутқ марказига қараб йўқолади: «Кулсанг-чи ахир! Бу кулгили-ку!» Ва кейин нутқ марказидан «Ха-ха-ха...» деган товуш янграйди.

Агар Сиз, аёл бўлсангиз аввалига «Ха-ха-ха» янграйди... қолгани эса кейин амалга оширилади...

Бу факт.

Кулранг моддалар мантиқий занжирдан фойдаланади, бу эса жуда секин кечадиган жараён. Ундан ташқари кулранг моддалар бир пайтнинг ўзида иккита жараён билан ишламайди.

Эркак гапириб турганида эшитолмайди. Эшитиб турганида эса гапиролмайди.

Аёл киши эса бир пайтнинг ўзида гапириб, эшитиб, ошхонада нимадир килиб, болаларни тарбиялаб, яна қўшни ҳовлида нима гап бўлаётганига ҳам кўз-кулоқ бўлиб турди...

Чунки аёлларнинг нутқ маркази оқ модда ҳудудида жойлашган. Шунингдек, ҳис-ҳаяжон маркази ҳам оқ модданинг ҳудудида жойлашган. Аёлнинг тил ва хиссиётлари бир пайтнинг ўзида ишлашни бошлайди! Бу эса ҳар қандай эркакни ақлдан оздириши мумкин!

Аёл киши гап сотишининг орасида ҳаммасини эшитиши, ҳаммасини тушуниши, таҳлил қилиши, хуолоса чиқарishi ва... гапиришда давом этиши мумкин.

Пентакниги тажрибаси 2

Эркак киши учун бу тушунарсиз. Шу сабабли ҳам «Эркак гапиргандা, аёл жим турса-да!» – деган ақида айнан эркакча ёндашув!

Мана, нима учун аёллар ҳамма эркакларни «эсипаст» деб ҳисоблашининг, эркаклар эса ҳамма аёлларни «аҳмок» деб билишларининг илмий асоси... Аслида эса на улар, на булар бир-бирларидан ақллироқ эмас!

Ҳақиқий эркак ва ҳақиқий аёл ҳеч қачон бир-бирини тушуна олмайди. Чунки эркак ва аёл – бу мутлақо бошқабошқа интеллект сохиби демакдир. Ва бу айнан бир-бирига тортилувчи иккита қарама-қаршиликлардир.

Шунинг учун ҳам айтишади-да: «Аёл қанча ақлсиз бўлса, эркак бу аёлни деб шунча ақлдан озади» – деб.

Нима учун табиат томонидан бир мавжудот, яъни одамзотнинг икки жинс вакиллари миясининг иш фаолияти турлича қилиб яратилган?

Шундай манзарани тасаввур қилинг. Ўрмонда буғулар тўдаси юрибди. Эркак буғу, ургочиси ва болалари. Тўда сардори қаерда турибди? Қаердадир баландга чиқиб олганча, атрофни кузатиб туради, тўғрими?

Ургочи буғу эса нима билан машғул? Шу яқин атрофда ўт чимдияти, тўғрими?

Бирдан бутазор тарафдан нимадир шитирлагани эшитилди... Эркак буғу бу вазиятда қандай йўл тутади-ю, ургочи буғу қандай йўл тутади?

Эркак буғу, «Нима? Қани?» – ва қизиқиш билан овоз келган томонга боради. У ердан эса бўрилар галаси сапчиб чиқиб... қизиқувчан эркакка «қизиқувчилар учун мўлжалланган маълумот»ни тақдим қилишади.

Ургочи эса ҳар бир шарпадан ўтакаси ёрилганча, хавф-хатар йўқ деб ўйлаган томонга шаталоқ отиб қочиб колади... ўзи билан бор бисотини ҳам олиб қочади, ахир шундай эмасми, эркаклар? Онасиникигами... Ёки дугонаси-никигами...

Мирзакарим Норбеков

Мана айнан шу – эркак ва аёл интеллекти ўртасидаги фарқ бўлади.

Агар улар кулранг моддалар ёрдамида ўйлаб, фикр юритишганида эди, бизнинг аждодларимиз аллақачонлар буталар ортида писиб ётган йиртқич панжасида ҳалок бўлиб кетган бўлард... .

Урғочи хавф-хатарни яшин тезлигига ҳис қила олиши – бир пайтнинг ўзида чора учун хатти-ҳаракат қабул қилиши керак!

Эътиборингиз учун интуициянинг ўзи ҳам айнан оқ мoddанинг ҳудудида жойлашган.

Агар эркак кишини ҳам оқ модда бошқарганида эди, унда: «Она, бола буғулар қочишга улгуришлари учун ўзими курбон қилишга боришим керак...» сингари фикр ҳеч қачон пайдо бўлмаган бўлар эди. Ахир бир гала бўриларга ем бўлишини олдиндан билган ҳолда яшириниб ётган жойидан бўриларнинг олдига чиқиб бориш, ғирт аҳмоклик эмасми?!

Эркаклардаги бу ўзига хослик шафқатсиз саралаш босқицидан ўтган. Эркаклар миясидаги руҳий-ҳиссиётлар қисми бироз топталгандек. Ўз табиатига кўра эркаклар ҳиссиётларга камрок бериувчан бўлишади.

Ортиқча ҳиссиётли эркаклар кичкина хавф-хатарни сезган заҳоти жуфтакни ростлаб қолишган... Ва ўз аёlinи ҳамда авлодини химоя қилишмаган... бу ахир хавфли-ку! Ёки уларга мантикийлик етишмай ўзининг модалари билан бирга шамшир тишли йўлбарслар писиб ётган йўналишга қараб қочган ва ҳаммаси бирга ҳалок бўлишган. Демак, уларнинг генлари вақт уммонида йўқолиб кетган, эврилишнинг азалий занжирлари орқали бизгача етиб келмаган.

Аёллар ҳам шафқатсиз саралашдан ўтишган.

Бунда аёлларнинг вазифаси табиий ўз болаларини хавфсиз жойга олиб қочиш бўлган. Шу сабабли ортиқча ки-

Ментакнинги тажрибаси 2

зиқувчан урғочилар ҳалок бўлиб кетишган... Сизни ҳам, хурматли эмансипациялашиб кетган хонимлар, худди шу нарса кутяпти.

Мана шу тариқа фақат икки кўл, икки оёқ, икки кўз ва ҳакозоларнинг бир хиллиги билан ўхшаш бўлган, инсониятнинг аслида эса ички моҳияти мутлақо турлича бўлган икки хил зоти пайдо бўлди. Аёл ва эркак, улар – иккита улкан қарама-қаршиликдир.

Демак, агар Сиз ҳақиқий аёлни аниқламоқчи бўлсангиз, унга ниманидир тушунтиринг ва кузатинг. Агар у ҳаммасини тушунса, у кўпроқ эркак бўлса керак, аввалига аёлларнинг кийимини кийиб олади-да, кейин жунбушга тушиб, мен аёлман дея хуштак чала бошлайди. Тушунмадингизми? Демак Сиз – аёлсиз! Эркаклар эса бу шунчаки трансвеститлар ҳақидаги ҳазил эканини тушунишиди.



Мантикий ақл – бу эркакларнинг ҳудуди. Аёлларнинг ҳудуди – эса ҳис-туйғудир.

Ҳис-туйғулар ўз имкониятлари бўйича мантикий ақлдан кўп бора устунликка эга!

Ақл тайёр ёки қабул қилинган билимлар, тажрибалар билан ишлайди. Лекин, мабодо бу билимлар орасида «ер квадрат» сингари ёлғон билимлар тушиб қолса – ақл Ернинг бу шаклини, яъни «квадратнинг учларини ишлов бериш орқали текислаш кераклиги» борасида хуносалар қила бошлайди.

Аёл киши эса ҳис қиласи... Сиз ҳар доимгидек бўлмағур нарсани гапираётганингизни!

Мисол учун, эркак уйга келади ва жуда мантикий равишда қаерда бўлганини, ким билан, нима билан шуғул-

Мирзакарим Норбеков

ланганлиги түғрисида дақиқасигача аниқликда гапириб бера бошлайди. Шундай силлиқ гапириб берадики, ҳатто бу гапларига ўзи ҳам ишона бошлайди! Аёл киши эса унинг ёлғон гапираётганини дархол ҳис қиласди.

Холбуки, эркак ўз ахборотини мантиқий асослашга шунча меҳнат сарфлаган эди, ҳатто қора терга тушиб кетганди! Аёл эса тинглаб туриб, йўл-йўлакай ҳаммасини тушуниб олади.

Пайқаганмисиз? Шундайми ахир?

Бош миянинг мана шу ўзига хослигига, тасдик ўз асосини топган, энг буюк шогирдларнинг барчаси – бу аёллар. Лекин энг фойдасизи ҳам улар. Энг мураккаблари эса эркаклар – лекин улардан қандайдир наф топса бўлади...

Нима учун? Ҳамма гап шунда-да.

Аёл киши учун янги билимни эгаллаш – қийинчилик эмас, улар ўзларини бундан камситилгандек ҳис килишмайди. Мана шу сабабли ҳам исталган аёл ҳар қандай билимни бемалол қабул қила олади.

Эркак киши эса аввал ўзининг захирасидаги билимларини янги билимлар билан таққослай бошлайди. Чунки эркак киши ниманидир тушунса – буни комил ишонч билан тушунади! Уни бошқа бирон нарсага қайта ишонтириш қийин. Ишонтириш шунинг учун қийинки, эркаклар бундай ҳолатда ўзларини, гўё кимдир уларнинг олдинги комил ишончини тортиб олаётгандек тутадилар. Янги нарса олаётгандек эмас, аксинча эскисидаги ажralиб қолаётгандек – эътибор беринг-а! Ва у бундан ҳақиқий эркак сингари ириллай бошлайди: «Ир-р-р! Бу – меники! Бермайман!» Хонимлар, тасаввур қиляпсизми, эркакларнинг онги қанака ишлашини??!

Лекин эркак киши мана шу оз илмни, агар қабул қилса, у холда бу илмни 100 фоизга қўллайди...

Аёл киши эса эгаллаган билимини деярли ҳеч қачон кўлламайди! Жон деб қабул қиласди! Шод-хуррамлик билан

Пентакни тажрибаси 2

сақлайди! Роҳат билан баҳам кўради! Лекин ўзи камдан-кам қўллайди...

Аёллар табиатан буюк ташаббускорлардир, сал нарсага улар «Яшасин!!!» – дея олқишлийдилар ва бутун бошли аёллар армияси ортингиздан эргашади. Битта қадам ташлаб ортингизга ўғирисангиз, улардан бирортаси ҳам қолмайди, сизнинг якка ўзингиз колган бўласиз! Қарабисизки – улар энди бошқа жойда, бошқа бирорвни «Яшасин!» деб олқишлияпти.

Эркаклар эса уларга нисбатан анча бефаҳм. Эркаклар бир марта сизни «Яшасин!» деб олқишиладими – у ёғига қандай қийинчилик бўлишидан қатъи назар сиз билан бирга кетаверишади. Шаънингизга уларнинг бўралаб сўкишларини эшитишингиз мумкин, лекин улар сизни ташлаб кетиб қолишмайди. Эркакдаги ушбу бефаҳмлик қайсарлик ҳисобига мувозанатланади ва улар ўз кўзлаган мақсадларига қадар етиб бора оладилар.

Марҳамат қилиб ўйлаб кўринг, қайси бири яхши? Сизнинг ўнг қўлингиз яхшироқми ёки чап қўлингизми? Қаҷонки Сизда уларнинг иккаласи ҳам бўлса – яхши! Тўғри эмасми?

Эркак бўлиш – бу турган-битгани баҳтсизлик. Аёл бўлиш – бу бутунлай бошқа фожиа! Мана шу икки турдаги фожиалар қаршимда туриб олиб, бири чапдан, бири ўнгдан: «Ҳақиқий эркаклар йўқ!», «Ҳақиқий аёлларни аллақачонлар илиб кетишган» деган мазмундаги доимий ашуласини бошлашса қанақа жазавага тусишимни тасаввур қиляпсизми?! Гарчи мен минг-минглаб навбатда турганларни кўрсамда, улар нима учундир бир-бирини кўрмайдилар, пайкамайдилар ҳам!

Камтарин қулингиз кўп йиллардан бўён бу каби сўққабош, шўрпешоналарнинг мотамсаро юришига гувоҳ бўлиб келмоқдаман! Мана, бугун Сизгача ҳам етиб келдик, қадрли китобхон!

Mирзакарим Норбеков

Табассум қилинг, менинг азиз китобхоним, табассум қилинг! Ҳаёт шундай гўзалки!

Ҳаёт иккита бир хил ва иккиси ҳам фойдасиз бўлган мавжудотлар – яъни эркак ва аёлдан пайдо бўлади. Улар бирлашганларида янги куч пайдо бўлади. Ахир бу мўъжиза эмасми?!



Сизлардан кимда-ким ўзида мана шу аёллик негизи ва эркаклик негизини бирлаштира олса, ўша одам энг буюк кобилиятлар эгаси бўла олади. Лекин бу ҳаётда камдан-кам учрайдиган ҳодиса!

Эркак ва аёллар тўғрисидаги маълумотлар билан танишида давом этамиزمи?

Эркак ва аёл нима ҳақида гаплашишмасин, эркак ҳар доим аёлга бўлгуси эхтирос обьекти сифатида қарайди. Бу табиий ҳолат. Албатта, буни тамоман оқлаш керак демоқчи эмасман. Шарқда буни кўз зиноси, дейдилар.

Ташки қобиқ ҳудди илмий конференция бўлаётгандек ёки стол атрофидаги шунчаки мулоқот ёхуд маданий суббат сифатида кўриниши мумкин, лекин ҳар бир эркак киши рўпарасидаги аёлга қараганида аввало бу аёлнинг фақат аёл эканлиги тўғрисида ўйлади.



Эркак ва аёл ўртасидаги барча муносабатларнинг илдизида маданийликка, маънавийликка трансформациялашган ва ўзининг белгиланган чегарасига эга бўлган жинсий муносабат ётади.

Пентакнини тажрибаси 2

Муҳандислик конструкцияси бўйича илмий конференцияда эркак ва аёл ўтириби. Эркак – оддий слесарь, уйланмаган. Аёл – техника фанлари доктори, турмушга чиқмаган. Эркак агар имконияти бўлса аёлга уйланмоқчи! Аёлда бошқа танлаш имкони йўқ – бу сайёрадаги уйланмаган энг сўнгги эркак. Қандай қилиб бўлса ҳам уни ёнига жойлашиб олиш керак, акс ҳолда бунисини ҳам илиб кетишади!

Ва улар мулоқотга киришадилар. Эркак қандайдир конструкциялар ҳақида гапира бошлайди. Лекин аёл маълумотли-ку ва у эркакка ўзининг ўқимишли эканини кўрсата бошлайди, зўр бериб, уни ўз фикрига ишонтира бошлайди.

Бўлди! Аёл энди бу эркакни ҳеч қачон кўлга киритолмайди, чунки у эркакка эркакнинг ожиз томонини кўрсатди. Аёл киши эркакка ўзининг ундан кучлирок эканини ошкор қилиб кўйди! Бўлди! Фильм тугади! Энди яна давом этамиз, эркаклар, марҳамат қилиб шу ҳолатни тасаввур қилинг, қандайдир аёл Сизнинг оёқларингиз, бурнингиз ёки кулоғингизга қараб туриб бундай деб колса: «Ву-й, даҳшат-ку! Бунча хунук қийшиқ ёки тарвақайлаган бўлмаса!»

Эркаклар, Сизга савол: Сиз қачондир бўлса ҳам бу аёл билан қайта учрашасизми? Йўқ! Сиз қачондир бўлса ҳам бу аёлни унута оласизми? Бунга ҳам йўқ! Сиз бу тасқара аёлни доим лаънатлаб юрасиз. Тўғрими?

Аслида биз ҳозир муҳандислик конструкцияси ҳақида гапирмаяпмиз ва Сизнинг қийшиқ бурнингиз ҳақида ҳам эмас... Биз Сиз билан хатти-харакатларимизнинг асоси ҳақида гапиряпмиз. Сиз қанчалик даражада маънавийлашган бўлишингиздан қатъи назар, ижтимоий хатти-харакатлар билан қанчалик даражада пухта таъминланган бўлишингиздан қатъи назар, Сизга қандай маданиятнинг қадриятлари: ҳоҳ у американча, ҳоҳ хитойча ёки русча бўлинин пайвандланган бўлишидан қатъи назар булар сабаб Сизнинг ички аъзоларингизнинг ўрни бошқа жойга кўчиб

Мирзакарим Норбеков

ўтмайди. Насл орттириб кўпайиш даражасидаги хатти-ҳаракатлар ҳам бундан ўзгача бўлиб қолмайди.

Агар аёл киши эркак кишининг ҳирсий жиҳатдан устун келишига қарши зиддиятга борса, бу аёл эркакнинг рўйхатидан ўчади.

Ўрмонда уч бошли аждар пайдо бўлибди. Ҳамма ҳайвонларни йиғишибди. Аждарнинг бир боши ҳеч ким қочиб кетмаслиги учун кўз-қулок бўлиб турибди, бошқаси ёзяпти, учинчиси сўрок олиб боряпти.

Сен кимсан?

Мен бўриман.

Ёзib қўямиз – «бўри». Эртага менинг олдимга «нонушта»га келасан! Кейингиси!

Мен тулкиман.

Ёзib қўямиз – «тулки». Эртага менинг олдимга тушликка келасан! Кейингиси!

Мен айикман.

Ёзib қўямиз – «айик». Эртага менинг олдимга кечки пайт келасан. Сен бизга кечки таом бўласан! Кейингиси!

Мен куён-м-а-н.

Ёзib қўямиз – «куён». Менинг олдимга сен...

Май-л-и-м-и, майли-м-и мен келмасам?

Майли! Ўчириб ташлаймиз... Кейингиси!

Энди бошқа вазият – аёл Сизнинг бесўнақай, қийшиқ бурнингизга қарайди-да бундай дейди: «Бурнингиз қандай кўркам ва келишган экан!» Сизнинг реакциянгиз? Бошқалар билан солиширигандан у Сизнинг рўйхатингизда қайси ўринга чиқиб олади? У энди ягона! Шундай эмасми, эркаклар?!

Пентакниң тажрибаси 2

Биз ҳозир «бурнингиз»нинг катта-кичиклиги ҳақида гапиремаяпмиз, биз ҳозир муносабатларни яратиш пойдевори ҳақида гапиряпмиз.

Умуман бу гап мутлақо бурунга тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин...

Хонимлар, қулоғингиз динг бўлсин. Сиз бўйнига ола хуржун илишни хоҳлаётган бу телбага бир қаранг. Ўзингизнинг бу истагингизни кўрсатишнинг уларга кераги йўқ, ўзингизнинг ўқимишли эканингизни ҳам сездирманг, энг муҳими ўзингизнинг ундан устун эканлигинги мутлақо сир тутинг. Қанака шаклда бўлмасин, устунлигинги кўрсатиш керак эмас... Эркак қандай беъмани гап гапиришидан қатъи назар, Сиз унга қараб турасиз-да, «Қандай бамаъни ва зўр фикр экан!» дейсиз. Турли жумлалар билан, лекин аслида битта маънода...

Нимага дейсизми? Чунки, нафакат аёллар мақтовнинг кули бўлишади! Эркакни ҳам кўлга ўргатиш мумкин – фақат мақтov ва қойил қолиш йўли билан. Сиз эркак билан солик тўлаш декларациясини тўлдириш ҳақида гаплашасизми ёки дунёдаги сиёсий вазият ҳақидами, эркак қулоги билан эшитмайди, кўзи билан кўрмайди, у ҳар қандай қарама-қарши жинс вакилини аввало аёл сифатида тан олади ва ҳис қиласди.

Ўзингизни тутишингиз, ўзингизнинг хатти-харакатингиз билан ва бошқа ҳолатлар билан ҳам ҳеч қаҷон эркак кишига унинг ожизлигини кўрсатманг. Эркак кишининг кўнгли жуда нозик бўлади, унинг қалбини ардоқланг, қадр-қийматини сақлай билинг. Унинг дилига озор етказмасликнинг ўзи етарли. Бошқа барча нарсаларда у Сиздан анча бакувват, қадрли хонимлар!



Ўзининг шахсий устунлигига нисбатан ҳар қандай шубҳангизни эркак киши эркаклик шаънига, ориятига нисбатан суюқсад сифатида қабул қиласди!

Мирзакарим Норбеков

Албатта, мен бўрттиряпман, лекин бу фақат Сизга фикрларим янада чукурроқ етиб борсин, деган мақсадда қилинётган ҳаракат, холос.

Энди эса, қадрдонларим, бошқа мавзуга ўтиш учун рухсат беринг. Катта бизнесингиз учун қандай килиб қадрларни танлашингиз лозимлиги ҳақида бироз гапириб ўтмоқчиман.

Эътибор беринг, мен кичик ва ўрта бизнес ҳақида гапирмаяпман. Мен Сизга катта бизнес дунёсини кўрсатяпман. Тушунарли бўлиши учун, келинг, Сиз билан тахминий миқдорни келтирамиз. Кичик бизнес – 30 нафаргача бўлган одам. Ўрта бизнес – 150 нафаргача бўлган одам. Катта бизнес... Мана менда, масалан, тахминан 7000 нафар ходим ишлади.

Аслида эса менинг ходимларим бор-йўғи беш одам. Мен фақат улар билан мулоқот қиласман. Қолганлари мени қизиктирмайди. Қизиктиради албатта, лекин улар билан мулоқот қилиш учун менда вақт ҳам имконият ҳам йўқ.

Колаверса... Мен, ўзим ишламаслигим учун бош директорни ҳам ишга ёллаганман. Агар ўзим ишлайдиган бўлсан қолганларни бошимга ураманми? Улар менга фақат битта вазифа учун керак, яъни улар менинг фақат ўзимга хуш ёқадиган масалалар билан шуғулланиб, роҳат-фароғатда яашимни таъминлашлари лозим.

Беш нафар одам – бу жуда кичкина жамоа. Бу ерда раҳмдиллик ва тажриба учун жой йўқ. Чунки уларнинг ҳар бири ортидан эргашган минг-минглаб кишиларга йўлбошли бўлиши керак. Ўша – беш нафар раҳбарларим минглаб одамлар учун ота ва она бўлиши керак, улар ҳақида ғамхўрлик қилиши, уларнинг ҳаётida ҳамма нарса тўкис ва бадастир бўлиши учун ғамхўрлик қилишлари керак.

Мен қандайдир имиллаган, ожиз одамни директор қилиб ололмайман. Менга у билан, «Қўлингни ювдингми? Тишингни тозаладингми?» деб гаплашиб ўтиришнинг қизиғи йўқ.

Пентакни тажрибаси 2

Демак, бизга юкори сифатли бошқарувчи, етакчи керак бўладиган бўлса, у ҳолда барча нарса аҳамиятга эга – жинси, салоҳияти, истеъодиди. Эркак – етакчи, лекин унинг ўз минуслари, яъни салбий жиҳатлари бор. Аёллар... улар ўз табиати, феъл-авторига кўра сақловчилардир, улар ўз атрофида доим тартиб ўрнатишади. Лекин бу ўрнатилган тартибини кўриб, баъзан «дод» деб юборгингиз келади.

Эркаклар, марҳамат қилиб айтинг-чи, иш столингизни аёл киши йиғишириб, тартибга келтиргач, унга қарааш қандай ёқимли, тўғрими? Саранжом-саришта. Лекин шундан кейин керак бўлган ҳамма нарсангизни топиш учун, столнинг устида кулай ижодий ҳолатни ҳосил қилиш учун бизга бир неча кун керак бўлади?!

Лекин бир савол: нима учун аёл кишида ўз атрофида тартиб ўрнатишга интилиш бу қадар кучли? Чунки улар ўзларининг миясида етишмаётган нарсага ҳамиша эҳтиёж сезадилар. Уларнинг бошларида аслида бошдан-оёқ хаос, тартибсизлик ҳукмрон.

Эркакларда эса айни бу маънода ҳаммаси жойида, тартиб жойида, уларга хаос етишмайди. Мана шу сабабли ҳам юкоридагидек «ижодий муҳит»ни яратишади. Тамаки қолдиги қаҳва финжонида, қаҳванинг банкаси туфлининг ичida, шиппак компьютернинг устида, дастрўмолча қулоққа тикилган, уни қулоғидан олиш хотирасидан кўтарилиган. Ва энг қизиги, улар бундан маза қилишади. Бу «эркакларга хос меъёрдаги одатий ҳолат» дейилади.

Лекин росмана ҳаёт қаерда туғилади? Ҳаёт хаосда туғилади.

Мен бир гапни кўп айтганман ва яна такрорлайман. Эркак ўз ташкилотига бир томчи қувонч, баҳт олиб келади. Эркак бир томчи ҳаётни аёлнинг қаърига жо қиласади. Аёл киши эса ундан бутун бошли инсонни яратади.

Қиёслаш ўтказинг, механизмини қараб чиқинг, ким ва қаерда нима яратаяпти.

Мирзакарим Норбеков

Бу табиий фаввораларни, улар ўз атрофида янги нимадир ишлаб чиқаришлари учун, ўз жойига қўйинг. Ҳар томчидан катта одам яратадиганларни ўз жойига қўйинг. Уларнинг жойлашиш ўрнини зинҳор адаптириб юборманг.

Барча масалаларга моҳиятан ёндашган маъқул. Кадрларни қандай танлашни қараб чиқинг, қаерга, нима учун, қайси мажбурият юзасидан, дегандай. Ҳаётга амалийлик нуқтани назари билан қарашибонуни, ҳаётни ўрганиш қонуни ҳамма ерда бир хил. Одамлардаги кучли томоннинг ва ожиз томоннинг намоён бўлиш тамойили ҳам бир хил. Аёллик моҳияти минг-минглаб йилларнинг синовидан ўтган. Аёл киши ҳеч қачон ишда таваккалчиликка йўл қўймайди. Агар Сиз аёл кишини ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари бўйича директорлик лавозимига ишга қўйсангиз, бу Сизнинг ташкилотингиз ривожланиши тугаганини англатади. Бу аёл ўзи билмаган ҳолда жимгина зимдан ривожланишга қаршилик қўрсата бошлади. Нима учун эканини билмайди, лекин бу ерга бурун тиқиши керак эмаслигини, ривожлантиришни режалаштириш керак эмаслигини аниқ билади. Бизда ҳаммаси яхши-ку, 15 нафар одамнинг ҳаммаси жимгина ишлаб ўтиришибди. Ҳамма нарса жойида, ейишга бор, кийишга бор.

Аёллар буюк консерваторлар бўлишади. Демак, раҳбар лавозимлардан бирида албатта аёл киши бўлиши керак. Лекин уни консервация марказига, тартиб марказига қўйинг. Бош ҳисобчими, омборхона мудирими, тайёр маҳсулотлар цехининг директорлигигами. Ўлса ўладики, лекин Сизнинг бу бўлинмангизда тартиб ўрнатади. Агар Сизда бундай бўлинма иккита бўлса – иккита аёлни ишга олинг.

Ривожлантириш чиндан ҳам зарур бўлган ҳудудга, доимий сарф-харажат талаб этиладиган, таваккалчилик билан қарорлар қабул қилиш лозим бўлган ҳудудларга эса албатта, эркак кишини қўйинг.

Шенгакни тажрибаси 2



Кадр танлашда майдада-чуйда деган гап бўлмайди!

Мен ҳозир ҳудди кадрлар ҳақида гапираётгандекман, Сиз эса, қадрли китобхон, қулогингизга қуйиб олинг, Сиз буни ўзингизнинг еру кўкка ишонмайдиган жуфтингизни излаб топишда ҳам қўллашингиз мумкин. Ахир ўзингизга бир умрлик йўлдош танлаяпсиз! Сиз ёнингизда, эҳ-ҳе, қанақа умр йўлдоши бўлишини хоҳлайсиз-ку!

Энди, бироз тарбия ҳақида ҳам гаплашамиз.

Оддий бир мисол келтираман. Бизларнинг ҳаммамизда ҳам иккита кўл, иккита оёқ, икки қулоқ бор ва тахминан бир хил ҳажмли мия эгасимиз. Бироқ, миямиз нима билан тўлдирилган? Ким томондан тўлдирилган? Қандай қилиб тўлдирилган?

Келинг, таълим олишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳолатини кўздан кечирамиз. Айтайлик, ота-она банд бўлган, маошлари кам, ўзлари – ёлланма ишда ишлашади. Бизнинг ошқозонимизни тўлдириш учун, яшашибимизни таъминлаш учун, киядиган, кийимимиз бўлиши учун ота-онамиз эрталабдан кечгача ишда бўлишган. Номоддий бўлган нарсалар – айтайлик инсоний қадриятларни бизга сингдириш учун уларнинг вақти кам бўлган.

Энди бизда нима, қандай фазилат ва сифатлар ривожлана бошлади? Биз ҳамма қатори «вовиллаш»ни, ҳамма қатори маърашни бошлаймиз. Биз ўз атрофимизни ўраб турган тўданинг хатти-харакатлари, одатларидан нусха кўчиришга тушамиз.

Масалага моҳиятан ёндашган ҳолда, таққослаш ўтказмиз.

Мисол тариқасида «дала ҳовли» деб аталмиш пробирка-ни оламиз. Ўрмонда, ялангликда дала ҳовлилар жойлашган

Мирзакарим Норбеков

посёлка. Бу ерда ҳаммага 20 сотихдан ер беришган. Ва бу 20 сотихни шартли равища «бизнинг ҳаётимиз» деб атаймиз.

Ота-онага Парвардигор табиатан 20 сотихдан майдон берди. Сўнгра Сизнинг 20 сотихингиз пайдо бўлди. Участкаларнинг бирида ота-она олча, олма, гуллар экади – энг эзгу ва инсоний қадриятлар уруғини қадади. Бу ахир меҳнат-ку, тўғрими?

Ўзининг дала ҳовлисига «ўзинг яшайвер, бу сени ҳаётинг-ку!» деб айтиш ва ўз ишлари билан шуғулланиш ўрнига, ота-оналар болалари чегарасида ўралашади. Чунки бу ерда ҳам ҳар доим бўлиши керак, иш вақтида ишхонада меҳнат қилади, сўнгра бўш вақтида дала ҳовлида тер тўқади.

Йил бўйи ишлайсан, ер ковлайсан. Оқибатда эса икки челак картошка ва уч дона олмага эга бўласан. Лекин бунинг учун қанча меҳнат сарфланди!

Кимdir эса бу борада шундай дейди: «Яххиси, мен мактабнинг ҳақини тўлайман, яъни дўконга пул тўлаб, бир яшик олма ва бир қоп картошка оламан». У шундай қилиб, ўзининг маънавий меҳнат юкини мактаб гарданига ёки тасаввуридаги «эзгу хизматлар бюроси»га юкламоқчи бўлади. Оқибатда эса фарзандларимиз икки хил тоифада улғайишларига шароит яратилмоқда.

Бундан биз нимага эга бўламиз? Баъзи бирларида инстинктдан ташқари ота-онаси томонидан экилган инсонийлашган бироқ аслан ёввойи ҳис-туйгулар ўсяпти. Олмалар ҳам ёввойи, ноклар ҳам ёввойи. Лекин у ерга одам учун керакли, фойдали инсоний қадриятлар қўшилган. «Ахлок» тушунчаси ва ҳоказо «нима яхши-ю, нима ёмон» тушунчаси, «ор-номус» тушунчаси, «хоинлик» тушунчаси. Ахир бу меҳнат-ку – гапириб бериш, кўрсатиб бериш. Ундан ташқари сен болангга шахсан ўзингнинг тимсолингда ибрат кўрсатишинг керак.

Пентакни тажрибаси 2

Бошқа гуруҳда эса 20 сотих ер эса ташландиқ ахволга келиб қолган. Фарзандлари одам эмас, аллақандай маҳлуққа айланиб кетган. Уларни инстинктлар фойдасига хизмат кўрсатиш йўлида «сабзи жаноби олийлари» бошқаряпти. Боиси улар икки оёқда юрувчи ва гапиришни биладиган ҳайвонга айланиб бўлишган. Уларнинг барча қизиқиши рефлексларни қондиришга бориб тақалади.

Биринчи гуруҳдагилар ҳам ўзларининг рефлексларини қондириш билан машғул. Лекин уларнинг яна битта «аҳмоқлиги» ҳам бор – ота-оналари томонидан қолдирилган боғни парвариш қилиш. Телбалик эмасми-а? Бу гуллардан қарам шўрва пишириб бўлмаса, эгатлардаги ўсимликлардан салат тайёрлаб бўлмаса. Биринчи гуруҳдагиларнинг ўзлари атиргул ўстиришади. У ерга қанчалар меҳнат сарфланган! Бу вақт ичиди юз минг ишлаб топса бўларди!

Иккинчи гуруҳдагилар ўзларига нима керак бўлса сотиб оладилар. 100 сўм бердингми, мана сенга атиргул. Бу ерда жуда катта хавф-хатар бор – аслида дўзахга элтувчи энг осон йўл шу. Иккинчи гуруҳнинг тутган йўли оддий одам учун дўзахга элтувчи манба!

Биринчи гуруҳдагиларда виждонийлик ҳисси жуда юқори. Иккинчи гуруҳдагиларда эса у мутлақо йўқ. Келлади, кўради, ичади. Келди, кўрди, пакқос туширди. Келди, кўрди, нафсини қондирди. Яна қанақа ор-номус ҳақида гап бўлиши мумкин? Қанақа виждон ҳақида гапириш мумкин?

Биринчи гуруҳдагилар эса эстафета бўйича узатиладиган «инсонийлик» деб аталувчи хасталикдан азобланишади. Баъзан улар ҳам «Келди, кўрди ва нафсини қондирди» тарзида иш тутишни исташади. Лекин виждоннинг «оғзини ёпиб» бўлмайди-ку! Ва натижада улар ўзларидан хавфсирраб, бошқаларга ёмонлик қилишга тушадилар.

Мирзакарим Норбеков



Хайвоний эҳтиросларни чегаралаш – мана ота-она ўз фарзандига нимани жо қилади! Виждансизликни чегаралаш, пасткашликни чегаралаш, ёвузликни чегаралаш!

Шу сабабли ҳам баъзи инсонларда яхши сифатлар кўп бўлади, бошқаларда эса ҳеч вақо бўлмайди.

Энди тасаввур қилинг – дейлик, Болтавой «янги бойвачча»лардан. Унинг олдига Эшмат келиб бундай дейди: «Болтавой, менга ёрдам бер, бир қоп ахлат бериб тур, қара, сенинг боғингда тўлиб ётибди!»

Мен пул ёки бирор хизматни назарда тутаяпман.

Ундан кейин эса Тошмат келади-да, Болтавойга қараб: «Дўстим, сен Эшматта гўнг бериссан, менга ҳам керак», – дейди.

Иккаласи ҳам бир қопдан уйига ўғит кўтариб кетишиди. Эшматнинг боғи парваришланган, гуллар, сабзавотлар, ме-вали дараҳтлар экилган. Тошматнинг боғи эса ташландиқ ахволда, ёввойи ўт босиб кетган, у ерда газанда ўт олабута билан чирмашиб ўсиб ётиби. Уларнинг иккаласининг боғи ҳам ўғитланади. Нима юз беради?

Эшматнинг боғидаги гуллар янада ифор беради, сабза-вотлари янада мазалироқ бўлади! Тошматнида эса – газанда ўт елка кенглигидан ҳам ошиб кетган, шўра одам бўйидан баланд бўлган – бу ернинг ҳосилини ейсан ва ўласан!



Демак, ўзингизга кадрларни излаётганингизда унинг оиласидаги ўзаро муносабатга диққат қаратинг. Уларнинг виждан, ор-номус ҳақидаги тушунчалари қандай эканига эътибор беринг.

Пентакни таъсифибаси 2

Масалан, менда битта бош директор бор, мутлақо бе-фаҳм. Лекин унда «ор-номус» тушунчаси устувор. Яхшиси, бефаҳм бўлсада, лекин ҳалол директорга эга бўлган маъқул, жуда ақлли-ю, лекин энг нокулай пайтда орқангта пичок санчиб қоладиганидан худо сақласин. Чунки агар Сизнинг миллион долларингиз бўлса, Сиз мутлақо бошқа одамга айланасиз. Бироқ, агар юз миллион долларингиз бўлса, Сиз биратўла йирткичга айланиб кетишингиз ва бу ҳам етмагандек барча дўстларингиз ва ҳамкорларингизни ямламай ютиб юборишингиз ҳам мумкин. Чунки бошқаларга ёмонлик қилишдан Сизни сақлаб қолувчи ташки омиллар бўлмаса, унда Сизни факат ичкилари – туғилганингиздан сизда мавжуд бўлган ва ота-онангиз томонидан пайвандланган феъл-авторингиз ижобий кирралари ушлаб колади.



Келгусида ҳаёtingизга кириб келадиган ва муҳим ўрин тутадиган, Сизга яқин бўладиган одамларни синчковлик билан танланг. Чунки улар билан бирга уларнинг ҳаёти ҳам Сизга таъсир қилади!

Фақат пулни ўйлайдиган очкўзлар Сизга керак эмас. На бизнесингизда, на оилангизда. Фақат пул топишни билган одам билан бизнесни юритиб бўлмайди. Бизнеснинг бош мақсади факат пул топишдангина иборат бўлса, у албатта издан чиқади, хонавайрон бўлади.

Бу одамда очкўзлик борми, йўқми, шуни тушунишга ҳаракат қилинг. У ўзидағи шу қусурни бошқара оладими ёки ўз ҳолига ташлаб кўйганми. Очкўзлик кўркинчли иллат, унга қанча ён берсанг, шунча нафси ортиб бораведи. Ни-

мага құшсанғиз, ўша ортиб боради – бу табиий қонуният. Пулға бўлган очкўзлик касали деярли бедаво.

Катта бизнесменлар доирасида пул ҳақида гапириш хуңук одат ҳисобланади, бу ҳақда оғиз очишинг билан гап-гапга қовушмай қолади. Чунки бу зерикарли сұхбат. У нимагаям керак? Яхшиси, бошқа бирор-бир қизиқарли мавзу ҳақида сұхбатлашайлик!

Қаердаки, қалб етакчилик қиласётган бўлса, олдинда ижодкорлик завқи, сурури пайдо бўлса, қолган ҳамма нарсага эришса бўлади. Энди, қадрли китобхон, бу масалани ҳам бироз кўриб чиқайлик.

Эр ёки хотинни юрагингиз амрига қўра танлайсиз. Тўғрими? Дўстингизни ҳам. Сизнинг яқин дўстларингиз борми? Ким биландир дўстлашганингизда дўстлик учун нимадир таъма қилиш фикри ҳеч хаёлингиздан ўтадими?

Юкорида айтиб ўтганимиз мана шу корхонангиздаги етакчи одамлар – бу Сиз учун энг азиз инсонлардир. Сиз уларга ўз ҳәётингизни ишонасиз, улар эса Сизга ўз ҳәётини ишонади. Сиз уларга ўз ҳәётингизни бағишлайсиз, улар – Сизга. Демак, бундай одамларни танлашда жуда талабчан бўлиш керак!

Кимларни излаймиз? Етакчиларни! Илтимос, албатта уларнинг ташқи омилларига эътибор қаратинг. Ва уларнинг ички сифатлари ҳақида ҳам унутмаслик керак. Аниқ бир худудни бошқариш учун бу одам қандай сифатларга эга бўлиши кераклигини белгилаб олинг ва шу сифат йигиндисига эга бўлган одамни изланг.

Демак, ходимларни излаш мавзусини давом эттирамиз. Бу ижодий иш, қадрли китобхоним. Ходимларни зинхор турли газеталарда берилган рекламалар орқали ишга қабул қилиш мумкин эмас. Чунки бу одамлар ҳаётда ўзлари ҳеч нимага эриша олишмаган, ҳеч нимага эриша олмагач, охир-оқибат ўзларини бозорга солишган.

Пентакниң тажрибаси 2

Машғулотларимда кўпинча шундай бир мисол келтираман: «Қаранг, қандай қизиқ газета, хўш бу газета нима ҳақда, унинг бутун мөҳияти газетанинг номиданоқ аён: «Кўлдан кўлга» – яъни кўлдан-кўлга ўтиб юрувчи мутахассислар. Улар ҳеч нимага ярамайди. Чунки уларда мен айтган асосий бешта ҳодим учун керак бўлган энг муҳим жиҳатлар йўқ – биринчи навбатда ўзига нисбатан садоқат йўқ. Ўзини сотувга қўйган одам у ёғига ҳам сотилишда давом этаверади. Барча мөҳият мана шунда.

Иш изловчилик – бу клиник ташхис. Қачонки ўзинг иш ўрни яратса олмасанг, ўзинг бошқаларга маош бера олмасанг – бу ҳам руҳий нуқсоннинг ўзига хос шаклидир. Эҳтимол Сиз ҳам эълон бергандирсиз, хижолат бўлманг, баъзан шунақаси ҳам учрайди. Бизларнинг ҳаммамиз ҳам хастамиз. Лекин тузалиш керак, соғайиш керак!

Масалан, бир неча йил олдин бир киши билан бир соатча мулоқотда бўлдим, охир-оқибат унга: «Мен Сизга ойига беш минг доллардан тўлашга тайёрман, факат тез-тез учрашиб, мулоқот қилиб турсак бўлди», – дедим.

У мендан: «Бунинг учун мен нима қилишим керак бўлади?» деб сўради.

Унга, мен билан йил давомида мулоқот қилиб борасиз, дедим. Хоҳлаган мавзуда мулоқот қиласиз. Мен Сизни тажриба қуёни сифатида ишга оламан. Зоро, Сиз омадсизликнинг ёрқин намунасидирсиз. Сизда ҳар бир гапдан кейин такрорланадиган иборалар: «Мен ботқоқка ботиб қолганман, бир умр ботқоқда қолиб кетганман! Мен биринчи хотиним билан ажрапганман, энди эса иккинчи фарзандим ҳалок бўлишидан кўрқяпман!» каби нолишдан иборат, – дедим.

У бутун мулоқот мобайнода уни яшашга ўргатишмни хоҳларди. Мен эса унга: «Йўқ! Қадрдоним, мен ўзимдан кучли одамни нимагадир ўргатишга қодир эмасман. Лекин Сиз бутун кучингизни омадсиз бўлишга қаратгансиз. Сиз

Мирзакарим Норбеков

ожизликнинг эталонисиз! Сиз бу билан шундай фахрлана-
сизки, бу ҳақда, қандай омадсиз эканингиз ҳақида бир соат-
дан буён тўхтовсиз гапирияпсиз. Ҳатто фахру ғуур ҳисси-
дан чўчқачадек чийиллаб ҳам кўйяпсиз!» – дедим.

Мен бундай ноёб нусхани узоқ изладим. Зеро, росмана
ожиз одамнинг ёрқин намоёндаси, бир соат ичидан мендан
бутун ҳаётий қувватни шимиб оладиган одамни мен бирин-
чи марта учратган эдим. Кейин унга: «Сизга бир йил чидаб
бераман, агар ўлиб қолмасам, мен сизни тинглаб бораман.
Олдиндан Сиздан иилига икки ой таътил сўрайман. Бундан
хавотир олманг. Табиийки, эллик минг долларни мен бари-
бир Сизга беришга, Сизнинг турли-туман варианлардаги
дийдиёларингизни эшитишга тайёрман», деган фикримни
билдирдим.

Нақадар шўрпешонали. Бундай одам билан мuloқотдан
кейин қоладиган бўм-бўшлик ҳисси. Лекин! Худди шундай
нусха бизларнинг ҳар биримизнинг ичимизда ўтирибди.
Тўғрими?

Сұхбат асносида у менга: «Мен бор газеталарнинг ҳам-
масига, интернетга, барча нуқталарга «Иш изляяпман» де-
ган эълон жўнатганман», деди. У доим иш қидирган. Мен
ўзимни тутолмай, бу бечорага қараб: «Ўзингизнинг хусу-
сий ишингизни очинг!» деб қўйдим. У очди. Энди эса доим
мени ўзининг ишига раҳбарлик қилишимни, ходими бўли-
шимни, ҳомийлик қилишимни хоҳлайди... ёки буларнинг
бариға раҳбарлик қилишимни хоҳлайди.

Ожиз одамларни рағбатлантирманг, акс ҳолда улар Сиз-
ни бир умр таъқиб қилиб юришади. Кучли одам Сизнинг
ривожланишингиздан қувонади, чунки у ўзининг кучига
ишонади, у ўзини катта ҳарфлар билан ёзиладиган Инсон
эканини ҳис қиласди. Сизга ҳам худди шундай деб қарайди,
шу сингари муносабатда бўлади.

Кучли одам ёрдамингизга, яхшилигинги яхшилик би-
лан жавоб бериш кераклигини билади. Кучли одамда Сизга

Пентакниң тажрибаси 2

нисбатан ҳар доим миннатдорлик туйғуси ва ундан кўпроқ
хурмат ҳисси бўлади.

У Сизга қилган яхшиликларингизни юз баробар ортиғи
билин қайтаради!

У ҳаётининг оғир дамларида Сизга ишонса бўлишини,
Сиз ишонч ва эҳтиромга муносаб инсон эканингизни била-
ди ва вақти келиб Сиз у билан жуда қалин дўст бўлиб қола-
сиз.

Ҳатто Сизни кўрганида ўзининг ўтмишдаги ожизлиги-
ни эслаб, хижолат ҳисси пайдо бўлган тақдирда ҳам... у бу
бегона ўт-ўланларни олиб ташлайди! Чунки у ўзига тегиши-
ли худудни begona ўтлардан тозалаб туришга одатланган.

«Агар дўстингни синамоқчи бўлсанг, унга қарз бер!» –
деб бекорга айтишмаган.

Аслида эса Сиз қарз берганингиздан кейин бу одам Сиз-
дан узоқлаша бошладими, хурсанд бўлинг. Яратганинг
ўзи йўлингиздан бундай пасткашни осонликча олиб ташла-
гани учун, шукронасига садақа беринг.

Ожизликлар ҳар доим хиёнатга олиб келади. Чунки сен
қандай алла айтмагин, нима деб кўндиришга уринмагин,
қандай эртак тўқимагин, агар чақалоқ ичини бўшатгиси
келса, у барибир ичини устингга бўшатади.

Ожизлик эгаси ўзига ризқ бериш учун узатилган қўлни
кесиб ташлаш кўринишидаги паталогик интилишига му-
вофиқ унинг ожизлигига гувоҳ бўлган қўл эгасини нариги
дунёга даф қилсан, дейди. Ожиз одамларга ёрдам берганин-
гиздан кейин, улар Сизга бир умрлик душман бўлиб қола-
дилар. Ҳатто шу пайтгача Сизга нисбатан бефарқ бўлишса
ҳам қилган саховатингиз билан Сиз уларда душманлик ҳис-
сини, нафрат ҳиссини уйғотасиз, холос.

Ожиз одамга ёрдам кўрсатиш билан Сиз ўзингизга ёвуз
душман ортириб оласиз.

Сизнинг кўрсатган ёрдамингиз у томондан ҳақорат, кам-
ситиши сифатида қабул қилинади. Унинг Сизга тушган ҳар

Мирзакарим Норбеков

бир нигохи туфайли бу нотовон кимсанинг аклу-шуурида Сизга нисбатан яширинча тажовузкорлик күренишидаги душманлик ҳисси уйғонаверади. Сиз унинг иззат-нафсига қадалган наштар сингари таъсир қиласиз!

У Сиздан ўзини олиб қоча бошлайди... ҳатто қарз пулини қайтаргандан кейин ҳам. Чунки Сиз унинг ожизлигига гувоҳ бўлганингизни бир қора далил сифатида ўз хотирасидан ўчириб ташлашини истайди.

Гувоҳларни эса йўқ қилиш керак... Токи Сизни бутунлай ўқотмагунча у тинчмайди.

Нима учун Сизни бу даражада кўргани кўзи йўқ эканини ўзи ҳам тушунмаса-да, лекин нима учун бундай ёмон одам деб ҳисоблашини оқлашга ҳар доим қандайдир сабаб топади.

Хуллас, биргина хайрли ёрдам беришнинг ўзи билан Сиз ўзингизга ё душман орттирасиз, ёки дўст топасиз. Кафолатланган кейинги оқибатлари билан.

Ожиз ва кучли одамларнинг ёрдамга нисбатан муносабат билдириш механизми мутлақо турлича. Бунинг фарқини билмайдиган одам баъзи бир муаммоларга учраши мумкин.

Аҳмок ўз хатоларидан сабоқ олади, ақлли ўзгаларнинг хатосидан. Донишманд эса иккала вариантини ҳам кўради, улардан энг маъқулини танлайди.

Кимгадир ёрдам беришдан аввал, бу одамнинг ким эканини тушунишга, унга берган ёрдамингиз ўзингизга қандай панд бериши мумкинлигини олдиндан ҳис қилишга ҳаракат қилинг.

Ўзингизнинг шахсий хавфсизлигингиз юзасидан уни синовдан ўтказинг.

Агар кимдандир «Сенинг ожиз томонларинг борми?»... деб сўрасангиз ва у Сизга, «Ҳа бор, албатта, ҳамма катори, лекин мен ожизлигимга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилаяпман, у билан курашяпман...» – деса, билингки, Сиз

Пентакни тажрибаси 2

кучли одам билан мулокот қиляпсиз. У қанчалик ўз ожизликларини батафсил билса демак, у шунчалик кучли!

Лекин агар Сизнинг саволингизга: «Менда камчилик йўқ!» тарзида жавоб беришса ёки минфирилаб гапни бошқа ёкка буришга уринса, ёнингизда бўлсин, ёнингиздаги ўта ожиз кимса, зеро ожиз одам доим ўзини кучли ҳисоблади. У ўзининг ожизликларини билмайди, у ўзидаги ожизликларни излашни ёқтирамайди. Ва энг қизифи, у баъзан қандайдир бир фойда учун... ўзини янада ҳам ожизроқ қилиб кўрсатишга уриниши мумкин.

Ожиз одам ўз ожизликларини ҳеч қачон тан олмайди ва тан олиши мумкин ҳам эмас. Айниқса, ожиз одам тўсатдан қандайдир бир шуҳратга, озроқ пулга эришиб қолса.

Ожиз одам ўзи билан рост сўз, ҳақиқат ўртасида бирини танлаш керак бўлиб қолса, албатта ўзини танлайди.

Фақат кучли одамгина ҳақиқат ўйлида сабиткадам бўлиши мумкин, ҳатто ўзининг зиёнига бўлса ҳам...



Куч бериш хусусиятига эга инсон
янада кучлироқ бўлади! Ожизлик эгаси
Сиздан тортиб олади ва янада ожиз
бўлиб боради!

Ожиз одамни тузатиш ҳақида ўйлай кўрманг. Уни тузатиш билан шуғулланишга ҳаракат қилманг – у шундай туғилган. У шаклланиб бўлган. Уни фақат унинг ўзигина тузатиши мумкин.

Агар бирор одамнинг кимдир ҳақида бўлса ҳам, доим ёмон гапиришини пайқасангиз, ўзингизни ундан четга тортинг. Чунки унда фақат ёмон нарсани кўришга эҳтиёж бор.

Рухсат берсангиз, Сизга ўз акам ҳақида гапириб берсам.

Мирзакарим Норбеков

Үшанды 17 ёшлар атрофида эдим, армиядан олдин, жон-жаҳди билан ўз фикрида турадиган, ўтиш давридаги ўспирин эдим. Мен бир жойдан келиб бир кимса ҳақида яхши фикр билдириб, булбулигүё бўлиб мақтай бошладим.

Катта акам, «Мен уни танийман, у ёмон одам», – деди.

Мен унинг фикрини тамом инкор этиб: «У яхши одам!» деб туриб олдим.

«Сен ким ҳақида гапирмагин, доим уни яхши деб лоф урасан, кейин ўзинг ҳам бунга ишона бошлайсан!», – деди акам кизишиб.

Ва биз тортишиб қолдик. Үшанды мен ўспирин йигит, акам эса мендан беш ёш катта эди. Дўппослашишгача этиб бордик. Мен ўзимни ҳимоя қилиб, ғужанак бўлиб ётибман, акам мени тегиб «Ёмон одам деб айт!» дерди жигибийрони чиқиб. Мен эса бақирганча: «Йўқ, у яхши», дейишдан қайтмасдим.

Ўшандан буён ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтибди. Бир неча йил аввал акам билан сухбатлашиб қолдик.

Сухбатлашиб ўтирас эканмиз, акам бирдан, «Мен ўша воқеани тез-тез эслаб тураман. Мен ўшанды сени дўппославериб чарчаб кетганман, сен эса «у яхши!» дейишдан тўхтамасдинг. Кузатиб турибман, ҳозиргача дуч келган одам ҳақида шундай фикрдасан, умрингда биринчи марта кўрган одам ҳақида ҳам шу сўзларни такрорлайсан. Мен ҳозиргача сенинг ҳақ эмаслигингни ҳис қиляпман.

Лекин тарози палласига ўзимнинг нимага эришганини ва сенинг нималарга эришганингни қўйсам, ҳеч тушунолмайман. Мени ҳаётда ҳеч ким аҳмоқ қила олган эмас, сени эса кимлар ва неча бор алдаб кетишган, лекин сен ҳаётда қандай юксакликларга эришдинг! Мен эса ҳеч нимага эришганим йўқ. Ва мен сени ҳақ деб ҳисоблайман. Лекин менинг ҳақиқатим щуки, мен ёмон одамни кўриб тураман ва ҳеч қачон адашмайман. Сен эса ўтакетган аблажнинг ҳам хурматини жойига кўяверасан!» – деб қолдилар.

Пентакниң тажрибаси 2

Яна бир акам бундай деди: «Ука, сен нима учун бутунлай нотаниш одамларга ҳам эътиборлисан, ўзингнинг қариндошларингни эса пайқамайсан ҳам? Мен бутун умримни қариндошларимга сарфладим, сен эса – бегоналарга. Бу ерда ҳам сенинг ҳаётингнинг маҳсулдорлиги меникидан юқори.

Мен унга: «Одамларнинг яхши томонини кўриш, ёмон томонига эса кўз юмиш керак», деб жавоб бердим. Инсоннинг яхши томонига ишонч билдириш керак. Қайси томондан ёндашсанг, одам шу томони билан сенга юзланади.

Қайсиdir фурсатдан кейин сенга ёмон томони билан юзланишдан чарчайди. Қандайдир вақт ўтиб эса ўйлай бошлайди: «Бу телбани нима ҳам қила олардим!» Ва у сенга ўзининг ижобий сифатларини кўрсата бошлайди. Сенга озгина яқинлашишининг ўзидаёқ унинг ижобий томонлари кўрина бошлайди.

Лекин кадрлар танлашда мен Сизга акамнинг нуқтаи назарини танлашни тавсия қиласман. Бу ерда бошқача йўл тутиш мумкин эмас.



Бегона одамларни салбий сифатлари билан ҳам қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш мумкин – лекин минбаъд умр йўлдошингизни эмас. Чунки Сиз у билан узоқ йиллар мобайнида бирга бўлишингиз керак, бу ерда ҳеч қандай чегирмалар кетмайди!

Кўпинча жамоа аъзоларининг энг кучли етакчини кўргани кўзлари йўқ бўлади ва улар зимдан ҳаракат қилиб, унга душманлик қила бошлайдилар! Сиз ташкилот эгаси сифа-

Мирзакарим Норбеков

тида дастлаб қаранг, ўша кучли одамни кўра олмаётганларнинг ўзи ким экан. Одатда ташкилот зааркунандаси шу одамларнинг ўзлари бўлиб чиқадилар.

Одатий жамоада кучлиларнинг кучсизларга нисбати 1:10. Кучсиз одамлар йиғилиб олиб кучли одам ҳақидаги беъмани мулоҳазалардан иборат фикрлари билан миянгизни қоқиб қўлингизга тутқазадилар. Мақсадлари эса – Сиз уни ишдан бўшатиб юборишингиз, холос. Сизга маслаҳатим, аксинча, уни яхши кўринг, кўллаб-кувватланг ва ёрдам беринг.

Идеал одамнинг ўзи бўлмайди. Масалан, кўпинча аёл идеал эркакка турмушга чиқишни хоҳлади. Лекин у идеал эркаклар ҳар доим ўзларининг идеал камчиликлари билан дунёга келишларини билмайди. Ожиз эркакнинг ожизликлари ҳам арзимас бўлади, кучли эркакнинг эса камчиликлари ҳам кучли бўлади.

Шу сабабли, ходимларни ҳам бамисоли умр йўлдошини танлашдаги каби танланг, унинг қайси яхши томонлари Сизга ёқади-ю, қайси камчиликларига Сиз хотиржам кўз юма олишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Шу ўринда бир латифа: Учта бизнесмен ўтириб олганча бир-бирига мақтанишяпти. Биттаси: «Мен икки йилдан бўён меҳнат таътилида бўлганим йўқ!» – дебди. Бошқаси: «Бу ҳеч нима эмас. Мен уч йилдан бўён таътиlda бўлганим йўқ ва бу йил ҳам таътилга чиқмайман!» – дея жилмайбди. Учинчиси эса уларга нисбатан беписандлик билан: «Сизлар шунчаки овсар экансизлар. Масалан, мен беш йилдан бўён умуман дам олиш кунисиз ишляпман!» – деган экан.

Пентакнини тажрибаси 2

Сизда ҳам шундай танишлар борми? Бизнес қилиб нима қиласдинг, деб сўрагинг келади бундайлардан. Янада кўпроқ ишлаш учун, умуман ҳеч қачон дам олмаслик учун бизнесга кириш шартми?

Агар шундай одамларга бирор узокроқ жойларга, узокроқ муддатга кетиб дам олгин, десангиз, нима деб жавоб беради? «Э, нима деяпсан. Мен бўлмасам бизнесим ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Қаёққа ҳам борарадим», – дейди. У ўзини ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган, жуда уддабурон одам деб ҳисоблайди. Аслида эса у ўзига хушомад қиляпти ёки ундан ҳам ёмони, ҳал қилувчи асосий вазифаларга керакли ва муносиб одамларни танлаб қўйиши билмайди. Ўзи ҳам англамаган ҳолда, ғайриихтиёрий тарзда ҳеч нимани ишониб топшириш мумкин бўлмаган одамларни ишга олган.

Агар таътилга кетганингизда бизнесингиз издан чиқса, ўринбосарни алмаштириш керак. Сиз ишда бормисиз, йўкмисиз – ташкилот ишлаб туриши керак.

98 фоиз одамлар – етакчилик нуқтаи назаридан нуқсонли одамлардир. Ҳар бир одам азалдан олмос, лекин бриллиантлар саноқли. Таътилга кетганингизда ташкилотингиз чўка бошласа, демак, бу жамоангизда кучсиз одамлар тўпланиб қолганини англатади. Кучсизлар эса ақлли сардор бўлмаган жойда бир-бирини ғажий бошлайдилар. Улар бир-бирларини ва бутун оламни айбдор қилишади. Ва энг ачинарлиси – улар доим ўзларини ҳак деб ҳисоблашади. Атрофдагилар ўзидек бекиёс даҳонинг гуллаб-яшнашига нима сабабдан йўл беришмаётганини шундай тушунтириб қўядиларки, ишонишдан бошқа иложингиз қолмайди.

Демак, ташкилотингиздаги кучсизлар бизнесингизни издан чиқариб ташлашларига йўл қўймаслик учун, ўзингиздан ташқари яна бир нечта кучли етакчиларни ишга қўйишингиз керак. Барча ташкилотдаги жамоаларнинг кулфати – бу етакчи ўринларда Рухияти кучсиз, ожиз одамларнинг ўтиришидир. Улар гижжа сингари бутун организмни заҳарлашади.

Бизнесдаги энг бебаҳо бойлик – бу кадрлар!



Ҳаётда ҳам худди шундай. Фақат ҳаётда бу «атрофин-гиздаги яқинлар» деб аталади.

Мана бу машғулотда биз жуда кўп нарсаларни, кадрларни танлаш, ўзининг жуфти ҳалолини танлаш ва бошқа кўп масалаларни Сиз билан муҳокама қилдик.

Энди эса, азиз ўқувчиларим, ўзингизнинг севимли инсоннингизни танлаш борасида яна айрим жиҳатларни эслатиб ўтиш учун рухсат берсангиз. Фақат бунинг кадрларни танлаш билан боғлиқ жойи йўқ!

Хурматли хонимлар, Сизга қандай турмуш ўртоғи кераклигини сўрасам бўладими? Баланд бўйли, келишганми ёки паст бўйли ва қийшиқ оёқлисими?

Сиз-чи, қадрли эркаклар, қандай умр йўлдошини хоҳлайсиз, узун оёқлими ёки ўртача қадди-қоматлисиними?

Бу масалани яхшироқ англаб олишингиз учун илм-фанинг ҳам хulosаларини қўшиб кетишга рухсат берсангиз.

Мана масалан, ошқозоннинг ишқорли-кислота баланси. Шунақами? Ёки кислотали-ишқорли балансими? Аҳамияти йўқ. Ишқор кислотани нейтраллайди. Кислота эса ишқорни нейтраллайди. Улар ўзаро бартараф этувчи муҳитни ташкил этади.

Давом этамиз. Жинсий гормонлар ва жисмоний ўсиш гормонлари – улар ҳам ўзаро инкор этувчи кучлар. Биттаси бор бўлса, иккинчиси йўқ бўлади. Иккинчиси бўлса – биринчиси йўқ. Тушунарлимиси?

Тахминан 12-14 ёшлар атрофида эркакларда жинсий етилиш даври бошланади. Ўзгариш юз беради. Кечагина болакайдек юрган кичкингой бирдан қарасанг – ўспиринга айланади-қолади.

Пентакени тажрибаси 2

Балоғат даврида унинг бирдан умуртқа поғонаси ўса бошлайди, оёқлари ҳам қовушмаган, бесўнақай ва албатта, бироз чавандозларнидек бўлиб қолади. Умуртқанинг узунлиги, бўйиннинг узунлиги, оёқлар узунлигига мос келмай қолади.

Сўнгра, оёқлар ўсганидан кейин эса, қомат текисланиб, уйғунашган стандарт қомат ҳосил бўлади. Тўғрими?

Жисмоний ўсиш ўртача 16-18 ёшлар атрофида тўхтайди. 12 ёш билан 18 ёшлар оралиғида ўсиш гормонларининг жинсий гормонлар билан алмашинуви рўй беради.

Жинсий гормонлар ишлаб чиқарила бошлаганида улар ҳали ўсиб бораётган суюк қисмларига тўсиқ бўлиб хизмат қиласиди. Улар «Етар шунча ўсганинг, энди бошқа аъзолар ҳақида ҳам ўйлаш пайти келди!» – дейди. Ва натижада эркакларда оёқлар умуртқа поғонасига нисбатан калтароқ бўлиб қолади.

Мана, ўзингизнинг мактаб даврингизда ҳаммадан олдин етилганлар синфдошларингиз бўлганми? Уларнинг мўйловлари ҳам ҳамманидан олдин сабза ура бошлаган, шунақалар бўлган-а? Яна улар бундан шундай мағурурланиб юришади-ки! Қолган ўғил болаларнинг ҳаммаси шундайларга ҳавас билан қарайди. Орадан қанчадир йиллар ўтгандан кейин у билан учрашиб қолсангиз, қарабисизки, Сиз билан солиширганда улар анча паканадек кўринадилар. Бу эса уларда жинсий гормонлар меъёрдан кўп, бўй ўстириш гормонлари эса – кам бўлганлигини кўрсатади.

Демак, жинсий кувватнинг юқори эканлигининг биринчи кўрсаткичи – бу бўй унча баланд бўлмаслиги. Албатта, яна меъёрдаги билан солиширганда унча баланд бўлмаслилик назарда тутиляпти. Немислар учун ўрта бўйлилик – бу битта кўрсаткич, россиялик учун ўрта бўйлилик – эса бутунлай бошқа кўрсаткич, хитойликларда-ку умуман бошқа кўрсаткич бўлади. Хар бир миллатнинг ўртача бўй кўрсаткичи ўзига хос.

Мирзакарим Норбеков

Демак, ўзингиз учун келгусида жинсий муносабатлар учун шерик танлаганингизда ана шу омилни ҳам тахминан чамалант. Ўлчовини қатъий бўйин қисмидан бошланг. Умуртқа погонасининг узунлиги ва оёқ узунлиги.

Уларнинг нисбати ўзаро уйғун бўлса – бу одамнинг жинсий қувват жиҳатдан уйғун эканлиги кўрсаткичидир. Паст ҳам эмас, юкори ҳам эмас, яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас... Севги бобида ҳам меъёрда, рашкчилиги ҳам меъёрда.

Гавдага нисбатан оёқ қанча калта бўлса, бу одамдаги жинсий қувват шунча юкори, дегани. Лекин энг яхшиси, чавандозларнига хос салгина қийшиқлик бўлса.

Лекин илтимос, ошириб юборманг, тағин лилипут деган хастилик билан адаптириб юборманг. Яъни, айтмоқчи бўлганим, барча нарсада ҳам «олтин оралиқни» танлай билиш керак.

Одамнинг бўйидан, оёқ ва гавдасининг бир-бирига муводиқлигидан ташкири яна қатор қизиқарли қонуниятлар мавжуд.

Эркакларда думба қисми бўшашиб, шалвираб боргани сари, уларнинг эркаклик кучи шунча пасайиб боради. Агар бу қисми таранг бўлса, бошқа жойлари ҳам таранг бўлади.

Эркакнинг қорни – бу ҳам жинсий қувват кўрсаткичи. Қорин турли хил бўлади. Бўртиб чикқан, лекин таранг, киндиқдан юкорида туради, пастга қараб ингичкалашиб боради – бу жинсий қуввати жуда юкори эркак, гигант! Қорин осилган ҳолатда, ҳатто киндиқдан ҳам пастга қараб ноксимон шаклда осилиб туриши – бу жуда даҳшатли кўрсаткич. Бу эркак назариётчи – файласуф бўлиб қолганидан дарак беради. Ёқимтой қизлар қачон соат сўрашмасин, унинг жавоби доим бир хил – «олти ярим» бўлади.

Жинсий қувват кучининг юкори эканлигидан дарак берувчи яна бир ташқи белги – калбошлиқдир.

Эркаклик гормони ва тепасоч – бу ўзаро тўғри келмайдиган тушунча! Агар эркаклик гормони юкори бўлса – тепа соч йўқ бўлади. Агар тепа соч бўлса, демак энди кучли жинсий гормонлар йўқ, дегани.

Пентакнини тажрибаси 2

Демак, қадрдонларим, менинг хулосам. Ҳурматли хонимлар, кимни танлашимиз керак экан? Калбошларни, бўйи унча баланд бўлмаган, оёғи бироз қийшиқроқ, қорни бор, лекин осилиб қолмаган бўлсин, киндиқдан юкорида жойлашган қориндорларни танлаймиз.

Хўш, қалай? Сизга ёқяптими?

Тасаввур қилинг-а, меҳроб олдида Сизлар бир-бирингизга қандай мос жуфтлик бўлиб кўринасиз!

Келинг, энди аёлларни кўриб чиқамиз. Нимагадир эркакларнинг орасида узун оёқли аёлларга бўлган шубҳали қизиқиши урфга кирган. Нима, узун оёқ бўлмаса у одам эмасми? ... узр – аёл эмасми?

Эътиборингиз учун узун оёқли аёллар орасида жинсий қувват кучи юкорилари бу худди лотереяга чиққан ютуқ сингари – бор-йўғи бир неча фоизнингина ташкил қиласди.

Аслида Сиз ҳавас қилган узун оёқлар – жинсий қувват кучининг жуда паст эканлигининг ёрқин кўрсаткичи.

Ҳурматли эркаклар, 40 фоизга яқин аёллар фригидлининг турли дараҷалари билан азият чекишилари Сизга маълумми? Жинсий қувватга эга бўлмаган аёллар – бу жуда кўрқинчли аёллар, улар эркакларнинг қалбини қиймалайдиган машинанинг ўзи! Бундай аёл билан учрашувдан кейин эркак узок пайтгача аёлларни кўргани кўзи қолмайди.



Эътиборингиз учун меҳр-шафқатлилик ва кечиримлилик ҳам жинсий гормонлардан ҳосил бўлади. Қачонки, жинсий қувват, эҳтирослилик бўлмаса, муҳаббат ҳам бўлмайди. Қачонки, муҳаббат бўлмаса, ахлоқ ҳам анқонинг уруғидек танқис бўлиб қолади.

Мирзакарим Норбеков

Мұхабbat йўлида инсон ҳар қандай қаҳрамонликларга қодир бўлади.

Мұхабbat йўлида инсон ўзини фидо қилади.

Мұхабbat йўлида инсон вайронада ҳам жаннат яратади.

Энди марҳамат қилиб ўйлаб кўринг-а, агар аёл кишида жинсий кувват бўлмаса ёки жуда кучсиз бўлса, унда қандай ҳис-туйғу бўлиши мумкин, қандай фикр, қандай хатти-ҳаракатни кузатамиш?

Қачонки аёл кишида жинсий гормонлар жуда кучсиз бўлса, у ўзининг табиат томонидан инъом этилган мўъжизасига пул ишлаш воситаси сифатида қарайди. Бор-йўғи шу, холос!

Совуқ мизож аёллардан фоҳишалар кўп чиқади. Албатта, уларнинг ҳаммасидан ҳам эмас. Ҳар бир табиий қонуниятда ҳам албатта, истиснолар учраб туради. Энди тушуняпсизми, нима учун фоҳишалар орасида узунёклилар кўпроғу, калта оёқлилар эса деярли учрамаслигини?

Сабабини илғаяпсизми?

Ёки Сиз, азизларим, эркакларга шундай аёллар ёқади деб ҳисоблайсизми?

Фоҳишалар орасида узун оёқлилар кўп бўлганлиги сабабли аёлларнинг онгидга «эркакларга айнан узун оёқли жононлар ёқади», – деган нотўғри фикр пайдо бўлган.

Эркакларга эса узун оёқлилар ҳам, калта оёқлилар ҳам ёқмайди! Эркакларга ҳаммаси меъёрда, ҳаммаси жойида бўлгани ёқади!

Оёқнинг узун-қисқалигидан ташқари, Сиз яна нималар ҳақида ўйлашингиз керак бўлади?

Жинсий кувват жиҳатидан аёл киши ҳар доим эркакдан бироз кучсизроқ бўлиши керак. Агар шундай бўлса, эркакка ҳам, аёлга ҳам оиласини бошқариш анча қулай ва енгил бўлади.

Пентакниң тажрибаси 2

Қачонки эркак ҳоҳласа-ю, Сиз ҳоҳламасангиз, ҳурматли хонимлар, Сиз уни бошқара оласиз. Лекин Сиз ҳоҳлайсиз-у, эркак ҳоҳламаса, Сиз қандай қилиб уни идора қилардингиз?

Агар эркак киши доим кишина турадиган айғир бўлса, унинг аёлидаги жинсий эҳтиёж юқори бўлгани яхши. Агар ундан бўлмаса-чи? У ҳолда – бундан худо сақласин!

Агар аёл... яна ҳоҳласа-чи? Яна бир марта... Яна бир бора... Бу ерда қанақа ҳис-туйғу ҳақида гап бўлиши мумкин? Ишлашга тўғри келади!

Тўшакда қониқмаган аёл – жizzаки аёлга айланади. У доим эркагини импотент деб ҳисоблайди. Бу эса – ҳар кунги хафагарчилик, ҳар кунги жанжал, тумшайган шўртумшук башара ва бу аёлнинг назарида, гўё унга қандайдир кучсиз эркак дуч келгани ҳақидаги фикр чарх уради.

Ва кўча-кўйда қандай ажойиб, кучли эркаклар борлиги ҳақида улар оҳ-воҳ қила бошлишади.

Бундай ҳолат ҳатто ажралишгача олиб келиши мумкин. Устига-устак жинсий қониқмайдиган аёллар кўпинча жуда рашкчи бўлишади.

Шунинг учун ҳам, ҳурматли эркаклар, илтимос, узун оёқларга бўлган қизиқиши борасида – эҳтиёт бўлинг. Узун оёқ хонимга кўнгил қўйиб, унинг эътиборини қозонишга киришишдан олдин етти бор эмас, ўн марта ўйлаб кўринг.

Кимни танлаш кераклигини аниқлаб олдик, энди савол туғилади – «Уларни қаердан топамиш?». Хонимлар учун айтиб ўтаман! Эркаклар, Сизлар ўзларингиз ақлингизни ишлатиб кўринг, Сизлар учун ҳаммаси енгилроқ.

Шаҳар ва аёллар мизожининг ўзаро мос келиши қийин бўлади. Аёл киши қайси миллат вакили бўлишидан қатъи назар, кутиш худуди ҳосил қилиш хусусиятига эга, уларда қандайдир даражада «танланиш»га бўлган генетик эҳтиёж бор.

Дарҳақиқат, қишлоқ жойида ёки посёлкада ҳамма бир-бирини танийди, оиласи жуфтликни ҳосил қилиш

Мирзакарим Норбеков

учун бундай жойда қулай шароит мавжуд. Чунки ҳаммага маълум-ки: кўл бўйида яшовчи Маша турмушга чиқмаган, тепаликдаги Серёжа эса бўйдок. У – тентак, буниси ҳам ундан ўтадиган тентак. Демак, шу иккита тентак атрофадигиларнинг ҳаётини камроқ заҳарлаши учун, уларни битта уйга жойлаштириш керак.

Шундай эзгу ниятлар билан бутун қишлоқ бир жону-бир тан бўлиб бу шўринг қурғур севишганларни қовуштиришга киришиб кетади. Ҳолбуки, ўзларининг севишганлар эканлиги ҳақида шу бугунгача уларнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Шаҳарда эса менинг телба, сизнинг тентак эканингиз ҳақида ҳеч ким билмайди. Ва бу ерда оқ «шевроле»да кириб келадиган шаҳзодани оёғингиз илдиз отиб, кўкариб кетгунингизча кутиш мумкин!

Демак, қадрли маликалар, бу шуни англатадики, Сиз ўзингизнинг аёллик мизожингизни англаб, ўз моҳиятингизни тушуниб етишингиз ва шунга мувофиқ ҳатти-ҳаракатлар қилишингизга тўғри келади. Сиз ўз шаҳзодасини кутиб ўтирадиган ботқоқдаги қурбақа-малика бўлишни бас қилиб, бироз тажовузкор, чапдастроқ бўлишингизга тўғри келади. Лекин бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги керак. Чунки ҳар бир эркак – овчи. Зинхор ўлаксахўр эмас. Ва у овда ўзи кўлга киритган ўлжани маъкул кўради.

Демак, таъбингиздаги овчини танланг-да, унинг ов қилиш услубини ўрганинг кейин киши билмас, секингина унинг тўрига илининг... Натижада у «қандай ажойиб сув парисини ўлжа олдим» – деб кувончидан еттинчи осмонларга учиб кетсин.

Масалан, ов майдони деб Москвани оламиз. Ва у ерда ёввойи эркаклар «ўтлаб юрибди». Мана бу эса, азизим менинг, ов қилиш учун рухсат берилган лицензиям... Ҳа йўқ, бу Сизга зарур эмас. Яхшиси, Сизга юган ва эгарни берамиз-да, бундай деймиз: – «Ўзингизга ёқкан отни танланг.

Тортинманг, энг яхшисини олинг!»

Пентакнини тажрибаси 2

Вазифа тушунарлими? Сиз бирорта ёввойи айғирни излаб топишингиз, баҳолашингиз ва қўлга киритишингиз керак. Кейин уни эгарлаб, умрингизнинг охиригача йўрттириб юришингиз мумкин.

Демак, Сизнинг ҳаракат режангиз қандай? Излаб топиш, таниб, бошқалардан ажратиб олиш, маҳлиё этиш, қозик қоқиб «эгаси бор» деган белги қўйиш. Айғирларни қандай қилиб ажратиб олиш ҳақида биз гаплашиб олгандик. Қандай излаб топиш борасида мулоҳазалар борми?

Ҳаммаси жуда оддий! Эркакни ўз худудида қўлга киритинг, унинг севимли машғулотлари қучофида.

Бу худуд қаерда экани эса, аниқ қайси тоифадаги эркак эканига боғлиқ.

Эркаклар дунёсида худди ҳайвонот оламидагидек: барча тоифадагилари учрайди. Сизга қандай хилдаги йиртқич керак? Эркак – бургутми, эркак – арслонми, эркак – бўрими, эркак – қўёнми? Эҳтимол энг маъқули – эркак эшакдир?

Ҳар қайси турдаги эркакнинг ўз қизиқиши, ўз яшаш мухити, ўз одатлари ва талаблари бўлади. Уларнинг нималардан ва қандай таъсирланишини, қандай ов қилишини кузатинг. Яъни қандай қилиб ўзингизга нисбатан уларда қизиқиш ўйғотиш ҳақида ўйланг.

Ҳамма эркаклар тахминан бир хил кўринишга эга, лекин уларнинг мағзи, яъни моҳияти турлича. Бу ерда табиат томонидан уларга берилган фазилатлар ва бунинг устига ота-онасининг меҳнати туфайли сингдирилган жиҳатлар назарда тутилган. Табиийки, уларнинг қизиқишлиари ҳам турлича. Сизнинг вазифангиз – Сизни кўпроқ ким – спортчими, бадавлатми, ақлли, қувноқ, меҳрибонми... ва ҳоказо – хуллас, қайси турдаги эркаклар қизиқтиришини аниқлаш. Қачонки унинг тахминий ички қиёфасини ҳосил қилганингиздан кейин, ана шу турдаги эркакни қаерлардан топиш мумкинлиги ҳақида ўйлаш керак.

Мирзакарим Норбеков

Масалан, эркагингиз мазали таомлар тайёрлашини хоҳласангиз, уни бозорлардан ва озиқ-овқат дўйонларидан изланг. Агар у рўйхат бўйича маҳсулот харид қилаётган ва ҳадеб рўйхатга тикилаверса, демак, у уйланган бўлади. Агар у «Доширак», пиво ва чипси харид қилаётган бўлса – унинг бўйдоқлиги эҳтимолга яқинроқ (хонимлар, илғаб оляпсизми!) Агар турли-туман хилдаги маҳсулотларни хотирасига таянган ҳолда харид қилаётган бўлса, демак у ошпаз ёки ошхонада доим нимадир тайёрлайдиган киши бўлади. Балки бунинг сабаблари турлича бўлиши ҳам мумкин, лекин мен Сизга асосий тамойилларни тушунтириб ўтдим.

Спортчи эркакларни спорт майдонларида, тренажер залларида, спортсевар эркакларни – стадионларда ва спорт барларида, шеър ихлосмандларини – ижодий кечаларда, кутубхоналарда, ҳайвонларни яхши кўрадиган эркакларни – зоодўйонларда ва зотдор итбокувчиларнинг турли хил мусобақаларида учратиш мумкин...

Яъни Сиз ўзингизни шундай жойларда кўрсатишингиз керакки, Сизга маъқул эркак ҳам ўша жойда шунчаки эмас, қизиқиши сабаб, чин дилдан келадиган жойлар бўлсин. Ўзига маъқул жойда эркакни кўлга киритиш енгил бўлади. Сиз унинг учун шунчаки кимдир эмас, унинг учун қадрли бўлган, унинг қизиқишиларини бирга ўртоқлашадиган инсонга айланасиз. Ахир, Сиз ҳам у ерга бежизга келмагансиз?

Албатта, агар Сиз чиндан ҳам унинг қизиқишиларига бефарқ бўлмасангиз, жуда яхши бўларди. Лекин шундай бўлмаган тақдирда ҳам ҳеч хавотирланманг. Суҳбат қизикарли кечиши, умуман унда овсар одамдек таассурот қолдирмаслик учун, Сизга шу масалага доир бир неча китобларни ўқиб чиқиши, қандайдир видеоматериалларни кўздан кечиришнинг ўзи етарли бўлади. Колганини эса унинг ўзи амалга оширади, деб ўйлайман.

Мабодо, Сиз бу жабҳада ҳали янги эканингизни ва тажрибалироқ одамнинг сұхбатини тинглашни хоҳлаётганин-

Пентакнини тажфибаси 2

гизни айтсангиз, унинг кўзлари чақнаб, булбулдай сайрай бошлияди.

Лекин бундай ҳолат учун битта шарт бор. Сиз унга ёқиб қолишингиз керак. Мабодо, ёқмаган бўлсангиз, ташвишланманг! Кейингисини изланг, қандай йўл тутиш кераклигини биласиз.

АЗИЗЛАРИМ, дунёда хунук аёлнинг ўзи бўлмайди. Сизларнинг ҳар бирингиз қайсиdir эркак учун шубҳасиз гўзаллик тимсолисиз. Ҳаммага бирдек ёқишининг эса иложи йўқ.

Сиз ҳам дугонангизга «Э, шунинг нимаси сенга ёқди?» деган пайтларингиз бўлганми? Ёки эркаклар ўз дўстига, «Э, шунинг нимасига ошиқ бўлиб юрибсан. У ахир фирт тентак-ку!» деган пайтлари бўлган-ку, тўғрими? У эса юрагини чангаллаб: «Шу кизга етишмасам, ўламан!» – деб тураверади.

Демак, ошиқликнинг, гўзалликнинг ҳамма учун умумий бўлган қоидаси ҳам, тимсоли ҳам бўлмайди. Бу ёруғ оламда Сиз кимгадир ёқасиз, кимгадир ёқмайсиз. Кимгадир шахло кўзлар чиройли, кимгадир бодомқовоқлар, яна кимдир қисиқ кўзлар шайдоси.

ОРЗУИНГИЗДАГИ ИНСОН БИЛАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯҚИНЛАШИШ МУМКИН? Албатта, ҳаммаси муайян вазиятга боғлиқ. Ҳар бир вазиятни олдиндан кўра билишнинг ва унга тайёр бўлишнинг иложи йўқ.

Масалан, Сиз қаҳвахонадасиз, у эса қўшни столда ўтирибди. Сиз у томонга қизиқиши билан бир-икки бор нигоҳ ташлаб қўйишингиз мумкин. Зинҳор у томонга ўтирилиб олиш, анграйиб қараш керак эмас. Ёнламасига жойлашган ҳолда, гоҳ-гоҳ қараб қўясиз, холос. У ёғига – вазиятга қарайсиз. Илинмаяптими, унда садқаи сар! Илинмоқчи, лекин чайналяпти, қўрқяпти, тортиняпти-ми, бу ҳолатда уни қандайдир тарзда қўллаб юборинг, йўл-йўлакай нимадир ўйлаб топинг. Ёдингизда бўлсин, у ҳам Сиздан худди Сиз ундан қўрққанингиз каби қўрқаётган бўлиши мумкин.

Мирзакарим Норбеков

Агар Сиз кўпчиликнинг ичидаги бўлсангиз ва тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти бўлса, Сиз унга савол беришингиз ёки бирор масалада ёрдам сўрашингиз мумкин. Албатта, сухбат асносида тез-тез табассум қилинг, табассум кишиларни яқинлаштиради.

Умумий маслаҳат: эркак кишига унинг мардлик, меҳри-бонлик, жасурлик каби ижобий эркаклик қирраларини намоён этиши учун имкон беринг. Токи у Сизнинг ёнингизда ўзини ҳақиқий эркакдек ҳис қилсин! Ишонаверинг, Сиз бу ишингиздан зинҳор пушаймон бўлмайсиз.

Тағин нималарни айтай? Дарвоҷе, ҳеч қачон эркак кишига хирадлик қилиш керак эмас! Хирапашша аёллардан, эркаклар итдан қочгандек, жуфтакни ростлаб қолишади. Эркакнинг ўзи Сизни маҳлиё этишига имкон яратинг. Иложи борича кўпроқ табиий иллюзия ҳосил қилинг, лекин қаранг, мафтунликни ошириб юборманг! Акс ҳолда, унинг аёлларга бўлган қизиқиши бутунлай йўқолиб кетиши мумкин.

Одатда аёлларга ожиз эркаклар ёқмайди. Эркакларга эса, хўш қандай аёллар ёқмайди? Айнан тескариси – уларга кучли аёллар ёқмайди. Бошқа томондан, эркаклар доим ҳаётдан нолиб юрувчи ожиз аёлларга ҳам тоқат қила олмайдилар. Аёлларнинг кўз ёшидан эркакларнинг томири тортишиб – қўллари мушт бўлиб тугилади, башараси эса айтмай кўяқолай... Бу ерда мантиқ бузилияти – яъни эркакларга иссиқ ҳам, совук ҳам ёқмайди, тўғрими? Кучлиларга тоқат қила олишмайди, ожизларни ҳам қабул қилишмайди... Хўш унда нима қилиш керак?

Ўзлигингизча қолинг! Мадомики, у Сизни йўқлаб келдими, демак, Сиз унга қандай бўлсангиз, шундайлигингида ёкиб қолгансиз. Ўзингизда йўқ нарсани бор қилиб кўрсашибга уринишнинг кераги йўқ. Ўзингизда бор нарсани бекитишиб ҳам уринманг, албатта бунда ижобий қирраларни назарда туяпман!

Пентакнинг тажрибаси 2

Мен Сизга эркакларга айнан нимани гапириш кераклиги борасида маслаҳат бера олмайман, чунки сухбатлар ҳамиша аниқ бир вазиятга боғлиқ бўлади. Лекин Сиз бирор-бир жиддий хатога йўл қўймаслигинги учун, у билан тезроқ яқин бўлиб олишингиз учун, психологик нұқтаи назардан Сизга бир жуфт маслаҳат беришим мумкин.



Биринчи маслаҳат: Сингиллик синдромини ҳосил қилинг.

Қадрли аёллар, эркаклардан сўраб-суриштиринг, улар ўз сингилларига нисбатан қандай туйғуларни ҳис қилишади? Улар сингилларига нисбатан масъулият хиссини, ҳимоя қилиш истагини ҳис қилишади. Бу эркакларнинг табиий рефлекс худуди. Ўзларининг кўплаб сирларини, бошқа аёллар билан баҳам кўра олмайдиган энг яширин сирларини кўпинча эркаклар ўз опа-сингилларига ишонадилар.

Сингил ака учун жинссиз одам, у ака учун бамисоли фаришта. Биз эркаклар кўпинча сингилларимиз билан худди фариштадан маслаҳат сўрагандек маслаҳат сўраймиз. Албатта, бунда ҳам истисно бўлади. Лекин истиснолар жуда кам.

Демак, Сиз эркакнинг ўзингизга сингилдек муносабатда бўлишига эришинг. Бу энг асосий омиллардан бири, эркаклар табиатан сингилларига ҳамиша меҳр билан муомала кутадилар.

Шу тариқа унинг Сизга ошиқ бўлишининг биринчи босқичи ишга тушади. У Сизни бошқалардан айри кўра бошлайди. Ҳар бир эркакда ҳам, у қанчалик аглаҳ бўлмасин, адолат туйғуси яширган бўлади. Ундаги мана шу адолатлиликнинг уйғонишига мажбур қилинг, эркакнинг энг ёруғ туйғуларини ғафлатдан халос этинг.

Иккінчи маслағат: әрқак билан
баҳслашманг!



Әрқак киши гапираётганида, Сиз унинг беъмани гап гапираётганини билсангиз ҳам, «тўхта, сен ноҳақсан» деб айтишини, унинг гапини тўғрилашнинг кераги йўқ.

Әрқак киши билан баҳлаша бошлигиниз билан, әрқакнинг шу заҳоти ўз ҳудудини ҳимоя қилиш инстинкти ишга тушади. У дарҳол қилич борми, қалқон борми, қурувчиликнинг каскасими, ҳаммасини шай қилиб тасаввуридаги босқинчилагандан бор кучи билан ҳимояланишга тушиб кетади! Эрқак жангга киришиб кетдими, у Сизни мутлако эшитмайди.

Бундай дақиқаларда унга маълумот етказишнинг факат битта усули қолади – жангчининг нозик жойига боплаб бир тепиш. Токи у букчайганча, зўрга нафас олиб, кўзлари ола-кула бўлиб ётар экан, Сиз шошмасдан унга Испанияда дам олиш, қишлоқдаги катта тоғангизнинг дала ҳовлисида таътилда бўлишдан нимаси яхши эканини баён эта оласиз. Бу пайтда у Сизнинг гапингизни ўзи ҳоҳласа-да, бўлиб қўя олмайди.

Лекин бу бир марта қўллаш мумкин бўлган усул. Агар Сиз бу усулни анъанавий тарзда қўллаб борсангиз, Сизнинг ҳимоячингиз аста-секин ярим ҳимоячига айланади, сўнгра эса бутунлай йўқ бўлиб кетади. Шундай экан, табиат томонидан чуқур жойланган дастурлар билан курашишга бехуда уринманг. Ақлли бўлинг, әрқак билан баҳлашманг!

Қадрли хонимлар, минг афсуски, бизнинг давримизда жуда кенг тарқалган битта хато борки, мен фурсати келганда Сизни бу борада огоҳлантириб қўйишни лозим деб билдим. Ва ҳозир ўша мавзуни муҳокама қилмоқчиман. Учрашувга

Пентакниң тажғибаси 2

нимада кийиб боришини биласиз. Энди Сизнинг ўз имижмейкерингиз бор, ўз дидингиз бор. Лекин мен Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман! Ҳатто буни Сизга ўз имижмейкерингиз ёки шу пайтгача панд бермаган дидингиз маслағат берган тақдирда ҳам, ҳеч қаҷон бундай қилманг!

Нимани деб сўрарсиз? Ҳақиқий шарқона ҳикоячилар сингари узоқдан бошлайман.

Ҳаммамиз ҳам мода кетидан қувиш қасаллигини бошдан кечирганимиз.

Мен ҳам саккизинчи синфдалигимда мана бундай «клеш» кийиб юрганман – шимимнинг почаси айланасига 80 см бўларди. Тағин у матоҳ махсус тарзда бичиларди. Шим почасининг кенглиги оёқ ўлчамидан икки баравар катта бўлиши шарт эди. Агар 42 ўлчамли пойабзал киядиган бўлсанг, демак, шимнинг поча кенглиги 84 см бўлиши керак.

Мен мана шундай шимда, яна сочимни ҳам узун қилиб ўстириб юрадим. Ахир у пайтларда бу мода эди-ку!

Бугун эса мен моданинг баъзи бир ғалати томонлари ҳақида гаплашмоқчиман. Масалан, аёллар учун шимда юриш жуда урфга кирган. Агар аёл киши шим кийса, ўннадан икки-учтаси юбкада юргандан кўра бироз яхшироқ кўринишга эга бўлиши мумкин. Қолганлари эса юбкадагидан ҳам ёмонроқ кўринишади. Шундай эмасми?

Лекин! Шим билан шимнинг фарқи бор!

Мен ёпишиб турадиган шимлар ҳақида гапирмоқчиман, шундайлари борки, ҳатто чоклари уни кийган хонимнинг думбасига кириб туради. Мен бу хилдаги шим кийиб олган аёлларни кўрганимда доим бир латифа ёдимга келади.

Зиёли бир йигит автобусда кетмоқда. Олдидағи аёл унга орқа ўгириб турибди. Аёл кўйлагининг этаги думбалари орасига кириб қолган.

Буни кўриб йигит асабийлаша бошлабди – сездирмасдан шартта этакни тўғрилаб қўйибди.

Мирзакарим Норбеков

Шу пайт бирдан унинг ортида турган эркак:

– Ҳой ярамас, бу нима қилганинг? Сен нега мени хотинимга қўл теккиздинг?! – деб қолибди.

Йигит хижолат тортганча:

– Узр, узр, кечирасиз, мен бошқа бундай қилмайман... – дебди.

– Қандай ҳаддинг сиғди?! Ким сендан буни сўраганди?!

– Узр... Узр... Ҳозир ҳаммасини тўғрилайман!

У шундай деб тезгина этакни аввалги ҳолатига қайта-рибди...

Баъзан мен ўзимнинг ақлим жойида эмасмикан, деб ўй-лаб қоламан. Нима учун?

Чунки кўпинча менга бирорта кийим ёқмаса ва қайсиdir аёл ўша нарсани кийиб юрса, нима учун бу аёл шу кийими-ни кийяпти экан, деб ўйлаб қоламан. Бошқа эркакларни ҳам сўроқ қилишга тушаман. Агар 95 фоиз эркакка ҳам бу нарса ёқмаса, демак, ақлим жойида экан, деган фикрга келаман.

Фикримнинг тасдиғи сифатида – унча катта бўлмаган охирги ўтказган тадқиқотларимдан бирини сўзлаб берай. Эринмасдан, беш юздан ортиқ эркаклар орасида шундай сўровнома ўтказдим. Ахир ёлғиз менинг фикрим қанақа эканининг кимга қизиги бор. Илм-фанни кимнингдир фикри қизиктирмайди. У факат тадқиқотларни тан олади. Шундай қилиб мен ўзимни қизиктирган мавзуни тадқиқ қилишга тушдим.

Бошқа эркакларнинг бу борадаги фикри қанақа экани билан қизиқдим: «Фалон, фалон нарсаларга нисбатан Сизнинг таъсирланишингиз қандай?» Шу мазмунда кичик сўровнома ўтказдик.

Идеал шакл, идеал ёш ва идеал қомат. Мана бу шим ва мана бу думба эгаси унда қандай таассурот уйғотади?

Бу аёлга нисбатан Сизда нимадир, қандайдир хиссият пайдо бўладими? Айтайлик, Сизнинг унга нисбатан мойиллигингиз, хурматингиз қандай?

Пентакниң тажрибаси 2

– Сиз бу аёлга «илакишган» бўлармидингиз?

– Сиз бу аёл билан сайр қилган бўлармидингиз?

– Сиз бу аёлга уйланган бўлармидингиз?

Масалан, бу аёл Сизнинг синглингиз. Сиз унинг тезрок турмушга чишини хоҳлайсиз. Сиз унга: «Мана бундай, мана шундай, кийингин...» дейсиз. Мана шу шимни Сиз синглингизга маслаҳат берган бўлармидингиз?

Ҳаммасидан ҳам қизиги шунда-да!

Қаранг-а, гап синглингиз ҳақида борадиган бўлса, уни учрашувга, шунчаки учрашувга эмас, бўлғуси куёв билан шунчаки танишиб кўймасдан, унга совчи юборадиган одам билан бўладиган учрашувга тайёрланаётган бўлса... бу шимлар бир зумда эркак киши танлайдиган кийимлар орасидан ғойиб бўлади!

Агар бегона аёл учун бўлса, у ҳолда «Ёқади» – «Ёқмайди» деган фикрлар яримга-ярим нисбатда бўлади! Эллик-ка-эллик!

Биласизми, қадрли аёллар, мана бу яримга-ярим кўрсаткичи – бу жуда қўрқинчли қўрсаткич: Сабаби бу шуни англатадики, 50 фоиз эркаклар Сизга нисбатан нохушликни хис қилишар экан. Бу Сизни хурсанд қиладими?

50 фоиз эркаклар Сизни ўзларича ғирт аҳмок, бемаъни ва шаллаки деб ҳисоблар эканлар. Қалай, бу Сизга ёқадими? Бунақа фикрлайдиган биттагина бўлса – ҳатто ўша ҳам ортиқча! – тўғрими?

Агар у туфайли эркакларнинг деярли ярмидан кўпи Сизга нисбатан хурматини йўқотадиган бўлса, бундай шим кийишнинг Сизга нима кераги бор?

Бу шим эркак уларда факат эҳтиросини, яъни ҳайвоний ҳирсини қондириш ҳиссини уйғотаркан. Бундай шимни кийганингиздан кейин, Сиз эркакларнинг назарида жуда пастга тушиб, арzonлашиб кетасиз. Тушуняпсизми?

Эътиборингиз учун агар эркак киши бошқа аёл билан юришни хоҳласа, у ўзи уйланишини хоҳлаган аёллардан

Мирзакарим Нофеков

ташқи күриниши, қомати билан фарқ қиласынан айлар билан юради. «Юриш» ва «үйланиш» – бу тамоман бир-бираға қарама-қарши тушунчалардир. Энди гап нима ҳақида эканини тушундигизми? 50 фоиз эркаклар Сиздан фойдаланишини хоҳлашади! Бундай шимлар эркак кишиде «Текинга, бир марталик фойдаланиш учун!» деб ёзилган ёрлик сингари таассурот үйғотади?

Агар Сиз ҳам «Қани энди битта эркак бўлса эди!» деган ниятда бўлсангиз – марҳамат бу шимларни кийиб олаверинг. Шунда ҳам 50 фоиз эркаклар Сиздан юзини ўғириб олади.

Бу мақсадга, яъни эркакларни жалб қилишга шундай осон эришиш мумкинки, бу 100 фоиз эркакларда Сизга нисбатан ижобий муносабат үйғотади.

Демак, хонимлар! Танага жуда ёпишиб турадиган жинсиларни, шимларни, жуда сиқиб, таранг турадиган бўлса, ташлаб юборамиз!

Тушунарлимиз, ташлаб юборамиз?!

Чунки бундай кийим туфайли айлардаги энг муҳим жиҳат – сирлилик йўқолади, азизлар, сирлилик йўқолади. Сирлилик эса бўлиши керак.

Чунки сирлилик ҳамиша эркакларда кучли қизиқиш үйғотади. Шундай-ми, эркаклар?

Кийимларга бўлган урф, яъни мода келади-кетади, омма ана шу мода деб ҳаёт ҳам Сизни четлаб ўтиб кетиши мумкинлигини унутманг!

Мардликка бўлган урф, аёллик назокатига, латофатига бўлган урф эса ҳеч қачон эскирмайди, модадан қолмайди.

Мода дегани бирдан Сизнинг онгингиздаги шуурий интилишларингизга, ҳақиқий эркак, ҳақиқий аёл сифатидаги нуқтаи назарингизга қарши бўлса, Сиз канчалар улкан интеллектга, юқори маданиятга, ажойиб ташқи күринишга, маънавийликка эга бўлишингиздан қатъи назар ўзга жинс вакилларининг эътиборидан четда қолиб кетишингиз мумкин.

Пентакниң тажрибаси 2

Бу айни ҳақиқат, чунки мода дегани ҳам баъзиларни чўчишиб юбориши мумкин. Айтайлик, агар кимдандир нохуш ҳид келаётган бўлса, ҳаммамиз ундан ўзимизни четга тортамиз, тўғрими? Худди шу сингари, ташқи күриниш барчани ўзига жалб қиласи ёки аксинча, чўчишиб ўзидан нарига итариади.

Баъзи бир хонимлар: «Қанақасига, ахир ёпишиб турадиган шимлар жуда эҳтиросли күриниш беради-ку!» дейдилар.



Менинг қадрдонларим, эҳтирослилик – бу шундай нарсаки, уни яширишнинг иложи йўқ... бу ҳеч ҳам кўпчилик кўз-кўз қилишга уринаётган нарса эмас!

Мана шулар қадрли аёллар, мен Сизга гапириб бермоқчи бўлғанларнинг ҳаммаси, жуфтингизни қандай килиб излаб топиш, таниб олиш ва ўзингизга ошиқ қилдириш бўйича маслаҳатларим.

Лекин қандай қилиб бир йилдан кейин бошқасига қочиб кетмаслиги учун унга белги қўйиб қўйиш ҳақида, қандай қилиб жуфтликлар орасидаги барқарор муносабатни қуриш ҳақида кейинги китобимда гапириб бераман...

Энди эса эркаклар учун икки оғиз сўз.

Эркаклар! Сиз учун аёлни излаб топиш технологияси жуда оддий. Танишинг, танишаверинг, танишаверинг! Яхши, чиройли, ёлғиз аёллар шунчалик кўпки, уларни ҳатто маҳсус жойлардан излашнинг ҳам кераги йўқ! Дадилрок бўлинг, хушмуомала, одоб доирасида, дўстона, меъёрида қатъиятли ва... шунинг ўзи етарли! Ўзингизнинг хонимингиз учун, кўнглингизни забт этган аёл учун шаҳзодага айланинг, Сизни ишонтириб айтаманки, Сиз бундан ҳеч қачон пушаймон бўлмайсиз! Ўзингизнинг севимли ёрингизни

Миғзакарим Норбеков

асраб-авайланг, ахир аёллар одам эмас-ку... Аёллар – фаришта! Уларга муносиб бўлинг, сўзингиз билан ҳам, амалдаги ишларингиз билан ҳам!

Энди эса менинг қадрдонларим, Сиз учун бу китобдаги энг охирги

УИ ВАЗИФАСИ

Эртаниги кундан бошлаб 10 кун давомида ҳар куни ўзингизга қарама-қарши жинс вакилларидан 10 та одам билан танишишингиз керак. Кўчада, қаҳвахонада, стадионда, хоҳлаган жойингизда! Яқиндан танишиб, чукӯр муносабат ўрнатишнинг кераги йўқ, агар Сизга керак бўлмаса яқин муносабат ўрнатиш шарт эмас, шунчаки исмини билиб олсангиз, ўзингизни таништирсангиз, у бу ҳақда икки дақиқа гаплашиб олишнинг ўзи етарли.

Кўркинчли туюляптими?!

Бу вазифани бажара туриб Сиз ўзингиз ҳақингизда ва одамлар ҳақида кўплаб янги ва қизиқарли нарсаларни билиб оласиз. Масалан улардан айримлари:

1. Танишишнинг ҳеч кўркинчли жойи йўқ.
2. Энг оғири – бу сұхбатнинг биринчи дақиқаси.
3. Агар Сиз табассум қиласангиз, Сизга нисбатан ҳам дўстона муносабатда бўлишади, жавобан табассум қилишади.
4. Мана шунака, жуда оддий сұхбатлар асносида, эҳтимол бошқа пайт ҳеч қачон учратмайдиган ўзингизнинг ҳақиқий ярмингизни тасодифан учратишишнинг ҳам мумкин.

Бу вазифани бажариб бўлганингиздан кейин, Сиз учун танишув азоб ва қийноқдан кувонч ва роҳатга айланади. Сиз ҳаттоқи бу юзта одам орасида ўзингизнинг иккинчи ярмингизни учратмасангиз ҳам, бўлғуси учрашув учун яхши тайёргарликни ўтайсиз ва тушкун ҳолатда ўзингиз учун тушунарсиз ниманидир кутишдан кўра, фаол изланишда бўласиз. Танишувнинг натижаларини ҳар куни кундаликка қайд қилиб борамиз!

САККИЗИНЧИ ТЕПКИ **Э ва А ўтиаркан** **мажнунтолнинг ёнида**

*Бу бўлимда китобхон
НИҲОЯТ охирги оқ
фотиҳага, йўриқномага,
оқ йўл тилагига эга
бўлади. Ўзининг иккинчи
ярмининг қулогига
танбур чертиши учун,
ган халтасини қизиқарли
воқеалар билан тўлдириб
олади ва муҳаббатини
излаш йўлида қанот
боглаб учади.*

三

Нди эса Сизларни эр-хотинлик ҳаётининг бошлинишига тегишли, ажойиб бир тадқикот билан таништиришимга ижозат берсангиз.

Сизларга бир савол, турмушга чикиш осонми ёки уйланиш? Ва ҳар доимгидек ўз жавобларингизни эслаб колинг!



Уйланиш – бу худди сувга сакрашдек гап!

Йигирма ёшгача оила қуриш бу худди шундоқ қирғокдан туриб сувга сакраш кабидир. Мана сув – Сизнинг оёқларин-гизнинг остида мавж уряпти. Сувга сакраш ҳам худди сувдан чиқиб келиш сингари жуда осон. Тұғрими?

Йигирма беш ёшга келиб инсон бир нарсани тушуниб қолади: «Ха, дуч келган сувга сакрайверадиган ахмок йүк!»

Мирзакарим Норбеков

Агар сакраш керак бўлса, факат қандайдир бир мақсад йўлида сакраш лозим.

Йигирма беш ёшдан кейин сакраш борти тобора юқорига кўтарила бошлайди. Уйланиш ёки турмушга чиқиш йигирма беш, ўттиз ёшлар оралиғида худди уч метр баландликдаги минорадан сакраш билан баробар.

Пастдан қараганда ҳаммаси жуда осондек, қандайдир уч метр – шундай ташлайсан-у, шалоп этиб тушасан!

Лекин бу баландликка кўтарилиганинг эса Сизда шундай хис-туйғулар пайдо бўлади-ки, уларни таърифлашга тил ожиз.

Ақл-идрок алаҳсираганча, қанча вақтда пастга тушишини ҳисоблай бошлайди.

Сув юзасигача уч метр. Яна бошимизнинг учидан тово-нимизгача тахминан икки метрлик ҳаётий тажрибани қўшамиз! Беш метр – бу жуда, жуда кўп! Кўрқинч-л-и!

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас! Ҳали сув тубигача бўлган масофани унутдик! Бу эса яна икки ярим метр. Умумий ҳисоблаганда қанча бўлди? ...Ўх-ў...

Ва Сиз орқага тисарила бошлайсиз. «Ҳа, мен хоҳлаган пайтда уйланишим мумкин! Ҳозир эса менинг баъзи бир ишларим бор! Ҳали мана бу ишим қилинмаган, буниси ҳам, анавини ҳам охиригача етказиб қўйсам ёмон бўлмасди... Яна бироз бўйдок юриб турай, ана ундан кейин, албатта уйланаман!»

Сакраш кўрқинчли, тўғрими?

Кизиқиши юзасидан яқинроқ бориб, мўралаб келиш мумкин... Кимдир кўзини чирт юмганча, бурнини қўли билан қисиб, атрофига сув томчиларини сачратганча, сувга шўнгийди.

Кўпчилик ортига қайтади, секин зиналардан пастга бир бир тушар экан: «Ҳали уйланиш вақти келмади!» – дейди, ёки рўяч қилиш учун бошқа баҳонани топади.

Тенгакни тажрибаси 2

Ва биз оҳиста, билдирамасдан, ҳатто ўзимиз ҳам билмаган ҳолда оғир кўрсаткичли ёшга ҳам яқинлаша бошлаймиз.

Улардан бири – ўттиз – ўттиз беш ёшгача бўлган давр.

Эркак учун бу худди ўн метр баландликдаги минорадан сакраш билан баробар. Бу баландликка мустақил равишда кўтарилиш учун ҳам жуда жасур одам бўлиш керак. Пастга шўнгий учун эса... Бунинг учун бир дунё Руҳият кучи керак бўлади!

Эркак ўттиз беш ёшга тўлгач, ҳеч қанақасига мустақил ҳолда уйланмайди! У уйлана олмайди ҳам. Чунки бу пайтга келиб, у ҳақиқий сўққабош гарига айланади!

Аёлларда эркаклар билан солиширганда бу ҳолат анча енгил кечади. Атрофдагиларнинг ҳаммаси бир овоздан жўр бўлиб: «Сакра! Сакрасанг-чи, аҳмок, қани! Эрга тег! Турмушга чик!» – деб туришса, ожиз жинс вакиллари омманинг ҳамкорликдаги фикрига бўлган ҳурмат юзасидан ҳам сакрайди... Кўзини шартта юмади-да, «Ойижон!» деб чийиллаб чинқирганча, сакрайди-кўяди.

Лекин аёлларда ҳам ўттиз беш ёшдан кейин оила қуриш деярли мўъжизага тенг. Чунки бу ёшда улар буткул «кирди-чиқди» бўлиб қолишади.

Оиласининг йўқлиги уларнинг миясидаги хомхаёл, сароб дунё ҳосил қилиш билан мувозанатланади. Реаллик худудини улар хаёлот тўри билан ўраб-чирмаб ташлайдилар. Реал ҳаракат бўлмагани сабаб, бутунлай ақлдан озмаслик учун аёл киши ўзича қандайдир саробларни ўйлаб топа бошлайди.

Аёл бу жараёнга олдиндан тайёргарлик кўриб келади – йигирма ёшларидан бошлаб. Аёл майда-майда зарраларни териб-териб ўзининг хаёлий шахсий дунёсини қуради, оқибатда унинг эркакларга нисбатан бўлган ўз нуктаи назари шаклланади. Ва ўзининг ўйлаб топилган ушбу дунёсидаги энг асосий жойни унинг бўлгуси шаҳзодаси эгаллайди.

Мирзакарим Норбеков



Ҳаммадан ҳам қўрқинчлиси – аёлнинг бу хомхаёл, саробдан иборат дунёсига реал эркак кириб боришининг иложи йўқ!

Чунки мазкур сайёрада ушбу хонимга муносиб бўлган, унга жуда бўлмаганда бир нечта жиҳатлари бўйича тўғри келадиган биронта ҳам эркак йўқ. Атрофда эса нуқул «аблаҳлар», «бадбўй ҳайвонлар» ўралашиди, холос.

Ва шундан сўнг қуидагича хархашалар бошланади: «Мен хоҳлайман. Мен жудаям хоҳлайман. Мен турмушга чиқишни ўлардек хоҳлайман. Лекин афсуски, ҳали турмушга чиқиш мумкин бўлган биронта эркакни учратганим йўқ... Мадомики, шундай кишини учратмаган эканман, яхшиси, ҳозирча ўзим ёлғиз қолақолай!»

Давом эттирамизми? Э-хе, давоми ундан ҳам баттар!

Кирқми? Азизларим, қирқ ёшга етиб келгач, Сиз ҳеч қанақасига ўзингиз оила қурмайсиз! Қирқ ёшдан кейинги тўй – бу худди самолётдан парашютсиз сакраш билан баробар!

Кучли хайриҳоҳ ҳайбаракаллачилардан ташкил топган гуруҳнинг қўллаб-қувватлашистиз, Сизнинг ўзингиз жарлик сари бир қадам ҳам ташламайсиз! Бу ҳолат қаҷон содир бўлиши мумкин – агар озроқ савдоирик бўлсангиз-у, Сизга самолётдан парашютсиз сакраш ёқадиган бўлса.

Бу ўшдаги ҳар бир инсон учун биринчи ўринда – шахсий эркинлик туради. Шахсий эго.

Улар тасодифан уйланиб ёки турмушга чиқиб қолсалар даҳшатга туша бошлайди: «Мен нима қилиб қўйдим?! Маза қилиб, яшаб юргандим-ку! Қанча эркинликларга эга эдим!!! Энди эса ҳаммасини йўқотяпман. Яъни... Энди ҳаммаси йўқолди!»

Пентакнини тажрибаси 2

Мана шу – ўзи ўйлаб топган эркинлик билан ажралиши ни истамаслик ҳолати – қирқ ёшдан кейин бундан-да аянчлироқ тус олади. Ва бу фантазияни парчалаш учун ҳеч бир инсоннинг иродаси етмайди.

Хўш бунга нима дейсиз, қадрдонларим? Энди ушбу бўлим бошида берган жавобларингизни эсланг. Сизнинг ёшингиз нечада? Сизга ҳозир, шу бугун сувга сакрашингиз учун нима ҳалақит беряпти?

Иккинчи ярмимни ҳали топганим йўқ, деяпсизми? Ҳатто излашга киришганингиз ҳам йўқми? Ишим бошимдан ошиб ётиби? Ҳа-а, Сиз ҳали уй сотиб олганингиз, уни жиҳозлаганингиз йўқми? Ҳали бунинг учун етарлича пулни ишлаб топганингиз йўқми...

Ҳали бу ишлаб топилмаган икки-уч миллион долларингиз Сизга нима ҳам бера оларди? Бахтми?..

Ҳозир, бундан кейинги саҳифаларда ёзадиганларимни ишончим комил, ҳамма ҳам тушуна олмайди. Айниқса, бу жуда катта ишларни амалга ошириб юрганлар учун тушунарсиз бўлади. Хонимлар, бу гап Сизларга ҳам тегишли!

Қадрли китобхон, фарзандингиз туғилиб, у аста-секин ўсиб-улғая бошласа, Сиз беихтиёр ўз ўтмишингиз ҳақида уйланиб қоласиз. Ҳаёлан қуидагиларни ҳисоблай бошлайсиз: «Агар мен ўттиз беш ёшда эмас, йигирма беш ёшда уйланганимда (турмушга чиққанимда), фарзандимнинг ёши ҳозир нечада бўларди?..»

Бурнингизни кўтарганча юрган бўйдоклик даврингизни энди, нимагадир ачиниш билан эслай бошлайсиз: «Қандай аҳмоқ бўлган эканман! Шунчалик ҳам тентак бўламан-ми...»

Йил ўтган сайин Сиз айнан шу тарзда ўйлайверасиз, ўйлайверасиз... Вақтни эса орқага қайтаришнинг иложи йўқ...

Аслида ҳозир 40 ёшли даврингизга келиб, табиат Сизнинг генларингиздан уч бора қайта нусха олиши керак эди. Ҳаёт эстафетаси уч бора узатилиши керак эди! Сизлар эса ҳамон сусткашлик қилмоқдасиз...

Мирзакарим Нофеков

Энди эса ростини айтинг-чи: катта бувингизнинг ёшидаги хоним бирдан турмуш қуришга қарор қилгани ҳақида билиб қолсангиз, бунга қандай муносабатда бўлардингиз? Кампирнинг илк бора турмушга чиқишига?!

Сиз қандай муносабат билдирадингиз?

Аслида бу ҳолат ҳам 40 ёшли хоним илк бор турмушга чиқиб, фарзанд кўришга қарор қилиши билан айнан бир хил нарса. Яна қандай тушунтириш керак?!

Эътиборингиз учун, аёлларда жинсий етилиш давридан кейин, йил сайин бўйида бўлиш, ҳомилани кўтариб юриш ва болани туғиш имконияти камайиб боради!

36 ёшга келиб биринчи марта туғишини истаган 10 та аёлдан фақат тўрт-бештаси бунга қодир бўлади. Қирқ ёшга келиб эса, агар аёл киши бу ёшгача туғмаган бўлса, туғиш қобилияти нолга тушади. Эшитяпсизми? Нолга!

Лекин афсуски, кўпчилик, ҳамон ўз вақтида уйланиш ва эрга тегиши ҳақида ўйлашмаяпти! Тушуняпсизми?



Хонимлар! Йигирма йиллаб ўз шаҳзодасини кутаётганлар! Сиз аллақачонлар туғишингиз керак эди, шўринг курғур тентаклар! Сиз эса ноз қиласяпсиз: карьера-маръерани баҳона қилиб...

Эътиборингиз учун карьера деган дардисар бор-йўғи 50-60 йил аввал пайдо бўлди. Аёллар эса – мана бу, эркакларнинг ҳаётини заҳарлайдиган тасқаралар эса – миллион йиллардан бўён мавжуд! Афсуски, Сизларсиз ҳам эркаклар учун Ерда ҳаёт йўқ...

Менинг қадрдонларим! Менинг яхшиларим! Табиат бизни икки жинсга ажратиб яратган ва бу буюк мўъжиза!

Тентакнини тажрибаси 2

Ҳар бир инсон минг-минглаб авлодларнинг, минг йиллик меҳнатлари, умидлари ва заҳматларининг натижаси. Ҳаётнинг натижаси.



Бир ўйлаб кўринг, Сизнинг зиммангизга қандай масъулият юкланган! Сизнинг қўлингизда минглаб, ўн минглаб авлодларнинг узилмас риштаси турибида.

Бу минглаб авлодлар ўз тумшуқчаларида, ўзлари очликдан шишиб бораётган бўлса ҳам, Сизнинг боболарингизни, бобокалонларингизнинг авлодларини озиқлантиришган. Ёнгидан халос қилишган, душмандан қочишиган, ўзлари ботқоққа чўкиб кетса ҳам, боласини хавфсиз жойга олиб чиқариб кўшишган.

Ўзини ва ҳаётини ўз наслини қутқариш йўлида қурбон қилишган. Сизни қутқариш учун!

Сизга келиб эса бу ришта узилаяпти... Сизга келиб ҳаёт тугаяпти. Сиз бу ҳақда бир ўйлаб кўринг! Миллионлаб одамларнинг меҳнати зое кетяпти. Яна бу ҳолатни Сизнинг мустақил танловингиз туфайли юз бераётгандек, тақдим этяпсиз, аслида эса афсуски, бу ишингиз шунчаки Сизга тикиштирилган танлов туфайли содир бўлмоқда. Шунчаки, Сизга тикиштирилган, аҳмоқона қайсарлик туфайли.

Қачонки Сиз турли хил кўринишдаги карьера-маръера сингари бемаъниликларни яратса бошласангиз, табиат нуқтаи назаридан қараганда, Сиз бирдан ҳаёт танасидаги паразит фақат ўзи учун яшайдиган ўсимта сингари бўлиб қоласиз.

Организм бўйлаб тарқалар экан, ҳар қандай ўсимта барча тирик нарсани ҳалок қиласди. Табиат ўсимтанинг униб-

Мирзакарим Ноффеков

ўсишига йўл қўйиб бўлмаслигини билади. Инсоният насланинг келажакда бузилишига йўл қўймаслик учун бизларнинг ҳар биримизга жойланган ўз-ўзини йўқ қилиш дастури ишга тушади...

Табиат шундай ўйлай бошлайди: «Ҳа-а... Ўз вақтида бола туғиши ўрнига, бу телба ўзига қандайдир шахсий қадриятларни ўйлаб топаяпти. Ўзининг яккаю ягона, бетакор ҳаётини қандайдир кераксиз овунчоқларга алмаштириб юриди.

Энди уйғониб қолдингмивой, хумпар-её?! Насл ҳақида ўйлаб қолдингми? Сен уларга тажрибангни, билимингни узатишга ярамайсан-ку! Улгурмайсан! Улар ахир назоратсиз қолиб кетишади-ку! Шунинг учун сенинг умуман туғмаганинг яхши!»

Табиатнинг тирик материянинг исталган тури билан мулоқоти фақат икки хил шаклдан келиб чиқади – ҳаёт бериб тақдирлайди ёки ҳаётдан маҳрум қиласди. Бўлди! Ушбу мулоқотнинг учинчи шакли мавжуд эмас!

Сизнинг бутун ички тормозингиз, қаршилигингиз, ниманидир йўқотишдан қўрқиши – аслида бу ҳомила бўлишига улгурмаган фарзандингизни Сизнинг ўзингиздан ҳимоя қилувчи табиий механизм! Шу тариқа табиат Сизнинг генларингиздан ўзингизнинг ёрдамингизда халос бўляпти.

Чумоли ўзининг шахсий конуниятини яратишга қарор қилган экан, табиат жуда оқилона иш тутади. У бу чумолини, узр, одамни демокчийдим, йўқ қилиб йўлида давом этади.

Пентакнини тажрибаси 2

Сиздан кейин – шундай буюк ақл соҳибидан, мутафаккирдан кейин бор-йўғи икки метр чукурликдаги бир-икки белкурак чиқадиган яхши ўғит қолади. Сиз бу аччиқ, лекин очиқ ҳақиқатни тан олишингиз керак.



Демак, менинг қадрдонларим, кимнинг оиласи бўлмаса, олдингизга биринчи даражали вазифа қўйинг, шу бугуннинг ўзидаёқ уйланамиз ёки турмушга чиқамиз! Зоро, оила ўрнини ҳеч нима боса олмайди!

Оилани яратиш ҳақида ёзаётганларимнинг ҳаммаси бизнесни яратишга ҳам бизнес ҳақидагилари эса оилага ҳам таалуқли.

Ёшингиз улгайиб борган сари, Сизнинг руҳий жиҳатдан рўёбга чиқа олмаслик ҳиссиётидан, ёлғизликдан қутулингиз қийин бўлиб боради. Менинг асосий вазифам эса – Сизга бу йўлда ёрдам бериш, Сизларга керакли йўналишни кўрсатиш.

Энг асосийси, ҳар қандай харакатни бошлаш! Хитойликларнинг нақлларида айтилганидек «Минг фарсаҳ масофадаги манзил ҳам биринчи қадамдан бошланади».

Кишининг хусусий иши нимадан бошланади?

Корхонани таҳлил қилишдан бошланади. Сизнинг қайси истагингиз ўзингизга ёқимлироқ? Бу ёқимлилик нимадан келиб чиқяпти? Қайси жойингиздан тараляпти? Мизожингизнинг қайси қисми хабар беряпти?

Ёки бунинг тескариси. Ҳеч нимани бошламаслик ҳақида буйрук қаердан келяпти? Биринчи қадам, аввал бошиданоқ барча харакатларнинг ибтидосига барҳам берувчи буйрук

қаердан чиқапти? Сусткашларнинг йўли, мавжуд бўлмаган йўлда бораётган овсарларнинг йўли.

Биз танлаш ихтиёрига эгамиз, уйланишга карор қилишимиз, ўз бизнесимизни очишмиз, ўз тақдиримизни ўзгартишимиз ва булар оқибатида ҳаёт бизни хохлаган жойига улоқтириши мумкин. Эҳтимол, ишимиз бароридан келар, эҳтимол, ўҳшамай қолар, эҳтимол, нимадир чиқар... Лекин биз битта жойда ёнимиздан баҳт тўла арава ўтиб кетишини кутиб ўтираверсак, шу ҳам ақлданми?

Шу мавзуга оид бир латифа бор:

Бир одам Яратганга илтижо қиларкан: «Эй Тангрим, сен шундай қудратли, шундай буюксан, ҳамма нарса сенинг ҳукминг измида, сен учун миллион йил худди бир кундек... Илтимос, менга миллиард доллар бергин!» – дейди.

Бунга Яратган: «Яхши, фақат бир кун сабр қилиб тур!» – деган экан.

Хўш, нима қиласиз, менинг
бардошлиларим, яна миллион йил сабр
қиласизми ёки ниҳоят ўз тақдиримизни
ўзимиз яратса бошлаймизми?

Тўғри, ҳамиша ҳам ўзингизга нотаниш, янги ниманидир бошлаш кўрқинчли ва нокулай туйилади. Бироқ нима қилиш керак? Қаёққа қараб юриш керак? Агар умуман йўл бўлмаса-чи? Ҳамма ҳам орқасини юмшоққина жойга қўйиб ўтириби-ку, менинг нима, бошқалардан кам жойим борми?

Кўпчилик айнан шу йўлни танлайди-да: «Мен туғилган эканман, демак, дунё менинг истак-ҳоҳишиларимни бажо қилиши керак. Агар шундай қилмаса, демак, бу дунёда ҳамма пасткаш, ҳамма ёвуз ва дунё менга ноҳақлик қиляпти» – дейди.

Пентакниң тажрибаси 2

Ҳар биримизнинг ичимизда ҳам енгил ҳаёт ишқибози ўтириби, айни пайтда ҳар биримизда факат оғир меҳнат орқали эришиладиган йўлни биладиган ўтириби. Демак, ҳозир, қадрдонларим, биз Сиз билан бизнес ҳақида сухбатлашяпмиз. Яратилиш ва яратиш қонуни, диний, илоҳий қонунлар, оила қонуни, физика, микро ва макро қонунлари ҳамма ерда ва ҳамма вақт бир хил. Чунки ҳаёт ва ўлим механизмининг принципи мутлақо ягона схема бўйича ишлайди. Ўзаро муносабат қуришнинг исталган кўриниши, барчаси битта нарсага бориб тақалади.

Келинг, тушуниш осонрок бўлиши учун, оддий бир оилани мисол қилиб оламиз. Жуда жўн, оддийлаштирилган – бироз қўполрок шаклда гапириб ўтаман. Одам интим алоқа билан машғул бўлмоқчи. Биринчи йўл – оила қуради ва интим алоқа билан машғул бўлади. Иккинчиси – жазман топади ва интим алоқа билан машғул бўлади. Учинчи йўл – кўчага чиқади ва шу товар сотиладиган жойдан харид қиласиди ва интим алоқа билан машғул бўлади.

Нима учун кимdir биринчи йўлни танлайди, кимdir иккинчи, кимdir учинчи йўлни? Бу уч йўлнинг ҳаммасини нима бирлаштириб турибди? Учта вариантнинг ҳаммасида ҳам биз битта натижани кўряпмиз – интим муносабат. Биринчи йўл – оила, оила эса мажбуриятларни бажаришни талаб қиласиди, оила ҳар куни, ҳар лаҳзада сенинг ички ҳолатингдаги энг яхвисини танлашни, ишга солишини талаб қиласиди.

Оиланинг энг муқаддас қисмидан, уч хил вариантдаги пробирка учун – интим муносабатнинг шундай оддийлаштирилган дағал шаклини олганим учун, мени маъзур тутинг.

Биз ҳозирча ҳис-туйғуларга тегмадик, фақат интим муносабатни олдик. Шундай эркаклар борки, улар бир муҳаббатли, яъни ўз туйғуларига садоқатли бўлишиади, устига қанақа зўр қайла тортилган бўлишидан қатъи на-

Мирзакарим Норбеков

зар, фақат жинсий алоқа учунгина аёл билан ётиб кетаверишмайды. Шундай эркаклар бор, Худога шукр, бундайлар оз эмас.

Мабодо ким биландир ётишига түғри келса, у уйланышга ҳам тайёр ва уйланади ҳам. Ва қандайдир ҳис-туйғуларни ҳосил қилишга ҳаракат қиласи, ҳис-туйғулар пайдо ҳам бўлади ва бу туйғулар улкан муҳаббатга айланади. Мен шундай одамларни кўрганман. Лекин биз ҳозир ҳис-туйғуларни четга суриб турамиз-да, шунчаки оддий интим муносабатни таҳлил этамиз.

Учта йўлдан қайси бири ҳаммасидан енгилроғи? Учинчисими? Эътибор беринг-а, учинчи йўл якуний маҳсулот сифатида нимадир бера оладими? Энг яхши ҳолатда – ҳеч нима. Ёмон ҳолатда – кафолатланган венерик касаллик, ўлим хавфини тухфа этиши мумкин. Тўғрими? Ахир бу энг енгил йўл эмасмиди?

Иккинчи йўл – бу ҳам худди ўша фоҳишиликнинг ўзи, фақат бошқа кўриниши. Яъни ўзинг учун шундай йўл танлайсан, сенинг ҳеч кимдан ҳеч қандай қарзинг йўқ, мажбуриятинг ҳам йўқ. Мадомики, ўз бошингни турли можаролар билан қотирмоқчи эмас экансан, ўзинг учун жазман ёки хуштор орттирасан. Тўғрими?

Энг оғири – бу биринчи йўл. У насл пайдо қиласи, узилмас мангур ишта бўйича ҳаётни яна, яна ва яна давом этиради. Инсоннинг ердаги ҳаёти ҳам асосан шунга таяниб турибди. Бу йўл – энг машаққатли йўл.

Учинчи йўл – ишлаб, пул топиш. Буни бизнесга қўчирамиз. Сиз бизнес очишга қарор қилдингиз, мақсадингиз эса фақат кўпроқ пулли бўлишдан иборат. Бу нима билан тугайди?

Тадқиқотларга кўра фоҳишилар узоқ ишлай олишмайди. Улар бир тўда венерик хасталиқдан ташқари яна бир ўзига хос касбий касаллик ҳам орттиришади. Уларда фригидлик бошланади, яъни ҳиссий совуқконлик. Суюқоёқ аёллар

Пентакниң тажрибаси 2

одатда камдан-кам ҳолларда туғишиади. Лекин бу ўта кам учрайдиган ҳолат.

Агар Сиз бирор касбни фақат пул топиш учунгина танлайдиган бўлсангиз, натижада шу ишингизни кўргани кўзингиз бўлмай қолади, ундан нафратлана бошлайсиз. Нафрат эса ҳамиша кўпайиш, кучайиш хусусиятига эга ва доимий равища ўсиб боради. Сиз ўзингизни худди суюқоёқ аёлдек ҳис қила бошлайсиз. Бу Сиз учун азобга айланади. Кун сайин, ой сайин, йил сайин. Сизга ишлаб пул топадиган жойингизга бориши қийиндан қийин бўлиб бораверади.

Бу ишга ҳаётингизнинг қанча вақтини сарфлаб, охир-оқибат Сизнинг ўзингиз унинг бошига етасиз. Ва шип-шийдам бўлиб, дастлабки ҳолатга қайтасиз. Ахир ҳаётингиз йилларини пул топиш учун сарфлаш мумкинми?

Демак, аввал бошдан пул топиш учун йўналтирилган фаолият уни албатта йўқ қиласидиган душманга эга – бу Сизнинг ўзингиз.

Иккинчи йўл – бу жазманлик йўли. Ташкилотни Сиз очдингиз. Айтайлик, Сизнинг эзгу бир орзунгиз бор. Ҳаётингизнинг мазмуни; у орқали Сиз роҳат-фароғатга эришмоқчисиз ёки эришяпсиз. Лекин Сизнинг фирмангиз – бу худди жазманларнинг турли кўринишларидек гап, Сизга ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Бу ҳам қайсиdir маънода фоҳишиликнинг бир тури.

Аслида ташкилот ҳам ҳис-туйғу даражасида бунёд этилиши керак. Биз у ерда нимадир қиласидиган бўлсак, биринчи навбатда ўзимиз билан ишдан кейин уни уйга олиб кетамиз, уйда ҳам уни яхшилашда давом этамиз. Ёки уй юмушларини олиб қарайлик, ҳовлидаги ўтларни майса текислайдиган максус машинада пардозлаймиз, дераза токчаларини ҳўллатта билан артамиз ва ҳоказо... Яъни ҳаётимизнинг шундай қисмлари борки, биз уларга ўзимизни бағишлиаймиз, улар янада яхшироқ бўлишига, кўпайишига, юксалишига ҳаракат қиласимиз.

Мирзакарим Норбеков

Бу шундай муносабатки, теварак-атрофингизга қарай-сиз-да, қаернидир ривожлантириш, қаергадир нимадир кўшиш кераклигини кўрасиз. Сиз бу ишларни қилаётганингизда (мен бу саволни кўп бора берганман ва беришда давом этаман) Сизларнинг қай бирларингизда, «бу ишим учун менга қанча ҳақ тўлашар экан» – деган фикр хаёлингиздан ўтган. Қадрдонларим, бу Сизга кулгили туюляпти, тўғрими? Фарзандингизни бағрингизга босганингизда «бу ишимга қанча ҳақ тўлашар экан» деган фикр ўтадими? Рафиқангизга гул кўтариб борар экансиз, бунинг учун қанча ҳақ олиш ҳақида ўйлайсизми? Оиладаги бажариладиган ҳар қандай ишдан моддий фойда борми?

Демак, қачон ташкилот очишни режалаштирап эканмиз, қачон уйланиш, турмушга чиқиши режалаштирап эканмиз, аввал бошданоқ бизнинг асосий маслаҳатчимиз, ўнгга оғсан ҳам, сўлга оғсан ҳам ўзингни ҳалокатга гирифтор қиласан, деб кўрсатиб турадиган энг асосий маслаҳатчи – бу бизнинг фикрларимиз, Бизнинг сезгиларимиздир. Идеал баҳтли оила мұхитида ўзаро муносабатлар қандай бўлади? Шу ҳақда Сизнинг тасаввурларингиз. Мана шу сезги-туйғуларингизни ўзингизга маслаҳатчи қилиб олинг, азизларим.

Энди мұхабbat асосига қурилган оила ҳақида гаплашсак. Бундай оила бағрида ҳаёлингизда доим яқинларингизнинг тимсоли бўлади. Нима билан банд бўлманг, нима билан шуғулланманг, қаерда бўлманг, ҳатто иш билан бўлиб, барча нарсани унугтан тақдирингизда ҳам, ҳаёлингизнинг кайсиdir қисмида ўзингиз ҳосил қилган сунъий юксаклик бўлади, у ердан туриб биз вақти-вақти билан оиласиз ҳақида, фарзандларимиз ҳақидаги фикрларга вақт ажратамиз. Тўғрими?

Демак, қачонки Сиз ота сифатида, она сифатида ўзингизнинг шахсий ишингизни очсангиз, ходимларни ўз болаларингиз деб билинг. Уларнинг маоши – бу уларнинг Сиз беришингиз лозим бўлган ризқлари. Яқинларингиз ҳақидаги

Пентакниги тажрибаси 2

фикрлар Сизни ҳеч қачон тарк этмаслиги керак. Шунда бизнеснинг молиявий томони ўз-ўзидан яхшилана бошлади. Тушуняпсизми?!

Натижада энг қизиқ ва энг ғалати механизм ишга тушиб кетади – Сиз иш билан бир пайтнинг ўзида ҳамма жойдан ходимларнинг маоши ва сармоясини излашга тушасиз ва топасиз. Та什килотингизнинг молиявий ўсиши, молиявий ривожланиши бошланади.

Ўз шахсий ишингизни ва ўз оиласизни асрорчи-сақловчи фариштаси – Сизнинг ўзингизсиз. Чунки Сиз бу ишга савиммият ва хис-туйғу билан ёндошсангиз, қандайдир сехрли қонуният ишга тушиб кетади.

Сизнинг болаларингиз оч қолмаяптими? Оч эмас. Улар ҳамма қатори кийим-кечак билан таъминланганми? Таъминланган. Демак моддий томон жойида. Айтинг-чи, ҳурматли оталар, ҳурматли оналар. Ахир ҳар бирингиз ўз оиласизни таъминлайсиз-ку? Тўғрими? Таъминлайсиз.

Нима учун? Айтингчи, оиласиз мұносабатлар асносида пул топиш Сиз учун биринчи ўринда турадими? Зинҳор бундай эмас! Оилада бу ўнинчи ўринда туради, лекин бу ҳам бажариш мажбурий бўлган шартлардан бири. Сиз амалга ошираётган ишларингиздан бири, холос. Энг мұхими – Сизнинг яқинларингиз! Уларнинг ўсиши, камол топиши, фаравонлиги, баҳти! Тўғри эмасми?

Биз ўз кучимизни, ишлаб топган фойдамизни оилага берар эканмиз, эвазига нимага эга бўламиз? Роҳат-фароғатга, ҳузур ҳаловатга, шундай эмасми, ахир? Уйга келгач, оила аъзолари даврасида, ажиб ёз кечаларида оддий гаплардан ҳангомалашиб ўтирганда, биз нимани хис этамиз? Лаззат ва роҳатни.

Яъни ўз меҳнатини сидқидилдан ва беғараз ҳадя қилиш тамойилига асосан яратилган, ўзини бағишлиш ва бундан лаззатланиш асосига қурилган бўлса, бундай бизнес билан

ризқингиз доим таъминланган бўлади. Бундай ташкилот дастурхони доим тўкин бўлади. Бугун ҳам, эртага ҳам.

Бунинг учун Сиз нима қилишингиз лозим. Аввало, барқарор идрокдан фойдаланинг. Яъни ўз оиласига, ўз бизнесингизга ёвузликка дахлдор ҳеч нимани киритманг. Буюк романтикларгина буюк оила яратадар. Буюк романтиклик буюк бизнесни ҳам яратади.

Демак, ҳис-туйғуларингизни ишга солинг. Ўйлаб кўринг-чи, қайси фаолият тури билан бир умр шуғуллашишни, таъбир жоиз бўлса «бирга кўша қаришни» хоҳлаган бўлардингиз. Қайси касб-кор билан мункиллаган пайтингизда ҳам жон деб машғул бўлардингиз. Бу Сизга боғлиқ – кимгадир таом тайёрлаш ёқади, кимгадир эса уни тановул қилиш. Инсон ҳамиша ўзи чин юракдан қилишни истаган ишни танлаши керак.

Кейин эса бу туйғуни барқарорлик даражасига етказиши керак. Сиз ўз оиласига барпо этдингиз, фарзандлар ортиридингиз. Баъзан оиласида аллақачон бир фарзандга эгалар ҳам яна ва яна фарзандли бўлишни хоҳлайдилар. Бироқ уларни кўрқоқлиги ва худбинлиги бир фарзандда тўхтатиб турган бўлади.

Сизда бошқа фикрлар борми, қадрли китобхон? Ҳа-а! Ҳозир Сиз менга дардингизни дастурхон қилиб, минғирминғир қилишга тушиб кетасиз: «Яшаш шароитим бунга имкон бермайди, топадиган даромадим унақа эмас. Мен ҳам шундай фаровон яшашни жуда-а хоҳлайман, лекин...» – ва ҳоказо, ҳоказо...

Бу ёлғон! Иқтисодий мушоҳада юритишнинг бир-бига зид бўлган икки хил шакли бор. Баъзилар тежайди, ва бу орқали ўз иқтисодий муаммоларини ўзларининг ҳаёт тарзларига мослаштиришади. Бошқалари ҳаёт тарзини шундай қуришадики, агар мавжуд иқтисодий аҳвол унга мувофиқ келмаса, улар ўз иқтисодий мудофаасини кучайтиришади.

Пентакниң тажрибаси 2

Баъзилар исрофчи – агар уларнинг имконияти – «пулинг етмайди» деган тақдирда, улар пулнинг келиш оқимини кучайтиради. Яна бир тоифа вакиллари эса ҳаётини қандайдир доимий даромад манбасига қарамликда кун кўришга мослаштиради. «Қарамлик» – оҳ, қанчалар аянчли сўз бу.

Қайси бир йўл яхши? Қадрдонларим, иккинчи вариант бу айнан ожизлик йўли.

Лекин ҳамма нарсада ҳам истисно бўлади. Шундай одамлар борки, улар япон тежамкорлиги асосида яшашади-ю, лекин мутлако ўзларини баҳтли ҳис этадилар. Сизга қай бир йўл тўғри келишини қандай аниқлаш мумкин? Ўзингизга ўзингиз мурожаат қилинг – у ерда барча саволларнинг жавоби бор. Сиз қаерда ўзингизни жуда қулай ҳис килсангиз – бу Сизнинг йўлингиз, шуни эсдан чиқармасангиз бас.

Бир мисол орқали бизнес режа ҳақида гапириб бермокчиман. Айтайлик, мен қимматбаҳо тошлар савдоси билан шуғулланмоқчиман. Хомашёга эга одамлар бор. Энг йирик олмослар, энг йирик зумрадлар уларнинг ихтиёрида. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам маҳсулотини ўзи хоҳлаган нарҳда сотолмаяпти. Харидор излашади, олмос фондидаги одамлардан танишлар ортиришади. Лекин, бир куни қарабсизки, кимнингдир яқин таниши Колумбиядаги олмос шахтларининг эгаси бўлиб чиқади.

Мен маълумотлар учун пул тикдимми? Йўқ. Лекин шу маълумотга эга бўлдим. Демак, мен доим янги танишлар ортиришим керак, йўлини топишим керак ва сайёрамизнинг энг зўр заргарлари билан уларнинг тилида мулоқот қила билишим шарт. Бунинг учун пул керакми? Йўқ, албатта.

Ҳар бир заргарнинг орзуси – энг катта олмосга жило бериш. Ҳамма мулкдорлар ҳам ўз молини сотишни истайди. Ишлов берилмаган олмос бозорда 100 доллар туради. Бриллиант, яъни жилоланган олмос 500 доллар. Заргар қир-

Мирзакарим Норбеков

ралаб, унга ишлов бергани учун 100 доллар ҳақ олишни хоҳлаяпти. Сиз заргарга 150 доллар, сотувчига 150 доллар бераман дейсиз.

Улар хурсанд, рози, Сиз ҳам хурсандсиз – чунки Сизга 200 доллар қоляпти. Лекин Сиз бу иш билан ўзингиз шуғулланишни хоҳламайсиз ва 100 доллар эвазига ҳамма билан алоқани йўлга қўйиб, бутун жараённи қўллаб-кувватлаб, иш юргизадиган одамни топасиз. Ва Сиз бу ғоя учун ҳар бир тошдан ўзингизнинг 100 долларингизга эга бўлаверасиз.

Бу жараён лаборатория деб аталади. Лабаратория даражасида бу жараён бажарилди. Қаерда, қандай камчиликлар пайдо бўлиши мумкинлигини хаёлан чамалаб кўрасиз. Ва бир неча марта турли вариантларни чамалаб чиқасиз. Токи тайёр ишлатиш мумкин бўлган ғояга эга бўлмагунингизча. Сўнгра уни йўлга қўясиз. Тушуняпсизми?

Режалаштириш катта пул тикиш ўрнини босади. Албатта, ёзув столида ўтириб ҳамма муаммоларни ҳал этишнинг иложи йўқ. Реал ишга келганда баъзи бир нарсалар бошқача тус олиши ҳам мумкин. Лекин аввалдан таҳлил ўтказилса, бизнесдаги кўплаб нохушликлардан кутилиб қолиши мумкин. Агар фойда, сарф-харажат, турли хисобга олинмаган, кутилмаган вазиятлар, хато-янгилишишлар хисобга олинса.

Ундан кейин қандайдир масалани ўрганишга киришсангиз, атрофингизда ўзига хос сирли иқлим юзага келади. Айни шу масала юзасидан сизга кимдир кўнғироқ қилиб қолиши мумкин, эҳтимол сиз бу одамни ўн йилдан бўён кўрмаган бўлсангиз ҳам, кўчада нимадир эшишиб қоласиз, ёки Интернетда шу мавзудаги мақолага кўзингиз тушиб қолади.

Сиз бундай ҳолатга эътиборингизни қаратасизми, йўқми, билмадим. Лекин мен бу масалада анча пишиб қолгман. Агар икки марта ҳам турли манбалардан бир хил нарса

Пентакниң тажрибаси 2

эшишиб қолсам, дафъатан сергак тортаман. Атрофимда бу маълумот айланиб юрган эканми, демак, бунда қандайдир сир бор.

Нима деб ўйлайсиз, қадрли китобхон, катта бизнесни очиш учун қанча пул керак бўлади? Миллион долларми? Ўн миллион долларми? Юз миллионми?

Бир неча йил аввал мен курсимиз қатнашчиларидан бирiga бизнес режа тузишини илтимос қилдим. У сифатли аудиосистема ишлаб чиқаришни истаётган эди. Бу талаба бизнес режасини олиб келганида, мен дарҳол бунинг хомхаёл эканини кўрдим. Бундай ғоялар факат эртаклардагина рўёбга чиқиши мумкин.

Бу режада жуда улкан, ўтиб бўлмас бир девор бўлиб, унга «Бер!» деган сўз ёзилганди. «Агар менга 100 миллион доллар беришганда эди!»

Мен ундан «Сизнинг фикрингизча, бу пулларни ким беради?» деб сўрадим. У, кредит оламиз деди. Мен доим кредит олмасликка ва бермасликка ҳаракат киламан. У эса менга худди машҳур масалга ишланган суратдаги қарғанинг тумшуғидаги пишлокқа кўз тиккан тулки сингари тикилганча, пул беришимни кутяпти. Мен унга: «Мен бу пулларни бермайман, ҳатто пулим бор бўлса ҳам. Пулларимни Кредитга ишлатиш ниятим ҳам йўқ!» дедим.

Бизнес режада агар у мукаммал тузилган бўлса: «бер» деган сўз бўлмаслиги керак. Бундай сўз учраса, демак, бу сенинг рўпарапнгда касодга учратадиган одам ўтирганинг белгиси. Ўзгаларнинг тажрибасидан одам ақллироқ бўлиб қолмайди. Ўзинг бошқармаган ўзгаларнинг пулидан факат янада кўпроқ ақлингни йўқотиб, босар-тусарингни билмай қоласан.

Мен ундан, «қачондир бўлса ҳам 100 миллион долларни кўлингда ушлаб кўрганмисан?» – деб сўрадим. У «йўқ» деб жавоб берди. Сўрашда давом этдим: «Миллион доллар-

Миғзакарим Норбеков

ни-чи?». Жавобига яна «йўқ»ни эшитдим. Кўрсаткични яна пастга туширдим ва «100 мингни-чи?» деб сўрайман. Жавоби яна олдингидек – «йўқ». Сўрашда давом этаман: «У ҳолда қанча ушлагансан?» У ўйлаб-ўйлаб «Энди... бир неча минг долларча... бўлган...» – дейди паст овозда.

Хулоса чиқарамиз: Демак, Сиз бир неча минг долларнигина бошқара оласиз. Мана Сизнинг бор бюджетингиз – минг доллар. Шундан келиб чиқсан ҳолда ҳаракат қиласиз. Мана бу ўзингиз тузган бизнес режани ҳатто бирорвга кўрсатманг ҳам, бу келажагингиз учун хавфли. Чунки бу ғоялар Сизнинг миянгизга жуда тез кириб, мустаҳкамлашиб олиши мумкин.

Шундай деганимдан сўнг унинг танг аҳволга тушганини кўрдим. Ва у мендан қаттиқ хафа бўлди. Ҳолбуки, у ўз фикрини чуқур ўйлаб кўриши лозим эди.



Ўзгалар пулини жалб қилмасдан туриб,
ўз бизнесингизни оча олмасангиз,
Сизда дарҳол ўзингизга нисбатан
хавотир хабари ишга тушиши керак:
«Дикқат! Менинг ожизлигим ҳудуди.
Маълумотлар билан боғлиқ ожизлик,
Қалб ожизлиги, Маънавий ожизлик,
Мушоҳада юритишдаги нуқсонлар,
Одатлардаги нуқсонлар, Рухий
куватдаги нуқсонлар.

Бу нуқсонлар Сизнинг бизнес режангизда пул миқдори кўринишида намоён бўлади. Сизнинг тан олинмаган даҳонингизга «Коинотни забт этиш» учун керак бўлган пул миқдори сифатида намоён бўлади.

Пентакниң тажрибаси 2

У менга гирт телбага қарагандек тикилиб турарди. Кейин «1000 доллардан бошлаш – бу ахир реал эмас-ку?» – деди.

Мен унга, «Қадрдоним, Сиз бу бизнес режангизда ўзингизнинг қанчалар оми эканингизни кўрсатяпсиз, ўзимнинг юқори сифатли маҳсулотларим билан, «Панасоник», «Сони»лар ва турли-туман гигантларнинг вакиллари билан рақобат қилишга тайёрман, деяпсиз. Бундай гигантлар билан рақобатлашиб учун 100 млн – бу сариқ чақадек гап эканини биласизми ўзи? – Сиз уларнидан сифатли бўлган маҳсулотни анча паст нархда ишлаб чиқармоқчисиз? Агар одам анча арzon товар харид қиладиган бўлса, унга умуман фарқи йўқ. Агар сотувчи бу товарни супер-пупер деб мақтаса бўлди, харид қиласеради. Сизнинг сифатли товарингиз умуман ҳеч кимга керак эмас. Харидор савдо салонидаги менежернинг сўзларини харид қиласи», – дедим.

Демак, бу йўл тўғри келмайди. Сиз дунё миқёсида биринчи ўринга чиқишини истайсизми? Биз буни уddyалай оламиз. Бунинг учун қандай ҳаракат қилишимиз керак? Эксклюзив, яъни энг ноёб ва камёб товар учун ақл бовар қилмас нархни талаб қилишимиз мумкин. Лекин эскилар айтишганидек: «бир қоп тезакни олиб бозорда бир йиллаб ўтириш мумкин, ахийри кимдир сотиб олади». Бу нарса кимгадир ўта зарур ва харид қилган одам ўз харидидан баҳтиёр ҳам бўлади.

Хўш, биз ўз товаримиз ҳақида нималарни биламиз? Мусиқа инсон қулоғига 20 герцдан то 20 килогерцгача бўлган диапазонда эшитилади. Бу инсон эшитиш имкониятининг охирги нуқтаси. Меъёрдаги ҳар қандай акустик система бу диапазонни бера олади. Қолган ҳаммаси, устки қобиги мармардан, ёғочдан, прессланган чиқитдан – бу гапларнинг ҳаммаси шунчаки реклама учун.

Ва мен ундан бир йилда росмана ишловчи системанинг қанчасини йиға оласан, деб сўрадим. Ва у: «бир ойда битта система йиға оламан» – деб жавоб берди. Уларни институтимиздаги бор ускуналардан йиғди – схемаларини тузди.

Мирзакарим Нофеков

Турли-туман резистор-транзисторларни кавшарлади. Олтин чанглатишга Ҳиндистон сафаримда бир сабаб билан 50 долларга сотиб олган узугимни бердим.

У ёғига ўзи Ставраполга бориб қизил ёғочлар билан ишлайдиган қариндошини топди. У бир неча юз доллар эвазига битта яхши колонка ясаб берди. Бизнинг бошловчи бизнесменимиз унга тайёр платани ўрнатди. Товуши 16 овозли эди. Яъни 16 мустақил канал – улкан кенгликдаги овозни ҳосил қилувчи 16 мустақил канал. Мазкур бутун системанинг таннархи тахминан 3000 долларни ташкил қилди.

Лекин яхши маҳсулот тайёrlаш – бу ҳали ишнинг ярми. Уни ҳали тўғри тарғиб қила олиш ва сотиш ҳам керак. Сифатлилик ва бренд тарихи деган тушунчалар бор. Россия маҳсулотлари бундай тарихга эга эмас. Чет элда бундай маҳсулот аввал бошданоқ ҳеч нимага яроқсиз, деб хисобланади. Табийки, мен унга маҳсулот Россиянда ишлаб чиқарилганини фош қилиш керак эмас, деб айтдим.

Ва биз унинг акустик системаси учун Европадан «ҳимоячи» излай бошладик. Бренднинг ватани биринчи ўринда турди. Иккинчидан, агар маҳсулот янги ном билан ишлаб чиқарила бошланса, унга ҳам ишонч бўлмайди. Шу мулоҳазаларга кўра биз арзимаган қанчадир юз европга товар белгисини сотиб олдик. Қачонлардир бу ном остида аллақандай патефонлар чиқарилган бўлиб, ўшанинг савдо белгиси олинди.

Бу бренд ҳақида бутун дунё аҳли аллақачон унтутиб ўборганди. Биз унга қайта ҳаёт бағишлиб, унинг номи остида фирма очдик. Ва бу фирма биргина номи билан ўзининг икки юз йилга яқин тарихига, бутун дунё аҳли орасида салмоқли вазнга ва нуфузга эга бўлди-қолди.

Энди фақат реклама қилиш лозим эди. Рекламачилар қандай ишлайди? Рекламачилар ҳам баъзан рекламага мухтож бўлишади. Улар ҳам буюк одамлар билан, машхур

Пентакниң тажрибаси 2

савдо маркалари, ажойиб товарлар билан ёнма-ён бўлишни хоҳлашади. Нимага десангиз, улар вакт ўтгандан кейин, «Ҳа, мен буларнинг ҳаммаси энди бошланганида бўлганман, менинг ёрдамим билан улар машхур бўлишга эришган» – деб айтишни истайдилар!

Шарқда шундай мақол бор: «Камбағални тиянинг устида ҳам ит қопибди». Маҳсулотни бир тийин ҳам сарфламасдан туриб қандай реклама қилиш мумкин? Мен бир танишимни компютерга ўтқазиб кўйдим-да, ёрдам беришини сўрадим. Ва у бизнинг системани фотошопда шундай яраклатиб, ишлаб бердики, худди бу суратни энг моҳир фотосуратчилар ишлагандек эди. Аслида ҳали система йиғилмаган эди. Шунчаки фотошопда тайёрланган сурат бор эди, холос.

Ва биз суратларни Европанинг энг қиммат журналларига ва каталогларига жўнатдик – Англия, Франция, Швейцария дегандек мамлакатларга. Суратларга хат ҳам илова қилдик. У ерда биз журнал эгаларига улар ўзларининг журналларидаги энг бой одамлар учун ишлаб чиқарилган энг қиммат, энг обрўли акустик системанинг эксклюзив суратларини чоп этиш имконига эга бўлаётганликларини айтдик. Экслюзив суратлар учун биз 50 минг евро нарх кўйдик.

Профессионал сураткашлар қандай ишлашини биласизми? Газета ва журналлар уларнинг суратларини босиб чиқариш хуқуқига эга бўлиш учун уларга ҳақ тўлашади, тўғрими? Ва биз бу таклифларни суратчининг номидан жўнатдик. Агар биз фирманинг номидан жўнатганимизда эди, у ҳолда бизнинг ўзимиз пул тўлашимизга тўғри келарди.



Ёдингизда бўлсин, ҳар доим ожиз одам тўлайди. Кучли одамга эса ҳақ тўлашади.

Мирзакарим Норбеков

Иккинчи ойнинг охирига келиб биринчи маҳсулотимиз тайёр бўлди. Бу пайтга келиб биринчи журналдан пул ҳам келиб қолди. Энди биз баъзи бир деталларни қимматроқ материаллар билан алмаштирдик. Бизнинг бизнесменимиз вақти-вақти билан олдимга келиб: «мана бу материалдан буни қилсан бўладими, бунисидан мана буни қилсан-чи?» деб сўраб турарди. Ундан: «Бюджетингиз бунга имкон берадими?» деб суришираман. У «Агар 15 минг доллар бўлганида эди!» деб бошлайди. Унга жавобан «Менда пул йўқ! Мендан пул сўрашса – ҳеч қачон пул бўлмайди. Мен ҳеч нима бермайман. Сиз тагин ўз ожизлигингизни кўрсатяпсиз. Мен албатта Сиз билан фахрланаман – 150 миллионлик улкан ғордан бор-йўғи 15 минглик телликча қолибди. Келинг, Сизнинг руҳиятингизни яна бироз ямаймиз!» – дедим.

Лекин пул пайдо бўлганидан кейин ўйлаб қолдим – 15 минг доллар камлик қиласди. Дунёда ундан ҳам қимматроқ ёғочлар бормикан? Қидирдик ва топдик. Ва 27 минг долларни системанинг қопламаси – корпуси учун сарфладик.

Ундан кейин биринчи харидор пайдо бўлди.

Кейинги босқич, буюртмачи пайдо бўлганидан кейин унга система айнан унинг ўзига мослаштириб қилинишини маълум қилдик. Лекин ясаш муддати ярим йил деб айтилди. Яъни сунъий ажиотаж, шов-шув ҳосил қилинган эди. Одамлар енгиллик билан етишган нарсаларини қадрламайдилар. Лекин ярим йил кутиш ҳам мижозга тўғри келмасди. Ва у тезлаштиришни сўради. Унга «сўзини ерда қолдирмасдан» хўп дейилди. Лекин «нархи қимматроқ бўлиши» ҳам таъкидланди.

Ва биринчи система ярим миллион долларга сотилди. Ҳолбуки, у бизга уч минг долларга тушган эди. Бу пулни мен ўзимнинг ёнимдан, майда-чуйда учун сарфлайдиган пулимдан тўлаб юбордим.

Тентакнини тажхифаси 2

Аслида ишлаб чиқаришнинг ҳаммасига 50 минг доллар харажат кетди. Лекин бу пуллар бизнинг чўнтағимиздан чиқмади. Биз уларни ўзларимизнинг шахсий рекламамиздан ишлаб топдик.

Бир йилдан кейин 32 комплект система сотилди. Лекин улар анча юқори нархда пулланди. Ҳозир миллиондан паст нархдаги комплектнинг ўзи йўқ. Ва нарх-наво юқорилаб кетаверади. Чунки мендек ақллилар ҳам оз эмас. Бунақалар тикилиб ётибди. Кимдир буни тушуниб қолган. Маҳсулотининг нархини 600 минг доллар қилиб кўйибди. Лекин биз кейинги куннинг ўзидаёқ нархни 800 мингтacha кўтардик. Мана шу тариқа пойга бошланди!



Сизнинг эътиборингизни шунга қаратмоқчиман! Дунёда шундай иқтисодий таъминланган телбалар қатлами мавжуд. Улар учун мусика ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шунчаки уларда энг қиммат маҳсулот туриши керак. «О, менинг ҳукмдорим! Сен энг яхшисига лойиқсан!» деб эслатиб турадиган маҳсулот. Ва улар энг қиммат нарсаларнинг ортидан қувиб юраверадилар.

Яна бир йилдан кейин бизга 50 та буюртма келди. Ва мен бу бизнесдан чиқдим. Ўзимнинг улушимни олдим ва шеригимга «Бу ёғига ўзинг ишлайвер!» – дедим. Чунки бу бизнеснинг менга қизиги қолмаган эди, менга жараённинг ўзи қизик эди. Энди эса у қўлини елпигич қилиб, керилиб юрар экан, бошқаларга худди тентакка

Мирзакарим Норбеков

карагандек назар ташлайди. Менга ҳам баъзан худди шундай. Менга нима, мен чиндан ҳам тентакман. Мен хафа эмасман.

Айтинг-чи, қадрли китобхон. Пул бу ёвузлик деган фикрга қўшиласизми?!

Мана, қўлга ҳам тушдингиз. Пул бу моддий алмашув воситаси. Айтиш мумкинки, пул бу вақтни трансформациялаш, жисмоний меҳнат, интеллектуал меҳнат, қалб меҳнати, маънавий меҳнат. Биз уларни бошқаларга узатишимиш керак. Ва биз уларни пул шаклида узатамиш.

Черчилнинг сўзлари бор: «Демократия – бу бошқарувнинг энг бўлмагур шакли, лекин бошқа шакли бўлмагани учун биз ундан фойдаланишга мажбурмиз». Пул – бу кувват алмашинувининг энг бўлмагур шакли, лекин ундан яхшироғи топилмагани учун ҳам у мавжуд.

Нима учун? Чунки ким учундир пул бу битта нарса, бошқа бирор учун бошқа нарса. Яъни пул бу – тоза қоғоз, унда ҳар ким ўзи учун нимадир кўради. Агар Сиз пулда ёвузлик кўрадиган бўлсангиз, Сиз доим ундан халос бўлишга интиласиз. Бу қашшоқликка олиб келувчи энг қиска йўл! Уларга ўзингизнинг мақсадларингизга эришиш учун асбоб сифатида, орзуларингизни қурувчи материал сифатида қаранг!

Ҳар бир одам бу ёруғ оламга келганида, ўзининг ажойиб орзуларини рўёбга чиқариш учун туғилади, лекин нима учундир буни осонгина унтишиб юборади. Ва менинг вазифам – қадрли китобхон, Сизни қўзгатиш, бу дунёга нима учун келганингизни эслашга мажбураш. Сиздаги бунёдкорликни, орзу қилинчани ва шоиртабиатлиликни уйғонишга мажбур қилиш!

Менинг қадрдонларим! Бу китобнинг саҳифаларида учрашиб туришимизнинг сабабларидан бири, Сизларнинг сафингиздан ҳам бизнинг клубимизнинг – миллионерлар клубининг бўлғуси аъзосини тайёрлаш!

Пентакнини тажрибаси 2

Агар Сиз бу ерда шунчаки, қизиқиш юзасидан ёки бекорчиликдан ўтирган бўлсангиз, бир нарсани эслатиб қўйишим мумкин, ҳеч ким Сизни бу ерда нимагадир кўндиришга, ниманидир исботлашга ёки нимагадир таклиф қилишга ҳаракат қилаётгани йўқ!

Хозир айтадиганларим борасида ҳеч ким мени ўз фикримдан қайтара олмайди.



Ҳар бир одам азалдан энг бой, энг баҳтли, сайёрамиздаги энг-энг-энг ажойиб инсондир.

Сизларнинг ҳаммангиз аввал бошданоқ етакчисизлар. Шунчаки Сизга ҳаётингизни кучайтириш, қайта кўриб чиқиш учун – янги босқичга, янги юксакликка кўтарилиш учун қўшимча маълумот керак, холос.

Бунинг учун ҳали Сизнинг анча тер тўкишингизга тўғри келади. Ўз устингизда ишлишингиз, ишлишингиз керак... Худди «Буратино»ни яратган Карло отадек! Чунки Сизсиз ҳеч нима қилиб бўлмайди. Факат Сизнинг ўзингизгина ўз муқаддас ҳаётингизга қадам босиб кира оласиз!

Сизнинг камтарин қулингиз эса фақат мутахассис сифатида бу жараёнда иштирок этиши мумкин – орзунингизга эришиш йўлидаги жараёнда нимаки хоҳлаётган бўлсангиз, нимага интилаётган бўлсангиз, нима истаётган бўлсангиз, ана шуларни аниқлаштиришда қўмаклаши мумкин, холос. Айни пайтда бошқаларга аллақачон самара ва наф келтирган технологияни сизга кўрсатиш. Самара бўлганда ҳам қанақа муҳим самараларни! Жуда эътиборли, оламшумул ютуқларни!

Миғзакарим Норбеков

Биз шуғулданаётган нарса психологиядан, спортдан яна бошқалардан нимаси билан фарқ қиласы? Бизлар амалиётчимиз! Амалиётчи реалистлармиз! Бу китобнинг сахифаларида ёзилганларнинг ҳаммаси амалиётдан келиб чиқкан ҳолда айтимоқда, зинхор булар қуруқ назариялар эмас!

Бир неча йил аввал бизнинг ёпик клубимиздаги миллионерларнинг сони 242 нафарга етганди! Қизиги шундаки, биз у ерга ҳеч қачон оёққа туриб олган сармоядорларни қабул қилмаганмиз.

Камтарин қулингизнинг жуда ҳурмат қиласидиган ғойибона устози, яъни пири – Дейл Карнеги, бутун умри давомида 28 нафар миллионер етишитирган. Атиги 28 нафар!

Бугунги кунга келиб, шахсан ўзим тайёрлаган 3 та миллиардер фаолият юритмоқда. Тўппа-тўғри ўзимизнинг товадан пишиб чиққан! 40-50 нафар шогирдимнинг сармояси тахминан 100 миллион доллардан ошиб кетган!

Бизнинг клубимиз аъзолари қанча ишчи ўринлари яратишганини биласизми?!

Етмиш мингдан ортиқ иш ўринлари. Тасаввур қилинг-а, бу қандай улкан армия.

Биласизми, улар дастлаб ким бўлишган?!

Улар ҳам худди Сиз сингари аввалига эътиroz билдиришган, гўё қандайдир бераҳм уларнинг асабларини тараанглаштиришга мажбурлаётгандек... қандайдир мия бурмаларини ковлаштириб азоблаётгандек...

«Олдин қандай яхши яшаётган эдик, тинч, осойишта» – дейишган. Тахминан, худди ҳозир Сизлар яшаётгандек!

Тинчгина, хотиржамгина, ишга, уйга... ишга, уйга... ишга, уйга... Дўёнгана... райсобезга... ва яна уйга!

Келдингиз, едингиз, ичдингиз, таппа ташлаб ухладингиз. «Тап-тап-тап, тап-тап-тап». Ие! Вақти соати келиб қолибди, «тап-тап-тап» бир тўда бўлиб қабристонга қараб кетишади. Одам бор эди, югурди, елди, еди-ичди-ўлди. Натижаси нима? 5-6 йилдан кейин унинг қабротоши ҳам тарс-турс ёрилиб емилади, ундан кейин бечорани ҳеч ким эсламайди ҳам...

Пентакниң таърибаси 2

Уларнинг ҳаммаси ёлланма ишчилар эди, худди ҳозирги Сизлар сингари. Уларнинг ҳаммаси Сизлар қатори эди. Уларнинг ортиқча бир тийин ҳам пули йўқ эди.

Лекин бу етмаганидек, шубҳа-гумонларининг чек-чегараси ҳам йўқ эди... ишончсизликларини айтмайсизми, ожизликлари... Қанақа аччик, аламли, аянчли сўзлар билан улар ўзларини оқлашарди!

Биласизми, ҳозир уларнинг орасида ҳаётидан норози бўлган бирорта одам йўқ!

Дастлаб клубимиздагиларнинг атиги 4-5 тасинингтина ўз иши бор эди... Иш бўлганда ҳам – кичкина дўконча – 3-4 та ходими билан... Унча катта бўлмаган фойдага эга миттингина мева-сабзавот сотадиган дўкончаси.

Дастлаб миллионерлар клубини ташкил қилиш бизнинг режамизда йўқ эди.

Бунинг ташкил этилишига биринчи сабаб – бизнесни тушунмайман! Пул қандай қилинишини умуман билмайман!

Иккинчи сабаби – Сизлардан кимнидир миллионер қилиш бизнинг режамизда йўқ эди. Бугун ҳам бу нарса бизнинг режамизда йўқ.



Пул – бу мақсадимиз йўлида биз тўқнаш келишимиз муқаррар бўлган неъмат. Лекин жуда ёқимли.

Ва учинчи сабаб. Бизнинг умуман қандайдир клуб ташкил қилиш режамиз йўқ эди. Миллионерлар клуби ҳақида-ку ўйламаган ҳам эдик.

У ҳолда бу ном қаердан келди?

Бизни «Бахтили одамлар клуби» деб номлаш ҳам мумкин... Лекин у ҳолда бизни тўғри тушунишларига кўзим етмайди.

Ёки «ажойиб эр ёки хотинлар клуби» – дейиш мумкиндири.

Ё бўлмаса «яхши ота-она бўлишни хоҳловчилар клуби» ми?!

Худди шу тарзда ҳеч иккиланмасдан бизнинг клубимизни «жуда келишган, ёқимли ва эҳтиросли эркаклар ва аёллар клуби» дейиш ҳам мумкин бўларди.

Биз яна ўзимизни «асал ойларини умрининг охиригача узайтира олганлар клуби» деб ҳам атashимиз мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммаси қандайдир кишига ғалати эштиладигандек туолмаяптими?

Лекин «Миллионерларнинг клуби» деганингда эса дарҳол: «Ҳа! Ҳаммаси аглаҳлар!» – деган баҳони олиш эҳтимоли кўпроқ.

Чунки миллионерлар клуби – Сизларнинг ҳаммангиз учун тушунарли. Барча ҳалқларда миллионер сўзи онгу шуур даражасида «Мен ҳам хоҳлайман» деган истакни, тилида эса – «Ҳа, биламан, ҳаммаси аглаҳ...» – деган фикрни уйғотади.

Шунчаки улар бизнинг соғломлаштириш курсларимизга келиб шуғулланишди. Мен бу жараёнда тингловчилар орасидаги 30 фоиз одам жуда фаол эканини кўриб турардим.

Уларнинг орасида касалликдан холос бўлганлар, ўз устидан ишлашдан қўрқмайдиганлар, ўзининг ялқовлиги ҳимоясига ҳеч қанақа баҳона йилаб топмайдиганлар, ишлашни, ишлашни ва ишлашни хоҳловчилар ажralиб турарди. Аввалига биз фақат салом-алик қиласарик, кейин эса ўзаро дўстлашиб кетдик. Самимий ва очиқ дўстлик ришталари пайдо бўла бошлади.

Дўстлик эса – шундай камёб ҳолатки, бунда сен улкан кувонч билан ўзгаларнинг муаммосини ихтиёрий равишда ўз гарданинга ортиб оласан. Уддалай олмасанг ҳам, лекин барибири, ҳар доим дўстга елкадош бўлишга ҳаракат қиласан...

Дўстлашиб қолдик, йигилиб туришни одат қилдик. Бир-биримиз билан мулоқот қилиш учун вақти-вақти билан бир нималардир йилаб топадиган, табиат қўйнида каубохўрлик қиласиган бўлдик.

Пентакнини тажхифаси 2

Мулоқот жараёнида улар мен ҳақимда янглиш фикрда эканликларини, улар мени ўзларидан ақллироқ, ҳаётда ҳам мени улардан кўра яхшироқ тушунади, деб йилаб янглишаётганликлари аён бўлди. Ҳамма ҳам янглишиши мумкин, тўғрими?

Мен билан ўз муаммолари борасида маслаҳатлаша бошлашди. Менда мана бундай муаммолар бор, уларни қандай ҳал қилиш мумкин... Мен эса мана бундай хоҳлайман. Лекин бунинг учун дастлаб нима қилишни билмайман? Мени билади, деб йилайсизларми? Лекин мен уларга нима биландир ёрдам беришни хоҳлардим-ку! Мен юзимга ақлли тус бериб: «Мен йилаб кўраман...» – дердим. Кейин бироз вактдан кейин уларга аста-секин тушунтира бошлардим: «Мана қарагин, бу ерда сенда муаммо бор! У сенга ҳалакит беряпти...» У эса кўзини пирпиратиб, ишонкирамай: «Йўқ! Менда у ерда муаммо йўқ... Менда муаммо фалон жойда...», – дейди. Кейин тагин ниятлари орзуларини гапиради.



Орзу нима, қадрли хаёлпараст?

Орзу бу Сизнинг нимадандир
норозилигинги, бу таққослаш

Сизнинг бугунги ҳолатингиз билан
тасаввурингиздагини таққослаш. Токи
Сиз ниманидир яхшилашни хоҳлаётган
экансиз, Сиз айни кундан норозисиз,
Сиз нимадандир норози экансиз, демак,
ҳаётингизда йилашга арзидиган
нимадир бор...

Эътибор беринг ва ҳамиша ёдда тутинг,
инсон ўзи эриша олмайдиган, шу
буғун, жуда бўлмагандага эргага эриша
олмайдиган нарса ҳақида орзу қилмайди.

Мирзакарим Норбеков

Бир куни биз улар билан йиғилиб, нима ҳақида орзу қылсақ ҳаммасини ёзишга қарор қылдик. Аввалига оғирроқ кечди... икки ҳафтадан кейин уларнинг ҳар бири шунақа рўйхат эгасига айланишдики!

Агар Сиз ҳам яхшиrok ўйлаб кўрадиган бўлсангиз, истакларингизни ёзиб чиқиш учун Сизга бир вагон қоғоз ҳам етмайди.

Ёздингларми? Ёздинглар! Баракалла. Энди уларга эришишга киришамиз. Ва биз уларнинг орзуларини рўёбга чиқариш устида иш бошладик.

Хўш, қалай? Энди қаерга тушиб қолганингизни кўяпсизми? Илгари тинч-хотиржамгина яшаб юрган ёзингиз! Энди эса бутун ҳаётингизни тартибга келтиришингиз, зиммангизга турли вазифаларни, мажбуриятларни юклашингиз керак.

Кимнингдир фарзандлари билан боғлик муаммоси бор, кимдадир яшаш жойига оид муаммо, кимдадир пул бора-сида муаммо, кимдадир... яна қандайдир муаммо, муаммо, муаммо.

Сизда бу муаммоларга жавоб йўқ!

Бошқа бир одамда эса бу муаммоларга жавоб бор. У бу муаммоларнинг ечимини топди! Чунки биринчи синфни битирганнинг муаммоси ўнинчи синфда ўқиётган учун аллақачон ортда қолган босқич бўлади. Тўғрими?



Ва биз ҳали ўз муаммолари ечимини топа олмаганлар учун муваффақиятга эришганлар ҳақида маълумот йиға бошладик.

Шу тариқа Сиз ҳозир ушбу китобда кўриб турган маълумотлар жамлана бошланди.

Пентакнини тажрибаси 2

Бу жуда кўп йиллар аввал бўлган эди... Бугун эса, бу клубга келар эканман, клуб аъзолари оғиз очишга қўйишмайди, бир сўз айтишга улгурмайман. Улар шунақа маҳмадона бўлиб кетишган-ки, асти сўраманг...

Уларга шундай дейман: «Йигитлар! Бу қанақаси ахир? Сен фалон иш билан шуғулланасан, сен эса фалон иш билан, қай биринг юз миллионни, яна бошқа биринг – миллиардлаб пулни айлантирасизлар... Менга ҳам ўргатинглар, мен замонавий бизнесдан шунақа ортда қолиб кетганман... Сизлар бунга қанақа қилиб эришдинглар? Қайси йўл билан Сизлар миллиардер бўлдинглар?!» – дея сўрайман.

Улар менга ҳайрон бўлиб қарашади:

– Сизнинг ўзингиз бизга ўргатгансиз-ку...

– Лекин мен Сизларни бизнесга ўргатмаганман! Мен Сизларни ўз ҳаётларингизни жой-жойига қўйишга, тартибга келтиришга ўргатганман! Бунда ҳам фақат энг бошланғич дарсларни берганман, ундан бошқасини ўзим ҳам билмайман!

Биз фақат Сиз бажариш лозим деб айтган ишларни килдик, қолгани эса ўз-ўзидан амалга ошиди...

Келинг, мисол тарикасида ушбу масалани кўриб чиқамиз: Айтайлик Сизлардан кимдир фарзандлари билан шуғулланмоқчи, лекин бунга сира имконияти йўқ!

Яна ўз фарзандини мустақил тарбиялаш учун вақти йўқ, чунки эрталабдан кечгача иш билан машғул... педагогни жалб қилиш, энг яхши тарбиячини ёллаш учун эса маблағ керак, унда маблағ ҳам йўқ!

У ўзича ёзиб ташлаган... мана бу вазифа, мана бу, мана бу, мана бу... Буларни кўриб ўтакаси ёрилай дейди, кейин юрак чанглаб қолади... Чунки унинг ўз режаларини тўла амалга ошириши учун миллионлар керак экан!

Маблағ керак, сиз эса рўйхат тузган бўлсангиз-да, ўзингиз қаердадир, айтайлик, оддий техник ёки бирор мактабда

Мирзакарим Норбеков

педагог бўлиб ишлайсиз. Шу билан бирга бир хонали уйда яшаганча, кейинги ойгача тийинларни санаб кун кечиравасиз.

Ахир Сизга маош етмаяпти! Сизнинг маошингиз йилига бир ярим сўм! Яна уни ҳам ярим йилдан бери бермасдан, ушлаб қолишяпти...

Демак, кўча фарроши лавозимидан ишдан бўшашингиз ва ўзингизнинг хусусий заводингизни очишингиз керак, космик кемалар учун электрон болғалар ишлаб чиқариш бўйича!

Ўзингизнинг қоп-қоп евроингизни ёки долларларингизни ишлаб топинг-да, шу заҳоти уларнинг бир қисмини ўз истакларингизни рўёбга чиқариш учун экиб қўйинг.

Нима учун бир қисмини?

Орзуларингизни ҳаётга татбиқ қила борган сари Сиз бу жарак-жарак пулларнинг жуда керак бўлишини тушуниб коласиз. Тағин унақа-бунақа миқдорда эмас.

Мана нима учун агар Сиз ҳалол, виждонли, пок, софдил одам бўлсангиз, хусусий ишингизни очиши учун яхшигина тайёргарликни ўташингиз керак бўлади.

Лекин ҳалоллик доим жазоланади – Сиз буни биласизми?

Хусусий иш очиши – бу жуда оғир иш. Чунки у одамга эркинлик беради... Бу эркинликнинг жаранглаган, ўзига жалб қиласди ан, симиллатиб зирқиратадиган хис-туиғулари бор. Эркинлик – бу жуда оғир юк. Бу қул бўлишдан ҳам анча оғиррок! Жисмоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам жуда катта матонат талаб этади!

Шенгакни тажрибаси 2

Хусусий иш очиши – бу ўзини кучли инсон сифатида тан олиш дегани. Пировардида бу ўзини улғайган одам сифатида тан олишини англатади! Бир умр болаликда қолиб кетиш хасталигидан ўзининг ҳалос бўлганини тан олиш дегани! Ўзини шахс сифатида тан олиш!

Ёлланма ишчи – бу одамнинг танаси улғайган-у, онги эса ҳали ҳам тувакда ўтирибди... бу Сизнинг ички дунёнгизда ҳали ҳам катталарга ўхшаб гапиришни ва катталарга ўхшаб кўринишни ўрганиб олган боғча болалар югуриб юрганини англатади.

Хусусий иш одамга ниҳоятда кўп, чексиз эркин танловларни, хатти-ҳаракатларни ва қарорларни, ҳамма нарсани баҳш этади ва бутун организмингиздаги ҳар бир тола таранглашишига имкон беради. Шу билан бирга мия бурмаларининг ҳам.

Хусусий ишингиз Сизнинг эрталабдан кечгача, кечкурундан эрталабгача тер тўкишингизни тақозо қиласди. Тер тўкиш, тер тўкиш, ва яна тер тўкиш. Чунки бу иш – Сизнинг ишингиз, у Сизнинг ходимларингизнинг иши эмас. Уларга – барibir!

Кимгадир ёлланниб ишласангиз – Сизга ҳам ҳамма нарса барibir бўлади!

Кимгадир ёлланма бўлиб ишласангиз – ахлокий жиҳатдан ёмон, лекин қолган бошқа барчасида енгил! У ерда ҳам, бу ерда ҳам бир жиҳатдан яхши, бир жиҳатдан ёмон!

Иккита салбий вазиятдан қай бирини танлаган маъқул, албатта «ўзликни ўқотмаслик»ни.

Агар эркин одамнинг йўлидан бориш Сизга жуда қийин-дек туюлса, Сиз бошқа йўлни танлашингиз мумкин. Лекин бу йўл ички дунёси ҳалол одамга тўғри келмайди.

Қаергадир иссиккина, шинамгина жойга ўрнашиб олмокчимисиз? Фиску фасодларга яқинроқ жойга...

Марҳамат! Фақат аввалига Сизнинг виждонингизни лаборатория миқёсида таҳлилдан ўтказиб кўрамиз.

Мирзакарим Норбеков

Узр, Сизда таҳлилга топшириш учун виждан деган қадриятнинг ўзи борми?.. Марҳамат қилиб идишчада келтиринг! Фу! Жуда зўр ҳид таратапти! Ундан шундокқина ҳаётингиз ҳиди келяпти... Таҳлил натижалари шуни кўрсатапти, Сизни мансабдор бўлиш истагингиз – мутлақо тўғри. Қарши кўрсатмалар йўқ.

Агар ўз онгингизда вакти-вакти билан қаердадир виждан борлигини сезиб қолсангиз, дарҳол унинг дамини ўчириб қўйинг! Бу суяк суриш ҳолати! Фантом оғриғи! Зудлик билан психиатрга учрашмоғингиз керак!

Дори сифатида оч қоринга, кунига уч маҳал яхшигина пора билан таъминлаб туриңг.

Эркинликнинг ўзининг камчилиги бўлгани сингари, бу томон ҳам ўзининг шахсий камчиликларига эга.

Бюджет пулнинг устида таъмагир оғизлар худди ўлакса устидаги калхатлардек уймалашадилар. Ва улар бир-бirlари билан ҳам, янада лаззатлироқ бўлак устида учун жон олиб-жон бериб кураша бошлайдилар.

Мана шу лаҳмни ютаман деб турган газанда ва лаҳмнинг орасида тасодифан Сиз туриб қолишингиз мумкин.

Натижада Сиз турли-туман ўйлаб топилган ёки ўйлаб топилмаган айбловлар гирдобида қолиб кетишингиз мумкин! Кейин эса қасб-корингизга бегона бўлган ишларни мажбуран бажариб, ҳаётингизни машаққатли меҳнат остида тугатишингизга тўғри келиши мумкин.

Кўряпсизми, бу ерда ҳам ўзига хос бўлган меҳнат ва машаққатлар мавжуд экан!

Биринчисини танласангиз, ўзингиз хоҳиш билан меҳнат киласиз, иккинчисида эса Сизни мажбурашади.

Давлат корхонасидаги лавозим хиёнатга мойил дугонага ўхшайди – сен унга меҳнатингни, пулингни, вактингни ва ҳаётингни сарфлайсан, унинг янада яхшироқ мартабали кўриниши учун ҳаракат қиласан. Кейин у жуда очилиб, кўз-

Пентакнини тажрибаси 2

га яқин бўлиб қолгач, унинг олдида яна бошқа кимса ҳам пайдо бўлади, дугонанг энди унга ҳам керак бўлиб қолади!

Хўш, қалай, қадрли китобхон, мансабдор бўлишдан иштиёқингиз қайтдими? Ўзингизнинг бизнесингизни очиш учун эса мардлигингиз етмаяптими?



Азизларим, Сиз биринчи навбатда ўзингизнинг қадрингиз даражасини, ўзингизнинг шахсий кучингизга бўлган ишонч даражасини кўтаришингиз лозим бўлади!

Ўзингизга нисбатан ишончсизликни хис қилсангиз, ёнингизда кучли одамга эҳтиёж сезасиз. Ва ўзингизча бу ташкилотда ҳеч бўлмаса битта кучли, ақлли, қобилиятли ва истеъдодли одам бор деб ўйлай бошлайсиз – яъни директор. Зора ўшанинг қанотлари остига ўрнашиб олсам эди!

Бўлмаган гап! Энг ақлли одам, энг кучли одам, энг-энг-энг зўр одам, ким, қани? Ўнг кўлимизни кўтарамиз – бу хозир ўнг кўлини кўтарган одам!

Яъни – Сиз!

Лекин Сизда вос-вос ҳолати юз берган шекилли – ҳаммада ҳам вакти-вакти билан бундай ҳолат бўлиб туради – нима ҳам кила олардик. Ва Сиз у ерга ишга жойлашиш учун ўйл оласиз...

«Тасодифан Сизга винт керак эмасми? Мен яхши винтчаман! Жуда-а яхши! Стажга, тажрибага эга винт! Мени қаерга бураб ўрнатиб кўйсанг, ўша ерда мустаҳкам ўрнашиб ўтираман ва занг босиб кетсам ҳам ўша жойимда ўтираверман. Қолган барча мурватлар емирилиб тўкилиб тушса ҳам, мен бураб ўрнатилган ўзимнинг жойимда қолаверман!» – дейсиз.

Мирзакарим Нофеков

Сўнгра орзу қила бошлайсиз, қани эди, мана шу ўзингиз ўйлаб топган ўша кучли одам Сизни борлигингиши пайқаб қолса-ю, тақдирласа, тақдирласа, тақдирласа ва лавозимими кўтариб, кўтариб, ўзининг даражасигача етказса...

Бекор гап!

Ажойиб кунларнинг бирида улар Сизни ҳеч қачон пайқамаслигини тушуниб қоласиз! Ва энди тамоман бошқача фикрлай бошлайсиз: «Қанча йилларимни бекорчи, бўлмағур нарсаларга сарфладим, тушунарсиз номаълум нарсани кутишга, узоқ йиллар давомида ҳеч кимга керак бўлмаган тажриба тўплашга сарфладим..., Эсиз ёшлик, эсиз умр...»

Чунки Сиз бунга ҳаётингизнинг бир неча ўн йилларини сарфлайсиз-да!

Тасаввур қилинг-а, бир йилингиз қанчага teng? Сизда олтмиш ёки етмиш танга бор, узр, йил бор! Улардан ярмини сарфлаб бўлдингиз!

Бир йил қамоқхонада ўтираслик учун Сиз қанча тўлашга тайёрсиз? Хоҳлаган миқдордаги пулни! Шундай эмасми? У ҳолда марҳамат қилиб айтинг-чи, нима сабабдан ўз ихтиёргиз билан ўз эркинлигингизни чеклаяпсиз? Бунга сабаб, сабаб шуки, Сизда ўзингизга бўлган ишонч етишмайти...

Мана гап қаерда!

Ўзингизга бўлган ишонч ортиб борган сари кўплаб касб-корлар Сиз учун йўққа чиқади. Сиз энди ҳайдовчи бўлиб ишлай олмайсиз... Сиз энди коровул бўлиб ишлай олмайсиз...

Сиз энди умуман оддий ёлланма ишчи бўлиб ишлай олмайсиз! Нима учун? Чунки Сизнинг орзуларингиз бор! Чунки уларни рўёбга чиқариш учун Сизга маблағ керак бўлади. Чунки биронта ҳам ёлланма ишчига ҳеч ким унинг ўзи хоҳлаган миқдордаги ҳақни тўламайди: ахир ҳеч ким ва ҳеч қачон бундай пулни тўламайди, тушуняпсизми?!

Пентакни тажрибаси 2

Эҳтимол бордир, айтайлик... миллион доллар маош оладиганлар... қаердадир борми мана шундай маош берадиган жой. Эҳтимол бордир, лекин мен ҳеч қачон учратмаганман, билмадим... Келинг, ҳақиқатга тик бокиб тан олиш керак, агар бундай маош бўлган тақдирда ҳам ҳеч ким Сизни у ерга ишга таклиф қилмайди. Тўғри эмасми?

Агар Сизга йилига бир неча ўн миллион доллар керак бўлса-чи? Унда нима бўлади?

Агар Сиз у ёғига ҳам барча йўналишлар бўйича ривожланиши истасангиз, Сизга биринчи навбатда моддий эркинлик зарур бўлади.



Шу сабабли ҳам клубимизнинг аъзолари учун биринчи навбатда қўйиладиган талаб шуки, клуб аъзоларининг ҳаммаси, ўзига-ўзи маош белгилай олиши мумкин бўлган, ўзингиз хусусий бизнесига эга кишилар бўлиши шарт.

Чунки агар Сиз эркак киши бўлсангиз – биринчи навбатда ёдингизда турсин, эркакнинг пулга муҳтоҷ бўлишга ҳакки йўқ!

Хужраси олдида бўйинбогини узидай аланиб юрган кучукча сингари, ёғоч товоқчасидаги маошини кутиш – бу инсоннинг ўз яқинлари ва қариндошларига хиёнат, ўз шахсий ҳаётига хиёнатдан бошқа нарса эмас.

Ўз қалбинингизга бир нигоҳ ташланг-а, у ерда Наполеон ўтирибдими?.. У ерда жаҳонгир ўтирибдими?.. У ерда буюк олим ўтирибдими? Унинг ташқарига чиқиши учун имкон

Мирзакарим Норбеков

беринг! Кўркув остида товоқчанинг атрофида изғиб юраве-ришнинг ҳожати йўқ!

Бу гапларнинг «пул топарман» эри бўлган хонимларга алоқаси йўқ деб ўйлайсизми? Бу хонимларни қанақа ата-шарди... Жуда қизиқ номи бор... Сатангхонимлар!

Аслида бу Сизга ҳам тегишли, ҳурматли хонимлар: Бу ҳаммага тегишли! Сиз эркакмисиз ёки аёлмисиз – менга бунинг аҳамияти йўқ! Тентакмисиз ё тентак эмасмисиз – бу ҳам аҳамиятсиз!

Мен, масалан, ҳар доим аёлларнинг ишлашига қарши бўлганман! Лекин аёл киши ишлайдиган одамни ёллаши мумкин, тўғрими? Чунки аёл киши учун пулсиз қолмаслигинг иккита йўли бор.

БИРИНЧИСИ. Бой одамни топиш, бу одам шу даражада бой бўлиши керакки, ўша бойнинг товуқлари пулдан бўкиб ўлган бўлсин, унинг хотинини болға билан уриб, гум киласиз-да, кейин ўзингиз унга турмушга чиқасиз. Лекин кўпчилигингизга бу йўл ёқмаслиги аник.

ИККИНЧИСИ. Ўзингиз ишлай бошлайсиз.

Яна учинчи йўли ҳам бор – жазманингиз эрингизга қандайдир ёрдам беради. Лекин бундай усуlda эрингиз кейин бошқасига уйланиб кетмаслигига кафолат йўқ?..

Яна бир шундай ғаройиб қонуният ҳам мавжудки, у ҳеч қачон бузилмайди.

Эркак киши учун ҳамиша – биринчи ўринда иш туради, аксарият эркакларда. Улар учун биринчи ўринда иш – кейин ов, ундан кейин эса оила. Аёл кишида эса бунинг тескариси – аввал оила, бола-чақа, ана ундан кейин қолган қизиқишилар.

Агар эркак киши ишни оиласа алмаштиrsa – уйда иккита аёл пайдо бўлади, иккита аёл – бу доим иккита урғочи дегани, улар феъл-автори туфайли ҳеч қачон ўзаро тил топиша олмайди, чиқиша олмайди.

Тентакнинг тажрибаси 2

Агар аёл киши учун иш аста-секин асосий бўлиб борса, унда уйда энди аёл бўлмайди, лекин иккита айғир пайдо бўлади. Бу ҳам унча яхши эмас, тўғрими?

Ажойиб томони ҳам шунда-да, менинг қадрдоним, ҳамма сир ҳам шунда.

Аёл киши фарзандлари учун, оиласи учун ҳамма нарсани остин-устун қилишга, ҳамма нарсадан воз кечишга тайёр. Эркак киши бутунлай бошқа дунё – у телба. Қачон қарама: «иш бер, иш бер!» деб туради. Унга каердадир чираниб, ўзини кўрсатиш бўлса, изғиса, эрталабдан курол-аслаҳасини тақиб олади-да, милтиғини ўқлаганича овга кетади. Эркак бундан тенги йўқроҳат топади!

Мана шундайлигингиз билан ҳам ҳаёт мавжуд. Тангри бизни мана шундай – бир олманинг икки палласи қилиб яратиб қўйган.

Демак, оила дегани – ўз орзуларини рўёбга чиқаришнинг бош шарти экан.

Кимнинг оиласи бўлмаса, биринчи навбатдаги вазифаси – оила қуриш бўлиши керак.

Кимнинг амалга оширадиган орзузи бўлмаса – биринчи навбатдаги вазифа – орзуларини амалга ошириш учун соҳа топиш. Кимнинг хусусий бизнеси бўлмаса – ўзининг хусусий бизнесини очсин!

Энди яна мавзуга қайтамиз...

Миллионерлар клубига аъзо бўлиш учун нима қилиш керак?

Менинг қадрдонларим, агар Сиз китобнинг биринчи сахифасидан то шу ергача берилган баъзи бир тавсияларни баҳоли қудрат бажаришни эплаган бўлсангиз, эҳтимол қандайдир биринчи натижаларга эриша бошлагандирсиз ва шу тарзда давом эттириш ниятингиз бордир... унда табрикларимни қабул қилинг! Сиз клубимизнинг аъзоси бўлдингиз!

Мирзакарим Норбеков

Лекин бაъзи бирларингиз ҳали ҳам ўзларини бу клубда деб ҳис қилмаяпти. Бу Сизнинг асосий муаммоингиз! Сиз ўзингизни ўзингиз «Менга бу керак эмас!» деб ишонтира бошлайпсиз. Аслида эса бу Сиз эмас, ичингиздаги ялқовлик гапирияпти: «Үтир! Бинойидек сасиб-бижғиб яшаяпсан-ку, у ёғига ҳам шундай давом этавер! Шошмасанг, эҳтимол, тобутгача бир амаллаб етиб олармиз!»

Сиз билан мулокот килиш, Сизга караб туриш – бу турган-битгани азоб...

Клубимизда ҳаётга шунчаки томошибинлар йўқ, тушуняпсизми? Ҳеч нима қилмайдиганлар, ҳеч қаерда, ҳеч нимада иштирок этмайдиганлар бизга бегона. Бундайларни клубимиз ёнига йўлатиш ҳам мумкин эмас!

Шу сабабли ҳам бу шахсан Сиз ҳақингизда бўлмаса, Сиз миллионерлар клубига ёзилмаслигингиз мумкин! Шунчаки ўқиб чиқинг... қизиқиш юзасидан.

Қадрдонларим менинг! Сизга нима ҳақида айтмоқчи эканимни биласизми? Лекин бу жуда катта сир.

Бу китобни яратиш устида ишлаган одамларнинг деярли ҳаммасида: материалларни йиғиш ва қайта ишлаш, мухаррирлик қилиш ва ҳоказо, ҳоказолар... уларнинг ҳаётларида шундай ўзгаришлар бошландики!

Ҳатто камина қулингиз учун ҳам бу ҳолат ҳайратланарли эди!

Кимнингдир бизнеси жуда катта тезлик билан ривожланиб кетди, бошқаси ажойиб фарзандли бўлди, учинчиси эса ниҳоят оиласи бўлди...

Бу ҳақда муттасил гапиравериш мумкин! Ҳаммасидан ҳам яххиси, ўзингиз... ҳатто китобни шунчаки ўқисангиз ҳам бундан зарар кўрмаслигингиз аниқ.

Сизнинг қаерингиз кам?!

Сиз ахир ҳаммадан яхшироқсиз-ку!



Пентакнини таҳифибаси 2

Эҳтимол: «Ўҳ-ӯ, ёшим бир жойга бориб қолган!» – дерсиз. Аммо, бир нарсани айтай, клубимизда ҳатто кампирлар ҳам бор, улар бу ерга уйда қиладиган ишлари бўлмагани сабаб келишган. Ҳатто ўшалар ҳам ўз хусусий ишларини очишган, тасаввур қиляпсизми?

«Вундеркинд» сўзини одатда ўта ақлли, зехни ўткир болаларга ёки эркакларга нисбатан ишлатса тўғри бўлади. Аёлларга нисбатан бу сўзни ишлатсак қандай бўлар экан. Вундер... «Вундерхонимча!» Менда шунақалардан бир нечтаси бор!

Биттасининг ўйлаб топиб ташкил қилган бизнеси... Сиз учун қулгили бўлиб туюлар! «Кўп босқичли маркетинг – писта сотиш бўйича». Кунгабоқарли бизнес! Бекатларда! Мана буни ҳақиқий дурдона деса бўлади.

Дастлабки пайтда унинг ҳатто соғломлаштириш курсларига қатнашиш учун пули ҳам йўқ эди. Лекин шуғулланишини бошлади, шуғулланиб, шуғулланиб юриб, бир гал қарасам – у яна пайдо бўлиб қолибди. Тур-и-бди... ўзингиз тушунасиз, ёши 70 га яқинлашиб қолган аёл, рўмол ўраб олган, ҳамёни қўлида... У «Мен яна давом эттирмокчиман... бизнес ҳақида...» – деса бўладими. Тасаввур қиляпсизми?

«Йўқ, келманг» дейиш нокулай. Ўзимча, «ҳа майли, қатнашаверсин» – деб ўйладим.

Кейин ундан, «Айтинг-чи, қандай мақсадингиз бор?» – деб сўрадим.

«Атиги бир хонали квартира сотиб олиш...» – деди у жилмайибгина.

Кейин иш бошлади... Бекорчи кампирларни йиғиб, улар билан келишибди-да... ҳар бирини бирор одам гавжум жойга ўтқазиб қўйибди. Улар эса бекатларда қовурилган писта сотишган. Кулгилими?

Мирзакарим Норбеков

Сизга кулгилидир, лекин у шу йўсинда ўзининг аянчли ва гарип ахволидан чиқиб кета олди. Ўзига квартира ҳам сотиб олди. Сиз эса, қадрли китобхон, бу момоқаймоқдек кампир олдида – камида «Кинг Конг»сиз дейиш мумкин! Сизга нолиб ўтириш уят эмасми-а?

Ёки яна бир воқеа. Буниси ҳақиқий латифанинг ўзи.

Бизнинг курсимизда шундай бир хоним бор эди – таърифига тил ожиз. Доим менинг ортимдан юргани-юрган, жонимдан тўйдириб юборгудек эди. У ёнимда пайдо бўлиши биланоқ мени асабдан қалтироқ тутарди.

Дарс ўтиш учун келсан у мени кутиб турган бўлади, мақсади – савол бериш. Доим бир хил гап: «Мен ўзимга севимли иш топа олмаяпман, ўзингиз маслаҳат беринг, қаерда ишлаб кўпроқ пул топиш мумкин, менга шу масалада ёрдам беринг, менга ғоя керак»... Ва ҳоказо... ҳоказолар...

Танаффусга чиқсан ҳам, эшик олдида кутиб турган бўлади. Дарсдан чиққанимдан сўнг ундан зўрга қочиб қутилардим.

Бир гал танаффус эълон қилдим. Йўлак бўйлаб ҳожатхонага қараб кетяпман. Нима учунлигини биласиз... Жуда шошиб боряпман! Шунаقا шошилиб боряпманки, у эса ортимдан қолмасдан эргашиб келяпти. Унинг эски касали хуруж қилиб, савол кетидан савол бериб бораради...

Ҳожатхонага кирсам, у ҳам ортимдан кириб келди. Тувак олдида турибман – у ҳам олдимда турганича, гандан тўхтамаяпти. Мен ҳали бир оғиз ҳам гапирганим йўқ ва гапирмасликда давом этяпман.

Кутиб турдим, турдим! Охири сабрим чидамади! Унинг гапдан тўхтамаслигига кўзим етгач, унга: «Менда шундай ғоя борки, бу ҳақда ҳеч ким билмайди. Махсус, Сиз учун! Сизга жуда тўғри келади. Фақат битта шарт билан айтаман – агар ҳозир менга ёзилишимга рухсат берсангиз!» – дедим.

Шенгакни тажрибаси 2

Фақат шундан кейингина у бу ернинг ҳожатхона эканини пайқаб қолди. Қизариб кетди. Шошилганча, у ерни тарқ этди.

Чиққанимдан кейин қарасам – яна кутиб турибди, ўзида йўқ хурсанд, бахти-ё-р!

Ундан кутулиш учунгина бу гапни айтган эдим: «Билласизми нима, Сиз учун энг яхши бизнес – бу самолётларни сотиш!». Мен шунчаки ҳазиллашгандим! Сиз мени тушунгандирсиз?! У шунчалик жонимдан тўйдириб юборди-да.

У эса ўйланиб қолди-да, «Қанақа қилиб!» деб сўради. «Қанақасига хоҳласангиз! Сиз мендан айтишимни сўраган эдингиз, мана мен айтдим! Махсус сиз учун! Фақат битта шарти билан! Биринчи сотувдан тушган фойданинг 10 фойзи – менга. Ғоя берганим учун. Сўз берасизми?»

У – «Сўз бераман!» – деди-ю, ғойиб бўлди!

«Худога шукр, кутулдим шекилли» – деб ўйладим.

Лекин у менга йирик пулларни пачкаси билан олиб келганида, менинг ахволимни тасаввур киляпизми, нима бўлганини?! Иккита «АН – 24» самолётини сотибди. Ҳеч кимга кераги йўқ, капитал таъмирдан чиққан, парраклари бор, эски самолётни топибди. Ўз хусусий ишини очган, ҳисоб рақами очтирган, муҳр буюртма қилган... ва бир пайтнинг ўзида бу компаниянинг ходими ҳам, президенти ҳам унинг ўзи бўлиби. «Қозогистон ҳаво йўллари»дагилар билан келишибди – ва самолётларни сотибди!

Бугунги кунда унинг қўл остида бир неча юз нафар ходим ишлайди... бутун ер юзи бўйлаб самолётларни сотиша-ди! У бир неча марта менинг 10 фоиз улушимни олиб келишибга ҳаракат қилди. Охир-окибат мен уни ёнимга ўтқазиб тушунтирдим: «Мен ахир ҳазиллашгандим-ку! Менга бу пачка-пачка пулларингизни... бутун шаҳар бўйлаб... метро-да ташишнинг кераги йўқ! Керак эмас!»

Мирзакарим Норбеков

У хафа бўлди, кўнгли бузилиб йиғлаб юборишига сал қолди... Мен унга «Сиз менга энг асосий тўловни амалга ошириб бўлдингиз – ўзингизнинг муваффақиятга эришганигиз ҳақини тўлаб бўлдингиз!» – дедим.



Азизларим, бизнинг захирамизда бундай воқеалардан камида миллионта. Бўрттириш эмас! Бир-биридан қизик! Лекин Сизнинг воқеангизни ҳам у ерда бўлишини шунақсанги кўргим келяптики, чин сўзим, хўш, Сиз нима дейсиз?!

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТЕПКИ Кўша қаринглар!

Муаллиф севишганларга оқ фотиҳа беради (агар китобхон берилган топшириқларнинг ҳаммасини тўғри амалга оширган бўлса, демак, у энди ёлгиз эмас, эҳтимол китобнинг ўртасига етиб келиши билан натижаларга эришгандир), хотимасига бир жуфт воқеа гапириб беради-да, “Давоми бор” ёзувли пардани туширади.

A жойиб баҳор фасли, дараҳт эндигина куртак оча бошлаган, сингил шабададан чайқалади, қүёш нур сочиб, илиқ ва мулойим тафти билан иситади. Ҳаво ҳам баҳорга хос – мусаффо ва ёқимли...

Мен деразани ёпдим-да, «Миллионерлар клуби»нинг 450 аъзоси ўтирган залга юзланиб гап бошладим.

Мұхтарам ва азиз дүстлар, қадрдонларим, мен қанча йилларимни Сизларга ва Сизларнинг муаммоларингизга бағишиладим. Күпчилигингиз ўз мақсадларингизга эришмагунингизча, қолғанларингиз эса мұваффақият йўлида мустаҳкам туриб олмагунингизча кеча-ю кундуз, оддий кунда ҳам, байрам кунлари ҳам тиним билмай меҳнат қилдик.

Лекин мен энди ёш эмасман, мен чарчадим, рафиқам ва фарзандларим мени ҳафталаб кўришмайди, энди дам олгим келяпти, Сизлардан илтимос, мени «Милионерлар клуби»нинг президенти вазифасидан озод этсангиз – дедим.

Мирзакарим Норбеков

Шу тариқа сұхбатимиз бошланиб кетди. Кимдир маслағат сүради, кимдир ўзининг ишлари ҳақида гапириб берди, ҳазил-хузул, ҳангома қилиб ўтирган эдик.

Шунда, дафъатан мен бир нарсани билиб қолдим. Мана шу муваффақиятга эришган, орзуларини рўёбга чиқара олган 450 нафар миллионеримнинг орасида 52 нафари ҳанузгача ёлғиз, сўққабош экан! Ва бу янгиликдан сўнг мен яна ўз ўрнимда қолдим...

Мен улар билан яrim йил курашдим, уришдим, атрофида гирдикапалак бўлдим, айланиб-ўргилдим, лекин ҳаммасини уйлантириб, турмушга бердим! Ўша қайсар 52 одамнинг ҳаммаси оила қурди! Фақат шундан кейингина мен президентлик вазифасидан истеъро бердим.

Тушуняпсизми, мен нима ҳақида гапиряпман, қадрли китобхон?

Мен Сизга 100 фоиз кафолат бераман, тавсияларимнинг ҳаммасини тўғри бажарсангиз, олти ой мобайнинда ўз муҳаббатингизни топишингизга кафолат бераман! Кўпларингиз ҳатто ундан ҳам олдинроқ бунга эришасиз! Кафолат бера-м-а-н!

Агар Сиз ушбу китобда баён этилган услуб бўйича ўз устингизда ишласангиз-у, ёлғизлигингизча қолаверсангиз, бизнинг «Инсон ва унинг ўзини тиклаш» институтимизга келинг ва бу ҳақда айтинг, агар шундай ғаройиб воқеа тасодифан содир бўлса, мен Париждаги Эйфель минорасига чиқиб ўша ердан туриб уч бора – «Мен аҳмоқман!» – деб бақиришга тайёрман!

Менинг қанчалик ўзимга ишонган одам эканлитигимни тушуняпсизми?! Чунки менинг умрим ғаладонида жуда кўп бедор ўтказилган тунлар, жуда кўп созлаб изга туширилган инсон тақдирлари, севишганларни қовуштириш, фарзандлар туғилиши, қувончу баҳтга эришишнинг катта тажрибаси турибди!

Сизнинг ғаладонингизда-чи, менинг сўққабош, ёлғизларим, нима бор? Фақат ўзингизга бўлган ишончсизлик, ўз кучингизга бўлган ишончсизлик бор холос!

Тептакнин тажрибаси 2

Сиз ўз устингизда ишлашни бошлаган заҳоти, Сизда биринчи ижобий натижалар пайдо бўла бошлагандеёқ, бу ишончсизлик эриб йўқ бўлиб кетади, унинг ўрнига эса қанотлар ўсиб чиқа бошлайди. Қарама-қарши жинс вакили энди ана шу фариштанинг ортидан уни овлашга тушади. Ҳамма ҳам ўзининг суюклиси фаришта бўлишини хоҳлайди-ку, тўғрими?

Қадрли китобхон, Сиз чўчиманг, иккиланманг, фақат бошланг, фақат бошлаб юборинг! Буёғи фақат яхшилик бўлади!

Шу ўринда азизларим, Сизга бироз инсон ва унинг қандай тузилгани ҳақида бироз гапириб бермоқчиман.

Келинг, азизлар, яна бироз тана, ақл-идрок, қалб ва Руҳидат ҳақида фикр юритамиз.

Баъзан мен машғулотларимда назорат текширув саволларини бериб бораман: «Сиз учун юқоридагилардан қайси бири асосий?» – дегандай.

Кўпчилик «Руҳият асосий!» дейишади.

Бунга жавобан мен доим бир гапни айтаман: «Шошилманглар, насиб этса шундай кун ҳам келади, Сизнинг юрагингиз охирги марта уради-да, Сиз соғ руҳиятга айланасиз. Биз ўлаётганимизда ва туғилаётганимиздагина Руҳият энг асосий жиҳатга айланади. Ҳозир эса – ҳаммаси асосий!»

Ҳар бир қисмимиз бизга куч беради, ҳар бир қисмимиз кучимизни олади.

Оlamda инсонга таъсир кўрсатувчи тўққизта куч мавжуд.

Тўртта куч манбаи – бизнинг атрофимизда, тўртта куч манбаи – танамизнинг ичидаги жойлашган, улар доим бизнинг қўл остишимизда бўлиш хусусиятига эга.

Тўққизинч куч – энг юқори, олий куч. Биз Сизлар билан у ёққа тирмашиб ўтирамаймиз. Бу бизнинг ваколатимизга кирмайди.

Ҳаётда нимага эришмоқчи бўлсак, ҳаммасида бу кучлар бизга керак бўлади.

Мирзакарим Норбеков

Сиз учун биринчى вазифа – мазкур кучларни ҳис қилиб күриш. Уйда қазноңи ёки сандикни очасиз, уларни чиқариб олиб, чангларини қоқишириб фойдаланишга киришасиз... Ҳар эхтимолга қарши кайта санаб күринг. Чунки агар Сиз уй курмөччи бўлсангиз, Сизга ғишт зарур бўлади, бетон, арматура, ишчи кучи ва ҳоказолар керак бўлади. Агар улардан бирортаси етишмаса, Сиз қанақа қилиб уй қурасиз?

Ғишт бор. Цемент бор. Жуда сифатли. Лекин... кам. Сув – умуман йўқ! Сиз бир-бирига боғлик бу компонентларсиз қандай қилиб натижа чиқармоқчисиз?

Тагин бир муҳим жиҳат: бу кучларнинг ҳаммаси бир хил ривожланган бўлиши керак. Зоро, бизнинг ҳеч нимага муҳтоҷлик сезишга ҳаққимиз йўқ. Агар улардан бири етишмаса, Сизнинг вазифангиз – уни кўпайтириш. Бу кучларнинг ҳар бири бизни қўллаб-қувватлаши керак ва шарт. Энди рухсатингиз билан бу кучлар ҳақида гапириб берсам.

Тана

Тана кучни олиб қўйиш хусусиятига эга... Руҳнинг, ақл-идрокнинг ва қалбнинг кучини. Ва тана уларни қўллаб-қувватлаш хусусиятига ҳам эга.

Тананинг ички кучи – бу жисмоний куч, яъни соғлик.



Ақл-идрокни, қалбни ва Руҳни қўллаб-қувватлашда тана қўшимча куч, қўшимча қувватга, қўшимча манба ва захиралардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун биз ўз танамизни батафсил кўриб чиқдик.

Тананинг ташқи кучи қаердан олинади? Унинг манбаси нима?

Пентакниң тажрибаси 2



Тананинг ташқи кучи – бу моддий кучdir.

Моддий дунёнинг асоси деб нима ҳисобланади? Баралла! Пул! Молия!

Агар Сиз ўзингизнинг моддий аҳволингиздан қониқмаётган бўлсангиз, бу кучни қанчага кўпайтиришингиз керак эканини ўйлаб кўринг. Моддий томон моддий томон билан туташганда кучайиб, кўпайиб боради.

Бизларнинг ҳаммамиз ҳаёт йўлида қандайдир босқичларни босиб ўтамиш. Ва улар ичиди моддий қарамлиқдан халос бўлиш босқичи – бу энг биринчиси ва энг оддийси. Бу ерда умуман катта ақл эгаси бўлиш шарт эмас. Энг асосийси – ички, ўзимизнинг онгу шууримизга чуқур ўрнашиб олган комплексни, кўркув ва ўзимизга нисбатан ишончсизликдан иборат комплексни бартараф этишимиз керак.

Моддий бойлик – худди соянинг ўзи. Сен унинг ортидан югурасан – у эса сендан кочади, агар сен ундан қочсанг – у сени кувишга тушади. Агар доим моддият ортидан кувиб юрсанг, бир умр кулагингчча қоласан, кейинги босқичга кўтарила олмайсан.

Моддий жиҳатлар ҳеч қаҷон бутун ҳаётингизнинг мазмуни бўла олмайди. У бор-йўғи таркибий қисмлардан бири холос. Ҳаёт пойдевори.

Биласизми, қадрдоним, истаган бинони қуришда нимага эътибор қаратишади? Пойдеворига. Агар бино пойдевори мустаҳкам бўлса, захирага эга бўлса – бу қурилишни давом эттиришга, инсонни ривожлантириш борасида эркинлик беради. Мана шу ердан Сизнинг эркинлигингиз бошланади.

Ақл-идрок

Ақл-идрок ҳам қолган барча қисмларга ёки куч беради ёки улар кучини олиб қўяди.





Ақл-идрокнинг ички кучи – бу Сизнинг интеллектингиз, Сизнинг билимларингиз.

Бу куч кўп жиҳатдан Сизнинг хотирангиз қандай эканлигига боғлиқ. Сизнинг тажрибангиз, мушоҳада юритиш тезлигингиз қандай, қандай ҳажмдаги маълумотларни ишга сола оласиз, таълим олиш қобилиятига эгамисиз, мана шулар унинг негизини ташкил этади.



Ақл-идрокнинг ташқи кучи – бу информацион куч, яъни маълумотлар, ахборотлар базаси.

Бошқача айтганда, четдан кириб келадиган билимлар. Қадриятлар, қоидалар, қонунлар, шартлиликлар ва ҳоказо. Ақл-идрокка ҳамиша озуқа керак. Янги билим ва тажриба кўринишидаги озуқа.

Ақл-идрок ниманинг ҳисобига кучлироқ бўлиб боради? Маълумотларга эга бўлиш ва мушоҳада юритиш туфайли. Тўғрими?

Лекин маълумотларни доимий равишда саралаш ҳам доимо самарали эмас.

Агар ўртача статистик одам ўзининг бутун ҳаёти мобайнида факат китоб ўқиши билан банд бўлса, бутун ҳаёти мобайнида у тахминан 7 мингтacha китобни ўқишига улгуриши мумкин. Ундан ортиғига – умри етмайди.

Агар унга керакли маълумот 7001 китобда бўлса-чи? Ҳатто 6999-китобда бўлган тақдирда ҳам! У шунча умрини фақат қидиришга сарфлайдими?

Тенгакнини тажрибаси 2

Мана шундай пайтда керакли билимни, ҳатти-ҳаракат услугини, тўғри қарорни қабул қилишда Сизга интуиция жуда аскотади. Интуиция – бу жуда катта, алоҳида мавзу – камида бутун бошли бир китоб! Интуиция ҳақидаги битта китобни олдинроқ ёзиб бўлганман. Балки яна ёзарман.

Ақлий қарамлиқдан, ақлий қулликдан халос бўлиш – моддий эркинликка эга бўлишдан кўра анча мураккаброқ.

Шу сабабли ҳам ақлий қарамлиқдан халос бўлган инсонлар, бу босқичга кўтарилигандар жуда кам.

Агар умумий тарзда оладиган бўлсак ва статистикани кўздан кечирсан, ўқимишлилик борасида, олий маълумотлилар миқдори энг ривожланган шаҳарларда ҳам умумий омманинг чорак қисмини ташкил қиласди.

Лекин биз олий маълумотлилик ҳақида гапирмаяпмиз! Биз Ақл-идрокнинг эркинлиги ҳақида гапиряпмиз! Зоро, дипломга эга бўлди дегани, ҳали у ақлий эркинликка ҳам эга бўлди дегани эмас – бу иккаласи мутлако бир нарса эмас.

Қалб

Қалб ҳам ақл-идрокка, танага, руҳиятга карз бериш хусусиятига эга. Ва бир пайтнинг ўзида у яна ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг оёғидан чалиш хусусиятига ҳам эга, чалгандা ҳам боплаб чалади!



Қалбнинг ички кучи – ҳис-туйғулардан иборатdir.

Токи, биз қалбга эга эканмиз, у энг яхши сезгиларни ҳис қилиши керак! Нима билан машғул бўлсак, нима билан шуғуллансанак, ўша ўзимиз машғул нарсага нисбатан муҳаббат керакми ёки йўқми? Жуда керак! Шунинг учун ҳам нима қилишингиздан қатъи назар, агар Сизда унга нисба-

тан муҳаббат бўлмаса, бу бехуда оворагарчиликни четга улоқтиринг, келишдикми? Ўзингизга нима кўпроқ лаззат бағишиласа, ўшани қолдиринг!

Қалбнинг ташқи кучлари – дунёнинг
Сиз севадиган қисмларидир.



Ўйлаб кўринг, бизлар қалбан нималарга кўпроқ боғланганимиз? Қалбингиз теварак-атрофдаги нимадан оғрийди, қалбингиз нимадан кувонади? Кузатинг, қалбингиз нимадан куйиб-пишади, нималарни орзу қилади, нимага интилади... Сизнинг қалбингизга нима кучлироқ таъсир кўрсатиши мумкин? Унга нима қайғу ва нима қувонч бағишилаши мумкин?

Ватанингиз қаерда жойлашган, қариндошларингиз қаерда яшайдилар, Сиз ўзингизни баҳтли ҳис қилишингиз мумкин бўлган жойлар қаерда? Бу жойларни биргаликда нима деб аташ мумкин? Айтайлик, социум дейиш мумкинми? Ижтимоий куч, дейиш ҳам мумкин.

Қалбни қандай қилиб кучли қилиш мумкин? Қани бир ўйлаб кўринг-чи! Сизга қанча қалб жўшқинлиги керак? Уни қаердан олиш керак?

Модомики, Сиз қувончу шодликни ҳис қилмаётган экансиз, демак, қувончнинг манбасини топишингиз керак.

Сиз учун энг асосийси нима? Бу саволни сизга бермасак ҳам бўларди, чунки ҳозирча унга Сизда тайинли жавоб йўқ. Лекин бу ўйлаб кўришга арзиди!

Том маънода баҳтли ва ҳамиша хушнуд одамлар шунчалик камки! Фикримга қўшиласизми?! Бу даражага етганлар ақлли ва бойлардан ҳам кўра камроқ!

Сизга бир ахмоқона савол беришга рухсат этсангиз: сиғирга бунақа катта елинлар нима учун керак? Кўпроқ сут бериши учунда-а?! Сиз табиатда бундай елинлар бошқа ҳеч бир жонзотда йўқлигини биласизми?

Пентакнини тажрибаси 2

Демак, одамзод деганлари аста-секин сигирни бадбурушга айлантириб юборган – биқинлари озғин, оёқлари қийшиқ, унинг оёқлари орасида сут тўла катта қоп осилиб туради. Бу «селекция» деб аталади. Ёввойи табиатда бундай сигирлар яшаб кета олмаган бўларди.

Нима сабабдан бу дунёда инсоний ахлоқ, этика, эзгулик ва ёвузлик тушунчалари мавжуд деб ўйлайсиз?



Чунки инсоният асрлар давомида ўз хаётидаги одоб ва ахлоқ қўникмалари ёрдамида ҳайвонийликдан юқорига – инсонийликка қараб бормоқда.

Одам қанчалик инсонийлашган бўлса, унинг феъл-атворида инсонийлик негизи шунча ёрқинроқ намоён бўлиб боради!

Ҳар бир оиласда ота-оналар бу селекция институтида биринчи даражали аҳамиятга эга бўладилар. Тарбия воситасида улар инсонийликнинг энг яхши сифатларини ўз фарзандларига сингдирадилар.

Кимда-ки ҳайвоний негиз кучли бўлса, улар ҳайвонлар дунёсида бўлгани каби факат овқат излаш, ўлжа излаш билан чекланишади! Бу нарса улар наслининг янада кўпроқ ёввойилашишига олиб келади.



Ўз қалбингизда нималар юз берадиганини доим кузатиб боринг.

Қачонки бирор бир қувонч ёки қайғу қалбингизга кириб келар экан, улар ўз бошланғич негизини қаердан олганига

эътибор беринг, таҳлил қилинг.

Уларнинг манбаси ҳайвонийликданми ёки инсонийликданми?

Мирзакарим Норбеков

Келинг, мисол тариқасида, рашкни кўриб чиқамиз. Бу сифат инсонийми ёки ҳайвонийми?

Рашк, азизларим, бу инстинкт. Рашк – бу ҳайвоний атавизм.

Биринчидан, рашкни биз ҳайвонлар дунёсида бот-бот учратамиз. Яна рашк ҳайвонларнинг деярли ҳаммасида учрайди, урғочи доим нарини қизғанган, нар ҳам ўз урғочиси ни қизғанган.

Иккинчидан, бу туйғу болаларда ўта кучли намоён бўлади: «Бу менинг онам.. Бу менинг дадам... Бу менинг ўйинчогим, Яқинлашма!» қўринишида бўлади. Сиз буни пайқаганмисиз?

Болаларнинг фикру зикри буткул ўз эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлади. Шу жумладан рашк воситасида ҳам. Болаларда ақл караҳт бўлиб қолади ва улар жуда осон рашкка бериладилар.

Болаликдаги бу рашк бора-бора, йилдан йилга яширин тус олиб, устидан интеллект билан ўраб-чирмалади.

Натижада катталарда биз энди рашкни бирмунча бошқа вариантда кузатамиз. Лекин бу росмана рашкнинг айнан ўзи.

Ўзаро муносабатга эга бўлган эркак ва аёлни олайлик. Эркак рашк қиласи, аёл рашк қиласи. Улар кир-пичоқ бўла бошлашади, бир-бирига ташланишади, яралашади. Буларнинг ҳаммаси айнан ҳайвонийлик сифатларининг ифодаланишидир!

Айтинг-чи, эркаклар, Сиз ўта рашкчи аёлга нисбатан нимани ҳис қиласиз? Уни тушунасизми, хурмат қиласизми, севасизми? Нимани ҳис қиласиз? Тажовузкорликни! Тобора йиғилиб борувчи ранж-алам! Булар ҳам – ҳайвонийлик сифатларининг ўзини намоён қилиши.

Энди эса буларни эркакнинг феъл-атворига қўшамиз... Эркак кечиришга қодир эмас. У унутиши мумкин, лекин ке-чирмайди! Яъни шартли равишда кечиради. У ҳолда шартли ҳукм дегани нима? Бу – жазони кечиктириш.

Шенгакни тажрибаси 2

У ёғига нима юз беради? Рашкчи аёл нима деб ўйлади, эркак бироз ҳовуридан тушди, энди аёл «яна ўз томошамни бемалол такрорлашим мумкин» – деб ўйлади...

Агар жиноят қайта содир этилса, шартли ҳукм қандай қўриниш касб эта бошлайди? Энди у реал жазо мақомига эга бўла боради.

Аёл киши ҳар гал ўзининг рашкини намойиш этар экан, ўзининг ҳайвоний негизини намоён этади. Агар у асл эркак бўлса, унда мазкур ҳайвонийликдан узоклашиш ҳақидаги назарий фикрлар пайдо бўла бошлайди, кейин эса бу фикрлар амалга ошади.

Билиб қўйинг, рашк бузғунчиликдан, вайроналикдан бошқа ҳеч нимага олиб келмайди.

Эътибор беринг, рашк бор жойда муҳаббат бўлмайди, муҳаббат бор жойда рашкка ўрин қолмайди!

Муҳаббат нима?

Муҳаббат – бу бошқа бир инсонга қоришиб, сингиб кетиш. Муҳаббат бу шундай ҳолатки, Сиз ўзингизни бутунлай йўқотиб қўясиз, ўзингизни унутасиз, эсламайсиз, бошқа бир инсон, яъни севгилингиз билан бир бутун бўлиб кетасиз.

Рашк эса – қачонки Сиз эркакнинг ўзингизда қоришиб, сингиб кетишини хоҳлашингиз.

Муҳаббат эса, англаган бўлсангиз – бу ЎЗИНИ курбонликка келтириш.

Рашк – бу бошқаларни ўзи учун курбон қилиш истаги.

Фарқи борми?

Муҳаббат – бу жуда улкан куч. Ошиқ инсон тоғни талқон қилишга қодир! Куч муҳаббатни ҳосил қиласи.

Ожизлик эса рашкни ҳосил қиласи...

Муҳаббат – бу кимнингдир ишқида азоб чекиши дегани. Рашк – бу бошқа бировни азобга гирифтор қилиш демакдир.

Ташки қўриниши жиҳатидан етказган изтироб, азоблари жиҳатидан улар кўпинча бир-бирига ўхшаш бўлади. Лекин якуний натижалар бўйича қай бири куч томондан, қай бири эса ожизлик томонидан келаётганини аниқлаб олиш мумкин.

Мирзакарим Норбеков

Қачонки бирор кимса ўзини яхши кўришларини хоҳласа, билингки, рўпарангизда ўтирган – вампир! Икки оёқда юрувчи... лабида лаб бўёғи билан, агар аёл бўлса! Бу лаб бўёғи Сизнинг юрагингиз қони бўлади!



Демак, хулоса. Рашк – бу инсонларга хос бўлмаган хусусият, у ҳайвонийликдан келиб чиқсан, рефлекс даражасида ишга тушувчи атавизм.

Мана Сизга ҳайвонийлик негизи билан боғлиқ битта мисол.

Ҳайвонийлик негизи эса ҳар биримизда – тўлиб-тошиб ётибди!

Инсонларнинг хатти-ҳаракатидаги ҳайвонийлик изларини қидириш, тадқиқ этиш билан бутун бошли фан шуғулланади. Ушбу фан Этиология деб аталади.

Марҳамат қилиб, ўзингиздан ҳайвонийлик аломатларини қидириб кўринг.

Қачонки, Сиз бу борада излашни, аниқлик киритишни, таҳлил қилишни бошлар экансиз, биз асосий вазифамиз – ўзимиздаги ҳайвонийлик аломатларини таниб олиш ва уларни чеккага суруб қўйишни уддалашимиз мумкин бўлади. Зеро, бизнинг фикрларимиз инсонийлик моҳиятидан келиб чиқсан бўлиши керак, ҳайвонийлик дунёсининг суяқ суришидан эмас.

Ўзидаги ҳайвоний негизни англаб етиш, ўзининг хатти-ҳаракатларидағи ҳайвоний аломатларни бошқара олиш инсондаги инсоний фазилатларнинг кучайишига олиб келади. Натижада эса инсон том маънодаги инсон бўла боради.

Бу ҳолат нимага шунчалар муҳим?



Пентакниги тажрибаси 2



Чунки ваҳшийлик, нафрат, душманлик, муросасизлик каби ҳайвоний иллатлардан халос бўлиш ҳисобига маънавийликнинг худуди озод бўлиб боради.

Лекин ҳайвонийлик негизи бирваракай яхши ҳам эмас, ҳайвонийлик негизи батамом ёмон ҳам эмас.

Айрим инстинктив дастурлар ва рефлекслар борки, улар ўз вактида одамзотнинг тирик қолиши учун, наслини давом эттириши учун хизмат қилган.

Уларнинг орасида шундай рефлекслар ҳам борки, уларнинг шарофати билан биз қўшимча кучга эга бўламиз.

Бошка бир рефлекслар эса худди кишан каби шу бугунгача бизнинг камолот сари боришимизга йўл бермай, инсонни ҳайвонийлик даражасигача тушириб қўймоқда.

Инсон танлашга қодир экан, улар орасидан энг эзгуларини танлаши керак.

Марҳамат қилиб айтинг-чи, Сиз қачондир бўлса ҳам лотереядан бирор нарса ютиб олганмисиз? Ўшанда Сизда қандай туйгулар пайдо бўлган?

Баҳоси ҳаётга teng бўлган лотереяда эса – бизларнинг ҳар биримиз совриндор галиблармиз.

Бир томчи манийнинг ўзида миллионлаб, юз миллионлаб аҳолининг асоси мавжуд бўлади. Тахминан иккисоз миллион атрофига. Танлов эса бизларда тўхтаган, бизларнинг ҳар биримизда.

Мана, тасаввур қилинг. Энига улкан ўн километрлик йўл, бу йўл бўйлаб икки юз миллион одам югураяпти. Соврин битта ва бу соврин Сизда. Бу соврин бизларнинг ҳар биримизда, тушуняпсизми?

Ҳар бир югураётган икки юз миллиондан яккаю ягонаси – бу Сизсиз.



Миңзакарим Норбеков

Инсоният – бу Чемпионлик Лигаси.

Демак, Табиат бу танловга навбатда турган икки юз миллион фариштачалар ичидан айнан Сизни танлаб олди. Бошқаларга соврин берилмади. Уларнинг лотереялари бўмбўш бўлиб чиқди. Икки юз миллион лотерея орасидан фақат биттаси совринли эди. Ва у Сизга насиб этди!

Аслида эса бу лоторея эмас, бу меҳнат. Сиз ҳаммадан ҳам тезроқ югурдингиз, ҳаммадан ҳам кучлироқ олдинга, мақсадга интилдингиз – ва тухум ҳужайрага етиб келдингиз. Тўғрими?



Сиз ўзингизга ато этилган умр учун
масъулиятни ҳис қилишингиз ва ҳаётни
бекорга шамолга совурмаслигингиз
керак!

Ўз тирноқларингизга қаранг. Бу тирноқларнинг остида қаериладир кир борми, ҳеч бўлмаганда озгина? Бутун сайёранинг бойлиги – ана шу тирноқ остидаги кирчалик.

Бутун сайёра ҳукмронлиги – бу пошнангиз остидаги кирчалик.

Ҳаммаси ўз қўлингизда, азизлар, ҳаммаси ўз қўлингизда... агар оз-оздан илгарига томон юришни бошласангиз!

Аммо ҳеч қанақа «оз-оздан» деган нарса бўлмайди. Айнан мана шу «оз-оз»дан барча глобал микдорлар пайдо бўлади.

Отадан ажralиб чиқсан бир томчи суюқлик она бағрига келиб тушди – мана шу ҳам «оз-оз»гина эди. Мана энди қаранг, бу «оз-оз» бугун қанақа улкан бош оғриғи бўлиб улгайди. Сиз, мен, атрофдагилар каби. Тўғрими?

Демак, бунда нима бор эди? Муҳабbat.

Муҳабbat! Муҳабbat туфайли биз туғилдик, дунёга келдик азизларим, шунинг ҳисобига, яшаяпмиз.

Муҳабbat – бу Сизнинг қалбингиз ҳудудидаги энг бебаҳо, беназир туйғу, тўғрими?

Тенгакнини тажхифбаси 2



Сизнинг мизожингизнинг энг яхши, энг эзгу қисми – бу Сизнинг қалбингиздир!

У Сизнинг Устозингиз бўлсин!

Муҳаббат эса Сизнинг энг асосий
Устозингиз бўлсин!

Менинг қадрдонларим, бизнесингизни фақат муҳаббат асосига қуинг! Оиланингизни ҳам буюк муҳаббат асосига қуинг!



Бутун ҳаётингизни муҳаббат асосига қуинг! Чунки, қачонки Сиз севсангиз,

Сиз бутун борлиғингизни берасиз,
қачонки Сиз бутун борлиғингизни берар экансиз, Сиз бу муҳаббат эвазига юз баравар кўпроқ меҳрга эга бўласиз!

Руҳият

Руҳият кучи. Ирода кувватининг кучидир.

Ҳеч нима ўз-ўзидан осмондан тушмайди, албатта қушнинг ахлатидан бошқа. Ўз устингизда ишлаш учун, доимий мажбурлаш воситасида танангизни спортзалга боришга кўндиришингиз керак. Сизнинг ортингиздан кузатувчи юрмайди. Ирода кувватингиз кучи билан ўзингизни мажбуруланг, кўндиринг!

Мирзакарим Норбеков



Руҳиятингизнинг ички кучи – Сизнинг иродангиз, у тўсикларни енгуб ўтиши хисобига озиқланади, кучайиб боради.

Сизнинг Иродангизнинг, Сизнинг Руҳиятингизни ўстириш учун фикрларингизда, ўз истакларингизда бунга монелик қилувчи маҳв этилиши керак бўлган бузғунчи кучни изланг.

Сизни ўраб турган олам – Сизга суюнчиқ бўлолмайди. Тарих – суюнчиқ эмас. Ўзгалар фикри – суюнчиқ эмас. Сизнинг суюнчиғингиз ичингизда – бу Сиздаги ўз кучингизга бўлган ишончdir!

Сиз ўзингизни эплай олишингизни, Сиз янада кўпроғига лойиқ эканингизни, Сиз ҳаммасини уddyalай олишингизни ҳис киляпсиз! Сиз шунга лойиқлигингизни ҳис қилаяпсиз! Сиз яратишга ва бунёд қилишга қодир эканингизни ҳис қилаяпсиз!



Қачонки Сиз ўзингизга, ўз кучингизга ишона бошласангиз, Сиз ўз Руҳиятингиз учун суюнчик яратишга киришасиз!

Руҳиятнинг ташқи кучи – бу азизларим, Сизга берилган ўй вазифаси бўла қолсин. Марҳамат қилиб ўзингиз уни кидириб топишга ҳаракат қилинг.

Инсон – шундай ҳайратланарли мавжудотки!

Ўз-ўзини англаб етиш четда қолиб, у бутун бошли Коинотни ўрганишга тушиб кетади. Ярим соат ўз устингизда ишлаб, ўз имкониятларингизни ковлаштиргандан кўра, Сиз кўмирга лиқ тўла вагонни бўшатишга тайёрсиз! Албатта, ўзингизнинг шахсий бурнингиз ичидагиларидан ташқари...

Пентакинги тажфифаси 2

Сиз муайян бир фанни ўрганиши туфайли яхширок ёки ёмонроқ бўлиб қолмайсиз. Фанларни ўрганиш керак, лекин Сиз дипломга эга бўлганингиз билан бошқа одам бўлиб қолмайсиз.

Сиз ҳар қанақа касб-корни, фаолият турини ўзингиздан кўра минг карра яхшироқ биласиз.

Ҳаммамиз ҳам институтга ўқишга кирамиз, ЎЗИМИЗНИ тушуниб етиш ўрнига, у ерда эртаю кеч турли фанларни ўқыймиз.

Ёки унақа эмасми?

Марҳамат қилиб айтинг-чи, Сизнинг мутахассислигин-гиз нима?

Бухгалтерликми? Маркетологми? Лойиҳаларни бошқарувчими?

Сиз лойиҳаларни бошқаришни биласизми? Ўзингизни-чи, ўзингизни бошқара оласизми?

Мен Сизларни биламан! Сизларнинг бунга ҳеч қачон вақтингиз бўлмаган! Сиз доим банд бўлгансиз! Сиз бемаъни моддий қадриятлар, олиймақом мақсадлар, жарак-жарак пуллар ортидан қувиш билан банд бўлгансиз...

Ўзингизни ўрганиш учун ҳеч қачон вактингиз етмаган. Ахир шундай эмасми? Сиз фақат кўзгуда ўз чехрангизни ўргангансиз, шунда ҳам ҳафтасига бир марта – сокол олганда, кесиб олмаслик учун, шундайми, жаноб эркаклар?

Қолган ҳаммасига вақт топасиз, бироқ ўзингизга келганда эса, «қачондир албатта... яхши кунлар келганда... ҳали нафақага чиққанимда, юмшоқ креслога ўтириб олганимча ўзимни ўрганишга киришаман» – дейсиз.

Ҳолбуки, ўзингизнинг яккаю ягона ҳаётингизни ўрганишни, таҳлил этишини пайсалга соляпсиз?

Чунки Сиз ўзингизча бу нима ҳам бера оларди? – деб ўйлайсиз. Дарвоке – бу нима ҳам бера оларди?

Яхшиси, нотавонлигингизча қолиб, ўз-ўзингиз билан танишмай ўтиб кетсангиз нима бўлиши ҳақида ўйлаб кўринг?! Азизларим!

Мирзакарим Норбеков

Йўқса Сизлар шунчаки Ҳаёт деб атамиши чексиз-чегарасиз шамол оқимининг ночор чанги бўлганингизча қолаверасиз!

Боиси Сизлардан бирортангиз ўзгаришни истамайсиз.

Мана шу ҳолат ҳар гал менда чуқур тушкунликни пайдо қилади... Сизлардан бирортангиз ҳам ўзгаришни хоҳламайсиз. Сизларнинг ҳаммангиз атрофингиздаги оламнинг ўзгаришини, Сизни қуршаган одамларнинг ўзгаришини хоҳлайсизлар.

Ҳатто уйда ўтира олмай қолсангиз ёки ниманидир хоҳласангиз, ёхуд ахволингиз ёмон бўлиб қолса ҳам... телефонни оласиз-да, дўйстларингизга бир-бир кўнғироқ қила бошлайсиз, ҳар нарсага бурнингизни тикиб, аралаша кетасиз... куни бўйи музокараларга, учрашувларга... фақат нима қилмасангиз бўлди? Ўз-ўзингизни титкилашни бошламасангиз, ўрганишни бошламасангиз бўлди!

Ҳайратланарли ҳол! Лекин бу ҳаммага хос!

Қандайдир тўсиқ бор... Тўсиқ эмас, мана шу қамоқхонанинг девори бор ёки инсоннинг асл моҳияти, қудрати, кучи беркитилган сехрли ғор бор деб айтиш мумкин. Сиз агар яқинлашиб, ўзингизнинг ички дунёнгизга астагина мўралаган тақдирда ҳам бу метин, бакувват девор Сизга босим ўтказа бошлайди. Натижада Сизда беихтиёр зерикиш ҳисси, ҷалғиш истаги пайдо бўлади. Бошқа исталган нарса билан шуғулланингиз мумкин, фақат ўз ички дунёнгизга қарамасангиз бўлди.

Қадрдонларим, бу ҳаммада рўй беради, ҳаммада, ишонаверинг.

Одатда аксарият кишиларнинг ўзи билан шуғулланишга тахминан икки-уч дақиқа кучи етиши мумкин, жуда узоги билан 10-15 дақиқагача. У ҳам агар Рухияти жуда кучли бўлса...

Сўнгра бундан у ёғи – алланечук дангасалик, хоҳламаслик. Бу иллат серуйкулик, ҳорғинлик кўринишда ҳам бўлиши мумкин... исталган тарзда бўлиши мумкин.

Демак, тарозининг бир палласига енгил йўлни қўямиз – хеч нима қилмаслик, ҳаммасини қандай бўлса шундайлигича қолдириш. Бошқа палласига – тер тўкиш, меҳнат қилиш, ишлаш... худди «Буратино»нинг Карло отасидек.

Пентакни тажрибаси 2



Ҳаёт йўли ва ўлим йўли. Улар иккаласи ҳам бир хил тугайди. Лекин бу йўлни инсон қандай босиб ўтади – мана шу муҳим!

Марҳамат қилиб айтинг-чи, нима осон – тоққа кўтарилиши ёки пастига тушишми?

Ҳаётда қайси бири осон? Кўтарилиши ёки йиқилиши?

Агар Сиз буни ҳис қилишни ва ўзингизда синааб кўришни хоҳласангиз – болохонага чиқинг ва олдга қараб уч қадам ташланг, ундан кейин токи ерга қапишиб тушгунингизча бўлган вақт оралиғини таҳлил қилинг.

(Зинхор бундай қила кўрманг, бу уй вазифаси эмас, шунчаки ҳазил!)

Пастга тушган одам атрофдагиларни, қонунни хурмат килмай қўяди, унинг учун ташқи ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириш енгил бўлиб қолади. Лекин ички ҳолат унда жуда оғир кечади. Ташқи томондан енгил бўлса, бу қалбга юқ бўлиб тушади. Ҳаётда қанча осон йўл тутсангиз, бу қалбга шунча азоб келтиради!

Кўтарилаётганингда, ташки томондан қараганда бу иш оғирдек, – чираниб, терга ботиб кетасан... Лекин қалбингда қандай енгилликни ҳис қиласан.

Қийидаги ишдан қайси бири енгил – бирор одамнинг нима демокчи бўлганига тушунишга ҳаракат қилиши ёки «Тур, жўна бу ердан! Ҳалакит берма!» деб унга дўқ уришми?

Қайси бири осон – ўзингизнинг энг яхши сифатларинингизни англаб етиш, ўрганиш ва ўзингизни яратиш, теваррак-атроф, оламда гўзаллик яратишми ёки «Бу дунёда ҳаммаси ёмон. Ҳамма абллаҳ. Бундан буёғига яна ҳам баттарроқ бўлади» – дейиш осонми?

Қайси бири осон – севиши ёки нафратланишми? Нафратланиш осон, чунки севиши кишидан меҳнатни талаб

Мирзакарим Норбеков

қилади! Нафратланиш – анча оддийрок, нафратланиш учун – ҳеч нима қилишнинг кераги йўқ.

Англаш учун, севиш учун, бунёд этиш учун, баҳтли бўлиш учун тер тўкиб меҳнат қилиш керак. Ириб-чириб кетиш учун эса ҳеч нима қилиш керак эмас! Хотиржамгина оромкурсида пивони симири-ии-иб ётавер ва аста-секин чириб кетаверасан...

Эркин танлов ҳақидаги тарбиявий бир ҳикояни эшитиши хоҳлайсизми? Лайча югуриб далага чиқиби ва узок, қунт билан излабди, сўнгра бекитиб қўйилган бир уюм ахлатни топиби...

Нима изласак, ўшани топамиш.

Ҳар доим ҳам ким нимани яратса – ўшангага эга тади. Ўзингизга нисбатан бўлган норозилик Сиздаги бошқаларга бўлган норозиликка олиб келади, ўзингизга бўлган ишончсизлик бошқаларга нисбатан бўлган ишончсизликка етаклади.

Сиз ўзингизни ожиз ҳис қиласангиз, ўзингизга нисбатан, бошқаларга нисбатан аллақандай асоссиз даъво пайдо бўлади... ўзингизга ва бошқаларга нисбатан бўлган алам... ўзингизга ва бошқаларга нисбатан бўлган тажовузкорлик, ўзингизни ва бошқаларни алдаш... ўзингизга ва бошқаларга нисбатан хиёнаткорлик, буни яна давом эттириш мумкин.

Сиз ўзингизни кучли ҳис қиласангиз,
Сизнинг эркин Рухиятингиз озодликка
чиқа олади, қанотларини кенг ёзади ва
энди Сиз чарх уриб эркин уча оласиз!

Инсон, мен Сизга айтсан азизларим – бу пирамида.

Унинг тана деб аталмиш энг пастки қисмиди – жуда кўп сонли одамлар бор. Кейинги қисм, ақл-идрок ҳудудида

Пентакни тажрибаси 2

энди уларнинг сони камроқ. Қалб ҳудудида – янада камроқ. Рухият – пирамиданинг энг охирида, энг юқори чўққисида. Мана шу ерга, менинг дўстларим, яъни Рухиятгача – санокли одамлар етиб кела олади.

Энг юқорида – Рухиятнинг ҳудудида – биз шаънига абадий ёдгорлик қўйишга келишиб олган, мана шу буюк икки фойзни ташкил қилувчилар қолади!

Ёдгорликни нимадан ясаймиз? Гранитданми? Пўлатданми? Олтинданми?

Сиздан, қадрли китобхон! Сизнинг ҳаётингиздан, Сизнинг муваффақиятларингиздан, Сизнинг баҳтингиздан ясаймиз бу табаррук ёдгорликни!

Пирамиданинг уни пастга таяниб турган ҳолда бўлса барқарор бўлмайди. У доим шубҳа-гумон, ишончсизлик уйғотади. Баъзи бировлар пирамида курилишини чўққисидан бошлишга ҳаракат қилишади. Бунинг нима кераги бор? Босқичма-босқич ҳаракат қилинг. Асосдан чўққига қараб, яратинг уни, зинҳор тескари тарзда эмас!

Агар моддий муаммоларингизни ҳал қилмай туриб, биз бу ерда маънавийлик ҳақида гапира бошлиасак, Сиз гапимизга у қадар тушунолмай қоласиз. Чунки Сизда бунга айни дамда эҳтиёж йўқ. Образли қилиб айтадиган бўлсак, айни дамда уйингизда ейишга нонингиз бўлмаса, бу Сиз учун энг бефойда машгулот.

Мабодо, биз дабдурустдан ақлий қарамлик ҳақида гапира бошлиасак ҳам, Сиз фикримизни унчалик тушуна олмайсиз.

Агар кимдир моддий эркинликка эга экан, мен бундан жуда хурсандман. Демак, у ўзига дарҳол кейинги пиллапояга кўтарилиш учун ижозат бера олади.

Кимда-ки бу нарса ҳозирча бўлмаса, марҳамат қилиб аввал ўз пойдеворингизни тикланг.

Мирзакарим Норбеков

Сўнгра ўзингизга керакли барча йўналишлардаги билимлар захирасини ҳам жамғаринг.

Шу билан бирга, ўзингизни англаш ҳисобига, ўзингизда мавжуд энг эзгу томонларингизни аниқлаб олишингиз шарт.

Рухиятни англаб етиш ва уни ишга тушириш тўғрисида.



Рухиятнинг ғиштчаси – бу ирода,
қалбнинг ғиштчаси – ҳис-туйгулар,
ақл-идрокнинг ғиштчаси – бу тажриба.

Бу ғиштчаларнинг барчаси аъло сифатли бўлиши керак. Лекин қурилиш барибир пойdevордан бошланади. Агар қурилишни томдан бошласангиз – унинг деворлари қулайди.

Бу китоб саҳифаларида биз, қадрли китобхон, жуда кўплаб хаёлий нарсалар ҳақида гапирдик. Лекин шундай бўлса ҳам бу нарсаларнинг ҳаммаси реал ҳаёт билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу ўринда ғайритабиилик нима-ю, реаллик нима? – деган саволга жавоб берайлик.

Ғайритабиилик – бу теварак-атрофимиздаги одамларнинг кўпчилиги тўқнаш келадиган реалликнинг ўзидир.

Шунчаки, улар модомики, биз бу нарсаларни тушунмадикми, демак, бу мавжуд эмас деб ҳисоблашади! Мен буни қила олмаётган эканман, демак ҳеч ким қила олмайди! ...Мени бунга ҳеч қаерда ўргатишмаган эканми, демак, бу нарса бўлиши мумкин ҳам эмас! Ва ҳакозо...

Тушуняпсизми?

Тенгакнини тажрибаси 2

Аслида дунёдаги энг асосий ғайритабиий нарса нақ Сизнинг рўпарангизда турибди. Бу – Сизнинг ўзингиз. Марҳамат қилиб уни ўрганинг!

Бу энг буюк ғайритабиий мавжудотни, энг буюк сирни ўрганинг, яъни ўзингизни тадқик этинг!

Лекин шу билан бирга, Сиздан ўтиниб сўрайман, ҳеч кимга ва ҳеч нарсага устингиздан ҳукмронлик қилишига йўл қўйманг, ҳатто маълумотларга ҳам. Бу ерда нима ҳақида гаплашган бўлсак, буларнинг барчасини шунчаки саёҳат, деб билинг. Сизнинг ҳаётингиз менинг тавсияларимдаги дан минг карра яхшиrok бўлиши керак.

Сизнинг камтарин қулингиз бу китобда тажриба ўтказишга қарор қилди... келажак учун.

Шунчаки мен Сизлар билан бу ҳақда гаплашаётганимда ўзимни қанчалик тўғри ёки нотўғри йўл тутаётганимни билишни хоҳлагандим. Ўрни келганда: «Ҳа, ёдингиздами, мен тажриба ўтказган эдим ...ва ҳеч нима чиқмади!» дейиш учун.

Ёки натижа чиқдими?

Бу маълумотларнинг жуда бўлмаганда қайсиdir бир қисмини ўз ҳаётингизга татбиқ қилишингизни жуда хоҳлар эдим!

Ҳаётда хушнуд бўлиш, кучли бўлиш, қурдатли бўлиш – бу жуда осон, агар ҳар куни оз-оздан шу жиҳатлар томон юриб борсангиз.

Агар йиқилиб тушсангиз ҳам, ўрнингиздан туриб олдинга қараб юришда давом этинг!

Чунки ҳар бир муаммо – бу Сиз миннатдор бўлишингиз керак бўлган буюк устоздир. Ҳар бир вазият – Сизга ниманидир ўргатадиган донишманд устоз.

Бу машғулотлар туртқилаш шарт бўлмаган, кўндиришга эҳтиёж сезмайдиган, иззатталаб бўлмаган етакчиilar учун мўлжалланган!

Бир сўз билан айтганда, бизнинг тавсияларимиз асосида-ги машқлар билан ким эринмаса – ҳамма шуғулланаверсин!

МУНДАРИЖА

Хўш, менинг қадрли ялқовгинам, тайёр жавоб излаб мўралаяпсизми? Овора бўлманг! Агар Сизга тегиб кетган жойини топмоқчи бўлсангиз, ҳаммасини бошидан қайта-қайта ўқиб чиқинг – бўғзингизга келмагунча! Мен ахир Сизни яхшиликча огоҳлантирган эдим-ку, БУ китобни шунчаки ўқиб бўлмайди, БУ КИТОБ билан ҚАТЪИЙ РАВИШДА ВА ИЗЧИЛ ишлаш керак деб!

Яна бир марта сўрайяпман, яна бироз машқ қилишга тайёрмисиз? Мустақил?! Чунки гап гап билан, лекин ишни ким қилади? Ўз устидаги ишни айтаяпман! Мен эмас, Сиз! Сиз! Ҳозирнинг ўзида қилишни бошланг!

Келишдикми?

У ҳолда... Сизга Худо ёр бўлсин!!

Кимда-ким бизнинг китобимиз туфайли ўз жуфтини топган бўлса, қўша қаринглар! Ким тез орада топишга қарор қилган бўлса, Сизлар ҳам қўша қаринглар!

НОРБЕКОВ СОГЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

*Инсоннинг бемор ва баҳтсиз бўлишига ҳаққи йўқ.
М.С. Норбеков*

Академик Норбеков соғломлаштириш маркази ўзини англаш ва ривожлантириш мажмуи дастурини таклиф этади.

Машғулотлардан кўзланган асосий мақсад – инсоннинг ўз руҳий ва жисмоний ҳолатига фаол ёндашуви.

Ўзининг интилиши, иродаси, руҳий чиниққанлиги билан ҳар ким ҳам саломатлигини, ички ҳолатини, тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга қодир.

Тизим асосини устоздан шогирдга узатиладиган асрлар давомида узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган Шарқнинг кўхна билимлари ташкил этади. Бу билимларни англаб етиш учун енгил бўлгандарни машғулотларга асос қилиб олинган.

Бугунги кунда миллионлаб инсонлар – Россия, МДҲ давлатлари, Болтиқбўйи, шу билан бирга АҚШ, Германия, Истроил ва бошқа қатор мамлакатлардаги инсонлар соғломлаштириш марказида олган билимлари ёрдамида фақат саломатликларини тиклаб колмасдан, ҳаётда ўз ўринларини ҳам топиб, етакчи, омадли инсонларга айланишиди.

Тизимнинг 1-, 2-ўкув соғломлаштириш босқичлари ва маҳоратни ошириш Асосий ўкув курслари 30 йил мобайнинда такомиллашиб борган.

Охирги йилларда «Омад устахонаси» ташкил этилди. Бу маҳсус курс ўз устида ишлаб яхши натижаларни қўлга киритган тингловчиларимизга мўлжалланган.

Ўқув соғломлаштириш курслари, 1-босқич

Курснинг йўналиши инсоннинг табиатида азалдан мавжуд бўлган жисмоний ва руҳий кучларни бошқаришни ўргатади. Курс тингловчилари таъсирларсиз ва аралашувисиз ўз муаммоларини бартараф этишини ўрганишади.

Асосий мавзуу: танани бошқариш ва ўзини тиклаш қобилиятини уйғотиш (ёшариш); соғлиқни тиклаш, юрак қон-томирлари, асад, эндокрин, сийдик йўли, иммунитет, лимфа тизими, модда алмашуви жараёнининг бузилиши муаммоларини бартараф этиш, кўриш қобилиятини созлаш, эштиш ва бошқа сезги аъзоларидаги муаммоларни бартараф этиш, операция ва шикастланышдан кейинги асоратларни бартараф этиш, нафас олиш йўли аъзолари ишини созлаш, ҳаракат таянч аппаратини тиклаш, жинсий муаммоларни, юздаги ва қоматдаги нуқсонларни бартараф этиш, шу билан бирга ҳар хил чандиклар, спайкалар, чурралар, стрия (тери ости ситилиши) ва теридаги бошқа хил муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Ўқув соғломлаштириш курслари, 2-босқич

2-босқичда 1-босқичдаги билимлар мустаҳкамланади. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур ўрганилиб, уларни бартараф этиш устида ишланади. Саломатлик борасида муаммолар бошқа безовта қилмаслиги ва хасталикдан батамом халос бўлиш учун ҳар бир касаллик билан маҳсус шуғулланилади ва шу билан бирга феъл-автор устида ҳам мақсадли ишланади. Тана кучини жисмонан ривожлантириб, шакллантириб бориш билан бирга шахс сифатлари ва руҳиятни чиниктириш маҳорати ҳам оширилади. Натижада, инсондаги ноёб қобилиятлар очилиши билан бирга сезгиси (интуицияси) ҳам ривожланади.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Болалар ўқув-соғломлаштириш курслари

Соғломлаштириш курсининг биринчи кисм дастури болаларнинг тасаввур дунёсига мослаштирилган ҳолда олиб борилади.

Кўплаб болалар соғломлаштириш курсларини ўтиб ижобий натижаларни кўлга киритмоқдалар. 7 кун давомида фарзандларимиз нафақат соғлиқни мустаҳкамлаш, балки ҳиссий-иродавий ҳолатларни тиклаб ҳаёт тарзини тўғри йўлга йўналтириш кўнинка масини эгаллашга ҳам муваффақ бўлишади.

Машғулотлар 7 кун 3 соатдан давом этади.

Асосий босқич – Интуиция курси

Академик М.С. Норбеков ноу-хауси

Бу курслар инсонда атроф-оламни англаш ва уни ҳис қила билиш қобилиятини уйғотиб, англаш орқали мушоҳада юритишига, ҳаётини ижобий томонга шакллантира боришига ўргатади.

Асосий мавзуу: олдиндан сеза олиш, ҳис эта олиш қобилиятини ривожлантириш, ҳаётини режалаштирган ҳолда унинг оқимига ижобий таъсир эта олиш, асаббузар вазиятлардан узокда бўла олиш, Фолиб Инсон қиёфасини шакллантириб борувчи хулк-авторининг яхши томонини кучайтира бориш. Курс якунида тананинг биологик ёшаруви, ҳиссиётларнинг ўткирлашуви, ўзаро муносабатларда ўй-тунликтин пайдо бўлишига мукофот тарикасида эга бўласиз.

Машғулотлар 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

VIP – дастур

Иши бароридан келган омадли инсонлар учун сара машғулотлар. Машғулотлар 25–30 кишилик кичик гурӯхларда олиб борилади. Курсларга саралаш асосида қабул қилинади, юқори даражадаги эътибор ва назорат таъминланади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари – М.С. Норбековнинг шогирдлари олиб боришади.

VIP – соғломлаштириш курслари ўқув-соғломлаштириш курслари асосида ташкил этилган, иккинчи босқич соғломлаштириш ва асосий босқич курсининг элементларини ўзида мужассам этган.

VIP – Асосий курс дастури асосий босқич курсининг негизини ҳамда психологик билимлар элементларини ўзида мужассам этади.

Машғулотлар 10 кун 4 соатдан давом этади.

«Омад устахонаси»

M.C. Норбековнинг муаллифлик курслари

Дастур шахснинг заиф томонини йўқотишга, ҳаётининг 495 томонини шакллантириб боришга йўналтирилган: бизнесда эришган натижаларни кўтаришга, ички имкониятларни кашф қила боришга, руҳиятини чиниктириш, атроф-олам билан уйғунликда яшаш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, феъл-атворидаги кучли томонларини янада ривожлантириш, ўз ҳаётини ижобий шакллантириш қобилиятини шакллантириш ва бошқа кўплаб масалалар кўрилади.

«Омад устахонаси» асосий курснинг элементларини ўзида мужассам этади. Машғулотларни дастур муаллифи М.С. Норбеков ва унинг энг сара шогирдлари олиб боришиди.

Машғулотлар 10 кун мобайнида 4 соатдан давом этади.

Курсни ўтиб бўлгач, Сиз миллионерларнинг ёпик клубига аъзо бўлишдек ноёб имкониятга эга бўласиз.

«Миллионерлар клуби»

Бу клубга аъзоликка комилликка интилаётган ҳар қандай инсон даъвогарлик қилиши мумкин.

Асосий мавзу: жисмоний ва руҳий чиникиш, дунёқараши янада кенгайтириш, ички кучни йиғиш ва кўпайтира бориш, асабийлашишдан сақлана билиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва уни сифатли амалга ошира олиш, энг илғор масалаларни танлай билиш қобилиятини ривожлантириш, муваффакиятли вазиятларни ҳосил қила билиш ва бошқа кўплаб масалалар.

Машғулотлар 1 йил давомида ойига 1 марта 8 соатдан давом этади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари, М.С. Норбековнинг энг сара шогирдлари ва сиз ўзингиз танлаган мутахассислар олиб боришиди.

Кўзнинг кўриш қувватини тиклаш бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: кўзнинг кўриш қуввати пасайиши сабабини топиб бартараф этиш, Шарқнинг кўхна билимларига асосланган кўришни яхшилаш ва тиклаш услубини эгаллаш, шулар асосида кўришни созлаш, барча ички аъзолар ва тананинг бутун тизими билан қўшимча ишлар олиб бориш.

Асосий мавзу: кўриш ва эштиши нерви атрофияси, узокни ва яқинни хира кўришни бартараф этиш, катараракта, глаукома, астигматизм ва ҳ.к. Шу билан бирга гипертония ва гипотония, томирларнинг варикоз кенгайиши, остеохондроз, ички аъзолардаги ва тана тизимидаги бошқа кўплаб муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар 5 кун 4 соатдан давом этади.

Эштиш қобилиятини тиклаш бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: эштиш қобилиятининг пасайишига ва йўқолишига олиб келган сабабларни топиб бартараф этиш, эштиш қобилиятини созлаш, бутун тана ва ички аъзолар билан қўшимча машқлар олиб бориш.

Асосий мавзу: эштиш нерви неврити, нейросенсор гаранглик, Менъер касаллиги, юкумли касалликлар ва лат ейишдан кейинги асорати бўлган эштиш қобилиятининг пасайиши (йўқолиши) ва шу кабилар.

Машғулотлар 7 кун 4 соатдан давом этади.

«Бахтли оила» курслари М.С. Норбековнинг оиладаги ўзаро муносабатлар мавзуидаги маърузаларига асосланади

Мақсад: оиласда самимий муҳит яратиб, бир-бирини кўллаб-кувватлаш ва хурмат қилишни ўрганиш.

Асосий мавзу: эркаклик ғурури, оиласда етакчилик, интим мумомала, болалар тарбияси, ота-оналарга нисбатан кечиримли бўлиш.

Курс эркак ва аёлларнинг бир-бирига эҳтиёжи борлигини тушунишга ёрдам беради, кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўладиган эркак ва аёлнинг дунёкарашидаги фарқни англаб етишга, эр хотин ўртасида хурмат бўлиши кераклигини тушунтиришга қаратилган. Уйланмаган ва турмушга чиқмаганларга оила қуришга ҳамда бахтли оиласвий ҳаёт кечиришга йўналтирилган.

Машғулотлар 10 кун давомида 4 соатдан давом этади.

Бизнинг марказда таълим олиш учун ёшнинг аҳамияти йўқ. Марказимизнинг эшиклари барча учун очик, ким қалбан қаримаган бўлса, кимки орзуларининг рўёбга чиқишига ишонса, асрлар давомида тўпланган донишмандлик йўриқномасидан фойдаланишига тайёр бўлса, марҳамат.

**Умуртқа поғонасини тиклаш бўйича
қўшимча машғулотлар**

Хозир умуртқа поғонангиз қай аҳволда? Сизнинг 5–6 см ўсишиниз учун, кайфиятингиз аъло бўлиши учун, танангизнинг ҳамма аъзолари Швейцария соатидек ишлаши учун ўзингизга атиги 15 дақиқа ажратсангиз кифоя. Мазкур курсда биз сиз билан бажарадиган машқлар оддий бадантарбия эмас, жисмоний тарбия ҳам эмас. Улар – умуртқа поғонасини асл ҳолига келтириш учун ишлаб чиқилган маҳсус ҳаракатлар. Бу машқлар умуртқаларро ҳалқаларнинг жой-жойида туриши, қадам ташлашингиз балетчиларники сингари енгил бўлиши, хотирангиз ҳам аввалги ҳолатига қайтиши, дунё нақадар гўзал эканлигини ҳис этишиниз учун ҳам керак.

Машғулотлар 5 кун 3 соатдан давом этади.

ДИҚҚАТ! Янги лойиҳа!
**Интернет орқали М.С. Норбеков услуги бўйича
машғулотлар ўтказишнинг ноёб имконияти**

Масофадан ўқитишининг муаллифлик дастури тингловчилар билан юзма-юз олиб бориладиган дарсларнинг сифатидан хеч колишмайди.


Асосий эътибор: ҳар бир тингловчига ўзига хос ёндашилади. Сиз етакчи ўқитувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўласиз. Шахсан М.С. Норбековнинг ўзлари билан ҳам аудиконференцияларда, гурухларнинг ёпик форумларида, электрон почта орқали ва ICQ (индивидуал ёзишма) олиб боришингиз мумкин.

Курсда ўқув-методик материал интернет-таълим учун маҳсус мослаштирилган. Шунингдек, курснинг асосий маҳорат услуги баёни ёзилган аудиоёзув, ўқув-таълим учун видеоматериал, М.С. Норбековнинг маърузалари ҳам мавжуд.

Интернет-курсларимизда ҳам аудиториялардагидек машғулотлар олиб борилади. Бу ҳақда қўшимча маълумотларни электрон почтамиз орқали олишингиз мумкин: info@norbekov.uz.

**Батафсил маълумотлар олиш учун
Академик М.С. Норбековнинг
Ўзбекистондаги соғломлаштириш
марказига мурожаат қилинг.**

Мурожаат учун телефонлар:
8 (371) 276-28-89, 276-44-59, (95) 195-65-97
www.norbekov.uz
e-mail: info@norbekov.uz
Манзил: Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шохкӯчаси, 23-й.



**Инсонларни етакчи
қилиб етиширишдаги
ноёб қобилияти учун
Мирзакарим Норбеков
«ҒАЛАБАГА ЭРИШИШ
ИЛМИНИНГ УСТАСИ»
номли ажойиб нишоннинг
соҳиби бўлди.**

Жуда қулай ўтирибсизми, қадрли китобхон? Юмшоқ креслода, иссиқ уйда? Лекин ишончингиз комил бўлсин, Сизни ўрнингиздан қўзғатиш ва ҳаракат қилишга мажбурлаш учун мен нафақат кучимни, ўттиз ийллик маҳоратимни ҳам ишга соламан.

Қанақа ҳаракат деб сўрарсиз?

Жуда оддий: шунчаки соғлом, бой-бадавлат, баҳти, орзулари ушалган шахсга айланишингиз учун ҳаракат. Ожиз томонларини таниб, улар устидан ғалаба қозониш ва кучли томонларни ривожлантириш...

Яна иккинчи ярми деб аталмиш жуфти ҳалолини излаб топиш!

Яъни ўта муваффақиятли, ўта тенги йўқ ва ўта баҳтли бўлиш.

Жаҳон ғөстиғлари

**МИРЗАКАРИМ
НОРБЕКОВ**

**ТЕНТАКНИНГ
ТАЖРИБАСИ 1**

Дар тарбияни таъмин сарф



Мирзакарим Норбековнинг «Тентакнинг тажрибаси» китобини ўқиган ҳар бир ўқувчи қўзойнагидан халос бўлади деб ваъда берган эди. У ўз ваъдасининг устидан чиқди.

Айнан шу сабабли ҳам «Тентакнинг тажрибаси» китобини дунё бўйлаб 40 миллионга яқин ўқувчи харид қилган.

**Ушбу китоб бугунги
кунда 16 тилга
таржима қилинган.**

ISBN 978-9943-4598-8-5



9 789943 459885